

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

Дефектология йўналиши

**“МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРНИ
ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ”
модули бўйича**

ЎКУВ –УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тошкент - 2016

**Мазкур ўқув-услугий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг
2016 йил 6 апрелидаги 137-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа
ва дастур асосида тайёрланди.**

Тузувчилар: Низомий номли ТДПУ, п.ф.н., доц. М.Аюпова,
п.ф.н., доц. Ш.Амирсаидова

Тақризчи: Гейделберг педагогика университети (Германия),
профессор. Hans-Werner Huneke.

***Ўқув-услугий мажмуа ТДПУ Кенгашининг 2016 йил 29 августдаги
1/3.8-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.***

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУРИ	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	16
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР	30
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ.....	160
V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	211
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ	219
VII. ГЛОССАРИЙ.....	222
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	230

1. ИШЧИ ДАСТУРИ

Кириш

12

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади. Дастур мазмуни олий таълимнинг Махсус педагогика фанлари ғоялари, назариялари, гипотезалари, қонуниятлари ва тамойиллари, дефектолог кадрлар тайёрлашнинг долзарб муаммолари ҳамда ҳуқуқий-меъёрий ташкилий асослари, дефектология фанларни ўқитишда модулли таълим технологиясидан фойдаланишнинг дидактик асослари, дефектология фанларини ўқитишда инновацион технологияларга асосланган маъруза машғулотларини лойиҳалаш, дефектология фанларини ўқитишда инновацион технологияларга асосланган семинар, амалий машғулотларини лойиҳалаш, махсус фанларни ўқитишда ўқитувчи ва талабаларнинг педагогик мулоқоти, табаларнинг илмий тадқиқот фаолиятига раҳбарлик қилиш ва инклюзив таълимнинг жорий этилиш муаммолари баён этишни назарда тутди.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси” модулининг мақсади: тингловчиларни педагогик фаолиятга назарий ва касбий тайёргарликни таъминлаш ва янгилаш, касбий компетентликни ривожлантириш асосида таълим-тарбия жараёнларини самарали ташкил этиш ва бошқариш бўйича билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштиришдан иборат қаратилган.

“Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси” модулининг вазифаси: тингловчиларни педагогик кадрлар тайёргарлигига қўйиладиган талаблар, таълим ва тарбия ҳақидаги ҳужжатлар, илғор таълим технологияларининг долзарб муаммолари ва замонавий концепциялари, педагогик маҳорат асослари, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойиҳалаш, ахборот хавфсизлиги, педагог кадрларнинг малакасини ошириш сифатини баҳолаш ишлари мазмунини ўрганишга йўналтиришдан иборат.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчилар:

Тингловчи:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, таълим соҳасида давлат сиёсати ва бошқа қонунчилик ҳамда ҳукукий-меъёрий ҳужжатларни;
- “Таълим тўғрисида”ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва бошқа қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши, моҳияти ва аҳамиятини;
- мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини;
- таълим тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини;
- таълим тизимида мулоқот ва коммуникатив жараёнларнинг шакл ва қонуниятларини;
- педагогик жараёнлар қонуниятлари ва шахсни ўқитиш, тарбиялаш, ривожлантиришнинг замонавий назарияси ва технологияларини;
- таълим соҳасидаги инновацияларни;
- жамиятни ва таълимни ахборотлаштириш технологияларини;
- мутахассислик фанларини ўқитишдаги илғор хорижий тажрибаларни;
- Махсус педагогиканинг тараққиёт йўналишлари ва инновацияларини;
- Дефектология (махсус педагогика) фанларини ўқитишда замонавий ёндашувларни;
- Педагогик квалиметрия **билимларга** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- ўқув-услугий фаолиятни таълимлаштиришнинг самарали шакл, метод ва воситалари, инновацион таълим технологияларини амалиётга татбиқ этиш, электрон таълим ресурсларини яратиш, илғор тажрибаларни ўзлаштириш ва ўқитиш амалиётида кенг қўллаш, ижодкорлик **кўникма ва малакаларига эга бўлиши зарур**;
- олий таълим муассасаларидаги ўқув жараёнларни лайихалаштириш, режалаштириш ва самарали ташкил этиш **компетенцияларини эгаллаши** лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Мутахассислик фанларни ўқитиш методикаси” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

-маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

-ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий хужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усуллари қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Модул мазмуни ўқув режадаги “Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари”, “Инновацион таълим технологиялари”, “Педагогик компетентлик ва креативлик асослари” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда тингловчиларнинг соҳага оид компетентлик даражасини ривожлантиришга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар таълим сифатини ошириш, ўқув-тарбия жараёнини модернизациялашда инновацияларнинг ўрни ва уларни мақсадли йўналтиришга оид зарурий билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштирадilar ҳамда олий таълим муассасаси амалиётига кенг татбиқ этадилар.

Модул бўйича соатлар тақсимооти:

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат				
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкламаси			Мустақил таълим
			Жами	жумладан		
				Назарий	Амалий машғулот	
1.	Махсус педагогика фанлари ғоялари, назариялари, гипотезалари, қонуниятлари ва тамойиллари	2		2		
2.	Дефектолог кадрлар тайёрлашнинг долзарб муаммолари ҳамда ҳуқуқий- меъёрий ташкилий асослари	2		2		
3.	Дефектология фанларни ўқитишда модулли таълим технологиясидан фойдаланишнинг дидактик асослари	2		2		
4.	Дефектология фанларини ўқитишда инновацион технологияларга асосланган маъруза машғулотларини лойиҳалаш	2		2		

5.	Дефектология фанларини ўқитишда инновацион технологияларга асосланган семинар, амалий машғулотларини лойиҳалаш	2		2		
6.	Махсус фанларни ўқитишда ўқитувчи ва талабаларнинг педагогик мулоқоти.	2		2		
7.	Талабаларнинг илмий тадқиқот фаолиятига раҳбарлик қилиш	2		2		
8.	Инклюзив таълимнинг жорий этилиш муаммолари	2		2		
9.	Дефектологлар тайёрлашнинг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларидан ДТС ва ўқув режани таҳлил қилиш	4			2	2
10.	Дефектологлар тайёрлашнинг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларидан фан дастури ва ишчи фан дастурларини таҳлил қилиш	2			2	
11.	Дефектология фанларини ўқитишда инновацион технологияларга асосланган маъруза машғулотларни лойиҳалаш ишларини бажариш	2			2	
12.	Дефектология фанларини ўқитишда инновацион технологияларга асосланган семинар, амалий машғулотларни лойиҳалаш ишларини бажариш	2			2	
13.	Дефектология фанларини ўқитишда ўқув ахборотини қайта ишлаш, муаммоли савол, кейс-стади топшириқлари	4			2	2
14.	Дефектология фанларини ўқитишда талабалар мустақил таълимини ташкил этиш бўйича методик тавсиялар тайёрлаш	2			2	
15.	Олий таълим муассасасида педагогик мулоқотнинг ўрни	2			2	

16.	Курс иши, битирув малакавий иши, магистрлик диссертациясининг узвийлигини таъминлаш	2			2	
17.	Педагогик назорат функциялари ва уни ўтказишга талаблар	2			2	
18.	Педагогик назорат турлари ва уни ташкил қилиш шакллари	2			2	
19.	Дефектология фанларини ўқитишда талабаларнинг билимларини объектив баҳолаш мезонлари	2			2	
20.	Дефектология фанларини ўқитишнинг дидактик таъминотини яратиш	2			2	
Жами:		44	40	16	24	4

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Дефектология фанлари ғоялари, назариялари, гипотезалар, қонуниятлари ва тамойиллари (2 соат)

Режа:

1. Дефектология фанларининг йўналишлари.
2. Дефектология фанларининг умумдидактик ва махсус тамойиллари.

Махсус педагогиканинг (дефектология) моҳияти, тамойиллари, қонуниятлари, фаннинг мақсади, шакл, метод, воситалари. Махсус педагогиканинг мустақил соҳаларидаги инновациялар. Марказий нерв системасининг шикастланишида юзага келадиган дизонтогенезларнинг турлари ва нуқсонли болалар хусусиятлари, абилитация ва реабилитация қонуниятлари.

2-мавзу: Дефектолог кадрлар тайёрлашнинг долзарб муаммолари ҳамда ҳуқуқий-меъёрий ташкилий асослари (2 соат)

Режа:

1. Махсус фанларни ўқитишда замонавий ёндошувлар таснифи.
2. Таълим жараёнини такомиллаштириш йўллари ва муаммолари.
3. Дефектологлар тайёрлашнинг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари

тўғрисида” 1533-сонли қарорида ўқув жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни модернизациялаш масалалари ва унинг асосий йўналишлари. Дидактика таълимнинг назарий жиҳатлари: таълим жараёнининг моҳияти, тамойиллари, қонуниятлари, ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти мазмуни, таълим мақсади, шакл, метод, воситалари, натижаси, таълим жараёнини такомиллаштириш йўллари ва муаммолари.

3-мавзу: Дефектология фанларни ўқитишда модулли таълим технологиясидан фойдаланишнинг дидактик асослари. (2 соат)

Режа:

1. Дефектология фанларни ўқитишда модулли ёндошувни ташкил этиш муаммолари. Модулли ўқитиш тизимининг ўзига хос хусусиятлари.
2. Дидактик мақсадлар мажмуаси, хусусий дидактик мақсадларни аниқлаш йўллари. Ўқитувчининг тайёргарлиги.
3. Модул дастурининг турлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.
4. Таълим-тарбия жараёнида модулли таълим технологиясидан фойдаланиш.

Дефектология фанларни ўқитишда модулли ёндошувни ташкил этиш муаммолари. Модулли ўқитиш тизимининг ўзига хос хусусиятлари. Дидактик мақсадлар мажмуаси, хусусий дидактик мақсадларни аниқлаш йўллари. Ўқитувчининг тайёргарлиги. Модул дастурининг турлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари. Таълим-тарбия жараёнида модулли таълим технологиясидан фойдаланиш.

4-мавзу: Дефектология фанларини ўқитишда инновацион технологияларга асосланган маъруза машғулотларини лойиҳалаш. (2 соат)

Режа:

1. Дефектология фанларини ўқитишнинг ташкил этиш шакллари.
2. Дефектология фанларини ўқитишда инновацион технологияларга асосланган маъруза машғулотларни лойиҳалаш ва педагогик фаолиятда қўллаш.
3. Дидактик ўйинли технологияларнинг дефектология (махсус педагогика) фанларини ўқитишдаги ўрни.

Дефектология (махсус педагогика) фанларини ўқитишда педагогик ва ахборот технологияларни ишлаб чиқиш. Дидактик ўйинли технологияларнинг дефектология (махсус педагогика) фанларини ўқитишдаги ўрни. Таълим тизимида билим, кўникма ва малакаларнинг тўлиқ ўзлаштирилишини таъминлаш. Дефектология (махсус педагогика) фанларини ўқитишда инновацион технологияларга асосланган маъруза машғулотларини лойиҳалаш ва педагогик фаолиятда қўллаш.

5-мавзу: Дефектология фанларини ўқитишда инновацион технологияларга асосланган семинар, амалий машғулотларини лойиҳалаш. (2 соат)

Режа:

1. Мутахассислик фанларини ўқитишда семинар машғулотларини ташкил этиш шакллари, машғулотларни лойиҳалаш ва педагогик фаолиятда қўллаш.
2. Мутахассислик фанларини ўқитишда амалий ва лабаратор машғулотларини ташкил этиш шакллари, машғулотларни лойиҳалаш ва педагогик фаолиятда қўллаш.

Дефектология (махсус педагогика) фанларини ўқитишда педагогик ва ахборот технологияларни ишлаб чиқиш. Дидактик ўйинли технологияларнинг дефектология (махсус педагогика) фанларини ўқитишдаги ўрни. Таълим тизимида билим, кўникма ва малакаларнинг тўлиқ ўзлаштирилишини таъминлаш. Дефектология (махсус педагогика) фанларини ўқитишда инновацион технологияларга асосланган семинар, амалий машғулотларини лойиҳалаш ва педагогик фаолиятда қўллаш.

6-мавзу: Махсус фанларни ўқитишда ўқитувчи ва талабаларнинг педагогик мулоқоти. (2 соат)

Режа:

1. Педагогик мулоқот моҳияти ва педагогик мулоқот турлари.
2. Педагогик мулоқот услублари ва педагогик мулоқот моделлари.

Педагогик мулоқот педагогик жараёни амалга оширишнинг асосий шакли. Педагогик мулоқотнинг моҳияти ва унинг вазифалари. Педагогик мулоқот турлари. Педагогик мулоқот босқичлари педагогик жараён мантикига мос келади, муайян, ғояни амалга ошириш, таҳлил қилиш ва баҳолашни ўз ичига олади. Шунга кўра, педагогик мулоқотнинг прогностик босқичи, педагогик мулоқотнинг бошланғич босқичи, педагогик мулоқотнинг бошқариш босқичи, педагогик мулоқотнинг якунловчи босқичи фарқланади.

7-Маъруза: Табаларнинг илмий тадқиқотчилик фаолиятига раҳбарлик қилиш (2 соат)

Режа:

1. Табаларнинг илмий тадқиқотчилик ишларининг мақсад, вазифалари ва ташкилий шакллари.
2. Табаларнинг илмий тадқиқотчилик фаолиятига раҳбарлик қилиш.

Илмий тадқиқотчилик Табаларнинг илмий тадқиқотчилик ишларининг мақсад, вазифалари ва ташкилий шакллари. Табаларнинг илмий тадқиқотчилик

фаолиятига раҳбарлик қилиш. Реферат, курс иши, Битирув малакавий иш ва диссертацияларни тайёрлашдан иборат.

8-мавзу: Инклюзив таълимнинг жорий этилиш муаммолари (2 соат)

Режа:

1. Инклюзив таълим тушунчаси. Инклюзив таълимнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари.

2. Ўзбекистонга инклюзив таълимнинг кириб келиши. Инклюзив таълимнинг тадбиқ этишдаги тўсиқлар ва муаммо.

Инклюзив таълим тушунчаси. Инклюзив таълимнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари. Ўзбекистонга инклюзив таълимнинг кириб келиши. Инклюзив таълимнинг тадбиқ этишдаги тўсиқлар ва муаммо. Инклюзив таълим самарадорлигини оширишнинг баъзи бир хусусиятлари

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот:

Дефектологлар тайёрлашнинг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларидан ДТС ва ўқув режани таҳлил қилиш.

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ таълим сифати Давлат таълим стандартлари (ДТС) билан таъминланиши. Дефектология таълим йўналиши бакалавр босқичи ДТСларини таҳлил этиш.

2. ДТС асосида ўқув режаларини таҳлил этиш.

3. Ўқув режалари асосида яратилган фан дастурларини ўрганиш ва таҳлил этиш.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ таълим сифати Давлат таълим стандартлари (ДТС) билан таъминланиши. ДТС асосида ўқув режаларини ишлаб чиқиш. Ўқув режалари асосида фан дастурларининг яратилиши. Фан дастурлари асосида дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг яратилиши. Дефектологлар тайёрлашнинг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг яратилишида узвийликни таъминланиши.

2-амалий машғулот:

Дефектологлар тайёрлашнинг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларидан фан дастури ва ишчи фан дастурларини таҳлил қилиш.

1. Ўқув режалари асосида яратилган фан дастурларини ўрганиш ва таҳлил этиш.

2. Фан дастурлари асосида яратилган ишчи фан дастурларини ўрганиш ва таҳлил этиш.

Ўқув режалари асосида фан дастурларининг яратилиши. Фан дастурлари асосида дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг яратилиши.

Дефектологлар тайёрлашнинг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг яратилишида узвийликни таъминланиши.

3-амалий машғулот:

Дефектология фанларини ўқитишда инновацион технологияларга асосланган маъруза машғулотларни лойиҳалаш ишларини бажариш.

1. Дефектология фанларини ўқитишнинг ташкил этиш шакллари.
2. Дефектология фанларини ўқитишда инновацион технологияларга асосланган маъруза машғулотларни лойиҳалаш. Педагогик фаолиятда кузатиш ва таҳлил этиш.

Дефектология (махсус педагогика) фанларини ўқитишда педагогик ва ахборот технологияларни ишлаб чиқиш. Дидактик ўйинли технологияларнинг дефектология (махсус педагогика) фанларини ўқитишдаги ўрни. Таълим тизимида билим, кўникма ва малакаларнинг тўлиқ ўзлаштирилишини таъминлаш. Дефектология (махсус педагогика) фанларини ўқитишда инновацион технологияларга асосланган маъруза машғулотларни лойиҳалаш. Педагогик фаолиятда кузатиш ва таҳлил этиш.

4-амалий машғулот:

Дефектология фанларини ўқитишда инновацион технологияларга асосланган семинар, амалий машғулотларни лойиҳалаш ишларини бажариш.

1. Дефектология фанларини ўқитишнинг ташкил этиш шакллари.
2. Дефектология фанларини ўқитишда инновацион технологияларга асосланган амалий ва семинар машғулотларни лойиҳалаш. Педагогик фаолиятда кузатиш ва таҳлил этиш.

Дефектология (махсус педагогика) фанларини ўқитишда педагогик ва ахборот технологияларни ишлаб чиқиш. Дидактик ўйинли технологияларнинг дефектология (махсус педагогика) фанларини ўқитишдаги ўрни. Таълим тизимида билим, кўникма ва малакаларнинг тўлиқ ўзлаштирилишини таъминлаш. Дефектология (махсус педагогика) фанларини ўқитишда инновацион технологияларга асосланган семинар, амалий машғулотларни лойиҳалаш. Педагогик фаолиятда кузатиш ва таҳлил этиш.

5-амалий машғулот:

Дефектология фанларини ўқитишда ўқув ахборотини қайта ишлаш, муаммоли савол, кейс-стади топшириқлари .

1. Дефектология фанларини ўқитишда ўқув ахборотини қайта ишлаш.
2. Дефектология фанларини ўқитишда муаммоли саволлар ва кейс-стади топшириқлари.

Дефектология (махсус педагогика) фанларини ўқитишда ўқув ахборотини қайта ишлаш (конструкциялаш), муаммоли савол, кейс-стади топшириқлари.

Ўқитиш жараёнида таълим-тарбиянинг узвийлигини таъминлаш, талабаларда ижтимоий фаоллик, онглиликни таркиб топтириш.

6-амалий машғулот:

Дефектология фанларини ўқитишда талабалар мустақил таълимини ташкил этиш бўйича методик тавсиялар тайёрлаш.

1. Талабалар мустақил ишларини ташкилий шакллари ва уни бажарилиш ҳамда назорат қилиш механизми.

2. Талабаларнинг мустақил ишларини илимий тадқиқотчилик фаолиятига йўналтириш механизми.

3. Талабаларнинг мустақил ишлари ва уларни таҳлил этиш.

Талабалар мустақил ишларини ташкилий шакллари ва уни бажарилиш ҳамда назорат қилиш механизми. Талабаларнинг мустақил ишларини илимий тадқиқотчилик фаолиятига йўналтириш механизми. Талабаларнинг мустақил ишлари ва уларни таҳлил этиш. Дефектология фанларини ўқитишда талабалар мустақил таълимини ташкил этиш бўйича методик тавсиялар тайёрлаш

7-амалий машғулот:

Олий таълим муассасасида педагогик мулоқотнинг ўрни

1. Педагогик мулоқот мазмуни ва тузилиши.

2. Педагогик мулоқот омил ва хусусиятлари.

Педагогик мулоқотнинг ўзига хос хусусиятлари. Педагогик мулоқот мазмуни ва тузилиши. Бошловчи – эргашувчи ўзаро муносабатлари; таълим олувчининг ҳамкорлигига муносабатлар.

8-амалий машғулот:

Курс иши, битирув малакавий иши, магистрлик диссертациясининг узвийлигини таъминлаш .

1. Курс ишини амалий фаолиятда лойиҳалаш.

2. Битирув малакавий ишни амалий фаолиятда лойиҳалаш.

3. Курс иши, битирув малакавий иши, магистрлик диссертациясининг узвийлигини таъминланганлик ҳолатини амалий фаолиятда ўрганиш ва таҳлил этиш.

Курс ишини амалий фаолиятда лойиҳалаш. Битирув малакавий ишни амалий фаолиятда лойиҳалаш. Курс иши, битирув малакавий иши, магистрлик диссертациясининг узвийлигини таъминланганлик ҳолатини амалий фаолиятда ўрганиш ва таҳлил этиш.

9-амалий машғулот:

Педагогик назорат функциялари ва уни ўтказишга талаблар

1. Педагогик назоратнинг таълим жараёнидаги вазифалари.

2. Педагогик назорат функциялари.

3. Педагогик назоратга қўйилган талаблар.

Педагогик назорат – таълим ва тарбия натижаларини илмий асосланган тарзда текшириш тизими. Педагогик назоратнинг таълим жараёнидаги вазифалари. Педагогик назорат функциялари. Педагогик назоратга қўйилган талаблар.

10-амалий машғулоти:

Педагогик назорат турлари ва уни ташкил қилиш шакллари

1. Педагогик назорат турлари.
2. Педагогик назоратни ташкил қилиш шакллари.

Педагогик назорат турлари: дастлабки назорат, жорий назорат, оралик назорат, якуний назорат. Педагогик назоратни ташкил қилиш шакллари: сўров, тест, амалий топшириқлар, коллеквиум.

11-амалий машғулоти:

Дефектология фанларини ўқитишда талабаларнинг билимларини объектив баҳолаш мезонлари.

1. Педагогик назорат-таълим-тарбия натижаларини илмий асосланган тарзда текшириш тизими эканлиги.
2. Педагогик назоратнинг таълим жараёнидаги функциялари.
3. Педагогик назорат турлари ва уни ташкил қилиш шакллари.
4. Рейтинг баҳолаш.

Педагогик назорат-таълим-тарбия натижаларини илмий асосланган тарзда текшириш тизими эканлиги. Педагогик назоратнинг таълим жараёнидаги функциялари. Педагогик назорат турлари ва уни ташкил қилиш шакллари. Рейтинг баҳолаш. Дефектология (махсус педагогика) фанларини ўқитишда талабаларнинг билимларини объектив баҳолаш механизмларини, рейтинг назоратда қўллашга қаратилган дидактик воситалар: стандарт ва ностандарт ўқув ва тест топшириқлари мажмуасини ишлаб чиқиш.

12-амалий машғулоти:

Дефектология фанларини ўқитишнинг дидактик таъминотини яратиш .

1. Дефектология (махсус педагогика) фанларини ўқитишнинг дидактик таъминотини яратиш.
2. Дефектология (махсус педагогика) фанларидан дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар, электрон дарсликлар, портфолио, ўқув курсининг электрон-таълим ресурсларини ва силлабусини яратиш.

Дефектология (махсус педагогика) фанларини ўқитишнинг дидактик таъминотини яратиш. Дефектология (махсус педагогика) фанларидан дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар, электрон дарсликлар, портфолио, ўқув курсининг электрон-таълим ресурсларини ва силлабусини яратиш.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

№	Баҳолаш турлари	Максимал балл	Баллар
1	Кейс топшириқлари	2.5	1.2 балл
2	Мустақил иш топшириқлари		0.5 балл
3	Тест топшириқлар		0.8 балл

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

Ҳозирги вақтда таълим жараёнида ўқитишнинг замонавий методлари кенг қўлланилмоқда. Ўқитишнинг замонавий методларини қўллаш ўқитиш жараёнида юқори самарадорликка эришишга олиб келади. Таълим методларини танлашда ҳар бир дарснинг дидактик вазифасидан келиб чиқиб танлаш мақсадга мувофиқ саналади.

Анъанавий дарс шаклини сақлаб қолган ҳолда, унга турли-туман таълим олувчилар фаолиятини фаоллаштирадиган методлар билан бойитиш таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражасининг кўтарилишига олиб келади. Бунинг учун дарс жараёни оқилона ташкил қилиниши, таълим берувчи томонидан таълим олувчиларнинг қизиқишини орттириб, уларнинг таълим жараёнида фаоллиги муттасил рағбатлантирилиб турилиши, ўқув материални кичик-кичик бўлақларга бўлиб, уларнинг мазмунини очишда ақлий ҳужум, кичик гуруҳларда ишлаш, баҳс-мунозара, муаммоли вазият, йўналтирувчи матн, лойиҳа, ролли ўйинлар каби методларни қўллаш ва таълим олувчиларни амалий машқларни мустақил бажаришга ундаш талаб этилади.

Бу методларни интерфаол ёки интерактив методлар деб ҳам аташади. **Интерфаол методлар** деганда-таълим олувчиларни фаоллаштирувчи ва мустақил фикрлашга ундовчи, таълим жараёнининг марказида таълим олувчи бўлган методлар тушунилади. Бу методлар қўлланилганда таълим берувчи таълим олувчини фаол иштирок этишга чорлайди. Таълим олувчи бутун жараён давомида иштирок этади. Таълим олувчи марказда бўлган ёндошувнинг фойдали жиҳатлари қуйидагиларда намоён бўлади:

- таълим самараси юқорироқ бўлган ўқиш-ўрганиш;
- таълим олувчининг юқори даражада рағбатлантирилиши;
- илгари орттирилган билимнинг ҳам эътиборга олинishi;
- ўқиш шиддатини таълим олувчининг эҳтиёжига мувофиқлаштирилиши;
- таълим олувчининг ташаббускорлиги ва масъулиятининг қўллаб-қувватланиши;
- амалда бажариш орқали ўрганилиши;
- икки тарафлама фикр-мулоҳазаларга шароит яратилиши.

“Ақлий ҳужум” методи - бирор муаммо бўйича таълим олувчилар томонидан билдирилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келинадиган методдир. “Ақлий ҳужум” методининг ёзма ва оғзаки шакллари мавжуд. Оғзаки шаклида таълим берувчи томонидан берилган саволга таълим олувчиларнинг ҳар бири ўз фикрини оғзаки билдиради. Таълим олувчилар ўз жавобларини аниқ ва қисқа тарзда баён этадилар. Ёзма шаклида эса берилган саволга таълим олувчилар ўз жавобларини қоғоз карточкаларга қисқа ва барчага кўринарли тарзда ёзадилар. Жавоблар доскага (магнитлар ёрдамида) ёки «пинборд» доскасига (игналар ёрдамида) маҳкамланади. “Ақлий ҳужум” методининг ёзма шаклида жавобларни маълум белгилар бўйича

гуруҳлаб чиқиш имконияти мавжуддир. Ушбу метод тўғри ва ижобий қўлланилганда шахсни эркин, ижодий ва ностандарт фикрлашга ўргатади.

“Ақлий ҳужум” методидан фойдаланилганда таълим олувчиларнинг барчасини жалб этиш имконияти бўлади, шу жумладан таълим олувчиларда мулоқот қилиш ва мунозара олиб бориш маданияти шаклланади. Таълим олувчилар ўз фикрини фақат оғзаки эмас, балки ёзма равишда баён этиш маҳорати, мантикий ва тизимли фикр юритиш кўникмаси ривожланади. Билдирилган фикрлар баҳоланмаслиги таълим олувчиларда турли ғоялар шаклланишига олиб келади. Бу метод таълим олувчиларда ижодий тафаккурни ривожлантириш учун хизмат қилади.

“Ақлий ҳужум” методи таълим берувчи томонидан қўйилган мақсадга қараб амалга оширилади:

1. Таълим олувчиларнинг бошланғич билимларини аниқлаш мақсад қилиб қўйилганда, бу метод дарснинг мавзуга кириш қисмида амалга оширилади.

2. Мавзуни такрорлаш ёки бир мавзуни кейинги мавзу билан боғлаш мақсад қилиб қўйилганда –янги мавзуга ўтиш қисмида амалга оширилади.

3. Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш мақсад қилиб қўйилганда-мавзудан сўнг, дарснинг мустаҳкамлаш қисмида амалга оширилади.


“Ақлий ҳужум” методини қўллашдаги асосий қоидалар:

1. Билдирилган фикр-ғоялар муҳокама қилинмайди ва баҳоланмайди.

2. Билдирилган ҳар қандай фикр-ғоялар, улар ҳатто тўғри бўлмаса ҳам инобатга олинади.

3. Ҳар бир таълим олувчи қатнашиши шарт.

Қуйида “Ақлий ҳужум” методининг тузилмаси келтирилган.



“Ақлий ҳужум” методининг тузилмаси

“Ақлий ҳужум” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Таълим олувчиларга савол ташланади ва уларга шу савол бўйича ўз жавобларини (фикр, ғоя ва мулоҳаза) билдиришларини сўралади;

2. Таълим оловчилар савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришади;

3. Таълим оловчиларнинг фикр-ғоялари (магнитофонга, видеотасмага, рангли

қоғозларга ёки доскага) тўпланади;

4. Фикр-ғоялар маълум белгилар бўйича гуруҳланади;

5. Юқорида қўйилган саволга аниқ ва тўғри жавоб танлаб олинади.

“Ақлий ҳужум” методининг афзалликлари:

- натижалар баҳоланмаслиги таълим оловчиларда турли фикр-ғояларнинг шаклланишига олиб келади;

- таълим оловчиларнинг барчаси иштирок этади;

- фикр-ғоялар визуаллаштирилиб борилади;

- таълим оловчиларнинг бошланғич билимларини текшириб кўриш имконияти мавжуд;

- таълим оловчиларда мавзуга қизиқиш уйғотади.

“Ақлий ҳужум” методининг камчиликлари:

- таълим берувчи томонидан саволни тўғри қўя олмаслик;

- таълим берувчидан юқори даражада эшитиш қобилиятининг талаб этилиши.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методи - таълим оловчиларни фаоллаштириш мақсадида уларни кичик гуруҳларга ажратган ҳолда ўқув материални ўрганиш ёки берилган топшириқни бажаришга қаратилган дарсдаги ижодий иш.

Ушбу метод қўлланилганда таълим оловчи кичик гуруҳларда ишлаб, дарсда фаол иштирок этиш ҳуқуқига, бошловчи ролида бўлишга, бир-биридан ўрганишга ва турли нуқтаи- назарларни қадрлаш имконига эга бўлади.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методи қўлланилганда таълим берувчи бошқа интерфаол методларга қараганда вақтни тежаш имкониятига эга бўлади. Чунки таълим берувчи бир вақтнинг ўзида барча таълим оловчиларни мавзуга жалб эта олади ва баҳолай олади. Қуйида “Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг тузилмаси келтирилган (2.8-чизма).



“Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг тузилмаси

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Фаолият йўналиши аниқланади. Мавзу бўйича бир-бирига боғлиқ бўлган масалалар белгиланади.
2. Кичик гуруҳлар белгиланади. Таълим олувчилар гуруҳларга 3-6 кишидан бўлинишлари мумкин.
3. Кичик гуруҳлар топшириқни бажаришга киришадилар.
4. Таълим берувчи томонидан аниқ кўрсатмалар берилади ва йўналтириб турилади.
5. Кичик гуруҳлар тақдимот қиладилар.
6. Бажарилган топшириқлар муҳокама ва таҳлил қилинади.
7. Кичик гуруҳлар баҳоланади.

«Кичик гуруҳларда ишлаш» методининг афзаллиги:

- ўқитиш мазмунини яхши ўзлаштиришга олиб келади;
- мулоқотга киришиш кўникмасининг такомиллашишига олиб келади;
- вақтни тежаш имконияти мавжуд;
- барча таълим олувчилар жалб этилади;


- ўз-ўзини ва гуруҳлараро баҳолаш имконияти мавжуд бўлади.

«Кичик гуруҳларда ишлаш» методининг камчиликлари:

- баъзи кичик гуруҳларда кучсиз таълим олувчилар бўлганлиги сабабли кучли таълим олувчиларнинг ҳам паст баҳо олиш эҳтимоли бор;
- барча таълим олувчиларни назорат қилиш имконияти паст бўлади;
- гуруҳлараро ўзаро салбий рақобатлар пайдо бўлиб қолиши мумкин;
- гуруҳ ичида ўзаро низо пайдо бўлиши мумкин.

“Давра суҳбати” методи – айлана стол атрофида берилган муаммо ёки саволлар юзасидан таълим олувчилар томонидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш орқали олиб бориладиган ўқитиш методидир.


“Давра суҳбати” методи қўлланилганда стол-стулларни доира шаклида жойлаштириш керак. Бу ҳар бир таълим олувчининг бир-бири билан “кўз алоқаси”ни ўрнатиб туришига ёрдам беради. Давра суҳбатининг оғзаки ва ёзма шакллари мавжуддир. Оғзаки давра суҳбатида таълим берувчи мавзунини бошлаб беради ва таълим олувчилардан ушбу савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўрайди ва айлана бўйлаб ҳар бир таълим олувчи ўз фикр-мулоҳазаларини оғзаки баён этадилар. Сўзлаётган таълим олувчини барча диққат билан тинглайди, агар муҳокама қилиш лозим бўлса, барча фикр-мулоҳазалар тингланиб бўлингандан сўнг муҳокама қилинади. Бу эса таълим олувчиларнинг мустақил фикрлашига ва нутқ маданиятининг ривожланишига ёрдам беради.



Давра столининг тузилмаси

Ёзма давра суҳбатида ҳам стол-стуллар айлана шаклида жойлаштирилиб, ҳар бир таълим олувчига конверт қоғози берилади. Ҳар бир таълим олувчи конверт устига маълум бир мавзу бўйича ўз саволини беради ва “Жавоб варақаси”нинг бирига ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди. Шундан сўнг конвертнинг соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим олувчига узатади.

Конвертни олган таълим олувчи ўз жавобини “Жавоблар варақаси”нинг бирига ёзиб, конверт ичига солиб қўяди ва ёнидаги таълим олувчига узатади. Барча конвертлар айлана бўйлаб ҳаракатланади. Якуний қисмда барча конвертлар йиғиб олиниб, таҳлил қилинади. Қуйида “Давра суҳбати” методининг тузилмаси келтирилган



“Давра суҳбати” методининг тузилмаси

“Давра суҳбати” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Машғулот мавзуси эълон қилинади.
2. Таълим берувчи таълим олувчиларни машғулотни ўтказиш тартиби билан таништиради.
3. Ҳар бир таълим олувчига биттадан конверт ва жавоблар ёзиш учун гуруҳда неча таълим олувчи бўлса, шунчадан “Жавоблар варақалари”ни тарқатилиб, ҳар бир жавобни ёзиш учун ажратилган вақт белгилаб қўйилади. Таълим олувчи конвертга ва “Жавоблар варақалари”га ўз исми-шарифини ёзади.
4. Таълим олувчи конверт устига мавзу бўйича ўз саволини ёзади ва “Жавоблар варақаси”га ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди.
5. Конвертга савол ёзган таълим олувчи конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим олувчига узатади.
6. Конвертни олган таълим олувчи конверт устидаги саволга “Жавоблар варақалари”дан бирига жавоб ёзади ва конверт ичига солиб қўяди ҳамда ёнидаги таълим олувчига узатади.

7. Конверт давра столи бўйлаб айланиб, яна савол ёзган таълим олувчининг ўзига қайтиб келади. Савол ёзган таълим олувчи конвертдаги “Жавоблар варақалари”ни баҳолайди.

8. Барча конвертлар йиғиб олинади ва таҳлил қилинади.

Ушбу метод орқали таълим олувчилар берилган мавзу бўйича ўзларининг билимларини қисқа ва аниқ ифода эта оладилар. Бундан ташқари ушбу метод орқали таълим олувчиларни муайян мавзу бўйича баҳолаш имконияти яратилади. Бунда таълим олувчилар ўзлари берган саволларига гуруҳдаги бошқа таълим олувчилар берган жавобларини баҳолашлари ва таълим берувчи ҳам таълим олувчиларни объектив баҳолаши мумкин.

“Давра суҳбати” методининг афзалликлари:

- ўтилган материалнинг яхши эсда қолишига ёрдам беради;
- барча таълим олувчилар иштирок этадилар;
- ҳар бир таълим олувчи ўзининг баҳолаши масъулиятини ҳис этади;
- ўз фикрини эркин ифода этиш учун имконият яратилади.

“Давра суҳбати” методининг камчиликлари:

- кўп вақт талаб этилади;
- таълим берувчининг ўзи ҳам ривожланган фикрлаш қобилиятига эга бўлиши талаб этилади;
- таълим олувчиларнинг билим даражасига мос ва қизиқарли бўлган мавзу танлаш талаб этилади.

“Ролли ўйин” методи - таълим олувчилар томонидан ҳаётий вазиятнинг ҳар хил шарт-шароитларини саҳналаштириш орқали кўрсатиб берувчи методдир.

Ролли ўйинларнинг ишбоп ўйинлардан фарқли томони баҳолашнинг олиб бориладигандир. Шу билан бирга “Ролли ўйин” методида таълим олувчилар таълим берувчи томонидан ишлаб чиқилган сценарийдаги ролларни ижро этиш билан кифояланишса, “Ишбоп ўйин” методида роль ижро этувчилар маълум вазиятда қандай вазифаларни бажариш лозимлигини мустақил равишда ўзлари ҳал этадилар.

Ролли ўйинда ҳам ишбоп ўйин каби муаммони ечиш бўйича иштирокчиларнинг биргаликда фаол иш олиб боришлари йўлга қўйилган. Ролли ўйинлар таълим олувчиларда шахслараро муомала малакасини шакллантиради.

“Ролли ўйин” методида таълим берувчи таълим олувчилар ҳақида олдиндан маълумотга эга бўлиши лозим. Чунки ролларни ўйнашда ҳар бир таълим олувчининг индивидуал характери, хулқ-атвори муҳим аҳамият касб этади. Танланган мавзулар таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражасига мос келиши керак. Ролли ўйинлар ўқув жараёнида таълим олувчиларда

мотивацияни шакллантиришга ёрдам беради. Қуйида “Ролли ўйин” методининг тузилмаси келтирилган.



“Ролли ўйин” методининг тузилмаси

“Ролли ўйин” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Таълим берувчи мавзу бўйича ўйиннинг мақсад ва натижаларини белгилайди ҳамда ролли ўйин сценарийсини ишлаб чиқади.
2. Ўйиннинг мақсад ва вазифалари тушунтирилади.
3. Ўйиннинг мақсадидан келиб чиқиб, ролларни тақсимлайди.
4. Таълим олувчилар ўз ролларини ижро этадилар. Бошқа таълим олувчилар уларни кузатиб турадилар.
5. Ўйин якунида таълим олувчилардан улар ижро этган ролни яна қандай ижро этиш мумкинлигини изоҳлашга имконият берилади. Кузатувчи бўлган таълим олувчилар ўз якуний мулоҳазаларини билдирадилар ва ўйинга хулоса қилинади.

Ушбу методни қўллаш учун сценарий таълим берувчи томонидан ишлаб чиқилади. Баъзи ҳолларда таълим олувчиларни ҳам сценарий ишлаб чиқишга жалб этиш мумкин. Бу таълим олувчиларнинг мотивациясини ва ижодий изланувчанлигини оширишга ёрдам беради. Сценарий махсус фан бўйича ўтилатган мавзуга мос равишда, ҳаётда юз берадиган баъзи бир ҳолатларни ёритиши керак. Таълим олувчилар ушбу ролли ўйин кўринишидан сўнг ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, керакли хулоса чиқаришлари лозим.

“Ролли ўйин” методининг афзаллик томонлари:

- ўқув жараёнида таълим олувчиларда мотивация (қизиқиш)ни шакллантиришга ёрдам беради;
- таълим олувчиларда шахслараро муомала малакасини шакллантиради;
- назарий билимларни амалиётда қўллаш олишни ўргатади;
- таълим олувчиларда берилган вазиятни таҳлил қилиш малакаси шаклланади.

“Ролли ўйин” методининг камчилик томонлари:

- кўп вақт талаб этилади;
- таълим берувчидан катта тайёргарликни талаб этади;
- таълим олувчиларнинг ўйинга тайёргарлиги турлича бўлиши мумкин;
- барча таълим олувчиларга роллар тақсимланмай қолиши мумкин.

“Баҳс-мунозара” методи - бирор мавзу бўйича таълим олувчилар билан ўзаро баҳс, фикр алмашинув тарзида ўтказиладиган ўқитиш методидир.

Ҳар қандай мавзу ва муаммолар мавжуд билимлар ва тажрибалар асосида муҳокама қилиниши назарда тутилган ҳолда ушбу метод қўлланилади. Баҳс-мунозарани бошқариб бориш вазифасини таълим олувчиларнинг бирига топшириши ёки таълим берувчининг ўзи олиб бориши мумкин. Баҳс-мунозарани эркин ҳолатда олиб бориш ва ҳар бир таълим олувчини мунозарага жалб этишга ҳаракат қилиш лозим. Ушбу метод олиб борилаётганда таълим олувчилар орасида пайдо бўладиган низоларни дарҳол бартараф этишга ҳаракат қилиш керак.

“Баҳс-мунозара” методини ўтказишда қуйидаги қоидаларга амал қилиш керак:

- барча таълим олувчилар иштирок этиши учун имконият яратиш;
- “ўнг қўл” қоида (қўлини кўтариб, руҳсат олгандан сўнг сўзлаш)га риоя қилиш;
- фикр-ғояларни тинглаш маданияти;
- билдирилган фикр-ғояларнинг такрорланмаслиги;
- бир-бирларига ўзаро ҳурмат.

Қуйида “Баҳс-мунозара” методини ўтказиш тузилмаси берилган.



“Баҳс-мунозара” методининг тузилмаси

“Баҳс-мунозара” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Таълим берувчи мунозара мавзусини танлайди ва шунга доир саволлар ишлаб чиқади.

2. Таълим берувчи таълим олувчиларга муаммо бўйича савол беради ва уларни мунозарага таклиф этади.

3. Таълим берувчи берилган саволга билдирилган жавобларни, яъни турли ғоя ва фикрларни ёзиб боради ёки бу вазифани бажариш учун таълим олувчилардан бирини котиб этиб тайинлайди. Бу босқичда таълим берувчи таълим олувчиларга ўз фикрларини эркин билдиришларига шароит яратиб беради.

4. Таълим берувчи таълим олувчилар билан биргаликда билдирилган фикр ва ғояларни гуруҳларга ажратади, умумлаштиради ва таҳлил қилади.

5. Таҳлил натижасида қўйилган муаммонинг энг мақбул ечими танланади.

“Баҳс-мунозара” методининг афзалликлари:


- таълим олувчиларни мустақил фикрлашга ундайди;
- таълим олувчилар ўз фикрининг тўғрилигини исботлашга ҳаракат қилишига имконият яратилади;
- таълим олувчиларда тинглаш ва таҳлил қилиш қобилиятининг ривожланишига ёрдам беради.

“Баҳс-мунозара” методининг камчиликлари:

- таълим берувчидан юксак бошқариш маҳоратини талаб этади;
- таълим олувчиларнинг билим даражасига мос ва қизиқарли бўлган мавзу танлаш талаб этилади.

“Муаммоли вазият” методи - таълим олувчиларда муаммоли вазиятларнинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ечимини топиш бўйича кўникмаларини шакллантиришга қаратилган методдир.

“Муаммоли вазият” методи учун танланган муаммонинг мураккаблиги таълим олувчиларнинг билим даражаларига мос келиши керак. Улар қўйилган муаммонинг ечимини топишга қодир бўлишлари керак, акс ҳолда ечимни топа олмагач, таълим олувчиларнинг қизиқишлари сўнишига, ўзларига бўлган ишончларининг йўқолишига олиб келади. «Муаммоли вазият» методи қўлланилганда таълим олувчилар мустақил фикр юритишни, муаммонинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилишни, унинг ечимини топишни ўрганадилар. Қуйида “Муаммоли вазият” методининг тузилмаси келтирилган.



“Муаммоли вазият” методининг тузилмаси

“Муаммоли вазият” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Таълим берувчи мавзу бўйича муаммоли вазиятни танлайди, мақсад ва вазифаларни аниқлайди. Таълим берувчи таълим олувчиларга муаммони баён қилади.
2. Таълим берувчи таълим олувчиларни топшириқнинг мақсад, вазифалари ва шартлари билан таништиради.
3. Таълим берувчи таълим олувчиларни кичик гуруҳларга ажратади.
4. Кичик гуруҳлар берилган муаммоли вазиятни ўрганадилар. Муаммонинг келиб чиқиш сабабларини аниқлайдилар ва ҳар бир гуруҳ тақдимот қилади. Барча тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.
5. Бу босқичда берилган вақт мобайнида муаммонинг оқибатлари тўғрисида фикр-мулоҳазаларини тақдимот қиладилар. Тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.
6. Муаммони ечишнинг турли имкониятларини муҳокама қиладилар, уларни таҳлил қиладилар. Муаммоли вазиятни ечиш йўллари ишлаб чиқадиладар.
7. Кичик гуруҳлар муаммоли вазиятнинг ечими бўйича тақдимот қиладилар ва ўз вариантларини таклиф этадилар.

8. Барча тақдимотдан сўнг бир хил ечимлар жамланади. Гуруҳ таълим берувчи билан биргаликда муаммоли вазиятни ечиш йўлларининг энг мақбул вариантларини танлаб олади.

“Муаммоли вазият” методининг афзалликлари:

- таълим олувчиларда мустақил фикрлаш қобилиятларини шакллантиради;
- таълим олувчилар муаммонинг сабаб, оқибат ва ечимларни топишни ўрганадилар;
- таълим олувчиларнинг билим ва қобилиятларини баҳолаш учун яхши имконият яратилади;
- таълим олувчилар фикр ва натижаларни таҳлил қилишни ўрганадилар.


“Муаммоли вазият” методининг камчиликлари:

- таълим олувчиларда юқори мотивация талаб этилади;
- қўйилган муаммо таълим олувчиларнинг билим даражасига мос келиши керак;
- кўп вақт талаб этилади.

“Лойиҳа” методи - бу таълим олувчиларнинг индивидуал ёки гуруҳларда белгиланган вақт давомида, белгиланган мавзу бўйича ахборот йиғиш, тадқиқот ўтказиш ва амалга ошириш ишларини олиб боришидир. Бу методда таълим олувчилар режалаштириш, қарор қабул қилиш, амалга ошириш, текшириш ва хулоса чиқариш ва натижаларни баҳолаш жараёнларида иштирок этадилар. Лойиҳа ишлаб чиқиш якка тартибда ёки гуруҳий бўлиши мумкин, лекин ҳар бир лойиҳа ўқув гуруҳининг биргаликдаги фаолиятининг мувофиқлаштирилган натижасидир. Бу жараёнда таълим олувчининг вазифаси белгиланган вақт ичида янги маҳсулотни ишлаб чиқиш ёки бошқа бир топшириқнинг ечимини топишдан иборат. Таълим олувчилар нуқтаи-назаридан топшириқ мураккаб бўлиши ва у таълим олувчилардан мавжуд билимларини бошқа вазиятларда қўллай олишни талаб қиладиган топшириқ бўлиши керак.

Лойиҳа ўрганишга хизмат қилиши, назарий билимларни амалиётга тадбиқ этиши, таълим олувчилар томонидан мустақил режалаштириш, ташкиллаштириш ва амалга ошириш имкониятини ярата оладиган бўлиши керак.

Қуйидаги чизмада “Лойиха” методининг босқичлари келтирилган.



“Лойиха” методининг босқичлари

“Лойиха” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Муҳандис-педагог лойиха иши бўйича топшириқларни ишлаб чиқади. Таълим олувчилар мустақил равишда дарслик, схемалар, тарқатма материаллар асосида топшириққа оид маълумотлар йиғади.

2. Таълим олувчилар мустақил равишда иш режасини ишлаб чиқади. Иш режасида таълим олувчилар иш босқичларини, уларга ажратилган вақт ва технологик кетма-кетлигини, материал, асбоб-ускуналарни режалаштиришлари лозим.

3. Кичик гуруҳлар иш режаларини тақдимот қиладилар. Таълим олувчилар иш режасига асосан топшириқни бажариш бўйича қарор қабул қиладилар. Таълим олувчилар муҳандис-педагог билан биргаликда қабул қилинган қарорлар бўйича эришиладиган натижаларни муҳокама қилишади. Бунда ҳар хил қарорлар таққосланиб, энг мақбул вариант танлаб олинади. Муҳандис-педагог таълим олувчилар билан биргаликда “Баҳолаш варақаси”ни ишлаб чиқади.

4. Таълим олувчилар топшириқни иш режаси асосида мустақил равишда амалга оширадилар. Улар индивидуал ёки кичик гуруҳларда ишлашлари мумкин.

5. Таълим олувчилар иш натижаларини ўзларини текширадилар. Бундан ташқари кичик гуруҳлар бир-бирларининг иш натижаларини текширишга ҳам жалб этиладилар. Текширув натижаларини “Баҳолаш варақаси”да қайд этилади. Таълим олувчи ёки кичик гуруҳлар ҳисобот берадилар. Иш якуни қуйидаги шаклларнинг бирида ҳисобот қилинади: оғзаки

ҳисобот; материалларни намоиш қилиш орқали ҳисобот; лойиҳа кўринишидаги ёзма ҳисобот.

6. Муҳандис-педагог ва таълим оловчилар иш жараёнини ва натижаларни биргаликда якуний суҳбат давомида таҳлил қилишади. Ўқув амалиёти машғулотларида эришилган кўрсаткичларни меъёрий кўрсаткичлар билан таққослайди. Агарда меъёрий кўрсаткичларга эриша олинмаган бўлса, унинг сабаблари аниқланади.

Муҳандис-педагог “Лойиҳа” методини қўллаши учун топшириқларни ишлаб чиқиши, лойиҳа ишини дарс режасига киритиши, топшириқни таълим оловчиларнинг имкониятларига мослаштириб, уларни лойиҳа иши билан таништириши, лойиҳалаш жараёнини кузатиб туриши ва топшириқни мустақил бажара олишларини таъминланиши лозим.

“Лойиҳа” методини амалга оширишнинг уч хил шакли мавжуд:

- якка тартибдаги иш;
- кичик гуруҳий иш;
- жамоа иши.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу: Дефектология фанлари ғоялари, назариялари, гипотезалар, қонуниятлари ва тамойиллари.

Режа:

1. Дефектология фанларининг йўналишлари
2. Дефектология фанларининг умумдидактик ва махсус тамойиллари

Таянч иборалар: гипотеза, назария, тамойил, қонуният, олигофренопедагогика, тифлопедагогика, сурдопедагогика, логопедия, эндоген, экзоген, руҳий ривожланиши сустлашган.

1.1. Дефектология фанларининг йўналишлари

Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими миллий таълим моделининг муҳим таркибий қисми сифатида таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрлари томонидан янги маълумотларни, янги билим, янги кўникма ва малакаларни олишнинг бош манбаси ҳисобланади, шунинг учун ҳам, айнан мазкур тизим, маълум маънода, таълим тизими ходимларининг соҳада амалга оширилаётган модернизация жараёнларига тайёрлиги учун масъул ва шу боис унга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг бугунги кунда ҳам долзарб бўлган “... бугун фарзандларимизга кимлар таълим-тарбия бераётгани, педагогик кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими қандай ташкил этилаётгани ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу масала умумий ўрта ва ўрта махсус таълимни ислоҳ қилиш тизимининг энг долзарб вазифаси бўлмоғи зарур”¹, - деган фикрлари педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга берилаётган эътиборнинг қай даражада муҳим эканлигини намоён қилиб турибди.

Мустақил ривожланиш даврида мамлакатимизда ушбу тизимнинг муваффақиятли фаолият кўрсатиши учун барча шароитлар яратилгани таълим соҳасида қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган. Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимига мажбурий талаблар қўйилди; тизим таркибига кирувчи бўлинмаларнинг вазифалари белгилаб берилди; қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг тур ва шакллари келтирилди; педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни ва сифатига умумий талаблар билан бирга ўқув юкламаси ҳажми ва педагог кадрлар тайёргарлиги савиясига талаблар белгиланди.

Дефектология фанларининг йўналишлари.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” талаблари асосида имконияти чекланган болаларга таълим – тарбия беришнинг асосий мақсади ёш авлодни истиқлол ғоялари

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси.

асосида соғлом, ҳар томонлама ривожланган шахс сифатида тарбиялаш ва мактаб таълимига таёрлашдан иборатдир.

XXI аср бутун дунёда, жумладан, Республикамизда бола ҳуқуқларини тўла таъминлашга эришиш асри. Чунки дунё жамоатчилигининг эзгу орзуси ва истаги болалар, уларнинг келажаги учун барча шароитни муҳаё этишдир. Мустақилликдан сўнг қабул қилинган қатор қонунлар, “Таълим тўғрисида”, “Ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида” Қонунлари, Вазирлар маҳкамасининг 433-қарори, “2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури”, “2001-2006 йилларга мўлжалланган Ногиронларни тиббий- ижтимоий реабилитация қилиш Дастури”.

Ҳар бир инсон фарзандининг тўқис бўлиши, унинг камолини кўриш орзусида яшайди, лекин турли сабабларга кўра бунга эришолмаганлар ҳам бор. Махсус таълим тизимида “аномал”, “нуқсонли”, “ақли заиф” каби атамалари ўрнига “алоҳида эътиборга муҳтож”, “ақлий ривожланишида муаммолари бўлган”, “ривожланишида четга чиқишлари мавжуд” атамаларининг кириб келиши бундай болаларнинг абилитация, реабилитация, коррекция, ижтимоий ҳаётга мослашувлари ва интеграциялашув(уйғунлашув)лари масалаларига бўлган муносабатларнинг ўзгаришига олиб келди.

Ақлий ривожланишида муаммолари бўлган болалар мактаб, мактаб-интернати ўқув-тарбия жараёнига қўйилаётган янги талаблар у ерда фаолият кўрсатаётган педагоглар олдига қатор вазифаларни қўймоқда-ки, бу энг аввало, уларнинг таълим-тарбия жараёнига янгича ёндашишларини тақозо этишда намоён бўлмоқда. Махсус таълим ходимлари томонидан амалга оширилаётган фаолиятга қўйилаётган талабларни ёритиш аввалида ушбу тур мактаб, мактаб-интернатлари ўқувчилари таркиби, муассасага қўйилаётган замонавий талаблар ҳақида тўхталиб ўтилиши ўринли саналади.

Ўзбекистон узлуксиз таълим тизими олдига турган муҳим вазифалардан бири ёшлар онгига ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришнинг аҳамияти, моҳиятини сингдиришдир. Шундай давлатнинг келажаги ёшлар қўлида эканлиги ва бу ёшлар давлат томонидан қўйилаётган талабларга тўлиқ жавоб бериши эса таълим ходимларининг касбий салоҳияти ва ўз касбини қай даражада эъзозлашига боғлиқдир. Демак, таълим тизими ходимлари замон билан ҳамнафас яшаши ва фаолият юритиши талаб этилмоқда. Бунинг учун тегишли хужжатлар моҳиятини тўлиқ англаши, унинг ижросида бевосита шахсий хиссасини қўшиши муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов ўз маърузасида жумладан шундай деди: “... **бизнинг энг катта таянч ва суянчимиз, ҳал қилувчи кучимиз ёш авлодимиздир.**

Шу боис ёшларнинг нафакат жисмонан балки, ақлан ҳамда маънан соғлоим, ҳар томонлама етук ёшларни тарбиялаш олдимизда турган вазифадир. Айнан ушбу вазифаларни ҳал қилишда ногиронликнинг олдини олиш амалиёти билан боғлаган ҳолда таҳлил қиладиган бўлсак, қуйидаги саволнинг ечимида том маъно борлиги аниқланади. Қандай инсонлар

ўзгаришлар, бунёдкорлик ишларига маънавий жиҳатдан тайёр бўлиб етишидаи? Яъни барча эзгу ўй, фикрлар дебочаси соғлиқ масаласига бориб тақалади. Айнан мана шу савол ўзгаришлар, кескин ривожланишлар даврида ногиронликнинг олдини олиш масаласининг муҳим ижтимоий аҳамиятга эгаллигига тавсиф беради. Ўз ва ўзгалар, яқинлари, оила аъзолари соғлиги ҳақида қайғурадиган инсонлар ўз олдига қўйган мақсади сари собитқадам ташлайди ва ўз оиласи ва халқи манфаатини ўйлайди. Аҳолини, жумладан ёшларни ўзгаришларга тайёр, ёт ғояларга оғишмайдиган қилиб тайёрлашда ногиронликнинг олдини олиш масалаларини чуқур ўрганиш халқ таълими тизимида муҳим аҳамиятга эгадир.

Махсус педагогиканинг асосий вазифаларидан бири болаларнинг умумий ривожланишини фаоллаштиришдан, ривожланишнинг умумий таълим даражасини ошириш учун махсус шарт-шароитлар яратишдан иборатдир.

Махсус педагогика нуқсонли болалар таълими, тарбияси ва улар тараққийётидаги рухий, жисмоний нуқсонларни коррекцияловчи фан сифатида юзага келди. Махсус педагогика инсон ҳақидаги фанлар билан, айниқса, умумий педагогика, умумий психология, махсус психология, анатомия, физиология фанлари билан узвий боғлиқ бўлиб, унинг қонуниятларига таянади. Махсус педагогиканинг асосий мақсади болаларга билим бериш, коррекцион-тарбиявий ишларни амалага ошириш, меҳнат фаолиятига, ижтимоий ҳаётга тайёрлашдан иборат. Юқоридаги мақсад ва вазифаларни амалга оширишда махсус педагогика ўзининг бир нечта тармоқларига таянади.

Махсус педагогиканинг тармоқлари қуйидагилар:

Олигофренопедагогика - ақли заиф болаларга махсус таълим тарбия билан шуғулланувчи фандир;

Тифлопедагогика- Кўр ва кўзи ожиз болаларга махсус таълим тарбия билан шуғулланувчи фандир

Сурдопедагогика (Кар ва эшитишда нуқсонли бор болаларга махсус таълим тарбия билан шуғулланувчи фандир)

Логопедия - нутқида нуқсонли бор болаларга махсус таълим тарбия билан шуғулланувчи фандир)

Олигофренопедагогика - ақли заиф болаларни тарбиялаш ва ўқитиш ҳақидаги фан бўлиб, дефектологиянинг бир қисmini ташкил этади. Бош миyaning органик бузилиши натижасида билиш фаолияти турғун пасайиши келиб чиқади. Натижада ақли заифлик келиб чиқади. Олигофренопедагогика ҳам ўзига хос ривожланиш, шаклланиш тарихига эга. Ақли заиф болалар таълим-тарбияси масалалари билан шуғулланиш ишлари тарихи қарийиб 200 йилдан ошиқдир. Олигофренопедагогика фанининг дастлабки бошланғич даври ақли заифликни ўрганиш, асосан 1926 йилларга тўғри келади. Олигофренопедагогикага Л.С.Выготский асос солган. У ақлий нуқсонга эга бўлган болаларга таълим-тарбия беришни назарий ва амалий асослаб берган. Ақли заифликни келтириб чиқарадиган сабаб-оқибатлар хусусиятлари **эндоген**, **экзоген** хусусиятларига эга. Бу касаллик сабаб-оқибати натижасида боланинг билиш фаолиятлари кенг маънода бузилиб, ақлий ривожланиш тезлиги, самарадорлиги пасаяди.

Олигофрения бола туғилганидан кейин ҳам пайдо бўлиши мумкин. Масалан: мия ва унинг пўстлогининг шамоллаши(менингит), марказий нерв системасининг шикастланиши. Насл орқали ҳам ўтади. Ф.Платтер рухий касалликлардан ақли заифликни ажратди. Ж.Эскирол биринчи марта «Ақли заифлик» анатомиясини фанга киритди. Ақли заиф болаларни ўқитиш ва тарбиялаш назариясини юзага келишида Э.Сегеннинг (1812-1880) педагогик фаолияти катта аҳамиятга эга. 1846 йилда ёзган «Ақлий нормал бўлмаган болаларнинг тарбияси, гигиенаси ва ахлоқий давоси» асари олигофренопедагогика фанида катта ютуқ бўлди. Ақли заиф болаларни ўрганиш масаласи алоҳида ўрганишни талаб этадиган мавзулардан биридир. Ақли заифлик деганда меърий рухий ривожланишдан четланиб, ҳақиқий, реал ақлий нуқсонликка олиб келувчи ҳолат тушунилади. Бундай болалар ёрдамчи мактабларда таълим-тарбия оладилар. Таълим жараёнида ақли заиф боланинг тафаккури, нутқи, қизиқишлари ва билиш қобилиятлари ривожланиши билан бирга ахлоқи ҳам ривожланиб боради. Уларда жамоада ўзини тутиш, меҳнатга тўғри муносабатда бўлиш каби фазилатлар вужудга келади.

Кўришида муаммоси бўлган болалар. Тифлопедагогика грекча **тифлос** кўр сўзидан олинган бўлиб, кўришда нуқсони бўлган шахслар таълим-тарбияси ҳақидаги фан. У умуман умумий педагогиканинг қисми ва дефектологиянинг бўлимларидан биридир. Тифлопедагогиканинг табиий илмий асоси И.Сеченов ва И.П.Павловнинг «Олий нерв фаолияти тўғрисидаги» таълимоти саналади. Тифлопедагогика педагогика фан сифатида қуйидаги асосий муаммаларни ҳал қилади:

- кўришда жиддий нуқсони бўлган шахсларни психологик, педагогик ва клиник ўрганиш нуқсонлар мавжуд бўлганда рухий ва жисмоний ривожлантириш ва кўриш функцияси бузилишларини аниқлаш.

- Кўриш ва кўзи ожизларда бузилган ва тўла ривожланмаган функцияларни коррекциялаш ва тиклаш йўллари ва шартлари.

- Шахснинг кўриш фаолиятида турли бузилишлари мавжуд ҳолда шаклланиши ва ҳар томонлама ривожлантириш шартларини ўрганиш, фан асосларига ўргатиш, политехник меҳнат ва касб тайёргарлиги.

- Кўр ва кўзи ожизларни ўқитиш ва тарбиялаш учун махсус муассасалар типлари ва структурасини белгилаш.

- Кўришда нуқсони бўлгани шахсларнинг билим имкониятларини кенгайтириш, уларни ўқитиш ва жамиятда меҳнатга тайёрлаш самарадорлигини имконини берадиган махсус техник воситаларни яратиш.

- Тўла қонли бўлмаган кўришни муҳофазалаш ва ривожлантириш бўйича гигиеник тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш.

- Таълим-тарбия ва касб тайёргарлиги учун биноларни лойиҳалашга алоҳида эътибор қаратиш.

- Замонавий тифлопедагогикани ривожлантириш, нуқсонларни олдини олиш ва тугатиш йўллари компенсациялаш.

Даволаш ва тиклаш ишлари мактаб-интернатларда окулист раҳбарлигида амалга оширилади. Педагог ва тарбиячилар ҳам врач тавсияларини ўз вақтида бажаришга ёрдам берадилар. Кўзойнак ва бошқа оптик кўрувчи

коррекцияловчи воситаларни тавсия қилиш даволаш ишининг асоси хисобланади. Педагог ва тарбиячилар болаларни кўзойнаклардан шифокор тавсия этганидек тўғри фойдаланишларини назорат қилади. кўзойнакни оправасини (қолипи) тўғри танлаш муҳим рол ўйнайди. У юз хажмини қорачиклари орасидаги масофага мос тушиши шарт, кулоқларни, бурунларни қисмаслиги лозим.

Кўр ва заиф кўрувчи болаларни меҳнатга ва мустақил ҳаётга тайёрлашда махсус машғулотларнинг ўрни катта. Даволовчи жисмоний тарбия. Фазода мўлжалга олиш. Даволовчи жисмоний тарбия машқлари орқали турли касалликларни амалиётда даволаш чора-тадбирларини қўлланувчи жисмоний маданият воситалари тўплами хисобланади. Фазода мўлжалга олиш кўришда нуқсонни бор инсоннинг муҳим катта эҳтиёжи хисобланади. мўлжалга олишга ўргатиш, болаларни боғча ёки мактаб атрофида эркин мўлжал олишга ўргатади. Бу қанча эрта бошланса яхши натижа беради.

Эшитишида муаммолари бўлган болалар

Нутқ - мураккаб рухий фаолиятдир. У рухий жараёнларнинг таркиб топишига ва боланинг умуман барқомол бўлиб ўсишига катта таъсир кўрсатади. Нутқ эшитув органлари воситаси билан идрок этишга асосланган бўлиб, атрофдагиларга тақлид этиш йўли билан ривожланиб боради. Оғзаки нутқнинг шаклланишида эшитув анализатори, нутқни ҳаракатга келтирувчи анализатор иштирок этади. Нутқни ҳаракатга келтирувчи анализатор эшитув анализатори билан маҳкам боғланган ҳолда ишлайди, эшитиш анализаторининг ривожланиш даражаси эса кўп жиҳатдан талаффузга боғлиқ.

Бола нутқининг ўсиб бориши товушлар талаффузи, физиологик ва фонематик эшитишнинг камол топиб бориш даражаси билангина ҳарактерланиб қолмай, балки энг муҳим - ўз нутқи ва атрофидагилар нутқидаги сўзларнинг тузилишини, товуш таркибини фарқлай олиш қобилияти билан ҳам ҳарактерланади. Сўз таркибини англаб олишдан иборат бу қобилият грамматик ва лексик компонентларнинг ривожланишида ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Иккала сигнал тизими, шунингдек, идрок билан сўзнинг ўзаро алоқада бўлиши ақлий ривожланишнинг асосини ташкил этади

Дефектологларнинг (Т.А. Власова, Р.М. Боскис, Д.В. Нейман ва бошқаларнинг) берган маълумотларига кўра, эшитишида нуқсонлари бор болаларнинг ривожланиш даражаси шу нуқсоннинг бола ҳаётининг қайси даврда пайдо бўлганлигига ва оғир – енгиллигига боғлиқ. Сурдопедагогикада эшитишда нуқсонлари бор болалар **кар, заиф эшитувчи, кейинчалик заиф эшитувчи бўлиб қолган болалар** Гуруҳига бўлиб ўрганилади. Туғма ҳали тили чиқмаган гудаклик даврида иккала кулоқнинг мутлақо эшитмаслиги кар - соқовликка олиб келади. Эшитиш қобилиятининг қисман бузилиши натижасида нутқий нуқсонга учраган болалар заиф эшитувчи болалар Гуруҳига киритилади. Нутқий ривожланиб, шаклланиб олгандан сўнг яхши эшитмайдиган бўлиб қолган болалар кейинчалик заиф эшитувчи бўлиб қолганлар Гуруҳига киради. Бу нуқсон нутқ таркиб топганидан сўнг вужудга келса ҳам, кулоқдаги нуқсон туфайли эшитишда хос камчиликлар бўлаверади.

Турғун эшитиш нуқсонлари келиб чиқиш сабабларига кўра **туғма** ва **оттирилган** бўлиши мумкин.

Кар - соқов болаларнинг 25% - 30% да эшитиш нуқсонлари туғма бўлади. Бунга сабаб: онанинг хомиладорлик даврида турли касалликлар, масалан, грипп билан касалланиши, ота - оналарнинг ичкилик ичиб туришлари, онанинг хомиладорлик даврида билар - билмас дори - дармонларни истеъмол қилишлари (айниқса стептомитсин, хинин сингари дориларни), хомиланинг шикасланишлари; ирсият, генетик факторлар (кулоқ тузилишларидаги патологик ўзгаришлар бўлиши, масалан, эшитиш йўли атрофиясининг битуви).

Эшитишдаги орттирилган нуқсонлар кулоқ ёки эшитиш анологизаторларининг тузилишидаги камчиликлардан келиб чиқиши мумкин. Бунга олий нерв маркази, ўтказувчи йўллар ёки кулоқнинг ўзидаги ўзгаришлар сабаб бўлади. Боланинг илк ёшида отит, параотит (тепки), менингит, менингоинсифалит, қизамиқ, қизилча, грипп касалликлари билан касалланиши баъзи ҳолларда кар- соқов ёки турли даражалардаги заиф эшитишга олиб келиши мумкин. Ҳозирги кунда экология масалаларининг кенг ўрганилиши эшитиш нуқсонларининг олдини олишда ҳам катта аҳамиятга эга. Эшитиш анологизаторларига турли захарли кимёвий дорилар жуда кучли таъсир этиб айнақса анологизаторнинг ўтказувчи нервларини ишдан чиқаради, натижада бола яхши эшита олмайдиган бўлиб қолади.

Эшитиш нуқсонларига эга бўлмаган болалар аномал болалар категориясига киради, чунки бу нуқсон боланинг умуман ривожланиб, камол топиб боришига, дастур материалларини ўзлаштиришига салбий таъсир кўрсатади.

Эшитиш нуқсонлари бор болалар махсус шароитда, махсус усуллар билан ўқитилиши ва тарбияланиши керак. Эшитиш нуқсонларининг енгил даражалари ҳам болани ҳар томонлама ривожланишига таъсир кўрсатади, боғча ва мактаб дастурларининг ўзлаштиришда бир қатор ўзига хос қийинчиликлар келиб чиқишига сабаб бўлади.

Боланинг эшитиш қобилияти нутқи ривожлангандан сўнг масалан, икки ёшида йўқолганида ҳам, карлик натижасида бола атрофдагилар нутқини эшитмайди ва хаттоки билганларини ҳам аста – секин унутади, боладаги карлик билан соқовлик қўшилиб у кар – соқов бўлиб қолади. Болага ўз вақтида махсус ёрдам кўрсатилмаса, унда ақли заифлик белгилари ҳам пайдо бўлади. Бироқ нуқсоннинг ўрни тўлдирилиб, бошқарувчи жараёнларни активлаштирувчи махсус педагогик коррекцион шароит боладаги нуқсонларни бартараф этади, уларни ҳам нутқий ривожланишини, ҳам умумий, ақлий ривожланишини таъминлайди.

Заиф эшитувчи болалар учун махсус ташкил этилган мактабгача тарбия муассасаси ҳамда мактаб-интернатда барча зарур шарт-шароитлар мавжуд. Махсус муассасалардаги тарбиячи ва ўқитувчилар бундай болаларнинг тегишли таълим – тарбия олишларига ёрдам беришлари керак.

Юқорида қайд этилганидек, сурдопедагогикада эшитиш қобилияти заиф болаларга кар – соқов, туғма ҳамда кейинчалик заиф эшитувчи бўлиб қолган болалар киради. Заиф эшитувчи болалар ўз навбатида эшитиш қобилиятининг

нечоғлик бузилганига қараб енгил, ўртача ва оғир даражали камчилиги бор болаларга бўлинади. Енгил даражадаги заиф эшитувчи болалар овози билан гапирилган нутқни 6 – 8 метр масофадан овоз чиқармай, шивирлаб гапирилган гапни қулоқ супрасидан 3 – 6 метрмасофадан эшитади. Ўрта даражадаги қулоғи оғир болалар овоз чиқариб гапирилган гапни 4 – 6 метр, овозсиз шивирлаб гапирилган гапни 1-3 метрмасофадан эшитади. Оғир даражадаги заиф эшитувчи болалар ўрта меъёردа овоз билан гапирилган гапни қулоқ супрасидан 2 метр, шивирлаб гапирилган гапни 0,5 метрмасофадан эшитади холос.

Қулоғи оғирлик натижасида бола нутқида бир қатор камчиликлар кузатилади: луғатининг камбағал бўлиши, грамматик компонент ривожланмаган – гап ичида сўзларни ташлаб кетиш, сўзларни нотўғри эшитиш, уларни ўзаро боғлай олмаслик, келишиқ, сўз ясовчи, сўз ўзгартирувчи қўшимчаларни ишлата олмаслик; товушларни нотўғри талаффуз қилиш – ўхшаш, жарангли-жарангсиз ундошларни бир бири билан адаштириш, тушириб кетиш ва бошқалар шулар жумласидандир.

Бола нутқидаги камчиликларнинг келиб чиқиш сабабларини билмаслик орқасида айрим тарбиячи ва ўқитувчилар болани дангаса, маъсулиятсиз, безори деб, унга нотўғри муносабатда бўладилар, натижада бола инжиқ, йиғлоқи, сержахл, гап ўтмас бўлиб қолади, яъни унда иккиламчи рухий ўзгаришлар пайдо бўлади.

Енгил даражадаги заиф эшитувчи болалар соғлом тенгдошлари каторида оммавий мактабгача тарбия муассасаларида ва мактабда таълим – тарбия олиши мумкин. Бироқ унга алоҳида муносабатда бўлиш, улар учун қулай шарт – шароитлар яратиш талаб этилади.

Узлуксиз таълим тизимида Ўзбекистонда эшитишда нуқсони бўлган болалар учун мактабгача тарбия муассасалари, мактаб ва касб – ҳунар коллежларида махсус Гуруҳлар фаолият кўрсатиб келмоқда. Ушбу тоифадаги болалар учун ташкил этилган мактаб – интернатларда мактабгача тарбия бўлими ҳамда умумтаълим мактаб бўлими мавжуд. Ушбу муассасаларда таълим умумтаълим 9 йиллик таълимнинг давлат талаблари ва дастурлари асосида амалга оширилади.

Эшитиш қобилияти заифлашган болалар билан ишлашда сурдопедагоглар катта ютуқларга эришмоқдалар. Ушбу тоифадаги аномал болалар махсус кечки мактабларда таълим олганларидан кейин олий ўқув юр்தларини ҳам муваффақиятли битириб чиқмоқдалар, мамлакатимизнинг турли корхоналарида ҳамма билан баробар меҳнат қилмоқдалар. Демак, эшитиш нуқсонларини бартараф этиш, тўла компенсациялаш, мумкин. Тарбиячи ва ўқитувчиларнинг асосий вазифалари – соғлом болаларни заиф эшитувчи болалардан ажратиб, уларга алоҳида ёндашиш, зарур бўлса, уларнинг “махсус муассасалар” да таълим – тарбия олишини ёки интеграциялашган таълимга жалб этишни тامينлашдан иборат.

Кар ва заиф эшитувчи ўқувчиларда сўзлашув (оғзаки, ёзма) нутқни шакиллантириш юзасидан дарс ва машғулотларда муайян тизимдаги машқлар асосида ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти ташкил этилади, дидактик воситаларни барча турларини нутқий жараёнга мослай олиш талаб этади. Нутқий

материалларнинг амалий эгалланиши таъминлаш учун махсус содир этилган муаммоли нутукга (гапириш, ёзип тушунтиришга) эҳтиёжини туғдурувчи вазиятлар олдиндан режалаштирилади. Бунда нутқий материаллар фанлар бўйича ўқув дастурларида, режалаштиришларда олдиндан белгиланган бўлади, яъни коррекцион – педагогик жараён муайян тизим асосида амалга оширилади.

Хозирги кунда сурдопедагогикада кар ва заиф эшитувчи болаларнинг махсус таълим билан эрта қамраб олиниши, ривожланиши, коррекция – компенсация қилиниши масалалари долзарбдир.

Рухий ривожланиши сустлашган болалар

Улгурмовчи ўқувчилар орасида рухий ривожланиши сустлашган болалар кам учраб туради. Уларнинг билиш фаолияти-интеллекти мантиқий тафаккур, гидроки, хотираси, ихтиёрий диққати, иш қобилияти ва бошқа хислатларига биринчи ўринда марказий нерв системасининг касалликлари натижасида рухий ривожланиши сустлашади. Бундай болаларда хиссиёт, ирода сферасидаги камчиликлар бирламчи, ақлий заифлик эса иккиламчи ходиса бўлиб ҳисобланади.

Т.А. Власова, М.С. Певзнер, В.И. Лубовский, Т.В. Егорова, К.С. Лебединская, Н.А. Никашина, К.К. Мамедов, Б.В. Шоумаров, Н.А. Спина, Р.Д. Тригер ва бошқа олимларнинг малумотларига кўра бошланғич синф ўқувчиларининг 5,8 фоизини ана шундай болалар ташкил этади.

Рухий ривожланиши сустлашган болалар ақлий даражаси жиҳатидан асосан икки Гуруҳга бўлинади:

1. Енгил нуқсони бор болалар –булар махсус шароитда 1-3 йил талим – тарбия олганларидан кейин ўқишни оммавий мактабнинг тегишли синфда давом эттириши мумкин.

2. Рухий ривожланишида сезиларли даражада орқада қолган болалар – булар мактабни битиргунига қадар махсус шароитда ўқитилиши керак. Бундай болалар мактаб дастурини соғлом тенгдошлари қаторида ўзлаштира олмайди. Рухий ривожланиши сустлашган болаларни оммавий мактабда ҳамма қатори ўқиши талим жараёнига ҳам салбий тасир кўрсатади, яни ўртача ўқувчининг савиясини орқага тортади, яхши ва ало ўзлаштирувчи ўқувчиларни етарли даражада ўстиришга тўсқинлик қилади.

Дастур материалларини яхши ўзлаштира олмаганлиги туфайли рухий ривожланиши сустлашган болалар доим муваффақиятсизликларга учрайверади, бу нарса уларнинг хулқ - аторида аксарият турли салбий хислатлар юзага кегишига сабаб бўлади. Олимлардан К.С. Лебединская, Г.П. Бертон, Е.М. Дунаева, ва бошқалар рухан суст ривожланганликни клиник-психологик жиҳатидан қуйидаги хилларга бўлишни тафсия этадилар: 1) конситуционал шакли; 2) соматоген шакли; 3) психоген шакли; 4) церебрал шакли.

Рухан ривожланиш камчиликларининг баъзи бир шаклларида, болаларни вақти вақти билан махсус психоневрологик санаторияларда даволаш фойдалидир. Санаторияда бола коллектив ишига аста-секинлик билан жалб этилади. Унда чарчаш аломатлари пайдо бўлганда, у ўқув машхулотларидан

вақтинча озод этилади ёки унга соддароқ вазифалар берилади. Санаториядан даволаниб қайтганларидан сўнг, бола ўқишни ўз мактабида давом эттиради.

РРС болалар учун мамлакатимизда махсус мактабгача тарбия муассасалари, мактаб – интернатлар, мактабларда куни узайтирилган синфлар жорий этилган. Ушбу муассасаларда таълим умум ўрта таълим мактаблари ва боғчаларининг дастурлари асосида олиб борилиб, химоялайдиган мулойим даволовчи махсус тартиб ташкил этади. Таълим – тарбиявий ишлар болаларнинг фикрлаш қобилияти диққати, иш қобилияти, хотираси, нутқи ва тафаккуридаги камчиликларни бартараф этишга қаратилган бўлиб, бундай болаларга билим беришда ўқитувчи унинг ўзига хос индивидуал хусусиятларини этиборга олган ҳолда махсус шароитда, махсус усуллар билан ишлайди, тегишли ёрдам ташкил этади.

Ўз вақтида ва тўғри ташкил этилган ёрдам туфайли ушбу тоифадаги алоҳида ёрдамга мухтож болалар кейинчалик яхши ривожланиб кетиб, мактабни битиргач олий ўқув юртларида ҳам муваффақиятли таълим оладилар.

Ҳаракат – таянч аъзолари жароҳатланган болалар

Ҳар қандай ота – она ўз оиласида соғлом фарзандни, жисмонан бакуват, рухий тетик, фикрлаш қобилияти соғлом, иймон – этиқоди бутун, билимли, маънавияти юксак, мард ва жасур, ҳар томонлама камол топишини истайди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ Республикамизда соғлом авлодни тарбиялашга катта эътибор берилмоқда. “Баркамол” авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, бу масалага устувор вазифа деб қаралмоқда. Мустақил ватанимизнинг биринчи ордени “Соғлом авлод учун” деб аталган, “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармасининг тузилганлиги. 2000 йилни “Соғлом авлод йили”, 2001 йилни “Она ва бола йили” деб элон қилинганлиги фикримизнинг далилидир. Президентимиз томонидан “Соғлом авлод” рукунидаги, махсус ёрдамга мухтож бўлган болаларни соғломлаштириш, уларни соғлом кишилар қаторига қўшиш, ижтимоий моддий жиҳатдан химоялаш, меҳнатга, ижтимоий ҳаётга мослаштириш масалаларига доир қатор қарорлар, ҳужжатлар чиқарилмоқда, қабул қилинмоқда.

Республикамизда сўнги пайтларда болаларнинг соғлом туғилишини таъминлаш, аномалияларни олдини олиш ҳамда жисмоний ёки рухий ривожланишда камчиликлари бўлган болаларни эртароқ аниқлаш чора – тадбирлари устида талайгина ишлар амалга оширилмоқда. Бу масалани тез ва самарали ҳал бўлишини таъминлаш мақсадида онанинг хомиладорлик давридан бошлаб, то бола вояга етгунга қадар унинг ривожланиши тиббиёт ходимлари, ўқитувчи ва тарбиячилар, психолог, дефектологлар томонидан назорат қилиниб, “Соғлом авлод” дастурини тўғри амалга оширилишини таъминлаш чора – тадбирлари ишлаб чиқилмоқда, ташкил этилмоқда. Натижада, ҳаракат – таянч аъзолари жароҳатланган болалар ҳам аниқланиб, уларга махсус ёрдам кўрсатилмоқда. Ҳаракат – таянч аъзолари жароҳатланган болаларнинг кўпчилигига ногиронлар аравачалари олиб берилганлиги сабабли, улар боғча ва мактабларга қатнай бошладилар.

Ҳаракат – таянч аъзолари жароҳатланган болалар тсеребрал фалажи, полиомиелит (шол касаллиги асорати), ҳаракат таянч азоларининг турли туғма ва оттирилган деформацияси – артрогрипос, оёқ қўлларнинг мажрухлиги ахондроплазия ёки хондродистрофия – тана, бўйин, бошнинг нормал ривожланаётган бир пайтда туғма оёқ – қўл суяклари ўсишининг орқада қолиши, миёпатия – мушак тўқималарида модда алмашинуви билан боғлиқ бўлган ирсий касалликда мушаклар яхши қисқармайди, киши қўл – оёқни ҳаракатга келтира олмайди.

Ҳаракат - таянч аъзолари жароҳатланган болаларнинг кўпчилигида мия фалажи кузатилади. БСФ (Болалар тсеребрал фалажлиги) касаллиги ҳали етилмаган, шаклланиб бўлмаган миянинг касаллигидир. Онанинг хомиладоарлик даврида маълум касалликлар билан касалланиши, туғилиш вақтидаги патологик ўзгаришлар, туғилгандан то бир ёшгача давр ичида боланинг касалланиши натижасида бош миянинг ҳаракат зоналари шикастланади, унинг натижасида эса миянинг яхлит етилиши кечикади ва бузилади. Оқибатда боланинг умумий ҳамда нутқий моторикаси (ҳаракатчанлиги) фаолияти бузилади. Нутқнинг ривожланмаслиги эса, интеллектуал ривожланишни секинлаштиради. Киши организмининг асосий функциялари – нафас олиш, қон айланиш, ютиниш, тана ҳаракати, нутқий ҳаракатлар ва бошқалар ҳаракат орқали мушакларнинг қисқариш натижасида содир этилади. Ҳаракатлар ихтиёрий ва ихтиёрсиз бўлади. Аниқ мақсадни кўзлаб бажарилган ихтиёрий ҳаракатлар инсон хатти ҳаракати, хиссий – иродавий қобилияти, билиш фаолиятини, хулқнинг шаклланишида асосий рўл ўйнайди.

Мураккаб нуқсонли болалар

Дунёдаги 500 миллион аҳолининг 10% ногиронлардир. Шулар жумласига мураккаб нуқсонли аномал болалар ҳам киради. Мураккабнуқсонли аномал болаларда бир неча нуқсон биргаликда кузатилади. Улар комплексли нуқсонли болалар категорияси деб ҳам номланади. Оналар ва болалар саломатлигини яхшилаш, ногиронликнинг олдини олиш, экологик мувозанатни янада барқарорлаштириш юзасидан мамлакатимизда мустақиллигимизнинг биринчи куниданоқ мунтазам амалий ишлар олиб борилмоқда. Республикада касал болалар туғилиши кўрсаткичи минг аҳолига нисбатан 1991 – йилдаги 34,5 дан 2000 – йилда 21,4 га камайди. Демак, ҳали ҳам бу борада кўпгина ишлар олиб борилиши лозим. Аёллар, айниқса қизлар орасида учрайдиган чекиш, спиртли ичмликлар ичиш, наркотик моддалар қабул қилиш, шифокор маслаҳатисиз дори – дармонлар қабул қилиш, экологик муаммолар ва бошқа ҳолатлар ногирон болалар туғилишига сабаб бўлаётганини ва уни олдини олиш боасида кўпроқ балоғат ёшидаги йигит – қизлар орасида тушунтириш ишлари кенг тарзда олиб борилиши мақсадга мувофиқдир. Олимлар томонидан аниқланган 400 дан ортиқ дори – дармонлар хомила ривожланишига (дастлабки 1 – 2 ойлар) салбий таъсир этади.

Мураккаб нуқсонли махсус ёрдамга мухтож тоифасига қар – кўр - соқов болалар, қар ва ақли заиф, кўр ва олигофрен, ҳаракат – таянч аъзолари жароҳатланган ва кўр ёки ақли заиф ҳамда хоқозолар кирадилар.

Охирги йилларда кўр ва заиф кўрувчи болалар сони анча камайди. Офтоломалогик юутуклар, эрта диагностиканинг янги усулларининг қўлланилиши, кўриш органлари касалликларини даволаш ва коррекция қилиш натижасида махсус мактаб ўқувчиларининг контингенти сезиларли даражада ўзгарди. Кўр болалар нисбатан камайди, аммо заиф кўрувчи болалар сони кўпайди. Уларнинг орасида мактаб дастурини ўзлаштира олмайдиган болалар яққол кўрина бошлади. Комплекс, яъни ҳар томонлама текшириш, ўрганиш натижасида уларнинг кўриш қобилиятининг бузилиши билан бирга олигофрения типигаги ақли заифлик ҳам мавжудлиги аниқланди. Заиф кўрувчи ва ақли заиф бўлган болаларнинг ўқитиш ва тарбиялаш анча мураккаб ва ўзига хосдир. Одатда кўр ва заиф кўрувчи болалар “Брайл” системасида ўқиш ва ёзишни ўрганадилар. Тўғри ташкил этилган таълим натижасида кўр болалар нуқта – рельефли шрифтни тез ўрганиб оладилар. Ақли заиф кўр болаларда бу жараён секин кечади. Бунга бир қанча сабаблар мавжуд бўлиб, марказий нерв системасининг органик шикастланиши натижасида ақли заиф кўр боланинг компенсатор имкониятлари суст бўлади. Махсус ташкил этилган ишлар туфайлигина эшитиш анализаторлари компенсатор вазифасини бажаради. Ақли заиф ўқувчиларнинг тафаккури, тасавури, нутқ фикирлаш қобилитини ривожлантиришда ёрдамчи мактабда кўргазмали куроллардан кенг фойдаланилади. Кўрлар мактабида кўпроқ нутқ сўзга махсус тифлографик кўргазмали куролларга асосланган ҳолда иш юритилса, ақли заиф кўр болалар билан бошқачароқ иш юритилади. Иккала ҳолатда ҳам биринчи новбатда боланинг абстракт тафаккури яхши ривожланган бўлиши керак. Ақли заиф болаларнинг эса билиш фаолияти турғун бузилган бўлади. Ақлан ва заиф кўрувчи болаларнинг таълим тарбиясига махсус ёндашган ҳолда, махсус яратилган тизим асосида ўқитиш ва тарбиялаш лозим.

Мураккаб болалардан эшитиш қобилияти ва ақли заиф болалар биринчи бўлиб ўрганилган эди. Кар ва заиф эшитувчи болаларда иккиламчи ҳодиса сифатида ақлан заифлик кузатилиб борилади. Натижада интелекти соғлом, эшитиш қобилияти заиф болаларни ҳам авли, ҳам эшитиш қобилияти заиф болалардан амалда ажратиш анча мушкул, айниқса илк ёшлик чоғларида. Ҳозирги кунда улар учун дифференциал – диагностик меъзонлар ишлаб чиқилган. Ақли ва эшитиш қобилияти заиф болалар карлар ёки заиф эшитувчи болалар мактаб интернатларининг ёрдамчи синфларида ёрдамчи мактаб дастури бўйича таълим оладилар. Ёрдамчи синфлар кўрлар ва заиф кўрувчи болалар мактаб интернатлари ҳам мавжуд.

Мураккаб нуқсонли болалар тоифасига кўр, кар соқов болалар ҳам киради. Бу тоифадаги болалар нуқсони анча мураккаб. Кар соқов кўр болалар теваарак атрофдан ахборот олиш имкониятидан махрум бўлганлиги туфайли ақлан ривожланмайди. Бироқ махсус ташкил этилган ёрдам туфайли бу болалар тўлиқ интеллектуал ривожланиш имкониятига эгадирлар. Уларга барча мураккаб мулоқат турлари яратилади, нутқи ўстирилади ва улар баркамол нутқдан тортиб, то сўз нутқигача эгаллай оладилар. Бу эса уларнинг ўрта мактаб дастуринини эгаллаб, хатто олий ўқув юртларини ҳам бошқалар қатори битиришларига имкон беради.

Нутқ нуқсонига эга бўлган болалар

Логопедия бу нутқ бузилишлари ҳақидаги махсус таълим ва тарбия воситасида нутқ бузилишларини ўрганиш, тузатиш ва олдини олиш ҳақидаги педагогик фандир. Логопедия нутқ фаолияти бузилишининг сабаблари, механизмлари, аломатлари, оқимлари таркибини ўрганади. Шунинг учун уни махсус педагогика сарасига қўшади. Логопедия термини грекча **логес, пейдео** сўзларидан ташкил топган бўлиб, таржимада тўғри нутқни тарбиялаш маъносини англатади. Фан сифатида логопедия нутқ нуқсонини тузатиш, нутқий фаолияти заифлашган шахсларни ўқитиш ва тарбиялаш жараёни ҳисобланади. Логопедияни ўрганиш объекти нутқ нуқсонига эга бўлган шахс. Адабий тилда қабул қилинган нутқ нормаси билан бир оз бўлса ҳам четга чиқиш-бу нутқ нуқсони деб ҳисобланади.

Замонавий логопедия структураси мактабгача ёшли мактаб болалар логопедияси, ўсмирлар ва катта ёшдагилар логопедиясига бўлинади. Логопедиянинг асосий **мақсади** нутқда нуқсони бор шахсларни ўқитиш, тарбиялаш ва қайта тарбиялашнинг илмий асосланган системасини ишлаб чиқиш, шунингдек нутқ нуқсонининг олдини олишдан иборатдир. Логопедия фани нутқда нуқсони бор болаларнинг шахс сифатида ҳар томонлама ривожлан И.П.Павлов таълимотига мувофиқ нутқ бош миянинг мураккаб психо-физиологик функциясини, унинг иккиламчи сигнал системасини ўзида намоён этади. Биринчи ва иккинчи сигналлар системаси бир-бири билан узвий боғлангандир. Иккинчи сигнал системаси биринчи система асосида шаклланади. Аммо кейинчалик иккинчи сигнал системасининг биринчи сигнал системасига тартибга солувчи таъсири намоён бўлади. Сўз алоҳида хусусиятнинг сигнали, умумлаштириш қуролидир. Биринчи ва иккинчи сигнал системалари орасидаги ўзаро мураккаб алоқаларни ҳисобга олиш нутқ бузилишини тузатиш, бўзилган нутқ ва нутқсиз функцияларнинг ўрнини босиш устида самарали логопедик иш олиб бориш учун имокният яратади.

Нутқ нуқсонлари

Нутқ нуқсони логопедия фанида муайян тилнинг меёрларидан четга чиқиши деб таърифланади. Нутқ нуқсонлари қуйидагича характерланади:

1. Нутқ нуқсони ўз-ўзидан барҳам топмайди, балки вақт ўтган сари янада мустаҳкамланиб боради.
2. Нутқ нуқсони гапирувчининг ёшига мос келмайди
3. Нутқ нуқсонлари бўлган кишилар логопедик ёрдамга мухтож бўлади.
4. Оғир нутқ нуқсони кишининг нафақат нутқига, балки умумий ривожланишига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

1.2. Дефектология фанларининг умумдидактик ва махсус тамойиллар

Махсус таълим тизимида қўлланиладиган хусусий усуллар умумий ўргатиш усуллари билан мустаҳкам боғлиқдир. Махсус таълим жараёни умумий дидактик тамойиллар билан бир қаторда хусусий тамойилларга асосланади. Хусусий тамойиллар имконияти чекланган болаларнинг

индивидуал хусусиятлари, таълимдаги алоҳида эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда танланади. Хусусий тамойиллардан энг асосийлари куйидагилар:

- таълимнинг коррекцион йўналганлиги;
- таълим жараёнининг вазиятбоплиги, ҳаёт билан боғлиқлиги;
- таълимнинг ўқувчи ёши ва имкониятларига мослиги.
- ривожланиш принципини,
- системалилик,
- комплекслилик,
- фаолиятда ёндашув,
- онтогенетик принцип,
- умумдидактик принциплари
- Маълумотларни сифат жиҳатдан таҳлил этиш тамойили

Маълумотларни факат сон жиҳатдан таҳлил қилиш билан чекланмай, балки ҳар қандай топширикни бола томонидан бажарилиш жараёни, унинг хатти-ҳаракатларининг характери (у юл қуйган хатолар тури ва хусусияти, топширикни бажариш жараёнига киришуви, фаоллик даражаси) ҳамда текширув натижаларини сифат жиҳатдан таҳлил этиш ҳам ғоят муҳимдир

Системалилик принципи тил ҳақида мураккаб функционал система тугрисидаги тушунчага таянади. Унинг тузилиш компонентлари узаро ҳамбандчилик алоқаси бўлади. Шу муносабат билан нутқни унинг ривожланиши жараёнларини ва бузилишини тузатишни урганиш нутқ қурилиши системасининг барча компонентларига, барча томонларига таъсир этишини назарда тутати.

Нутқ бузилишларининг ухшаш турларини логопедик ҳулосалаш, табақалаштириб диагностикалаш учун нутқли ва нутқсиз белгиларни, тиббий, психологик, логопедик жиҳатдан текшириш натижаларини, билиш фаолиятининг ривожланиш даражаси ва нутқ ривожланиши нисбатларини нутқ ҳолати ва боланинг сенсомотор ривожланишидаги муҳим жиҳатларни тузатиш нуқтаи назаридан таҳлил қилиш ривожланиш принципига асосланади.

Ривожланиш принципи, шунингдек боланинг яқин ривожланиши доирасидан урин олган маълум вазифалар, қийинчиликлар босқичларни логопедик иш жараёнига ажратишни ҳам кузда тутати.

Нутқи бузилган болаларни текшириш, шунингдек улар билан олиб бориладиган логопедик ишни ташкил қилиш боланинг етакчи фаолиятларини (предметли-амалий, уйин, ташкилий) ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади.

Махсус педагогика фанининг методлари

• эмпирик методлар: обсервацион (кузатиш), экспериментал (лаборатория, табиий, шакилланувчи ёки психологик-педагогик синув), психодиагностик (тестлар, стандартлаштирилган ва ҳаёлий лойиҳалаштирилган, анкеталар, суҳбатлар, интервью) фаолиятини, шунингдек нутқ фаолиятини ҳам таҳлил қилишнинг праксиметрик усуллари, биографик метод (анамнестик маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш).

- олинган маълумотларни миқдор (математик-статистик) ва сифат анализи

киради. Бунда олинган маълумотлар ЭҲМни куллаган холда машинада ишлаб чикилади.

- интерпретацион методлар, услублар, урганилаётган ходисалар уртасидаги алокаларни назарий тадқиқ қилиш усуллари (қисмлар ва бутунлик уртасидаги, алоҳида жиҳатлар ва умуман ходиса уртасидаги, функциялар ва шахс уртасидаги ҳамда бошқа алокалар).

- Тадқиқотнинг объективлигини таъминловчи техник воситалар: компьютер, интонографлар, спектрографлар, назометрлар, видеонутк, фонографлар, спирометр ва бошқа аппаратуралар, шунингдек, бутун нутк фаолияти ва унинг айрим компонентларини динамикада урганишга имкон берувчи рентгенокинофотография, глотография, кинематография, электромиографиялардан кенг фойдаланилади.

Назорат саволлари

1. Дефектология фанларининг йўналишларини айтиб беринг.
2. Дефектология фанларининг илмий-назарий ва методологик асосларини изоҳланг.
3. Дефектология фанларининг умумдидактик ва махсус тамойилларини айтиб беринг.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мўминова Л.Р. ва бошқалар. Махсус психология. -Т.: “Ношир”, 2013 й.
2. Пўлатова П. ва бошқалар. Махсус педагогика. -Т.: “Фан ва технология” нашриёти, 2014 й.
3. Назарова Н.М. Сравнительная специальная педагогика. -М.: «Академия», 2012г.
4. Йўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 2004.
5. Чичерина Я., Нуркелдиева Д., Бондарева Е. Мутахассислик фанларни ўқитиш методикаси. -Т.: Фан ва технологиялар, 2013й.
6. Чичерина Я., Нуркелдиева Д., Бондарева Е. Инновационные подходы в подготовке кадров- дефектологов (монография). -Т.: “Навруз”, 2014 г.

2-мавзу: Дефектолог кадрлар тайёрлашнинг долзарб муаммолари ҳамда ҳуқуқий-меъёрий ташкилий асослари.

Режа:

1. Махсус фанларни ўқитишда замонавий ёндошувлар таснифи.
2. Таълим жараёнини такомиллаштириш йўллари ва муаммолари.
3. Дефектологлар тайёрлашнинг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари.

Таянч иборалар: Давлат ва ижтимоий буюртмалар, замонавий ёндошув турлари, тизимли, модуль, инновацион ва талаба шахсига йўналтирилган ёндошув, олий таълим тизимининг фаолият кўрсатиш принциплари, ўқитиш қонунлари ва принциплари, таълим мазмунининг таркибий қисмлари ва уларни таркиб топтириш босқичлари.

2.1. Махсус фанларни ўқитишда замонавий ёндошувлар таснифи

Маълумки, давлат ва жамият ривожининг ҳар бир босқичи шахс, жамият ва давлатнинг ижтимоий, иқтисодий, илмий-техникавий, маънавий-маърифий ва маданий эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда дидактиканинг тарихий ва мантикий бирликнинг методологик принципига мувофиқ таълим тизими олдига муайян давлат ва ижтимоий буюртмаларни қўяди.

Таълим жараёнини режалаштириш профессор-ўқитувчилар фаолиятининг асосий жиҳатларидан бири бўлиб ҳисобланади. Бунда амалга ошириладиган чора-тадбирлар вакуум остида эмас, балки таълим муассасининг шароитидан келиб чиққан ҳолда бажарилади. Профессор-ўқитувчилардан албатта улар фаолият кўрсатадиган таълим муассасаси маданиятини, ташкилотнинг мақсадини ва дунёқарашини, интилишини, кадриятларини ва характерини тушуниши кутилади. Муассасанинг маданияти ва кадриятлари албатта ўқув дастурига таъсир кўрсатади.

Хориждаги олий таълим муассасаларининг кўпчилиги ўзларининг вазифаларини бажаришда талабаларга муассаса мақсадлари ва битирувчи ўзига хос хислатлари тўғрисида фикрини бериб боради. Мазмунан бу умумий тушунчаларда мазкур университетда таҳсил берилаётган курслар ва дастурлар бўйича талабага кутилаётган натижаларни беради. Ушбу муассаса талаблари албатта махсус фанлар ва фанлараро ўқув дастурларида акс эттирилган ва белгиланган бўлиши лозим.

Масалан, Окленд университетида яхши ҳужжатлаштирилган битирувчи профили мавжуд бўлиб, унда қўйидагилар кўрсатилади:

Окленд университетида бакалавр йўналишида таҳсил олиб битирган талаба юқори даражадаги билимларни эгаллаб, ҳам мутахассис билимларига, ҳам умумий интеллектуал кўникмаларга ва ҳаётий тажрибага эга бўлади, ва бу унинг ишга жойлашувида, фуқаролик бурчларини бажаришда, шунингдек давомий таълим олиш ва малакасини оширишда асос бўлиб хизмат қилади.

Битирувчи профили талабанинг таҳсил олишида ҳам муассаса ва ҳам дастур даражасидаги олиниши кутилаётган натижаларни яққол ифодалаб беради. Шу сабабли профиль махсус фанларга асосланган натижалар

тавсифлари ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш учун йўриқнома бўлиб ҳисобланади. Профессор-ўқитувчиларнинг факультетлар, мактаблар ва кафедралардаги роли ушбу мақсадларга эришиш учун ўқув дастурларини, ўқитиш методикасини ва стратегиясини, педагогик ва таълим имкониятларини ишлаб чиқишдан иборат (Маки, 2004). Кўплаб университетлар Битирувчи профилига ёки Битирувчи хислатлари тавсифига эга ёки уларни ишлаб чиқмоқда.

Ўқув дастурини ишлаб чиқишда ўрганиш натижалари ёндашуви ҳали янгилигича қолмоқда, ва кўплаб профессор-ўқитувчилар бошида ушбу ёндашувни ҳам ходимлар, ҳам талабалар учун тушунарли ва мазмунли тавсифлаб беришда қийналишади. Мазкур бўлимнинг кейинги қисми ушбу масалага қаратилган².

Республикамиз мустақилликка эришгач, таълим ижтимоий соҳадаги устувор йўналиш деб белгиланди, олий таълимни жорий этишнинг методологик ва назарий асоси бўлган “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да олий таълим тизими олдида ҳар томонлама камол топган, жамиятда турмушга мослашган, таълим ва касб-ҳунар дастурларини онгли равишда танлаган ва кейинчалик пухта ўзлаштирган, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, психологик-педагогик ва бошқа тарздаги шароитларни яратиш, жамият, давлат ва оила олдидаги ўз жавобгарлигини ҳис этадиган фуқароларни тарбиялаш каби давлат буюртмалари қўйилган.

Жамиятимизда содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий, мафкуравий, маънавий-маърифий ўзгаришлар, ҳуқуқий-демократик жамият қуриш тамойиллари ҳисобга олинган ҳолда яратилган “Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар” номли рисолада таълим тизими олдида ижтимоий буюртмалар қўйилган.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда мазкур давлат ва ижтимоий буюртмалардан олий таълим муассасаларида махсус фанларни ўқитишга қўйиладиган мақсад ва вазифалар шакллантирилади.

Махсус фанларни ўқитишда ўқитувчи мазкур буюртмаларни амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар:

- Махсус таълим жараёнида талаба-ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, маърифий ишларнинг самарали шакллари ва усуллари ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- Махсус фанлардан ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнида инновацион ва ахборот-коммуникатив технологиялардан фойдаланиш;
- Махсус фанларни ўқитишда тайёргарликнинг модуль тизимидан фойдаланган ҳолда ўқитиш жараёнини жадаллаштириш;
- халқнинг бой маънавий ва интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида махсус таълимнинг инсонпарварлик йўналишини таъминлаш;

² A Handbook for Teaching and Learning in Higher Education, published 2009 by Routledge 270 Madison Ave, New York, NY 10016, chapter IV: Planning teaching and learning Curriculum design and development, Lorraine Stefani, 40-41.

- Махсус таълим жараёнининг ўқув-методик мажмуалар ва дидактик таъминотнинг янги авлоди силабусни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

- миллий мустақиллик принциплари ва халқнинг бой интеллектуал мероси ҳамда умумбашарий қадриятлар устуворлиги асосида махсус таълимнинг барча даражалари ва бўғинларида талаба-ёшларнинг маънавий ва ахлоқий фазилатларини ривожлантириш;

- Махсус таълим жараёнида талаба-ёшлар онги ва қалбига миллий ғоя ва мафкурани сингдириш, таълим муассасаларида мафкуравий тарбияни бугунги кун даражасига кўтариш;

- Таълим-тарбия жараёнида таълим ва тарбияни узвийлаштириш орқали талабаларнинг баркамоллигини таъминлаш, ҳуқуқий, иқтисодий, экологик ва санитария-гигиеник таълими ҳамда тарбиясини такомиллаштириш;

Бўлажак педагог кадрларнинг мафкура борасидаги билимларини чуқурлаштиришни бажариш лозим.

Мазкур буюртмалар асосида олий таълим муассасаларида махсус фанларни ўқитиш замонавий ёндошувлар мавжуд:

1. махсус фанларни ўқитиш жараёнига тизимли ёндошув;
2. махсус фанларни ўқитиш жараёнига модулли ёндошув;
3. махсус фанларни ўқитиш жараёнига инновацион ёндошув;
4. махсус фанларни ўқитиш жараёнига талаба шахсига йўналтирилган ёндошув.

Мазкур ёндошувларга хос хусусиятларни аниқлаш махсус фанларни ўқитиш методикасининг долзарб муаммолари саналиб, ҳар бири машғулотлар давомида алоҳида кўриб чиқилади.

Юқорида қайд этилган ёндошувларни муваффақиятли амалга ошириш учун аввало олий таълим тизимида барча ўқув фанлари, хусусан махсус фанларидан ташкил этиладиган ўқитиш жараёнини илмий-назарий асослари бўлган ўқитиш принциплари ва қонуниятларини аниқлаш лозим.

Мазкур принциплар ва қонуниятларни аниқлашда мамлакатимизнинг таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принципларини таҳлил қилиш зарур.

2.2. Таълим жараёнини такомиллаштириш йўллари ва муаммолари.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунида мамлакатимизнинг таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари сифатида таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги, таълим олийлиги ва изчиллиги, таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги, давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиклиги, таълим дастурларини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндашув, билимли бўлиш ва истеъдодни рағбатлантириш кабилар белгиланган.

Маълумки, таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари узвий равишда олий таълим тизимининг фаолият кўрсатиш принципларига бевосита таъсир кўрсатади ва уларни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, қайта

куриш, олий таълим тизимининг турлари, таълим муассасалари олдидаги вазифалар, кадрлар тайёрлаш миллий моделини амалиётга татбиқ этиш масалалари билан бир қаторда олий таълим тизимининг қуйидаги фаолият кўрсатиш принциплари қайд этилган:

1. Таълимнинг устуворлиги – жамиятимизда таълим устувор йўналиш саналади. Шу сабабли, махсус таълим-тарбия жараёнининг самарали ташкил этилиши юксак маънавиятли, билимли ва салоҳиятли баркамол шахс ва рақобатбарош кадрнинг шаклланишига замин яратади.

2. Таълимнинг демократлашуви – таълим ва тарбия жараёнида педагогик муносабатларни инсонпарварлаштириш, ўқитиш методларини самарали танлаш, таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш ва бошқаришда устоз ва таҳсил олувчининг ҳамкорлигига асосланади.

3. Таълимнинг инсонпарварлашуви – талабаларнинг қобилиятларини эътиборга олган ҳолда таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил этиш ва уларнинг билим олишга бўлган эҳтиёжларнинг қондирилиши, миллий ва умуминсоний кадриятлар устуворлигини таъминлаш, инсон, жамият ва атроф-муҳитнинг ўзаро муносабатларини уйғунлаштиришга замин яратади.

4. Таълимнинг ижтимоийлашуви – таълим олувчиларда онгли интизом, инсоний кадр қиймат туйғуси, юксак маънавият, ижтимоий нормаларга асосланган ҳуқ-атвор, эстетик бой дунёқараш, маданият ва ижодий фикрлашни ташкил этиш назарда тутилади.

5. Таълимнинг миллий йўналтирилганлиги – таълимнинг миллий тарихимиз, халқ анъаналари ва урф-одатлари билан узвий уйғунлиги, Ўзбекистон халқларининг маданиятини сақлаб қолиш ва бойитиш, таълимни миллий тараққиётнинг ўта муҳим омили сифатида эътироф этиш, бошқа халқларнинг тарихи ва маданиятини ҳурматлашни таъминлайди.

6. Таълим ва тарбиянинг узвий боғлиқлиги ҳар томонлама камол топган инсонни шакллантиришни амалга оширади.

7. Иқтидорли ёшларни аниқлаш–таълим жараёнини табақа-лаштириш ва индивидуаллаштириш асосида иқтидорли ёшларга таълимнинг энг юқори даражасида, изчил равишда фундаментал ва махсус билим олишлари учун шарт-шароитлар яратишни кўзда тутади.

Республикамизда олиб борилаётган таълим соҳасидаги ислохотларнинг муваффақияти олий таълим тизимининг барча турларида, шу жумладан олий ўқув юртларида таълим-тарбия жараёнини ташкил этишда қўлланиладиган ўқитиш принциплари таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари ва олий таълим тизимининг фаолият кўрсатиш принципларига қанчалик мос келиши ва уларни амалиётга жорий этишга сафарбар этилганлигига боғлиқ.

Олий ўқув юртларида кадрларни тайёрлаш сифати шу ўқув юртида ташкил этиладиган таълим тарбия жараёнининг самарадорлигига узвий боғлиқ бўлади.

Олий ўқув юртида ташкил этиладиган таълим тарбия жараёнида ўқитувчининг педагогик фаолияти ва талабаларнинг ўқув билиш фаолияти мақсадга мувофиқ ўзаро узвий ташкил этилиши даражаси кўрсаткичи самарадорлик кўрсаткичи саналади.

Олий ўқув юртида олиб бориладиган таълим тарбия жараёни яхлит тизим ҳолида тасаввур қилиш зарур.

Олий ўқув юртидаги таълим тарбия жараёнини ташкил этишнинг барча шакллари мазкур таълим муассасаси олдида қўйилган давлат ва ижтимоий буюртмаларни бажаришга хизмат қилиши лозим.

2.3.Дефектологлар тайёрлашнинг ҳуқуқий – меъёрий ҳужжатлари.

Машғулотлардаги ўқитувчининг фаолияти педагогик фаолияти саналиб, мазкур фаолият таълим мазмунини талабалар онгига етказишга қаратилган ва мазкур мазмундан келиб чиқиб ўқитиш воситалари, методлари ва шаклларидан фойдаланилади.

Ўқитувчи томонидан тавсия этилган таълим мазмунини ўрганишга замин тайёрлайдиган талабаларнинг фаолияти уларнинг ўқув билиш фаолияти саналади.

Олий ўқув юртининг мақсади ва вазифасидан келиб чиққан ҳолда таълим мазмуни сараланади, у ўқув курслари бўйича намунавий ўқув дастурида ўз ифодасини топади. Ўқув дастуридаги мазмуннинг талабалар томонидан ўзлаштириш даражасини аниқлаш мақсадида ўқув фанлари бўйича ДТС белгиланади. Шу тариқа тайёрланадиган кадрнинг ўзлаштириши лозим бўлган таълим мазмуни белгиланади.

Дидактик адабиётларда олий ўқув юрти таълим мазмуни 4 таркибий қисмдан иборат бўлиши аниқланган:

1. Билимлар - ғоялар, назариялар, қонуниятлар, тушунчалар ва ҳ.к.
2. Фаолият усуллари – кўникма ва малакалар
3. Ижодий фаолият тажрибалари – мустақил ва ижодий, мантиқий, таҳлилий танқидий фикр юритиш кўникмалари;
4. Қадриятлар тизими;

Олий ўқув юртида ҳар бир ўқув курси бўйича тузиладиган ўқув дастури ва унга мос ҳолда тайёрланадиган дарсликларда юқорида қайд этилган таълим мазмунининг таркибий қисмлари ўз ифодасини топиши лозим.

Аксари ҳолларда тайёрланган ўқув дастури ва дарсликларда юқорида қайд этилган таълим мазмунининг таркибий қисмларидан фақат билимлар ўз ифодасини топган, қолганлари эътибордан четда қолган.

Бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири, таълим мазмунининг барча таркибий қисмларини ўзида мужассамлаштирган дарсликларни тайёрлаш саналади.

Бугунги кунда таълим муассасаларида ўз ҳукмронлигини сақлаб қолаётган анъанавий ўқитиш махсус фанларни ўқитиш жараёнига тизимли ёндошувга асос бўлиб хизмат қилади.

Махсус фанларни ўқитиш жараёнига тизимли ёндошув негизида таълим мазмуни, ўқитиш методлари, воситалари ва шакллариининг узвийлигини таъминлаш ётади ва таълим-тарбия жараёнининг мазкур таркибий қисмлари бир яхлит тизимни ҳосил қилади.

Мазкур тизимли ёндошувни жадвал тарзида қуйидагича ифодалаш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” 1533-сонли қарорида ўқув жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни модернизациялаш масалалари ва унинг асосий йўналишлари. Дидактика таълимнинг назарий жиҳатлари: таълим жараёнининг моҳияти, тамойиллари, қонуниятлари, ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти мазмуни, таълим мақсади, шакл, метод, воситалари, натижаси, таълим жараёнини такомиллаштириш йўллари ва муаммолари.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ таълим сифати Давлат таълим стандартлари (ДТС) билан таъминланиши. ДТС асосида ўқув режаларини ишлаб чиқиш. Ўқув режалари асосида фан дастурларининг яратилиши. Фан дастурлари асосида дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг яратилади.

Ўқув дастурларини тузиш ва ишлаб чиқиш

“Конструктив гуруҳлаш” тамойили ўқув дастурларини тузиш ва ишлаб чиқиш учун марказий ҳисобланади. Бигтз (1999) ўқитишни мувозанатлашган система деб тавсифлаб, унда барча компонентлар бир-бирини қувватлайди, деб ёзади. Бигтз ўқитишнинг қуйидаги асосий компонентларини белгилаб ўтади:

- биз дарс берадиган ўқув дастури;
- талабаларни ўрганишга кўмаклашиш учун бизлар ишлатадиган ўқитиш методлари ва стратегияси;
- бизлар ишлатадиган баҳолаш жараёнлари ва натижаларни ҳисоботлаш методлари;
- бизлар талабалар билан мулоқотда яратадиган муҳит;
- бизлар амал қилишимиз лозим бўлган муассаса муҳити, қоидалари ва процедуралар.

Доим бажарилиши лозим бўлган жиҳатлардан бири – биз қайси муассасада ишлашимиздан қатъий назар, унинг мақсади ва тартибини тушунишимиз лозим. Улар бизнинг назоратимизда бўлмаган факторлардир. Албатта, бизлар дарс ўтадиган синф хонаси ичидаги муҳитни назорат қиламиз. Аммо бизлар талабаларимизга назоратимизни ўтказа оламизми? Бу масала доим актуалдир, ва талабаларнинг ўрганишга мойиллиги ва жавоби билан боғлиқ бўлади.

Ўқитиш, ўрганиш ва баҳолаш стратегияларида мактабда амалга ошириладиган каби ёндашув қилишимиз керак. Бунда бизнинг вазифамиз тасдиқланган ўрганиш натижалари бажарилиши мумкинлигига ишонтириш, турли босқичларда кутилаётган даражалар ёки стандартлар тушунарли эканлиги, ва ўрганиш вазифалари ва ўрганишни баҳолаш мувофиқ эканлигини

кўрсатишдан иборат. Агар биз ушбу масалаларга кераклича эътибор бермасак, бизлар юзаки ўрганиш сабабчиси бўлишимиз мумкин³.

Назорат саволлари:

1. Махсус фанларни ўқитишда замонавий ёндошувлар таснифини келтиринг.
2. Таълим жараёнини такомиллаштириш йўллари ва муаммоларини очиб беринг.
1. Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини модернизациялашга қўйилаётган замонавий талаблар нималардан иборат?
2. Махсус фанларни ўқитиш метод ва шаклларнинг ёритиб беринг
3. Дефектологлар тайёрлашнинг ҳуқуқий-меъёрий хужжатларини ёритиб беринг

Адабиётлар рўйхати:

1. A Handbook for Teaching and Learning in Higher Education, published 2009by Routledge 270 Madison Ave, New York.
2. Мўминова Л.Р. ва бошқалар. Махсус психология. -Т.: “Ношир”, 2013 й.
3. Пулатова П. ва бошқалар. Махсус педагогика. Т.: “Фан ва технология” нашриёти, 2014 й.
4. Назарова Н.М. Сравнительная специальная педагогика. -Т.: «Академия», 2012г.
5. Йўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 2004.
6. Чичерина Я., Нуркелдиева Д. ва Бондарева Е. Мутахассислик фанларни ўқитиш методикаси. -Т.: Фан ва технологиялар, 2013й.
7. Чичерина Я., Нуркелдиева Д.ва Бондарева Е. Инновационные подходы в подготовке кадров- дефектологов (монография). -Т.: “Навруз”, 2014 г.
8. М.Ю. Аюпова Логаредия –Т.: “Файласуфлар миллий жамияти” 2011й. 2-нашр. 560б.
9. Азизхўжаева Н. Педагогик технология ва маҳорат. Тошкент: ТДПИ, 2003.
10. Холиқов А. Педагогик маҳорат. – Т.: ИҚТИСОД-МОЛИЯ, 2011.

³ A Handbook for Teaching and Learning in Higher Education, published 2009by Routledge 270 Madison Ave, New York, NY 10016, chapter IV: Planning teachingand learningCurriculum design anddevelopment, Lorraine Stefani, 47-48.

3-мавзу: Дефектология фанларни ўқитишда модулли таълим технологиясидан фойдаланишнинг дидактик асослари.

Режа:

1. Дефектология фанларни ўқитишда модулли ёндошувни ташкил этиш муаммолари.
2. Модулли ўқитиш тизимининг ўзига хос хусусиятлари.
3. Таълим – тарбия жараёнида модулли таълим технологиясидан фойдаланиш.

Таянч иборалар: модуль, модулли ўқитиш тизими, модулли ўқитиш тизимининг ёндошувлари, ДТС, билим, кўникма, малака, компетенция, рейтинг тизими, ностандарт ўқув ва тест топшириқлари, ўқув мақсадлари, **модуль**, блок, мантикий тугалланган қисм, модуль дастури, талабаларнинг ўқув фаолияти, ўқув фаолияти элементлари (ЎФЕ)модуль дастурларининг турлари, модуль дастурини яқунлаш.

3.1. Дефектология фанларни ўқитишда модулли ёндошувни ташкил этиш муаммолари

Таълим технологиялардан фойдаланиш ҳажми доимий равишда ортиб бормоқда. Баъзи профессор-ўқитувчилар ҳалигача ҳам технологиялардан фойдаланишни ўқув дастурларини ишлаб чиқишга жорий этишга маълум қисмида қаршилиқ қилмоқда, шунга қарамай баъзи ўқитувчилар ўзларининг ўрганиш курсларини ва дастурларини электрон вариантда тузиш, ёки ишлаб чиқилган курс ёки PowerPoint тақдимотини интернетга юклашнинг энг оддий усули деб ҳисоблашади.

Таълимнинг кўриниши қандай бўлишидан қатъий назар (ҳоҳ у оддий синфдаги дарс ёки масофали ўқитиш, электрон ўқитиш ёки аралаш турдаги ўқитиш бўлсин), курс ёки дастурнинг вазифаси, тузилиши, ишлаб чиқилиши, етказилиш тури ва мувофиқ баҳолаш стратегияси пухта ўйлаб чиқилиши лозим (Стефани, 2006), мисол бўлиб Масофали ўқитиш бўлади.

Ўқув дастурини ушбу усулда ишлаб чиқиш “мантикий ишлаб чиқиш” модели бўлиб ҳисобланади, акс ҳолда эса ўқув дастури “хронологик” модель бўйича ишлаб чиқилади; бунда баҳолаш моҳият берилиши давомида маълум бир нуқта бўлиб кўринади, акс ҳолда эса талабанинг ўрганиши давомида умумий жиҳат бўлиши мумкин.

Ўқув дастурини ишлаб чиқишнинг мантикий модели

Профессор-ўқитувчиларга ўқув дастурини тасаввур қилиш учун кўмаклашган модель илк маротаба Коуон ва Хардинг (1986) томонидан таклиф қилинган бўлиб, у ҳалигача ҳам жуда қўл келади. 1-расмда ўқув дастурларини ишлаб чиқишнинг оригинал мантикий модели келтирилган бўлиб, уни батафсил кўриб чиқамиз

Биринчи навбатда, ишлаб чиқиш фаолияти диаграммаси атрофидаги кулранг жой хатолик эмас. Унинг маъноси шундаки, у ишлаб чиқиш фаолияти чегараларини кўрсатади, яъни муассаса ва талабалар жамоаси контекстида


рухсат этилган ва этилмаган жиҳатларга қатъий таъсир кўрсатади. Кулранг жойдан ташқари жойлашган, ичкарига йўналтирилган стрелкалар иш билан таъминловчилар, корхоналар ва ўқитиладиган ўқув дастурига асосли қизиқиш билдираётган бошқа манфаатдор шахсларни билдиради.

Намунали ўқитиш 2: курсни тузиш ва ишлаб чиқиш

Окленд университети ўрганиш ва ўқитиш бўйича кўп йиллар мобайнида фаолият кўрсатаётган сертификатланган бакалавр дастурига эга. Ўрганиш ва Ўқитиш Университети сертификати (СУЛТ) курсини тугатиш бир қатор мавзулар бўйича ўзлаштирилганликни кўрсатувчи портфелнинг презентациясини талаб қилади. Ушбу мавзулардан бири курсни тузиш ва ишлаб чиқиш бўлиб, ўзининг йўналишим бўйича тажрибадан келиб чиқиб, Курсни Тузиш схемасининг қўйидаги моделини тақдим қилди:

Орқа фон	Муассаса, факультет ва бўлимни ҳисобга олинг (яъни курсни тузиш учун контекстни тузинг)
Режалаштирилаётган ўрганиш натижалари	Талабалар курс охирида нима қила олишади. Фаол феълларда ифодаланади. Махсус ва ўлчаб бўладиган бўлиши лозим.
Фикрини бериш	Ҳам шакллантирувчи ҳам умумлаштирувчи элементлар Баҳолаш учун ўрнатилган аниқ критериялар Ўрганиш натижаларига батафсил боғланган.
Мундарижа	Баҳолаш ва натижаларни қўллаб-қувватлаш учун танланган. Натижаларга мувофиқ чуқур кенг танланган. Маълумотлар ва кўникмаларни ўз ичига олади.
Курс структураси	Ўқитиш вазиятларининг сони ва тури. Танланган мундарижани бошқариш учун талабаларга энг мувофиқларини ажратиб олинг.
Синф хонаси	Ҳар бир ўқитиш сессияси учун натижалар белгиланади Ҳар бир ўқитиш сессияси учун мавзуларни ва тадбирларни режалаштиринг. Ўзаро таъсирнинг энг мувофиқ режимларини танланг.
Баҳолаш	Курс сифати қандай баҳоланишини режалаштиринг. Жараён очиқлиги манбаларининг бир нечта турини кўшинг. Фақат талабаларни баҳолашдан бошқа вазиятларни ҳам кўринг.

(Сара Хендерсон, Ахборот тизимлари ва операцияларни бошқариш,
Окленд университети)




1 – расм. Ўқув дастурини ишлаб чиқиш мантикий модели.

Ишлаб чиқиш циклининг ҳар бир босқичидаги “қандай?” ва “нима?” пунктлари ҳам аҳамиятга эга. Улар бизларни “дастур ёки модуль шакли кўпроқ мундарижа туридан боғлиқ бўлиши керак” деган фикрдан ўтиб фикрлашга, ва мақсад ва кутилаётган натижалар унинг бир қисми эканлигини тушунишга ундаш учун керак.

Мисол учун, агар бизнинг мақсадимиз ўрганишни талабалар маълумотларни таҳлил қила оладиган йўналишда енгиллаштириш бўлса, қилинган услуб ва ёндашув бошқа йўналишдаги, аммо шу мақсадли бошқа шахснинг услуб ва ёндашувига ўхшаб кетади, бу ерда эса “қандай” саволи ўқув дастурини тузишда “нима” саволидан кўра кўпроқ марказий бўлиб қолади (Коун, 2006, шахсий муносабат).

Модель ўқитишни қандай қилиб қўллаб-қувватлаш ва нимани ўргатишни ажратиб олишни ўзига савол бериш орқали тезлаштириш, ва бу ишни цикл давомида амалга ошириш имконини беради.


Ушбу моделнинг янгироқ модификацияси 2-расмда кўрсатилган. Ушбу модификацияланган модель ўрганиш натижаларини ишлаб чиқиш жараёни марказига қўяди, курс ва дастур учун мақсад ва натижаларни акс эттирадиган муносабатдаги кичик ўзгаришларни кўрсатади. Ишлаб чиқиш жараёнининг ҳар бир босқичида “нимага” саволини қўшиш ўқитувчиларнинг талабалар амалиётида савол беришини рағбатлантириш ва буни ўқув дастурини ишлаб чиқишда акс эттиришни кўзлайди.



2- расм. Коуон аввалги модели модификацияси.

Ушбу моделдан фойдаланиш ўқитувчига ўрганиш натижаларини равшан ва имкониятли тилда аниқлаб олиш, ва бу орқали талабаларга уларнинг ўрганиш стратегиялари орқали фикрлаш имкониятини беради. У шунингдек ўқитувчиларни режалаштирилган ўрганиш натижаларига талабаларни қай тарзда йўналтириш учун кўмаклашади.

Ўқув дастурларини ишлаб чиқишнинг ушбу мантикий модели Биггзнинг ўқитиш, ўрганиш ва баҳолашни мувофиқлаштириш модели (1999) билан мос келади. Кўплаб ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, талабалар ўқитувчилардан анча олдин баҳолаш жараёни ҳақида ўйлай бошлайди, шу сабабли курсни ёки ўқув дастурини ишлаб чиқишнинг охириги қисми кўриб чиқилади. Ўқув дастурида талабаларнинг ўқитувчиларга нисбатан таққослаган истиқболлари орасидаги фарқларни кўрсатиб берувчи Биггз модели 3-расмда кўрсатилган.



3-расм. Ўқув дастурига бўлган қарашлар

Манба: Биггз (1999:142). Опен Университй Пресс Публишинг Сомпанй рухсати билан кўрсатилган⁴.

Педагогика олий таълим муассасаларида махсус фанларни ўқитиш жараёнида модулли ёндошувни амалга ошириш учун дидактик адабиётлар таҳлил этилди, хорижий мамлакатларнинг илғор иш тажрибалар ўрганилди.

⁴ A Handbook for Teaching and Learning in Higher Education, published 2009 by Routledge 270 Madison Ave, New York, NY 10016, chapter IV: Planning teaching and learning Curriculum design and development, Lorraine Stefani, 50-54p.

Шуни қайд этиш лозимки, педагогик амалиётда модулли ўқитиш тизими модулларга асосланади ва мазкур тизимга нисбатан 2 хил ёндошув мавжуд:

1- ёндошув. Таълим муассасаси ўқув режасидан ўрин олган ўқув курси модуль деб қабул қилиш ва кетма-кетликда ўрганишга ўтказиш.

Республикамизда Тошкент тиббиёт академиясида мазкур ёндошув асосида таълим-тарбия жараёни ташкил этилади ва талабалар ўқув режадан ўрин олган курсни белгиланган тартибда кетма-кетликда муайян вақт давомида 1 та модулни ўрганади. Таълим-тарбия жараёнидан олинган натижалар сарҳисоб этилгандан сўнг, иккинчи модуль бўйича таълим-тарбия жараёни ташкил этилади. Шу тариқа ўқув режадан ўрин олган ўқув курсларидан семестр давомида кетма-кетликда ўқитиш жараёни ташкил этилади.

Мазкур ёндошув Республикамиздаги кўпгина олий таълим муассасаларида ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнига тажриба-синов сифатида қўлланилди. Тажриба-синов жараёни кутилган натижани бермаганлиги, талабалар ўзлаштирадиган таълим мазмунидан келиб чиқиб, уларнинг руҳий, жисмоний ва эргономик имкониятлари эътиборга олинган ҳолда мазкур ёндошувнинг амалиётга жорий этиш масаласи кечиктирилди.

2- ёндошув. Таълим муассасаси ўқув режасидан ўрин олган ўқув курси боби ёки бўлими модуль деб қабул қилиш шу курсларни модулли тизим ўқитиш;

Ўқув режадан ўрин олган курсларни модулли тизимга ўтказишда ҳар бир фан алоҳида модуль ҳисобланиб ўқув дастуридаги ҳар бир боб модуль асосида ўқитилиши назарда тутилади.

Махсус фанларни ўқитишда модуль тизимидан фойдаланишнинг қуйидаги афзалликлари мавжуд:

1. Махсус фанларни ўқитишда модуль тизимидан фойдаланиш талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштиришга замин тайёрлайди. Ҳар бир машғулот юзасидан Блум таксономиясига мувофиқ ўқув мақсадларининг аниқланиши ва уларни талабалар зиммасига юклатилиши, уларни ўз ўқув фаолиятининг субъектига айлантиради ва самарадорликни орттиришга замин тайёрлайди.

2. Махсус фанларни ўқитишда модуль тизимидан фойдаланиш талаба-лар томонидан нафақат ДТС билан меъёрланган билим, кўникма, малакалар балки умумий ва хусусий компетенцияларни шакллантириш орқали педагогик кадрларнинг малака талабларига жавоб берадиган рақобатбардош кадрлар тайёрлаш имконини беради.

3. Модулар таркибидан ўрин олган мавзулар бўйича ўқув мақсадларнинг аниқланиши, унга мос ҳолда назорат топшириқларининг ишлаб чиқилиши махсус фанларнинг дидактик таъминотини мазмунан бойитиш, фан силабусини ишлаб чиқилишига замин яратади.

4. Махсус фанларни модулларга бўлиб ўқитиш ва уни мақсадга мувофиқ назорат қилишни йўлга қўйиш талабаларнинг ўзлаштириш даражасини аниқ баҳолаш ва уларнинг фаолиятидаги камчиликларга барҳам бериш, билимидаги бўшлиқларни тўлдириш ва коррекциялаш имкониятини яратади.

Махсус фанларни ўқитишда модуль тизимидан фойдаланишнинг афзаллиги жадвал тарзида ифодаланмоқда.

Махсус фанларни ўқитишда модуль тизимидан фойдаланиш учун ўқитувчи қуйидаги ишларни амалга ошириши лозим.

Махсус фанларни ўқитишда модуль тизимидан фойдаланиш учун ўқитувчилар қуйидаги ишларни амалга оширадилар:

1. Махсус фан ўқув дастуридан ўрин олган бобларни мантикий тугалланган фикрли модулларга айлантириш;

2. Махсус фани шчи ўқув дастуридан ўрин олган талабаларнинг ўзлаштириши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар асосида мазкур модуль (боб)да талабалар ўзлаштириши лозим бўлган билим, кўникма ва малакаларни аниқлаш;

3. Мазкур модуль (боб) да талабалар ўзлаштириши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар асосида Блум таксономияга асосан ўқув мақсадларни шакллантириш;

4. Мазкур модуль (боб) дан ўрин олган маъруза, лаборатория, амалий ва семинар машғулотларнинг талабалар зиммасига юклатиладиган ўқув мақсадларини аниқлаш;

5. Белгиланган ўқув мақсадларига эришиш мақсадида маъруза, лаборатория, амалий ва семинар машғулотларида фанлараро боғланиш, инновацион технологиялардан фойдаланиш йўллари аниқлаш;

6. Талабалар томонидан ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларнинг эгаллаганлик даражасини аниқлаш учун ностандарт ўқув ва тест топшириқларини тузиш орқали жорий, оралиқ ва якуний назорат топшириқларини шакллантиришни амалга ошириши лозим;

Фанларни ўқитишда талабаларда билим, кўникма, малакалар билан бир қаторда уларнинг компетенцияларини ривожлантириш муаммосини ҳал этишда хорижий олимлар томонидан самарали ёндошувлар ишлаб чиқилган .

Хулоса қилиб айтганда, махсус фанларни ўқитишга модулли ёндошув таълим самарадорлигини орттиришга замин яратади.

2-Модуль. Модулли таълим технологияси модулларга асосланади. Модуль лотинча сўздан олинган бўлиб, қисм (блок) деган маънони билдиради.

Таълим-тарбия жараёнида модулли таълим технологияларидан фойдаланишда машғулотда фойдаланиладиган мавзу мантикий тугалланган фикрли қисмлар, яъни модулларга ажратилади ва ҳар бир қисмни талабалар мустақил ўзлаштиришлари учун ўқув топшириқлари тузилади. Шу ўқув топшириқлари асосида, ҳар бир модуль якунида савол-жавоб ўтказилади ва хулоса чиқарилади.

Мазкур машғулотларда талабаларнинг билиш фаолияти модулларни кетма-кет ўзлаштиришларини назарда тутган ҳолда ташкил этилади. Ҳар бир модулни ўзлаштириш жараёни талабаларнинг яхлит билиш фаолиятининг элементи саналади, яъни бир машғулотда яхлит ташкил этилиши кўзда тутилган талабаларнинг ўқув фаолияти мавзу ажратилган модулларга мувофиқ ҳолда ўқув фаолияти элементлари (ЎФЕ)дан ташкил топади. Агар машғулотда ўрганиладиган мавзу мазмуни 4 та модулдан иборат бўлса, талабаларнинг ўқув-

билиш фаолияти мос ҳолда 4 та ўқув фаолияти элементи (ЎФЕ)дан ташкил топади. Шунини қайд этиш керакки, машғулот якунида талабаларнинг ўз фаолиятларини таҳлил қилиши ва ўз-ўзини баҳолашини амалга ошириш мақсадида модуль дастурини якунлаш босқичи бўлади. Шу сабабли фикр юритилаётган ушбу машғулотда фойдаланиладиган модуль дастурида 5 та ўқув фаолияти элементи (ЎФЕ) бўлади. Ўқитувчи шу асосда модуль дастурини тузади.

Таълим муассасаларининг асосий вазифаларидан бири, талабаларга инсоният тарихи давомида яратилган билимларни етказиш, фанлар асослари бўйича мунтазам билим олишлари учун тегишли шароит яратиш, зарур ахборотларни танлаш ва мустақил ўқишни ўргатиш орқали билим олишга бўлган эҳтиёжларини қондириш ва қизиқишларини орттиришдан иборат.

Ушбу вазифаларни анъанавий таълим технологиясидан фойдаланилган ҳолда ҳал этиб бўлмайди, шу сабабли таълим-тарбия жараёнига модулли таълим технологиясини қўллаш зарурати вужудга келди.

3.2. Модул дастурининг турлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари

Модулли таълимнинг асосий моҳияти, талабалар модуль дастурлари ёрдамида мустақил ишлашига асосланган ўқув-билиш фаолияти орқали белгиланган мақсадга эришадилар.

Модуль дастурлари мавзунинг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадидан келиб чиқадиган модуль дастурининг дидактик мақсади, талабаларнинг машғулот давомида бажарадиган ўқув топшириқлари, топшириқларни бажариш бўйича берилган кўрсатмалар, модуль дастурини якунлаш қисмини ўзида мужассамлаштиради.

Модуль дастурларини тузишда ўқитувчи эътиборини қуйидагиларга қаратиши зарур:

1. Модуль дастуридан кўзда тутилган дидактик мақсадни аниқ ёритиш. Анъанавий таълимда, машғулот ишланмасида ўқитувчи машғулотнинг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларини ўз зиммасига юклайди, яъни талабаларда муайян тушунчаларни шакллантириш, илмий дунёқарашни кенгайтириш, тарбия бериш ва ҳ.к. Модуль дастурининг дидактик мақсади машғулотнинг юқорида қайд этилган мақсадларига уйғун ҳолда талабаларнинг зиммасига юклатилади. Шунини қайд этиш керакки, мақсад аниқ бўлса, унга мувофиқ ҳолда тадбирлар қўлланилади ва эришиш осон бўлади.

2. Ўқув материални ўрганишнинг мантиқий йўналиши (индуктив ёки дедуктив тарзда берилганлиги)ни аниқлаш. Модулли таълим тамойиллари ҳисобга олинган ҳолда ўқув материални мазмунан тугалланган мантиқий кетма-кетликдаги кичик қисм (модуль)ларга тақсимлаш.

3. Талабалар томонидан ўқув материалларини ҳар бир модули ёки қисмини ўзлаштириши учун ташкил этиладиган ўқув фаолияти усулларини белгилаш.

4. Ўқув фаолияти усулларига боғлиқ ҳолда модуль дастуридан ўрин олиши лозим бўлган ўқув элементларини ва уларнинг кетма-кетлигини аниқлаш.

5. Талабалар билимини аниқлаш ва назорат қилиш бўйича дастлабки жорий назорат, ахборот тўплами, ўқитиш мазмунини қайта ишлаш, якуний назорат ва талабалар билимидаги типик камчиликлар ва хатоларни бартараф этиш йўллари белгилаш.

6. Талабалар учун асосий ва қўшимча адабиётларни танлаш.

Талабалар модуль дастури ёрдамида ўқув материални мустақил ва ижодий ўрганиш жараёни мазкур мавзунини ўзлаштириш учун дастурда белгиланган вақт доирасида амалга оширилишига эришиши лозим.

Ўқув дастурини тузиш ва электрон таълим муҳити

Бугунги кунда талабаларни ўқитиш тажрибасида тобора кенгайиб бораётган электрон таълим шароитида, ўқув дастурини тузиш ва режалаштиришда бирон-бир бўлим ўқитиш фаолияти схемаси ёки таълим схемасиз тўлиқ ҳисобланмайди (7-Бўлимга қаранг).

Таълим схемаси қўйидагича таърифланади: таълим сифатини кафолатлаш мақсадида ўрганиш ва таълим назариядан фойдаланган ҳолда таълим хусусиятларини систематик ишлаб чиқиш. Ўқитиш ва қўллаб-қувватлашнинг педагогик принципларидан келиб чиқсак, талабаларнинг ўрганиши онлайн ёки интернетга асосланган модулларни, курсларни ва дастурларни тузиш ва ишлаб чиқишга мослаштирилиши лозим. Схema жуда муҳим жиҳат, чунки у ўрганишнинг мақсадлари ва талабларини таҳлил қилишнинг бутун жараёнига тақалади, ва ўқитиш системасини ишлаб чиқиш ушбу талабларга мос келиши лозим. У ўқитиш материалларини, фаолиятни, амалиёт элементларини ишлаб чиқиш (кўпинча технологиялардан фойдаланган ҳолда) ва ва барча ўқитиш ва ўрганиш фаолиятини баҳолашни ўз ичига олади (Кларк ва Майёр, 2002).

Намунали ўқитиш 3: Диншуносликда электрон таълим шароити учун модул тузиш

Электрон таълим шароитида таклиф этилган Диншунослик бўйича магистрлик дипломи квалификацияси учун ўқув дастурини тузиш ва ишлаб чиқишда бизлар Университет Академик Ривожланиш маркази (CAD) билан ҳамкорликда жамоавий ёндашувдан фойдаландик. Бизнинг потенциал талабаларимиз диншуносликни ва электрон таълим тизимини ўрганишни яқинда бошлаган, аммо иккинчи таълим даражасида яхши билим ва кўникмаларга эга битирувчилар бўлган. Асосий қийинчилик шунда бўлганки, магистр дипломи учун ўқув дастури аввал фақат синф шароитида ўтилган Бакалавр дипломи ўқув дастури асосида тузилиши лозим бўлган. Бизнинг вазифамиз иккала шароитда ҳам мослашадиган, ва диншунослик бўйича тўлиқ маълумотни бера оладиган ўқув дастурини ишлаб чиқиш бўлди. Курслар университетнинг электрон таълим платформаси асосида тузилган бўлиб, у кутубхонанинг каталоглари ва маълумотлар базаси, Талабалар ўрганиш маркази ва бошқа манбалар билан бевосита боғланган.

Ўрганиш натижалари, баҳоланиши ва критерийлари

Диншуносликнинг учта фан соҳасидаги курсларни аниқлаб олгандан, ва электрон модуль ишлаб чиқиш графигини режалаштиргандан сўнг бизлар ҳар бир курс учун ўрганиш натижаларини белгилаб олиш, ва кейинчалик ушбу

натижаларни талабалар оладиган билимларни баҳолаш критерийларини белгилаш орқали курсларни ишлаб чиқишни бошладик.

Мундарижани тузиш ва ўрганишни қўллаб-қувватлаш

Бизлар ўрганиш натижаларига мувофиқ келадиган мундарижа мавзуларини ва ҳар бир курснинг баҳолаш тадбирларини белгилаб олдик. Схемалар бўйича қарорлар асосан мавзуларни талабаларнинг электрон таълим тажрибасига энг яхший тарзда қандай олиб бориш мумкинлигига қаратилди. Профессор-ўқитувчилар ўрганиш учун ғояларни ишлаб чиқаётган бир пайтда САД жамоаси уларни аудио ва медиа компонентларга ўзгартиришди, кейин эса кутубхона аъзолари уларни мувофиқ манбаларга ва курсларга ажратишди.

Мавзуларга киритилган ўрганиш вазифалари ва чоралари соҳаси курс даражасига боғлиқ равишда ўзгариб борди. Мисол учун, 1 даражадаги курс бизлар ўқитувчи ёрдамида талабаларнинг диншунослик жараёнини босқичма-босқич қўллаб-қувватлаш деб кўрсатдик. Ҳар бир босқичда талабалар ўрганиш фаолиятида алоҳида ва гуруҳ бўлиб қатнашди, масалан етакчиликда ўқиш, фикр алмашиш ва медиага узатиш, гуруҳда онлайн муҳокама қилиш ва ҳафталик журналда қайд этиш. Бошида талабалар журналларига расмий қайдларни олишди, аммо кейинги ҳафталарда курс бўйича ишлар журналга баҳо сифатида қайд этилди.

Аксинча, 2 ва 3 даражаларда курслар кўпроқ талабанинг мавзу бўйича маълумотларни тўплаш, муаммоли ўқитиш ва бошқ. мустақил ҳаракатларига қаратилди. Бу талабаларнинг алоҳида ва гуруҳларда тадқиқот қилиш, фикр алмашиш, манбалар билан бўлишиш, танқидий муҳокама қилиш ва онлайн кўпроқ савол-жавоб қилиш орқали баҳо олишини талаб қилади.

Электрон таълимда ўқитувчи-талаба мулоқоти

Ўқитувчи видеосига кириш, курс материаллари, электрон почта ва телефон маълумотлари, эълонлар доскаси ва тезкор қайтар алоқа электрон таълим муҳитида “юзма-юз” мулоқотнинг ўрнини босиш учун фойдаланилди.

(Др Энн Гилрой, Диншунослик мактаби, Окленд университети)

Баҳолаш-талабаларнинг ўрганиши даражасини ва ўқитиш жараёни самарадорлигини баҳолаш ўқув дастурларини ишлаб чиқишнинг муҳим жиҳати бўлиб, у шунингдек сифат баҳоланиши мезони бўлиб ҳам хизмат қилади.

Баҳолашнинг турли методлари батафсил келтирилган. Бу ерда шуни ҳисобга олиш зарурки, баҳолаш жараёни ўқув дастури ишлаб чиқиш исталган стратегиясида бўлади. Доимий ва мувофиқ амалга ошириладиган баҳолаш бизларга талабанинг ютуқлари (умумлаштирувчи баҳолаш), талабанинг фанга бўлган ёндашувларини ва уни тушунишини, кейинги қарорларни қабул қилиши қобиляти (шакллантирувчи баҳолаш) тўғрисида маълумот беради, ва ўқув дастурини тузиш, ишлаб чиқиш ва етказишда катта ёрдам беради.

Таҳлил ушбу бўлим барча фанлар бўйича профессор-ўқитувчилар учун ўрганиш ва ўқитиш фаолиятини ва ўқув дастурларини ишлаб чиқишни режалаштириш бўйича асосий маълумотларни тақдим этади. Буюк Британия академик инфратузилмасига бўлган ҳавола ҳам китобхонга олий таълим соҳасидаги маълумотларни беради. Ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш орасида

мувофиқлик концепцияси муҳимлиги барча фанлар бўйича фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар учун ўқув дастурларини ишлаб чиқишда асосий жиҳат деб кўрсатилган⁵.

3.3. Таълим – тарбия жараёнида модулли таълим технологиясидан фойдаланиш

Модуль дастурини муваффақиятли қўллашнинг муҳим шарти, унда талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятининг ўқув элементларини тўғри танлашдир. Чунки талабалар модуль дастури билан ишлаганда, айнан шу ўқув элементларини бажарадилар.

Биз қуйида ўқув фаолияти элементларининг турлари ҳақида фикр юритамиз.

Модулли дастурда жуда кўп ахборот манбаларидан фойдаланилади, шу сабабли ўқув фаолияти элементларини ахборот манбаларига кўра тавсифлаш мақсадга мувофиқ.

Модулли таълим технологиясидан фойдаланишда ўқитувчи қуйидаги мезонларга амал қилиши лозим:

1. Талабаларга мустақил ўзлаштириш учун тавсия этиладиган ўқув материали талабаларнинг ўқув имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, улар уддалай оладиган ва шу билан бирга максимал даражада қийин бўлмаслиги керак.

2. Талабалар ўқув материални дастурда белгиланган вақт доирасида эгаллашлари керак.

3. Ўқитувчи талабаларни ўқув материалларини мустақил ва ижодий ўзлаштириш кўникмасига эга бўлишига эришиши лозим. Бунда, дастлаб ўқитувчи машғулотга олиб кирадиган ахборотни икки қисмга ажратади. Биринчи қисмини талабалар ўқитувчи ёрдамида иккинчи қисмини ижодий ва мустақил ўзлаштиришлари лозим. Кейин белгиланган мавзуларни модулли машғулот шаклида ўтказишни мўлжаллаб, модуль дастурларини тузади.

Модуль дастури ўқитувчилар томонидан тузилиб унда ўқитиш мақсадлари мавзуни ўрганиш босқичлари, талабалар томонидан бажариладиган ўқув фаолияти элементлари, талабалар билимини назорат қилиш йўллари кетма-кет ёзилади.

Шуни қайд этиш керакки, модуль дастурлари бу - машғулот матни ва ўқитувчи томонидан ўқув материални режалаштириш эмас, балки талабаларнинг у ёки бу мавзуни мустақил ва ижодий ўрганишларига мўлжалланган ўқув фаолияти дастуридир.

Модуль дастурлари ўқитувчилар томонидан тузилиб унда ўқитиш мақсадлари, мавзуни ўрганиш босқичлари, талабалар томонидан бажариладиган ўқув топшириқлари, ўқув фаолияти элементлари, талабалар билимини назорат қилиш йўллари кетма-кет ёзилади.

⁵ A Handbook for Teaching and Learning in Higher Education, published 2009 by Routledge 270 Madison Ave, New York, NY 10016, chapter IV: Planning teaching and learning Curriculum design and development, Lorraine Stefani, P. 54.-56

Қуйида ўқув ахбороти манбаларига боғлиқ ҳолда ташкил этиладиган ўқув фаолияти элементларининг турлари жадвал тарзида берилмоқда:

№	Ўқув фаолияти элементи тури	Ўқув ахбороти манбалари
ЎФЕ-1	Матнли ўқув Элементи	Дарслик, қўшимча ўқув адабиётлар, газета ва журналлар
ЎФЕ-2	Жадвалли ўқув Элементи	Жадваллар, моделлар, диаграммалар
ЎФЕ-3	Кўргазмали ўқув Элементи	Таблицалар, расмлар, композициялар
ЎФЕ-4	Оғзаки ўқув Элементи	Ўқитувчи ёки маърузачининг маърузаси, талабаларнинг ахбороти
ЎФЕ-5	Кейс стадили ўқув Элементи	Компьютер хотирасига киритилган ахборотлар, таълим дастурлари, мультимедиялар
ЎФЕ-6	Компьютерли, аудио-видео, техниквоситали ўқувэлементлари	Кинофильм, диафильм, диапозитивлар, видеофильм, магнит тасмалари, дисклар
ЎФЕ-7	Табиий объектли ўқув элементлари	Табиий объектлар, микро ва макропрепаратлар, гербарий, тулум ва х.к.

Модулли машғулотларда, мавзунинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда юқорида қайд этилган ўқув фаолияти элементлардан якка тартибда ёки тегишли ЎФЕ дан мажмуа ҳолда фойдаланиш мумкин.

Таълим-тарбия жараёнида модулли таълим технологиясидан фойдаланиш учун ўқитувчи қуйидаги ишларни амалга ошириши лозим:

1. Ўқув материалларини модулли режалаштириш. Ўқув йили бошида қайси мавзуларни модулли таълим технологиясидан фойдаланиб ўрганилишини белгилаш;

2. Мазкур мавзулар бўйича модулли машғулот ишланмаларини лойиҳалаш;

3. Мавзунинг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларига мувофиқ ҳолда модуль дастурларини тузиш;

Модуль дастурлари мазмуни ва моҳиятига кўра:

- Талабаларнинг индивидуал тарзда ишлашига мўлжалланган модуль дастурлари ҳар бир талабанинг иқтидори, қизиқиши, билим савияси, ўзлаштириш даражасини аниқлаш ва орттириш, дарслик устида мустақил ва ижодий ишлаш, ўз-ўзини баҳолаш кўникмаларини ривожлантириш;

- Иккита талаба ҳамкорликда ишлашига мўлжалланган модуль дастурлари юқорида қайд этилганлардан ташқари, талабаларнинг бир-бирини ўқитиш,

ўзаро ҳамкорликда ўқув топшириқларини бажариши ва муаммоларни ҳал этиши, ўзаро назоратни амалга ошириши;

- Талабаларнинг кичик гуруҳларда ҳамкорликда ишлашига мўлжалланган модуль дастурлари юқоридагилар билан бир қаторда талабалар ўртасида мулоқот, ўқув баҳси ва мунозара, ўзаро ҳамкорлик ва ёрдамни амалга оширишни назарда тутди.

Ўқитувчи мазкур модуль дастурларидан аввал индивидуал тарздаги модуль дастурларидан қўллаб, талабаларнинг ўқув материаларини мустақил ва ижодий ўзлаштириш кўникмалари шаклланганлигига ишонч ҳосил қилгандан сўнг, иккита талаба ҳамкорликда ишлашига мўлжалланган модуль дастурлари, тегишли педагогик шарт шaroитлар вужудга келгандан сўнг, кичик гуруҳларда ишлашга мўлжалланган модуль дастурларидан фойдаланиши лозим.

Кичик гуруҳлар учун тузилган модуль дастурларидан фойдаланишда икки хил ёндашув мавжуд:

1. Мусобақа усули.

Ўқитувчи талабаларни тенг сонли кичик гуруҳларга ажратиб, модуль дастури воситасида мустақил ишларни ташкил этади. Ҳар бир модуль якунида савол-жавоб, ўқув баҳси мусобақа тарзида ўтказилади. Гуруҳлар ўртасида ғолиблар аниқланади. Гуруҳ аъзолари ўз фаолиятини ҳамкорларининг фикрини ҳисобга олган ҳолда баҳолайди.

2. Кичик консультантлар усули.

Ўқитувчи талабаларни тенг сонли кичик гуруҳларга ажратиб, модуль дастури воситасида мустақил ишларни ташкил этади. Ҳар бир гуруҳга кичик консультантлар тайинланади. Кичик консультантлар гуруҳ ишини бошқаради, талабаларнинг фаолиятини назорат қилади, тегишли ҳолларда ёрдам уюштиради. Ҳар бир модуль якунида савол-жавоб, ўқув баҳси ўтказилади. Ўзаро назорат орқали талабалар баҳоланади.

Модуль дастурининг турлари ва уларнинг моҳияти дидактик мақсадларни амалга ошириш имкониятларини таққослаганда яққол кўринади:

Дидактик мақсадлар	Талабаларнинг индивидуал ишлашига мўлжалланган модуль дастури	Икки талаба ҳамкорликда ишлайдиган модуль дастури	Кичик гуруҳларда ҳамкорликда ишлайдиган модуль дастури
Талабаларнинг ўзлаштирган билим савиясини аниқлаш ва орттириш.	+	+	+
Мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантириш	+	+	+
Ўқув топшириқларини бажариш	+	+	+

суръатини орттириш.			
Ўзаро ҳамкорлик, ёрдамни вужудга келтириш.	+	+	+
Ўз-ўзини баҳолаш кўникмаларини ривожлантириш.	+	-	-
Ўзаро назоратни амалга ошириш	-	+	+
Ўзаро мулоқотни вужудга келтириш.	-	+	+
Ўқув баҳси ва мунозарани вужудга келтириш.	-	+	+
Ижодий ишлаш ва мустақил фикрлаш кўникмаларини таркиб топтириш.	+	+	+

Модулли таълим технологиясига асосланган машғулотларда ўувчиларнинг ўқув-билиш фаолияти модуль дастурлари асосида ташкил этилади. Талабалар ўқув материални модуль дастуридан ўрин олган ўқув топшириқларини сифатли бажариш орқали мустақил ўзлаштирадилар ва ўз ўқув фаолиятининг субъектига айланадилар. Шу тариқа ягона таълим-тарбия жараёнининг иккита субъекти ўқитувчи ва талаба ўқув жараёнидан кўзланган мақсадга эришади.

Ўқитувчи ўқув материалларини модулларга ажратади ва модуль дастурини яратади. Ҳар бир модулнинг хусусий дидактик мақсади ва ўқув топшириқларини аниқлайди. Машғулот юзасидан назорат тест топшириқлари ва мустақил иш топшириқларини тузади. Талабаларнинг мустақил ўқув билиш фаолиятини ташкил этади. Модуль дастурининг дидактик мақсади ва ўқув топшириқлари билан таништиради. Талабаларнинг модуль дастури ёрдамида мустақил ишларини ташкил этади. Муаммоли вазиятларни вужудга келтиради, тегишли ҳолларда ёрдам уюштиради.

Модуль дастуридан ўрин олган ҳар бир модуль якунида ўқув баҳси, савол-жавоб, мунозара, ақлий ҳужум ўтказилади. Модуль дастурини якунлайди.

Қуйида модулли таълим технологиялари асосида ташкил этилган машғулотда ўқитувчи ва талабаларнинг ўқув билиш фаолиятидаги ўзига хос хусусиятлари билан танишамиз.

Ўқитувчининг педагогик ва талабаларнинг ўқув билиш фаолиятидаги ўзига хос хусусиятлар

Ўқитувчининг фаолияти	Талабанинг ўқув-билиш фаолияти	Кўзланган натижа
Ўқув материалларини модулларга ажратади ва модуль дастурини тузади. Ҳар бир модулнинг хусусий дидактик мақсади ва ўқув топшириқларини аниқлайди. Машғулот юзасидан назорат тест топшириқлари ва мустақилиш топшириқларини тузади.		Талабалар фаолиятини мавзу матнини мустақил ва ижодий ўзлаштиришга йўллаш, ўқув билиш фаолиятини босқичма-босқич ташкил этиш.
Талабаларнинг мустақил ўқув билиш фаолиятини ташкил этади. Модуль дастурининг дидактик мақсади ва ўқув топшириқлари билан таништиради.	Модуль дастурининг дидактик мақсади, модуллар, модулларнинг хусусий дидактик мақсадлари, машғулот давомида бажариладиган ўқув топшириқлари, топшириқлар юзасидан кўрсатмаларни англайди. Ўз ўқув билиш фаолиятини ташкил этади.	Талабаларни модуль дастурининг дидактик мақсади, модулларнинг хусусий дидактик мақсадига мувофиқ ўқув билиш фаолиятини ташкил этишга ўргатиш.
Талабаларнинг модуль дастури ёрдамида мустақил ишларини ташкил этади.	Ўқув материални мустақил ўзлаштиради, ўқув топшириқларини сифатли бажаради, саволларга жавоб топади.	Асосий ғояни ажратиш, мантикий фикр юритиш, фикрини баён этиш ва асослаш кўникмалари, нутқ ва мулоқотга киришишга эришиш
Муаммоли вазиятларни вужудга келтиради, тегишли ҳолларда ёрдам уюштиради. Модуль дастуридан ўрин олган ҳар бир модуль якунида ўқув баҳси, савол-жавоб, мунозара, ақлий ҳужум ўтказади.	Муаммоли вазиятлардан чиқишнинг оптимал вариантларини таклиф этади. Ўқув баҳси, савол-жавоб, мунозара ва ақлий ҳужумда фаол иштирок этади.	Ҳар бир шахснинг касбий ва интеллектуал ривожланишига имкон яратиш. Талабалар ўртасида ҳамкорлик, ўзаро ёрдамни вужудга

		келтириш.
Модуль дастурини якунлаш.	Модуль дастурининг дидактик мақсадига мувофиқ ўз ўқув фаолиятини таҳлил қилади ва баҳолайди.	Ўз ўқув фаолиятини танқидий таҳлил қилиш ва таққослаш, ўз-ўзини назорат ва баҳолашга ўргатиш.
Машғулот юзасидан тест топшириқлари ёрдамида ўқитувчи назоратини амалга ошириш.	Тест топшириқлари асосида ўз билимларини назорат қилиш, камчиликлари ва йўл қуйилган хатоларни аниқлаш Уларга барҳам бериш йўллари излаш.	Ўз ўқув фаолиятидаги камчиликларга барҳам бериш йўллари аниқлаш ва ўз устида ишлаш режасини тузишга ўргатиш.
Эришилган натижани таҳлил қилиш. Талабаларга эришилган натижасига мувофиқ ҳолда мустақил ва ижодий иш топшириқларини тавсия этиш.	Ўрганилган мавзуга оид кроссворд ёки ижодий изланишли топшириқларни бажаради.	Талабаларнинг билимларни ўзлаштириш самарадорлигини орттириш.

Маърузада модулли таълим технологиясини қўллаш муҳим аҳамият касб этади. Мазкур технологиядан фойдаланиш учун ўқитувчи қуйидаги тайёргарлик ишларини олиб борган бўлиши шарт:

1. Ўрганиладиган мавзунинг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадлари асосида талабаларга қўйилладиган ўқув мақсадларини белгилаш;
2. Ўрганиладиган мавзунинг мантикий тугалланган фикрли модулларга ажратиш, ҳар бир модулнинг хусусий мақсадларини аниқлаш ва уларнинг иерархик даражасини тузиш;
3. Талабаларнинг ҳар бир модулнинг хусусий мақсадларига эришиш йўллари назарда тутган ҳолда ўқув топшириқларини тузиш ва унга ажратилган вақт меъёрларини белгилаш;
4. Модулларнинг кетма-кетлиги асосида модулларнинг хусусий мақсадлари, ўқув топшириқларни яхлит тарзда ўзида мужассамлаштирган модуль дастурини лойиҳалаш;
5. Маъруза матни ва модуль дастурини машғулотдан бир ҳафта аввал талабаларга тарқатиш;
6. Модуль дастурининг уч хил тури бўлишини назарда тутган ҳолда талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш шаклини аниқлаш;

Изоҳ:

- Агар ўрганиладиган мавзу мазмуни фактик материаллардан иборат бўлиб, талабалар томонидан ўзлаштиришида қийинчилик юзага келмаса, у ҳолда модуль дастурининг индивидуал ишлаш модуль дастуридан фойдаланилади;
- Агар ўрганиладиган мавзу мазмуни фактик материаллар билан бир қаторда илмий-назарий масалалардан иборат бўлиб, талабалар томонидан

ўзлаштиришида қийинчиликни юзага келтирган ҳолда модуль дастурининг икки талаба ҳамкорликда ишлашига мўлжалланган модуль дастуридан фойдаланилади;

- Агар ўрганиладиган мавзу мазмуни илмий-назарий масалалар, тушунча ва атамаларни ўзида мужассамлаштирган бўлса, талабалар томонидан ўзлаштиришида қийинчиликни юзага келиши табиий бўлган ҳолда модуль дастурининг талабаларнинг кичик гуруҳларда ҳамкорликда ишлашига мўлжалланган модуль дастуридан фойдаланилади;

Ҳозирги кунда олий таълим муассасаларига уч хил тайёргарликка эга талабалар қабул қилинаётганлиги, уларда ўқув меҳнати ва амалий кўникмаларнинг эгаллаганлик даражаси турлича бўлганлигини инобатга олиб модулли таълим технологиясидан фойдаланишда модуль дастурининг талабаларнинг кичик гуруҳларда ҳамкорликда ишлашига мўлжалланган модуль дастури юқори самара бермоқда.

Мазкур модуль дастури асосида ишлаганда талабаларнинг кичик гуруҳлари ўртасида ракобат, гуруҳ сардори гуруҳ аъзолари билан қўшимча ишлаш, машғулотгача модуль дастуридан ўрин олган савол-топшириқлар юзасидан тайёргарлик кўриш имконияти вужудга келади.

Ўқув топшириқларининг жамоа орқали қўйилиши, гуруҳ аъзоларининг гуруҳ муваффақиятига ҳисса қўшишга интилиши таълим-тарбия жараёнининг ҳаракатлантирувчи кучи саналади. Гуруҳнинг эришган натижаларининг таҳлил ва эътироф этилиши талабалар ўқув мотивларини фаоллаштирадиган омил саналади.

Талабаларнинг эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини ўз-ўзини, ўзаро ва ўқитувчи томонидан назорат қилиниши таълим самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Модулли таълим технологияси ўқитиш жараёнида янги мавзунини ўрганишда хусусий методик даражада қўлланилади ва локал даражада қўлланиладиган ақлий ҳужум, инсерт, кластер, бумеранг, атамалар занжири, блитс, ўйин машқлар билан уйғунлаштирилади.

Талабалар модуль дастурининг дидактик мақсади, модуллар, модулларнинг хусусий дидактик мақсадлари, машғулот давомида бажариладиган ўқув топшириқлари, топшириқлар юзасидан кўрсатмаларни англайди. Ўз ўқув билиш фаолиятини ташкил этади. Машғулот матнини мустақил ўзлаштиради, ўқув топшириқларини сифатли бажаради, саволларга жавоб топади. Муаммоли вазиятлардан чиқишнинг оптимал вариантларини таклиф этади. Ўқув баҳси, савол-жавоб, мунозара ва ақлий ҳужумда фаол иштирок этади ва ҳ.к.

Хулоса қилиб айтганда, ўқитиш жараёнининг самарадорлиги ўқитувчи томонидан талабаларнинг билиш фаолиятини ўқитиш вазифалари ва мақсадларига мувофиқ ташкил эта олиш кўникмаларини эгаллаганлик даражасига боғлиқ бўлади. Модулли таълим технологиясидан фойдаланишнинг афзаллик томонлари, уни анъанавий таълим технологияси билан таққослаганда аниқ кўринади.

№	Анъанавий таълим	Модулли таълим
1.	Машғулотлар бир хил тарзда олиб борилади.	Модуль дастури талаблари асосида олиб борилади.
2.	Вақтдан унумли фойдаланилмайди.	Вақтдан самарали фойдаланилади.
3.	Ўқув материални ўзлаштириш дастлабки босқичда бўлади. Уй вазифасининг ҳажми ортиб кетади.	Талабалар томонидан ўқув материал юқори даражада ўзлаштирилишига, ўз устида мустақил ишлашига имкон яратилади.
4.	Талабаларнинг ўзаро мулоқоти, мустақиллиги, нутқини ривожлантириш имконияти чекланган.	Талабалар якка, жуфт ҳолда кичик гуруҳларда ишлайди, улар ўртасида дўстона мулоқот, ўзаро ёрдам, ҳамкорлик вужудга келади, нутқи ривожлантирилади.
5.	Янги мавзуни ўрганишда ўрта савияли талабага нисбатан мўлжал олинади. Талабалар фаолияти суист, тайёр билимларни ўзлаштиришга қаратилади.	Ҳар бир талаба ўз қизиқиши, иқтидорига асосланиб билимини ошириш мақсадида мустақил ва ижодий ишлаб янги билимларни ўзлаштиради.
6.	Талабалар билимини ўқитувчи баҳолайди.	Ўз-ўзини назорат, ўзаро назорат ва ўқитувчи назорати амалга оширилади.
7.	Педагогик муносабатлар авторитар технологияга асосланади.	Педагогик муносабатлар ўзаро ҳамкорликка асосланади.

Қуйида модулли таълим технологиясига асосланган маъруза машғулотининг тузилиши, машғулот ишланмаси берилмоқда.

Модулли таълим технологиясининг талабаларнинг кичик гуруҳларда ишлашига мўлжалланган модуль дастурига асосланган машғулотнинг ишланмаси

Машғулотнинг мавзуси:

Машғулотнинг таълимий мақсади:

Машғулотнинг тарбиявий мақсади:

Машғулотнинг ривожлантирувчи мақсади:

Машғулот жиҳозлари:

Машғулотда фойдаланиладиган технология: Модулли таълим технологияси (талабаларнинг кичик гуруҳларда ишлашига мўлжалланган модуль дастури)

Машғулотнинг бориши:

I. Ташкилий қисм

II. Ўтган мавзу юзасидан талабалар билимини тест савол-топшириқлари ёрдамида аниқлаш ва баҳолаш.

III. Талабаларни машғулот мавзуси, мақсади, бориши билан таништириш ва уларнинг фаолиятини ўқув топшириқларини бажаришга йўллаш.

IV. Янги мавзунини ўрганиш:

а) янги мавзу бўйича тузилган модуль дастурини тарқатиш ва талабаларни модуль дастурининг дидактик мақсади билан таништириш;

б) талабаларнинг фаолиятини модуль дастуридаги ўқув топшириқларини мустақил бажаришга йўллаш;

в) ҳар бир модуль топшириқларининг тўлиқ бажарилишини назорат қилиш, тегишли кўрсатмалар бериш;

г) ҳар бир модуль якунида савол-жавоб ёки мунозара ўтказиш.

Ўқитувчи ушбу машғулотда ўрганиладиган ўқув материални қуйидаги мантикий тугалланган фикрли қисмга яъни модульга ажратади:

Шу асосда қуйидаги модуль дастури тузилади.

“ ” мавзуси бўйича талабаларнинг кичик гуруҳларда ишлашига мўлжалланган модуль дастури.

Модуль дастурининг дидактик мақсади:

Сиз модуль дастури ёрдамида талабалар билан кичик гуруҳларда, ҳамкорликда ишлаб, тушунчаларни ўзлаштиришингиз, дарслик устида мустақил ишлаш кўникмаларингизни ривожлантиришингиз зарур.

(Бу ерда машғулотнинг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадлари талабалар зиммасига юкланади. Машғулотнинг дидактик мақсадларининг талабалар зиммасига юкланиши, уларнинг билиш фаолиятининг фаол бўлишига олиб келади).

Ўқув фаолияти элементи (ЎФЕ)	Талабалар ўзлаштириши лозим бўлган ўқув материалга оид топшириқлар	Топшириқларни и бажариш бўйича кўрсатмалар	баҳо
1-ЎФЕ	Мақсад: Дарсликдаги матнни диққат билан ўқиб чиқиб, қуйидаги саволларга жавоб топинг ва топшириқларни бажаринг:	Талабалар гуруҳи билан ҳамкорликда ишланг ва савол- жавобда фаол иштирок этинг.	
1. 2. 3. 2-ЎФЕ	Мақсад:		
1. 2. 3. 3-ЎФЕ	Мақсад:		
1. 2. 4-ЎФЕ	Мақсад: Модуль дастурини яқунлаш. Модуль дастурининг дидактик мақсадини ўқиб чиқинг.	Талабалар гуруҳи билан ҳамкорликда ишланг ва савол- жавобда фаол	

	Сиз унга қай даражада эришдингиз? Ўзингизнинг ўқув фаолиятингизни беш балли тизимда баҳоланг. Ўқув фаолиятингиздан қониқиш ҳосил қилган бўлсангиз тест топшириқларини бажаринг. Агар ўз ўқув фаолиятингиздан эришилган натижа сизни қаноатлантирмаса, модуль дастури ёрдамида мавзунини қайта ўрганинг.	иштирок этинг. Ўз ўқув фаолиятингиз ни таҳлил қилинг	
--	--	--	--

V. Талабаларнинг модуль дастури ёрдамида мустақил ишларини ташкил этиш. Ҳар бир модуль якунида талабалар жамоаси билан савол-жавоб, ўқув мунозарасини ўтказиш.

VI. Модуль дастурини якунлаш.

VII. Янги мавзу бўйича талабаларнинг ўзлаштирган билимларини тест топшириқлари ёрдамида назорат қилиш ва баҳолаш.

VIII. Янги мавзунини қайта ишлаш ва якунлаш.

IX. Мустақил иш топшириғини бериш.

Модулли таълим технологиясига асосланган маърузани такомиллаштириш бўйича тавсиялар 3-вариант

Ташкилий қисм	Талабаларнинг ўқув мотивларини янгилаштириш	Янги мавзунини ўрганиш	Якун ясаш ва хулосалаш	Эришилган натижани таҳлил қилиш ва якун ясаш.
Давоматни аниқлаш Атамалар варағидан фойдаланиш Тушунча ва атамаларнинг изоҳини эслаш	Ўқув мақсадларини қўйиш Ақлий ҳужум ўтказиш	1-Модуль Кичик гуруҳларда ишлаш 2-Модуль Кичик гуруҳларда ишлаш 3-Модуль Кичик гуруҳларда ишлаш Модуль дастурини якунлаш	Ҳар бир модуль якунида кичик гуруҳлар ўртасида мунозара ларини ўтказиш Мавзунини умумий якунлаш	Кичик гуруҳларнинг эришилган ютуқларини эътироф этиш Мустақил иш топшириқларини тавофуқлаб бериш

Хулоса қилиб айтганда, таълим-тарбия жараёнида модулли таълим технологиясидан фойдаланиш ўқитиш жараёнининг самарадорлигини орттириш баробарида талабаларнинг билимларини онгли ўзлаштириши, ақлий

фаолият усуллари эгаллаши, шахс сифатида баркамоллигини таъминлашга замин яратади.

Назарат саволлари

1. Талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш ва таълим самарадорлигини оширишда модулли таълим технологиясининг ўрнини аниқланг.

2. Модулли таълим технологиясининг ўзига хос хусусиятлари ва уларга қўйиладиган талабларни аниқланг.

3. Таълим-тарбия жараёнида талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш жараёнида модулли таълим технологиясини анъанавий таълим технологияси билан уйғунлаштириш йўллари тушунтириш.

4. Модуль дастурининг турлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқланг.

5. Модулли машғулотнинг тузилиши ва технологик харитасининг ўзига хос хусусиятларини аниқланг.

Фойдаланилган адабиётлар

1. A Handbook for Teaching and Learning in Higher Education, published 2009 by Routledge 270 Madison Ave, New York.

2. Мўминова Л.Р. ва бошқалар. Махсус психология. -Т.: “Ношир”, 2013 й.

3. Пўлатова П. ва бошқалар. Махсус педагогика. Т.: “Фан ва технология” нашриёти, 2014 й.

4. Назарова Н.М. Сравнительная специальная педагогика. М.: «Академия», 2012г.

5. Йўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 2004.

6. Чичерина Я., Нуркелдиева Д., Бондарева Е. Мутахассислик фанларни ўқитиш методикаси. Т.: Фан ва технологиялар, 2013й.

7. Чичерина Я., Нуркелдиева Д., Бондарева Е. Инновационные подходы в подготовке кадров- дефектологов (монография). Т.: “Навруз”, 2014 г.

8. М.Ю. Аюпова Логопедия –Т.: “Файласуфлар миллий жамияти” 2011й. 2-нашр. 560б.

9. Холиқов А. Педагогик маҳорат. – Т.: ИҚТИСОД-МОЛИЯ, 2011.

4-маъруза: Дефектология фанларини ўқитишда инновацион технологияларга асосланган маъруза машғулотларини лойиҳалаш
Режа:

1. Дефектология фанларини ўқитишнинг ташкил этиш шакллари.
2. Дефектология фанларини ўқитишда инновацион технологияларга асосланган маъруза машғулотларни лойиҳалаш ва педагогик фаолиятда қўллаш.
3. Дидактик ўйинли технологияларнинг дефектология (махсус педагогика) фанларини ўқитишдаги ўрни.

Таянч иборалар: махсус педагогика, ахборот технология, дидактик ўйинлар, маъруза, инновация, илмий материаллар, аргументлар, тафаккур, муаммоли маъруза, муаммоли саволлар, вузуаллаштириш (намойиш этиш)-маърузаси, ҳамкорликдаги маъруза, пресс-конференция маърузаси, суҳбат-маъруза, аниқ вазиятларни анализ қилиш маърузаси

4.1. Дефектология фанларини ўқитишнинг ташкил этиш шакллари

Маъруза ўқув жараёнини ташкил этишнинг асосий шаклларида бири ҳисобланиб, ўқитувчи томонидан ўқув материалларини оғзаки равишда, монологик шаклда, тизимли, маълум бир кетма-кетликда баён этишни назарда тутди. Олий таълим пайдо бўлганидан буён маъруза асосий ўқитиш шакли бўлиб қолмоқда (латин тилидан олинган бўлиб, лестион – ўқиш деганидир). Маърузада ўқитувчи тизимли равишда янги билимларни беради ва ўқув курси бўйича мураккаб бўлган муаммолар тушунтириб берилиши дозим. Маъруза ўқув машғулотлари орасида етарли даражадаги мураккабликка эга машғулот тури ҳисобланади, шунинг учун ҳам уни нисбатан тажрибали ўқитувчиларга ишониб топширилади.

Маърузанинг вазифалари қуйидагилардир: ўқув фани бўйича билимлар тизимини шакллантириш; илмий материалларни аргументларни келтириб (асосли равишда) баён этиш малакасини шакллантириш; касбий фикрлаш доирасини ва умумий маданиятни шакллантириш; дарслик ва ўқув қўлланмаларида хали ёритилмаган янги билимларни баён этиш.

Маърузанинг вазифалари қуйидагилардир: информацион (маълумот бериш) – билимлар тизимини баён этиш; мотивацион – ўқув фани мазмунини ўзлаштиришга бўлган қизиқишни ва бўлажак мутахассиснинг касбий мотивини уйғотиш; мўлжал олдирувчи-ўқув материални келажакда ҳам ўзлаштирилишини учун асос яратиш; тарбиявий-таълим жараёнига онгли муносабатни шакллантириш, мустақил ишлаш ва мутахассисликни ҳар томонлама эгаллашга интилиш, ўқув фанига қизиқишни ривожлантириш, талабаларнинг тафаккурини фаоллаштиришга кўмаклашиш.

Ҳозирги кунда машғулотларни маъруза методида олиб борилишига қаршилиқ қилувчиларнинг сони ортиб бормоқда. Уларнинг фикрларига кўра маърузанинг камчилиги, авваламбор, талабалар фаоллигининг етарли эмаслиги, улапр томонидан маълумотлапрни етарлича ишланмаслиги талабаларнинг ижодий фаолиятининг мавжуд бўлмаслиги, уларнинг танқидий тафаккурини, маълумотларни амалий қўллаш ва уларни мустақамлашни сўндиришидадир.

1980-йилларнинг охирида олиб борилган илмий ишларнинг кўпчилигида маърузаларда ўтириш талабаларнинг ўрганиши учун доимо ҳам самарали йўл бўла олмайди деган фикр таъкидланиб, кейинги йилларда маърузалар микдорининг камайиши кузатилади. Аммо маъруза ҳозиргача ҳам талабаларнинг таълимий тажрибасининг учун муҳим қисм бўлиб қолмоқда, ҳатто масофали таълим олаётган талабалар ҳам интернет орқали ёзилган маърузаларни кўришлари ва тинглашлари, ёки реал вақтда онлайн маърузаларда видео-конференция технологиялари орқали иштирок этишлари мумкин. Шундай фикрлар ҳам борки, маърузаларнинг сақланиб қолганлигига охирги ўн йил давомида Буюк Британияда талабалар сонининг сезиларли ошганлиги сабаб бўлган. Чунки билимларни етказишнинг бошқа самарали воситалари ҳам мавжуд.

Ушбу бўлимда яхши тайёрланган маъруза талабаларнинг ўрганишини қандай рағбатлантириши ўрганилади. Жумладан, урта жиҳат – қизиқишни уйғотиш ва уни сақлаб туриш, талабаларни жалб этиш, ва яхши структура муҳимлиги – батафсил кўриб чиқилади. Намунали ўқитиш мисоллари турли фанлардан дарс берадиган баъзи ўқитувчилар ўқитиш жараёнини маъруза орқали қандай тузиши ва бу орқали қўйилган натижаларга қандай эришишини кўрсатиб беради.

Синф ҳажми ошиб бориши билан ўқитувчи олдида мураккаб бўлган иккита алоҳида масала юзага келиши мумкин. Биринчиси, модулли тизимда маърузаларга турли йўналишда таҳсил олаётган, ва турли билим ва кўникмаларга эга бўлган талабалар иштирок этиши мумкин. Бу ўқитувчига маърузани қайси йўналишда олиб бориш ва унда иштирок этаётган талабалар қизиқишини қандай сақлаб қолиш бўйича жиддий вазифанинг сабаби бўлиши мумкин. Иккинчиси, ўқитувчи синф хонасида талабаларнинг кўп сони туфайли тартибни ушлаб туришида қийинчилик туғдириши мумкин, чунки бу ҳолат турли университетларда ҳар хил ўқув йўналишларида кузатилади⁶.

Тажрибаларнинг кўрсатишига кўра, маърузадан вож кечиш талабалар тайёргарлигининг илмий даражасини пасайтиради, шунинг учун ҳам маъруза худди аввалгидек, олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этишнинг асосий шакли бўлиб қолмоқда.

⁶A Handbook for Teaching and Learning in Higher Education, published 2009by Routledge 270 Madison Ave, New York, NY 10016, chapter IV: Planning teachingand learningCurriculum design anddevelopment, Lorraine Stefani, 58

Ўқув жараёнида таълимнинг маъруза шакли бошқа бир шаклдаги машғулот билан алтиришнинг иложи бўлмаса бир қатор вазиятлар юзага келади⁷:

- «янги ўқитилаётган курслар бўйича дарсликлар мавжуд бўлмаган вазиятда маъруза – асосий маълумот манбаи ҳисобланади;
- маълум бир мавзу бўйича янги ўқув материали хали дарсликдан ўрин эгалламаганда ёки унинг бўлимлари эскирганда ҳам маъруза – асосий маълумот манбаи ҳисобланади;
- дарсликнинг айрим мавзулари мустақил ўзлаштириш учун мураккаб бўлиб, маърузачи томонидан методик қайта ишланишини талаб этади;
- курснинг асосий муаммолари бўйича қарама-қарши концепциялар мавжуд бўлганда маъруза уларнинг объектив ёритилиши учун муҳимдир;
- маъруза маърузачининг талабаларнинг дунёқарабини шакллантириш мақсадида шахсий ҳиссий таъсир этиши талаб этилганда жуда муҳим ҳисобланади ва ҳеч бинр машғулот тури билан алмаштириб бўлмайди. Маърузанинг ҳиссий безаклари чуқур даражадаги илмий мазмун билан уйғунлашиб, тингловчилар билан фикр, сўз ва идрок орасидаги мувофиқликни яратади. Маърузанинг ҳиссий таъсири ижтимоий фанларни ўқитишда муҳим ўринни эгаллайди.»

Яхши тайёрланган маъруза қўйидаги жиҳатларга эга бўлиши лозим:

- маълумотлар билан бойитилган, қизиқарли ва жалб этувчи бўлиши
- мазмуни яхши ташкиллаштирилган ва тинглашга осон. Талабалар аргументнинг ишлаб чиқилишини, ёки маълумот ва ғояларнинг кетма-кетлиги мантиғини тушуна олишади.
- Талабалар ўзларини жалб этилган деб ҳис қилиши. Бу фаол қатнашиш, улар қўллай оладиган мувофиқ намуналар орқали ўзларининг фикрини билдира олиши орқали таъминланиши мумкин. Гуруҳнинг ҳажмидан қатъий назар, талабаларни уларга савол бериш орқали маъруза мазмунига жалб этиш талабаларни қизиқтиришнинг муҳим усули.
- Талабалар вақт тез ўтганини сезмай қолишади
- Талабалар гуруҳ хонасидан маълум бир маълумотни эгаллаган ҳис билан чиқишади, ва кўп ҳолларда манбаларни қидириб, кўпроқ маълумот олишга илҳомланишади.

Тарих йўналиши талабалари (Эванс, 2007) ва муҳандислик йўналиши талабалари (Дэвис ва бошқ., 2006) иштирокида амалга оширилган иккита тадқиқот махсус фанлар бўйича яхши маъруза тайёрлаш жиҳатларини, масалан қизиқишни уйғотиш ва уни сақлаб туриш, талабаларни жалб қилиш, маърузаларнинг структурасини тузиш ва ташкиллаштириш каби жиҳатларни

⁷Буланова-Топоркова М.В. Педагогика и психология высшей школы: учебное пособие. — Ростов-на-Дону: Феникс, 2002 й. - 544 б.

аниқлашда анча ёрдам берди. Бу кўп сонли илмий ишлар, шу жумладан Рамсден (1994) илмий иши чоп этилиши билан мустаҳкамланди.

Кўп йиллар мобайнида қўлланилиб келаётган, маърузаларни кўпроқ самарали қила оладиган муҳим адабиётлар мавжуд (мисол учун Браун, 1987; Эдвардс ва бошқ., 2001; Браун ва Рэйс, 2002; Рэйс, 2007). Олий таълим Академиясининг веб-сайтини кўриб чиққанда ҳам махсус фанлар бўйича манбаларга ҳаволаларни топиш мумкин. Келтирилган таклифларнинг кўпчилиги янги эмас, ва берилган рўйхат батафсил эмас. Катта гуруҳларга маъруза ўтишда қўлланилиши мумкин бўлган, ва кўпроқ ўрганишни жадаллаштириш учун танланган ғоялар шунчаки ахборотни узатиш билан боғлиқ. Барча ғоялар ҳар бир маъруза ёки ҳар бир фан билан мувофиқ келмайди, аммо керакли усулларни танлаб олиш талабанинг кўпроқ маълумот олишига олиб келади. Намунали ўқитишлар ҳам бир қатор ёндашувларнинг самарали бўлиши мумкинлиги мисолларини келтиради⁸.

Маърузанинг тузилишини кўриб чиқамиз. Маърузанинг одатий тузилмам элементларига кириш, асосий қисм, хулоса киритилади.

Кириш – аудиторияни ўқув материални идрок этишга қизиқтириш ва йўналтириш мақсадига эга бўлган маърузанинг бир қисмидир. Маърузанинг бу қисмига: маъруза мавзусини баён этиш, унинг касбий аҳамиятини, янгилигини ва унинг ўрганилганлик даражасини, маъруза мақсадини тавсифлаш, маърузада кўриб чиқилиши лозим бўлган асосий муаммоларни қамраб олган маъруза режасини баён этиш, аввалги маърузада кўриб чиқилган саволларни ёдга солиш, уларнинг янги материал билан боғлиқлигини, унинг ушбу фандаги аҳамияти, ўрнини, шунингдек, бошқа фанлар тизимидаги ўрнини белгилашни қамраб олади.

Асосий қисм – таклиф этилган режага қатъий амал қилган ҳолда маъруза мазмунини баён этиш. Маъруза мавзусини очиб берувчи концептуал ва далилли материалларни, уларни таҳлили ва баҳоланишини, илгари сурилаётган назарий қоидаларни турли усулларда аргументлаш ва исботлашни қамраб олади. Маърузанинг турига қараб иш тури аниқланади.

Хулоса – маърузани умумий хулосалаш, материалларни умумлаштириш, маъруза мавзуси бўйича хулосаларини баён этиш; талабаларнинг саволларига жавоб бериш.

Талаба маърузани яхши тушуниши учун маъруза яхши ташкил этилган бўлиши лозим. Маърузаларнинг ёки берилган тақдимотларнинг кўп матнлари мавзу бошига, ўртасига ва охирига (яъни маърузанинг умумий анатомиясига) эътибор бериш ҳақида гапиради, ва бу жиҳатлар кўплаб ўқитувчиларга мос келади. Намунали ўқитишлар тажрибали ўқитувчилар томонидан маърузаларни

⁸ A Handbook for Teaching and Learning in Higher Education, published 2009 by Routledge 270 Madison Ave, New York, NY 10016, chapter IV: Planning teaching and learning Curriculum design and development, Lorraine Stefani, 59

шакллантиришда қўлланиладиган баъзи стратегияларни кўрсатади. Бирок шундай муаммо кўп ҳолларда пайдо бўладики, ўқитувчи маърузани тўлиқ тушунарли деб қабул қилади, аммо у талабага баъзан тушунарсиз бўлиб қолади. Бунинг сабаби шундаки, ўз фанини яхши биладиган ўқитувчи талабани маъруза давомида йўналтириб борадиган сигнал ва жиҳатларни беришда хато қилади, натижада талаба умумий структурага қарамай, асосий нукталарни йўқотади ва тушунмайди. Браун (1987) талабаларга уларга керак бўлган сигнал ва нукталарни беришнинг бир қатор оддий йўллари таклиф этди (5.1-жадвал)

Савол бериш амалиёти:

- маърузаларингиз қай даражада яхши ташкиллаштирилган?
- маърузаларингиз бўлимлари яхши ташкиллаштирилиб, бошқа мавзулар билан боғланганми?
- талабалар йўналтирувчи асосий нукталарни билишадими?

Белгилар:

Кўйидаги жумлалар маърузанинг структурасини ва йўналишини белгилайди:

• *ўтган ҳафта бизлар кўриб чиқдик, ва бу ҳафта мен ушбу гояларни батафсилроқ ишлаб чиқаман*

- *бугун мен кўриб чиқмоқчиман*
- *биринчи навбатда бизлар қараймиз*
- *иккинчидан ... тавсиф бериш учун вақт ажаратамиз*

Шунингдек маъруза давомида мавзуларнинг охирини кўрсатувчи белгилар ҳам мавжуд:

- *хуллас, бу асосий жиҳатларини умумлаштиради.*

Боғланишлар:

Маъруза қисмларини бирлаштирувчи жумлалар ёки жиҳатлар мавжуд бўлиб, улар кўп ҳолларда риторик саволлар сифатида ишлатилади. Мавзу охирига келиб сиз, масалан, кўйидагича айтишингиз мумкин:

• *хўш, бу амалиётда нимани билдиради? Келинг, ... бир кўриб чиқайлик*

• *бундан хулоса қилишимиз мумкинки.... Аммо бу бизга ҳақиқатда нима айтмоқчи? Демак, агар бизлар бошига қайтиб келсак, шуни айтишимиз мумкинки...*

• *демак, сиз кўришингиз мумкинки, бу жараённинг сўнгги ҳаракатидир. Энди нима? Агар бизлар ушбу шу усулда амалга ошишини билсак, кейинги келиб чиқадиган ҳаракатлар нима бўлади? Келинг, шуни ҳозир кўриб чиқамиз.*

Урғу.

Асосий жиҳатларни таъкидлаб кўрсатувчи ва уларга урғу берувчи жиҳатлар мавжуд

- *бу жараённинг энг муҳим вазияти*
- *бажарилиши лозим бўлган учта энг зарур ҳаракатлар мавжуд*

Браун (1987) маълумотларидан фойдаланиб мослаштирилган

Намунали ўқитиш 1: мутахассислик фани бўлмаган талабалар катта гуруҳига бухгалтерия бўйича маъруза ўқиш

Мен магистрлик дастурлари учун бухгалтерия модули бўйича ҳамкорликда дарс ўтаман: бу курс бизнесга яқин йўналишдаги, аммо мутахассислиги бошқа бўлган 100 нафардан ортиқ талабаларнинг иккита гуруҳига ўтилади. Модуль уч соатлик маърузаларнинг тўққиз ҳафта давомида ўқитилиши билан бажарилади. Менинг бу ишдаги фалсафам оддий: менинг вазифам маърузаларни барча иштирок этаётганларга – ҳам талабаларимга ва ҳам ўзимга қизиқарли ва мазмунли қилиб ўтказиш. Тажрибам шуни кўрсатадики, маърузаларнинг самарасини ошириш учун шахсларнинг кўпроқ шижоати ва кучи талаб қилинади.

Мен талабаларни маърузанинг бошиданоқ банд этишни сўнг уларнинг бандлик жараёнини маъруза давомида кузатиб боришни мақул кўраман. Менинг фикримча маърузанинг биринчи бир неча дақиқаси энг муҳим пайт ҳисобланиб у дарс муҳитига таъсир қилиб дарсни қизиқарли ўтишига йордам беради. Мнемоникага оид Интро кириш қисми учун жуда фойдали ҳисобланади.

Қизиқиш: мен дарс давомида қизиқиш ва синчковликни ушлаб боришга ҳаракат қиламан бу маърузаларнинг кунлик материалга ёки маърузага алоқадор саволлар таййорлашда ёрдам беради.

Керакли: мен талабаларга маъруза қандай ва қанчалик муҳим эканлигини кўрсатмоқчи едим. Бунга талабаларни имтихонга таййорлаш ва малумотни ўзлаштиришга кўмаклашиш ҳам киради, ва албатта янада муҳим қисми маърузада келтирилган фикр ва ғояларни талабаларга йетказиб бериш.

Вақт тақсимооти мен маъруза учун ажратилган уч соатни қандай самарали ўтказишни курсатиб боришга ҳаракат қилдим, бунда маъруза, фаолият, ўтган ҳафта маърузаларини қайта қараб чиқиш тажрибаси ва шу сингарилар.

Тури Дарс программаси маъруза давомида қамраб олинмайдиган маълумотни ва шу билан бирга қамраб олинмайдиган маълумотни изоҳлайди.

Таҳлил Ва албатта дарс таҳлили энг муҳим қисмлардан бири, унинг натижаси дарс жараёнини боришига боғлиқ.

Мен доимо маърузаларни талабалар учун қисқа фаолиятлардан яъни дарс давомида мулоҳазалар олиб бориш билан бошлашга ҳаракат қиламан. бу ҳолат талабаларнинг фанга нисбатан қизиқишини ортиради ва жараён давомида талабалар ўқитувчи ва бир бирларига таъсир ўтқариш чуқуқига ега. шундан кейин савол жавоб ва дарсга оид бошқа фаолиятларни, талабалар дарс давомида машғул бўлишлари учун олиб бораман.

Бази талабалар бошқаларидан олдин машғулоти тугатган ҳолатларда ёки мураккаб машғулоти бажаришда мен бази техник воситаларни қўллайман:

1. Мен машғулотни бошқалардан илгари тугатганлар учун “follow up” яъни кетма кетлик усулини куллайман.

2. Топшириқ билан банд талабалар атрофида айланиб юриб, уларнинг ишини кузатаман ва керак бўлса уларга йордам бераман.

3. Мен кичик турдаги фаолиятларни вақт билан чеклаб уларнинг муайян вақт мобайнида бажарилишини кузатаман.

4. Топшириқ бажарилиши керак вақтни чеклаб талабаларга вақтни тақсимлашни ўзларига қўйиб бераман.

Мисол учун, мен гуруҳни уч қисмга ажратиб ҳар бир қисмга алоҳида вазифа бераман ва вақтни чеклаб уларнинг фаолиятини кузатаман.

Зерикарли маруза жарайонида талабаларнинг машғулотни хохламай бажаришларидан ёмон иш бўлмаса керак. Power Point программасидаги презентация ишлари марузани биров кизиқарли қилиб талабаларнинг этиборини тортади. Талабалар маруза давомида ўзларини қандай ҳис этишлари ва марузалар давомида техник ёки фан машғулотлари билан банд бўлишлари жуда зарур.

Талабаларни маруза давомида банд қилишнинг турли хил усуллари мавжуд.

Биринчидан, талабаларнинг ўзларида бунга нисбатан хоҳиш бўлиши керак. Бази бир талабалар билан мулоҳаза давомида гуруҳчалар барпо этиш.

Мисол учун: кутиш мобайнида талабалар билан суҳбатлашнинг ва шу ҳолдан сўнг талабаларнинг сизга нисбатан бўлган момаласини кузатиш ва талабалар билан иложи борица дўстона муносабатда бўлинг.

Иккинчидан, техник усулларнинг базилари маруза бўлимлари учун яънан мос қилиб талабаларни қизиқтиради ва марузанинг яхши ўтишини таъминлайди. Маруза давомида дидактик усул биров муаммони бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларда талабалар марузанинг биринчи 20 дақиқасида этиборли бўла олишади ҳолос, (Stuard and Rutherford, 1978) ва бу ҳолат муаммони йечимини топишга ундайди.

Учинчидан, жуда ҳам муҳим аспектлардан бири талабаларнинг бандлигини ва марузадаги иштирокини таъминлаш. Қуйида берилган тавсиялар марузаларни самаралироқ ўтказиш ва ўйилган мақсадга еришишга йордам беради:

- талабалар учун саволлар тайёрлаб уларни гуруҳларда муҳокама қилиш
- талабаларга муаммони индивидуал равишда ҳал қилишга ўйиб бериш
- талабалардан содир этилган хатоларни тўғрилаб боришни сўраш
- DVD клиплар намойиш этиш ва буни талабалар билан муҳокама қилиш
- талабаларни жалб этувчи презентациялар ишлатиш
- талабаларни кичик тестлар ўтказишни сўраш⁹

⁹ A Handbook for Teaching and Learning in Higher Education, published 2009 by Routledge 270 Madison Ave, New York, NY 10016, chapter IV: Planning teaching and learning Curriculum design and development, Lorraine Stefani, 61-64p

4.2. Дефектология фанларини инноватцион технологияларга асосланган маъруза машғулотларни лойиҳалаш ва педагогик фаолиятда қўллаш

Маъруза давомида талабаларда қизиқишни уйғотиш ва сақлаб туриш уларнинг ўрганишга бўлган мотивациясини оширади. Маърузанинг бошланиши энг муҳим жиҳат, чунки у талабаларнинг ушбу мавзу қизиқлигини, ва уни эшитиш учун кейинги вақт сарфлашга арзишини кўрсатади.

Энг бошида сиз қўйидагиларни бажаришингиз лозим:

- ўзингизни ғайратга тўла ва қизиқтира олишингизни кўрсатиш
- тартибли бўлиш, ва синф хонасига кирганингиздан бошлаб уни назорат остига олиш

- тақдимот воситалари қандай ишлашини билиш

Бошланғич бир неча минут давомида маърузачи қўйидагиларни қилиши мумкин

- сессия учун ўрганиш натижаларини санаб ўтиш, талабаларга курс сўнгида улар нимани ўрганиши лозимлигини айтиш. Бу бир оз зерикарли бўлиши мумкин.

- мавзуга боғлиқ бўлган бирон-бир муаммони ёки сценарийни тавсифлаб ўтинг, кейин маъруза уни қай тарзда кўриб чиқишини таъкидлаб ўтинг

- талабаларга улар ушбу мавзу билан шахсан қизиққанлигини кўрсатиш орқали уларнинг фанга бўлган қизиқишини ва ғайратини бошқаларга ўтказинг. Агар имкони бўлса, буни уларнинг шахсий тадқиқотларига боғлаш мумкин.

- Мавзунини маълум бир жорий хабарга ёки фаолиятга боғланг. У ҳолда ўқитувчи талабаларга ўзлари билан маърузага намуналар олиб келишини илтимос қилиши, ва уларни бошқаларга айтиши орқали битта қадам олдинга қўяди

Дарс давомида талабаларнинг қизиқишини сақлаш учун ўқитувчи қўйидагиларни бажариши мумкин:

- нуқтаи назарни кўрсатиб бериш учун мувофиқ ва жорий намуналардан фойдаланиш

- имкони бўлса, талабаларнинг шахсий тажрибаларидан мисол келтириш

- талабаларнинг ҳаракатини белгиланган йўналишда давом эттириш учун риторик саволлардан фойдаланиш

- маъруза давомида талабаларнинг иштирокини ўзгартириб бориш. Бу конспект қилиш, тинглаш ва фаол қатнашиш орасида ўзгариб боради

- маъруза мавзусига боғлиқ бўлган визуал материаллардан ва артефактлардан фойдаланиш

- тақдим қилинадиган материал аҳамиятини кўрсатиш учун интернетга ҳаволалардан фойдаланиш

Ўқитувчининг ташаббускорлиги ва шижоати маъруза бошида ва давомида жуда муҳим, ва ушбу фактор маърузанинг умумий самарадорлиги ҳисобидан етарлича баҳоланиши лозим. Шунинг ҳам ҳисобга олиш лозимки, маърузанинг қай тарзда етказилиб тақдим этилиши санъати мақжуд. Ходжсон (1984) илмий ишида “муҳимликнинг компенсатор тажрибаси”ни қайд этиб, унда талабанинг мавзуга бўлган қизиқиши ҳам ўқитувчининг шижоати, ҳам талабанинг ўз ҳаёт тажрибасига мос келувчи мисолар келтирилиши орқали пайдо бўлиши кўрсатилган. Браун (1987) илмий ишида талабалар маъруза давомида ўқитувчининг норасмий тилда гаплашиб, зарурий маълумотларнинг тўлиқ ва тушунарли етказилишини, ва муаммо ва ечимлар ҳикоя сифатида айтиб ўтилганини юқори баҳолашган. Қўшимча равишда, келтириладиган мисоллар ҳам мавзуга ва ҳам талабаларга тегишли бўлиши ҳам юқори баҳоланган. Ушбу илмий ишлар янги эмас, аммо бугунги кунда ҳам актуал бўлиб қолмоқда. Эванс (2007) илмий ишида тўртта университет талабаларининг тарихини кўрсатиб, унда талабалар ўқитувчи ғайратини юқори баҳолашди, ва уларнинг жалб қилиниши учун бу асос бўлганини таъкидлаб ўтишди. Худди шундай, муҳандислик йўналиши талабалари билан тадқиқот (Дэвис ва бошқ., 2007) кўрсатдики, шижоат яхши маърузачининг асосий хислатларидан бири бўлган. Таъкидлашимиз мумкинки, бутун маъруза давомида ўзининг шижоати ва қизиқишини кўрсатиб, талабаларни жалб қила олган ўқитувчи талабаларнинг самарали ўрганиши учун катта туртки беради. Ушбу илмий ишлар шунинг кўрсатадики, самарали ўқитувчи шунчаки маълумот ва ғояларни беришдан кўпроқ натижаларга эриша олади.

Савол бериш амалиёти

- маърузаларингиз давомида қизиқишни уйғотиш ва ушлаб туриш учун сиз қайси ёндашувлардан фойдаланасиз?

- маърузаларингиз мавзулари ва талабаларнинг мавжуд тажриба ва билимлари орасида сиз қандай боғлиқликларни ўрнатасиз?

- Сизнинг фикрингизча, талабаларингиз маърузага қатнашиш фойдасини тушунишадими? Агар йўқ бўлса, сиз буни қандай тушунтирасиз?¹⁰.

Замонавий педагогик технологиялар материалларни маъруза кўринишида баён этишнинг анъанавий устунликларини сақлаб қолган ҳолда маъруза методининг камчиликларини енгиб ўтишга ҳаракат қилмоқда.

¹⁰ A Handbook for Teaching and Learning in Higher Education, published 2009 by Routledge 270 Madison Ave, New York, NY 10016, chapter IV: Planning teaching and learning Curriculum design and development, Lorraine Stefani, 59-61.

Худди шундай, *муаммоли маъруза* материални баён этиш давомида хал этилиши лозим бўлган саволлардан, муаммони белгилашдан бошланади. Бунда муаммони хал этишнинг тайёр шакли талабаларнинг тажрибасида мавжуд бўлмайди, яъни саволга жавоб топиш учун фикрлаш, фаразларни илгари суриш ва уларни текшириб кўриш талаб этилади. Маълумотли маърузада ўқитувчи томонидан маълум бўлганлар нарсалар ўргатилиши ва талабалардан уларни эслаб қолишнинг ўзи талаб этилса, унинг мазмунидан фарқли равишда, муаммоли маърузада янги билим талабалар учун шахсий ихтиролари сифатида ўргатилади. Муаммоли маърузада талабаларнинг тафаккурини бошқариш учун ўқитувчи томонидан аввалдан тайёрлаб қўйилган муаммо ва маълумотли саволлар қўлланилади.

Муаммоли саволлар – бу жавоблари аввалги ўрганилган мавзуларда ҳам, баён этилаётган материалда ҳам (доскадаги ёзувларда, девордаги жадвалларда ва х.к.) бўлмаган ва талабаларда интеллектуал қийинчиликларни юзага келтирувчи саволлардир. Муаммоли саволлар ўз ичига номаълумларни, янги билимларни қамраб олиб, уларни эгаллаш учун қандайдир интеллектуал ҳаракат, маълум бир мақсадга йўналтирилган тафаккур жараёни талаб этилади.

Маълумотли саволлар муаммони тушуниш учун талабаларда мавжуд бўлган билимларни актуаллаштириш ва уни хал этиш бўйича ақлий фаолиятни бошлаш мақсадида берилади.

Шундай қилиб, ўқув материали ўқув муаммоси сифатида илгари сурилади. У маълум шароитда айрим қарама-қаршиликларга эга ва ушбу қарама-қаршиликлар ойдинлашувчи якуний саволлар билан тугайдиган идрок вазифаларининг мантиқий шаклига эга. Муаммоли баён этиш учун ўқув фанининг асосий концептуал мазмунини ташкил этувчи, бўлажак касбий фаолият учун нисбатан муҳим бўлган ва талабалар томонидан ўзлаштирилиши қийинроқ бўлган курснинг муҳим бўлимлари танлаб олинади.

Ўқув муаммолари ўзларининг мураккаблиги жиҳатидан талабаларга мос бўлиши, ўқувчиларнинг билиш жараёнларини ҳисобга олинган, ўрганилаётган фандан келиб чиққан ҳолда янги материални ўзлаштиришда ва шахсни – умумий ва касбий ривожланишида катта аҳамиятга эга бўлиши зарур.

Визуаллаштириш (намойиш этиш)- маърузаси кўргазмалилик тамойилини янгича қўлланилишига мисол бўла олади, унинг фаол ўқитишнинг шакллари ва методлари ҳақидаги психолого-педагогик илм маълумотлари мазмунига таъсири натижалари ҳисобланади. Визуаллаштириш (намойиш этиш)-маърузаси талабаларни оғзаки ва ёзма маълумотларни визуал шаклга айлантиришга ўргатади, у эса таълим мазмунида мавжуд бўлган аҳамиятли элементларни ажратиш ва тизимлаштириш ҳисобига касбий тафаккурни шакллантиради. Ўқитувчи томонидан ушбу турдаги маърузага тайёрланиш

деганда маъруза машғулоти мавзуси бўйича ўқув материалларини таълимнинг техник воситалари ёки қўлда (чизма, расм, жадваллар ва х.к.) талабаларга тақдим этиш учун визуал шаклга келтириш назарда тугилади. Бу турдаги маърузани ўқиш маъруза мавзусини тўлиқ очиб берувчи ўқитувчи томонидан тайёрлаб келинган кўргазмали материалларни кенг ва боғлиқ равишда шарҳлаш даражасига етказилади. Бундай турда тақдим этилган маълумотлар талабаларнинг касбий ва идрок этиш фаолиятида муҳим ҳисобланган улар томонидан ўрганилган билимларни тизимлашишини таъминлаши, муаммоли вазиятларни вужудга келтириши ва уларнинг ечимини топишга имкон яратиши, турли турдаги кўргазмаларни намоиш этиши керак.

Маърузанинг бу турини талабалар билан янги бўлим, мавзу, фанни ўрганишни бошлашда қўллаш яхши натижа беради. Бунда юзага келувчи муаммоли вазият материални ўрганишга, ўқишнинг бошқа турларида кўргазмали маълумотларни ривожлантириш кўникмасига психологик кўрсатмани яратади.

Ҳамкорликдаги маъруза муаммоли мазмундаги ўқув материални икки ўқитувчининг ўзаро жонли диалогик мулоқотида тақдим этилишидир. Бунда икки мутахассиснинг назарий муаммоларни икки нуқтаи-назардан муҳокамаси каби аниқ касбий ва малакали вазият гавдаланади, масалан, назарий ва амалиётчи муҳокамаси, бирон-бир фикр тарафдори ва бу фикрга қарши мутахассиснинг каби. Маърузанинг бу тури талабаларнинг танқидий тафаккурини фаол равишда ривожланишига ҳизмат қилади.

Бу жараёнда ўқитувчиларнинг ўзаро диалоги ечими изланаётган муаммонинг ечимини ҳамкорликда излаш мқаданиятини намаён этиши ва бу жараёнга талабаларнинг саволлар, ўз нуқтаи-назарларини баён этиш, муҳокама этилаётган маъруза мавзусига ўз муносабатларини шакллантириш, юз бераётган ходисаларга ҳиссий жавоб қайтаришларини жалб этиши лозим.

Маъруза вақтида ҳар икки ўқитувчининг юқори даражадаги фаоллиги талабаларда фикран ва ахлоқан фаол бўлишни келтириб чиқаради, бу эса фаол таълим олишга хос бўлган хислат ҳисобланади: талабаларнинг билиш жараёнига жалб этилганлиги ўқитувчиларнинг фаоллиги билан мос келади. Юқорида санаб ўтилганлардан ташқари талабалар мунозара қилиш маданияти, диалогга киришиш усуллари, ҳамкорликдари изланиш ва якуний тўхтамга келиш ҳақида кўргазмали равишдаги тасаввурга эга бўладилар.

Олдиндан режалаштирилган хатоликлар билан олиб бориладиган маъруза талабаларда касбий вазиятларни оператив равишда таҳлил этиш, эксперт, оппонент, рецензент сифатида қатнашиш, нотўғри ёки ноаниқ маълумотларни ажратиб кўрсата олиш кўникмасини ривожлантириш учун ишлаб чиқилган.

Ўқитувчининг маърузага тайёргарлиги шундан иборат бўладики, маъруза мазмунига маълум миқдорда семантик, методик ёки ахлоқий доирадаги хатоликлар киритилиши талаб этилади. Бундай хатоликларнинг рўйхатини ўқитувчи маърузага олиб келади, бироқ уларни талабаларнинг эътиборига маърузанинг охирида тақдим этади. Талабалар томонидан йўл қўйиладиган ва маъруза ўқиш жараёнида ўқитувчилар томонидан кўп ҳолатларда учрайдиган хатоликлар танлаб олиниши мақсадга мувофиқдир. Ўқитувчи маърузани шундай маҳорат билан олиб бориши ва йўл қўйилган хатоларни яшириши керакки, унда йўл қўйилган хатоликларни талабалар яққол ва тез аниқлай.

Талабаларнинг вазифаси шундан иборат бўладики, дафтарларига йўл қўйилаётган хатоларни қайд этиб боришлари ва маърузанинг сўнгида уларни баён этишлари талаб этилади. Хатоларни муҳокамаси учун 10-15 дақиқа ажратилади. Мана шу муҳокама жараёнида ўқитувчи, талабалар ёки ҳамкорликда саволлар эмас, балки тўғри жавоблар бериб борилади. Олдиндан режалаштирилган хатоликларнинг миқдори ўқув материалининг, маърузанинг дидактик ва тарбиявий мақсадидан, талабаларнинг тайёргарлиги даражасидан келиб чиқиб белгиланади.

Талабалар ёки ўқитувчининг ўзи томонидан аниқланган хатоликлар муаммоли вазиятнинг вужудга келишига хизмат қилиши ва уни кейинги машғулотларда ечимини изланиши мумкин бўлади. Маърузанинг бу турини мавзу, бўлим ёки фан якунида ўтказилганлиги мақсадга мувофиқ бўлиб, бунда талабаларда асосий тушунча ва тасаввурлар шаклланган бўлади.

Пресс-конференция маърузаси қуйидаги шаклда олиб борилади. Ўқитувчи маъруза мавзусини эълон қилади ва талабалардан ёзма равишда унга савол беришларини сўрайди. Ҳар бир талаба 2-3 дақиқа ичида ўзини қизиқтирувчи саволни шакллантириши ва уни ёзиб ўқитувчига узатиши талаб этилади. Шундан сўнг ўқитувчи 3-5 дақиқа давомида саволларни мазмунига кўра ажратиб чиқади ва маърузасини ўқишни бошлайди. Материалларни саволларга жавоб бериш сифатида баён этмайди, балки шундай баён этадики, ҳар бир жумла бир-бирини давом эттириши ва тўлдириши керак бўлади, бироқ мана шу узвий боғланишга эга маърузадан барча берилган саволларнинг жавобини топиш мумкин бўлиши керак бўлади. Маъруза якунида ўқитувчи берилган саволларни тингловчиларнинг билим савиясининг акси сифатида баҳолайди.

Пресс-конференция маърузасида талабалар фаолиятининг фаоллашуви ҳар бир талабага қаратилган маълумотларнинг айтиб ўтилиши билан белгиланади. Саволни баён этишдаги мажбурийлик ва уни тўғри бера олиш талабалар билиш фаолиятини фаоллаштиради, ўз саволига жавобни олишга интилиш эса диққатни жамланишига сабаб бўлади. Талабаларнинг саволлари аксарият ҳолатларда муаммоли характерга эга бўлиб, тафаккур жараёнларининг

иждий бошланиши ҳисобланади. Берилган саволларга ва уларнинг жавобларига ўқитувчининг шахсий, касбий ва ижтимоий муносабати талабаларга тарбиявий таъсир кўрсатади.

Пресс-конференция маърузасини мавзу ёки бўлимни ўрганишдан олдин, ўртасида ёки охирида ўтказиш мумкин. Мавзуни ўрганишдан олдин бундай турдаги маърузанинг ўтказилишидан мақсад – талабаларнинг қизиқишлари ва талаблари доирасини аниқлаш, уларнинг иш жараёнига тайёргарлигини ва фанга бўлган муносабатини аниқлаб олишдан ибораот бўлади. Курс ёки мавзунинг ўртасида бундай маърузанинг олиб борилиши ўқув фани мазмунининг асосий жиҳатларига эътиборни қаратиш, талабалар билимларини тизимлаштириш, курс бўйича танланган маъруза ва семинар машғулотлари тизимини коррекцияланишига йўналтирилган бўлади. Пресс-конференция маърузасини бўлим ёки мавзу охирида ўтказилишидан мақсад – маъруза машғулотларига хулоса ва яқун яшаш, кейинги бўлимларни ўргатиш учун ушбу бўлимнинг ўзлаштириб олинганлик даражасини аниқлаб олишдан иборатдир.

Суҳбат- маъруза Сукрот давридан бериталабаларнинг ўқув жараёнига фаол равишда жалб этишнинг энг содда ва кенг тарқалган шакли ҳисобланади. Суҳбат-маърузанинг афзаллик томони шундан иборатки, у талабаларнинг эътиборини мавзунинг нисбатан муҳимроқ саволларига кўпроқ жалб этиш, ўқув материални баён этиш мазмуни ва темпини талабаларнинг индивидуал ўзига хосликларини инобатга олган ҳолда баён этиш имкониятини беради.

Тингловчиларнинг суҳбат-маърузада иштироки турли усуллар орқали амалга оширилади, масалан, ҳам маълумотли, ҳам муаммоли характерга эга бўлган саволлар орқали. Суҳбат – маърузани ўтказишда ўқитувчи берилаётган саволларнинг ҳеч бири жавобсиз қолмаслигига алоҳида эътибор қаратиши лозим бўлади, акс ҳолда улар талабалар тафаккури фаоллашувини етарли даражада таъминланишига эришмай, риторик характерга эга бўлиб қолади.

Аниқ вазиятларни анализ қилиш маърузаси шаклан жиҳатдан мунозара маърузасини эслатади, бироқ муҳокама предмети муаммоли вазият бўлмайди, балки аниқ вазият ҳисобланади. Одатда бундай вазият оғзаки ёки жуда қисқа видеоёзув, диофильм тарзида тақдим этилади. Талабалар ушбу микровазиятни таҳлиол қилиб, бутун аудмитория билан муҳокама қиладилар. Диққатни қаратиш учун вазият характерли ва ёрқин танланиши лозим. Ўқитувчи алоҳида талабаларга қаратилган саволлар орқали муҳокамадаги иштирокни фаоллаштиради, мунозарани ривожлантириш учун турли фикрларни билдиради, уни керакли томонга йўналтириб туради. Кейин талабаларнинг билдирган фикрларига таянган ҳолда ўқитувчи ўта эҳтиёткорлик билан аудиторияни жамоавий хулоса ёки умумлашувга олиб келади.

Айрим ҳолатларда микровазиятни муҳокама қилиш аудиторияни қизиқтириш, алоҳида муаммоларга диққатни қаратиш, ўрганилаётган материални ижодий идрок этишга тайёрлаш мақсадида маърузанинг кейинги қисмига дебоча сифатида қўлланилади.

Шу билан бирга, маърузалар сифати ва самарадорлигини ошириш муаммоларинини ўрганиш мазкур машғулоти турини ташкил этиш ва ўтказиш усуллари қайтадан ишлаб чиқишга қаратилди. Жумладан, тарих йўналиши талабалари (Эванс, 2007) ва муҳандислик йўналиши талабалари (Девис ва бошқ., 2006) иштирокида амалга оширилган иккита тадқиқот махсус фанлар бўйича яхши маъруза тайёрлаш жиҳатларини, масалан қизиқишни уйғотиш ва уни сақлаб туриш, талабаларни жалб қилиш, маърузаларнинг структурасини тузиш ва ташкиллаштириш каби жиҳатларни аниқлашда анча ёрдам берди. Бу кўп сонли илмий ишлар, шу жумладан Рамсен (1994) илмий иши чоп этилиши билан мустаҳкамланди.

Кўп йиллар мобайнида қўлланилиб келаётган, маърузаларни кўпроқ самарали қила оладиган муҳим адабиётлар мавжуд (мисол учун Браун, 1987; Эдвардс ва бошқ., 2001; Браун ва Рейс, 2002; Рейс, 2007). Олий таълим Академиясининг веб-сайтини кўриб чиққанда ҳам махсус фанлар бўйича манбаларга ҳаволаларни топиш мумкин. Келтирилган таклифларнинг кўпчилиги янги эмас, ва берилган рўйхат батафсил эмас. Катта гуруҳларга маъруза ўтишда қўлланилиши мумкин бўлган, ва кўпроқ ўрганишни жадаллаштириш учун танланган ғоялар шунчаки ахборотни узатиш билан боғлиқ. Барча ғоялар ҳар бир маъруза ёки ҳар бир фан билан мувофиқ келмайди, аммо керакли усулларни танлаб олиш талабанинг кўпроқ маълумот олишига олиб келади. Намунали ўқитишлар ҳам бир қатор ёндашувларнинг самарали бўлиши мумкинлиги мисолларини келтиради.¹¹

Ҳар хил талаба гуруҳларига маъруза ўқиш

Индивидуал модуллар учун 1 даражадан ортиқ дастурга таклиф қилиниш осон эмас ва бу турли хил билим асосларига эга бўлган талабаларни бошқаришга оид келиши мумкин. Бу фарқлардан ташқари модуль учун ўрганиш ютуқлари бир хил бўлади ва бир хил йўналишга интилувчи турли талабаларни бошқариш учун бир қанча таълимотлар мавжуд. Бошқа яна бир имконият шундаки, баъзи бир талабалар турли хил билим базаси бўлса-да, био гуруҳда ўқишлари мумкин. Маъруза ўқиш давомида кичкина гуруҳлар билан ишлаш, проектлар, семинарлар ва бошқа баҳолаш стратегиялари каби турли ўқитиш методларидан фойдаланиш талабалар гуруҳини ўқитишда ўзини оқлайди. Барча талабалар учун ўрганиш жараёнини ёқимли қилиш учун қуйидаги таклифлар ёрдам бериши мумкин:

¹¹ A Handbook for Teaching and Learning in Higher Education, published 2009 by Routledge 270 Madison Ave, New York, NY 10016, chapter IV: Planning teaching and learning Curriculum design and development, Lorraine Stefani, 59.

- Маърузага қатнашувчи талабалар гуруҳи ҳақида кўпроқ билишга ҳаракат қилинг, яъни талабаларнинг мавзу доирасидаги билимларни аниқлаб олиш учун улар мавзу ҳақида нима билишларини билинг;

- Бошидан талабаларга улар турли гуруҳдан эканлигини билишингизни ва таркиб, тузилиш ва маъруза материаллар буни кўрсатишини билдиринг;

- Мисоллар ёки намуналардан дарсни кизиқарли ўтказиш учун фойдаланинг;

- Гуруҳ вазифаларини бераётган вақтда талабалар ўзларига яқин бўлган дўстлари билан ишлашлари мумкин эканлигини таклиф этинг⁴

- Жоиз бўлса, талабалардан бошқа саволлар устида ишлашларини сўранг ёки улар билим доирасига мос ёки мавзуга тўғри келадиган саволлар устида фикр юритишларини сўранг;

- Маърузадан кейин фойдаланиш мумкин бўлган махсус қўшимча йўналишларни ҳар бир талабага кўрсатинг.¹²

Беодоб хулқни бошқариш

Маъруза вақтида талабалар томонидан дарс бузилишининг энг оддий сабаблари талабалар кечикиб келишлари, талабалар бир-бири билан гаплаиш ўтириши ёки мобиль тельефонда фойдаланиши (ҳатто муассаса таъқиқлаган бўлса-да) бўлиб ҳисобланади. Булар у каби кескин бўлмаслиги мумкин, аммо бу ўрганмоқчи ва эшитмоқчи бўлган талабаларнинг жиғига тегиши мумкин. Баъзан талаба тенгдошлари таъсири шовқинга олиб келишни тўхтатади, бироқ бу ҳам ёрдам бермаса, маърузачи аралашишига тўғри келади. Ҳозирда бир неча китоблар мактаб ва юқори ўқув юртларида талабаларнинг салбий хулқи сабаблари ва бошқаруви ҳақида бир неча китоблар мавжуд, лекин бу материаллар олий ўқув юртлари учун мос эмас, чунки биз бошқа ўқув доирасида мос келувчи тартибсизликни кескин равишда қабул қилмаймиз. Тартибсизликнинг энг биринчи олдини олувчи йўл бу биринчи маъруза кунда маълум бир қоидаларни ўрнатишдир. Бу муассаса қоидаси ёки ўрнатилган одатлар ва амалиётга асосланган бўлиши лозим.

Кечикиб келишлар

Агар етарли сабаб бўлмаса, маъруза зудлик билан бошланганлиги сабабли талабалар томонидан кечикиб келиш ҳолатлари бўлмайди деб фикр юритиш керак. Гарчи умумий қабул қилинмаган бўлса-да, сиз дарсдан кейин 10 дақиқагача кечикиб, лекин тинч ҳолатда кириб келиш мумкинлиги ҳақида қоида ўрнатиш. Бунда сизда талабалар фақатгина 10 дақиқа кириб келишлари мумкин эканлиги ҳақида таасурот паё бўлади.

Бу кейинчалик ташқи ҳолатда ҳам қўллаш учун калит бўлади. Агар талаба кеч қолган ва дарсга киришда яна гапириб ўтирган бўлса, ёмон қараш уни тинчлантириши мумкин, ёки бу ёрдам бермаса, пауза сиз дарсни давом эттиришдан олдин улар тинч бўлишини кутаётганингиз ҳақидаги фикрни

¹² A Handbook for Teaching and Learning in Higher Education, published 2009 by Routledge 270 Madison Ave, New York, NY 10016, chapter IV: Planning teaching and learning Curriculum design and development, Lorraine Stefani, 66.

туғдиради. Кеч келиб келишга шарҳ берганда ҳазиллардан фойдаланиш самарали бўлиши мумкин, яъни тартибсизликни кучайтиришни олдини олишда қабул қилинганлиги ҳақида фикр пайдо бўлади. Агар бир неча кечикиб келувчилар бўлса, улар нега кечикиб келганликларини сўраш яхши бўлади. Агар улар кечикиб келишининг асосий сабаби бўлмаса, асосий қоидаларни эслатиб ўтинг.

Талабалар гаплашиб ўтириши

Талабалар дарс вақтида гаплашиш мумкин эмаслигини жуда яхши билишади, шу сабабли буни асосий қоида қилиш шарт эмас. Юқорида айтиб ўтилган метод - ёмон қараш, қисқа пауза тўхтатиш учун етарли бўлади. Агар бу давом этса, талабалардан тўғридан тўғри мавзуга доир бирор саволлари борлигини сўранг. Кескин ҳолатларда муаммо келтираётган талабадан дарсдан чиқиб кетишни талаб қилиш мумкин.

Мобиль тельефонлардан фойдаланиш

Маърузачи ҳар маъруза бошида талабалардан тельефонларини ўчириб қойишларини сўрашлари мақсадга мувофиқ бўлади – бу PowerPoint тақдимооти бошида ҳам самаралидир. Агар тельефон ўчирилмаса, пауза, шовқин томонга қараш етарли. Яна юмор бунда ёрдам беради, лекин ҳолатдан фойдаланиб, уларга улар асосий қодани бузаётганини ва бошқа талабалар фикрин бўлаётганини эслатишда фойдаланинг.

Маърузачи учун тинчликни сақлаш ва тартибсизликни олдини олиш жуда муҳим. Олдин айтилганидек, юмор аҳвол ёмонлашиш олдини олувчи муҳим воситадир. Маърузачи дарсдан кейин тартибсизликка сабаб бўлаётган шахс билан тинч гаплашиб олиши керак. Беодоб хулқли инсон билан гаплашиш бир мунча нохуш ҳолатдир ва янги маърузачи бу масала бўйича унга ёрдам ва маслаҳат берадиган тажрибали маърузачи билан муҳокама қилиши мумкин.

Агар тартибсизлик жиддий бўлса ва маърузачи уни еча олмаса, ягона восита дарсдан чиқиб кетиш бўлади, лекин бу энг охирги восита бўлиб, жуда кам фойдаланилади. Бирдан ва жиддий тартибсизлик янада юқорироқ шахслар билан ечилиши лозим. Барча университетлар талабалар хулқ-атворини бошқарувчи тартиб-қоидалари мавжуд ва бу жуда кичик сонли талабалар учун улар тартибини бошқариш учун ягона йўл бўлиши мумкин.

Power Point маъруза тақдимоотида

Power Point маърузани тетиклаштирувчи жуда самарали восита бўлиши мумкин. Графикалар, фотосуръатлар, жадваллар, графалар, аудио ва видео клипларни тақдим этиш ва веб сайтларни кўрсатиш осондир. Тўғри фойдаланилса, бу қизиқишни пайдо қилиши ва бой ва кенг маълумот олишни таъминлаши мумкин.

Бахтга қарши, Power Point тақдимоатлари кўп ҳолларда бу хусусиятни жалб этмайди ва маърузачи эски йўللarda ўрганиб қолган кўп сонли зерикарли слайдларни варақлаш билан тугайди. Бу слайдлар ҳеч қандай муаммо бўлмаслиги керак; бу фикрлар фойдали бошлаш нуқтаси бўлиши мумкин,

агарда қўшимча маълумот ва иллюстрациядан фойдаланилган бўлса. Асосий фикрлар бошқа материаллар билан бойитилган слайдлар ҳайратланарди даражада яхши ишлаши мумкин. Бироқ фақат асосий фикр кўрсатилган слайдлардан вақтга мос келмайдиган даражада кўп миқдорда фойдаланиш, талаба қизиқишини секинлаштиради. Бу янада кучаяди, агар маърузачи бу гапларни ўқиш учун қўшимча вақт сарфласа. Нима маърузачига талабалар ўзи ўқиб олмасдан ўрганишига ёрдам беради? Бундан ташқари Свеллер (2007) мия фаолиятида олиб борган изланишларидан шуни хулоса қилдики, тақдимотда кўрсатилган сўзларни ўқиб бериш билимни қабул қилиш даражасини пасайтиради. Шу сабабли, у шундай деб айтган (тхс Тимес? 18-апрель 2007 йил), PowerPoint бу ҳалокатдир ва ишдан чиқиши керак. Бироқ бу танқид асосли бўларди, агар жуда кам ҳолларда тўғри бўлган слайддаги матн шунчаки ўқиб берилса.

PowerPointдан маърузада самарали фойдаланиш:

- Слайдлар сонини минимумга тушуриш. Слайдлардан тақдимотни кучайтириш ва бойитиш учун фойдаланиш; агар слайдлар қўшимча ҳеч нарса бермаса, уни қўшманг;
- Диккатни бузувчи қийинлаштирилган орқа фондан фойдаланманг. Матн ва фон ўртасидаги ранглар мувозанатини сақланг
- Жуда мураккаб графалардан фойдаланманг
- Ариал ва Вердана каби сенсериф шрифтларидан фойдаланиш
- Асосий фикрни намоён этиш учун фақат слайдли маърузалардан қочинг;
- Агар ёрдам берса, мураккаб ғояларнинг график ҳолда тушунтиришни куриш учун PowerPointда анимациядан фойдаланишни инобатга олинг.
- Рақамлашган суръатлардан, овоз ёки видео материаллардан тақдимот ичида мос бўлса фойдаланиш ва ҳисобга олинг;
- Материал бўйича ўрганишга имкон берувчи актив тугмалар ёки гиперссылкалардан фойдаланиш. Савол-жавоб слайдлари да биргина тугмани босиш билан бошқа слайдга этиш ва яна қайтиб шу слайдга олиб келиш учун айниқса самаралидир.

Power Point ва матнлар

Ҳозирда талабалар маърузачилардан дарс вақтидаги тақдимот нусхасини муссаа веб сайти ёки ВЎМ (Вертуал ўрганиш муҳити) орқали беришларини сўрашади. Бу ҳолат маърузачилар томонидан талабалар қоралама матнлар ёки электрон тарзда келмаган дарсларининг ўрнини тўлдириш учун ишлатишади деб тушунилади. Ҳақиқат эса шундаки, агар маърузага қатнашиш уларга PowerPoint усидан ҳеч қандай қўшимча бермаса, ҳақиқатдан ҳам шундай деб ўйлашади. Умумлаштириш ва қизиқишни кўтариш ва талаба қатнашуви каби томонлар маъруза сифатини оширади. Маърузачи талабаларга шунчаки матнни олиш улар билим савиясини оширмаслигини тушунтириши ва уларнинг маъруза ўқишга имкон бериш жуда муҳимдир.

Янги маърузачи учун ҳар хил гуруҳ талабаларига маъруза ўқиш учун жуда муҳим тажриба бўлиб ҳисобланади. Материални шунчаки билиш етарли эмас. Маърузачи маърузани қизиқарли ва эътиборни тортадиган қилиб, яхши тайёргарлик кўриши ва мос ва мавзули мисоллардан фойдаланиб мавзунини тушунтира олиши зарур. Маърузани тўғри ўтиш маҳорат ва вақт талаб қилади. Талаба ва ҳамкасблардан маъруза тўғрисида фикрларини сўраш маъруза ўқиш сифатини кўрсатиш учун муҳим омил ҳисобланади ва Сиз ўз амалиётингизни кучайтиришни хоҳлашингиз мумкин¹³.

4.3. Дидактик ўйинли технологияларнинг дефектология (махсус педагогика) фанларини ўқитишдаги ўрни.

Талабаларнинг билиш фаолиятини ўйин фаолияти билан уйғун ҳолда ташкил этиш қуйидаги босқичлардан иборат бўлади:

- Дидактик ўйиндан кўзда тутилган мақсадни аниқлаш;
- Дидактик ўйин сюжети ва иштирокчилар фаолиятини лойиҳалаш;
- Ўйиндан кўзда тутилган мақсадни амалга ошириш йўллариини белгилаш;
- Дидактик ўйинни мақсадга мувофиқ ташкил этиш, унинг мазмуни, бориши, мантикий кетма-кетлиги, вақт баланси ва талабаларнинг муаммоли вазиятларни зудлик билан ҳал этишига эътиборни қаратиш;
- Ўйин иштирокчиларини рағбатлантириш;
- Олинган натижаларни таҳлил қилиш;
- Олинган натижаларга мувофиқ ҳолда ўйин структураси ва боришига тегишли ўзгартиришлар киритиш;

2-модул.

Дидактик ўйинли машғулотлар орқали қуйидаги функциялар амалга оширилади:

1. Таълим-тарбия бериш;
2. Шахсни ривожлантириш;
3. Талабаларни ижодий фаолиятга йўналтириш;
4. Билимларни назорат ва таҳлил қилиш;
5. Касблар билан таништириш ва касбга йўналтириш;
6. Талабаларнинг мулоқот ва нутқ маданиятини ривожлантириш;

Таълим-тарбия жараёнида бу функциялар мажмуа ҳолда амалга оширилади, лекин қуйида ўрганиладиган дидактик ўйин турларида қайсидир функция устунлик қилади. Масалан, конференция машғулотларида шахсни ривожлантириш устунлик қилади, қолган функциялар унга илова бўлади, ўйин машқларда билимларни назорат ва таҳлил қилиш устунлик қилади, қолган функциялар уни тўлдиради ва ҳ.к.

3-модул

Ўқитувчи дидактик ўйинли машғулотларни ўтказишга қизғин тайёргарлик кўриши ва уни ўтказишда қуйидаги дидактик талабларга амал қилиши лозим:

¹³ A Handbook for Teaching and Learning in Higher Education, published 2009 by Routledge 270 Madison Ave, New York, NY 10016, chapter V: Lecturing to large groups, Ann Morton, 67-70p.

1. Дидактик ўйинли машғулотлар дастурда қайд этилган мавзуларнинг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсад ва вазифаларни ҳал қилишга қаратилган бўлиши;

2. Амалиётдаги ва жамиятдаги муҳим муаммоларга бағишланиб, улар ўйин давомида ҳал қилиниши;

3. Баркамол шахсни тарбиялаш тамойилларига, шарқона одоб-ахлоқ нормаларига мос келиши;

4. Ўйин структураси мантикий кетма-кетликда бўлиши;

5. Мазкур машғулотларда дидактик принципларга амал қилиниши ва энг кам вақт сарфланишига эришиш керак.

6. Дидактик ўйинли машғулотларнинг муваффақияти, аввало талабаларнинг мазкур ўйинларга пухта ва қизгин тайёргарлик кўришларига, ўқитувчининг мазкур фаолиятни ташкил этиш ва моҳирлик билан бошқаришига боғлиқ.

Талабаларнинг дидактик ўйинга тайёргарлик кўриш фаолияти қуйидагиларни ўз ичига олиши:

- Дидактик ўйин мақсади, вазифаси, олиб борилиш тартиби, қоидалари билан танишиш;

- Дидактик ўйин мақсади ва вазифасидан келиб чиқадиган муаммоли вазиятни англаш;

- Муаммоли вазиятдан чиқишнинг энг самарали йўлларини топиш;

- Ҳар бир талаба ўзи бажариши лозим бўлган вазифаларни англаши, ўқитувчидан керакли йўриқнома ва кўрсатмалар олиш;

- Турли билим манбаларидан фойдаланган ҳолда муаммоли вазиятни ҳал этишнинг оптимал вариантини танлаш;

- Дидактик ўйин иштирокчилари ўртасида ўзаро ҳамкорлик, ўзаро ёрдам ва ўзаро назорат вужудга келиши лозим.

4-модул

Дидактик ўйинли машғулотларни талабаларнинг билим олиш ва ўйин фаолиятининг уйғунлигига кўра сюжетли-ролли ўйинлар, ижодий ўйин, конференциялар, ўйин-машқларга ажратиш мумкин.

Дидактик ўйинли машғулотларнинг ўзига хос хусусиятлари жадвалда берилмоқда.

Дидактик ўйинли машғулотларнинг ўзига хос хусусиятлари.

Дидактик ўйинли машғулотлар	Мавзу мазмуни қандай бўлганда мазкур машғулотдан фойдаланилади	Машғулотларнинг дидактик функциялари	Талабанинг фаолияти
Сюжетли – ролли	Фаннинг турли соҳаларида қўлга киритилган ютуқларни ёритиш, фанлараро боғланишларни амалга ошириш, табиатдаги ва кундалик ҳаётдаги муаммоларни ҳал этиш имконияти бўлганда	Кундалик ҳаётдаги ижтимоий муносабатларни, табиат объектлари ва табиий ҳодисалар ўртасидаги алоқалар ва боғланишларни адабий-бадий тарзда ёритиш	Муайян ролларни бажариш орқали билим, кўникмаларни эгаллаш

Ижодий ўйин	Аввал ўзлаштирилган билим ва кўникмаларни ривожлантириш имконияти бўлганда	Муаммоли вазиятларни аввал ўзлаштирган билим ва кўникмаларни ижодий қўллаш орқали ҳал этиш.	Ижодий изланиш орқали янги мавзунини ўзлаштиради
Аукцион	Турли объектларга тавсиф бериш, уларни таққослаш имконияти бўлганда	Жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар асосида талабаларнинг дунёқарашини кенгайтириш, касбга йўллаш.	Аукционда иштирок этиш орқали янги мавзунини ўзлаштиради
Конференция	Фаннинг турли соҳаларига оид билимлар мужассамлашган ва қўлга киритилган ютуқларни ёритиш, фанлараро боғланишларни амалга ошириш имконияти бўлганда	Қўшимча ва маҳаллий материаллар билан таништириш, илмий, илмий-оммабоп адабиётлар билан мустақил ишлаш, ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, касбга йўллаш	“олимлар” мақомини олиб муайян мавзуларда изланиш олиб боради.
Матбуот конференцияси	Фаннинг турли соҳаларини қамраб олган, талабаларнинг аввал ўзлаштирган билимларидан фойдаланиш лозим бўлганда	Қўшимча ва маҳаллий материаллар билан таништириш, дарслик, илмий-оммабоп адабиётлар билан мустақил ишлаш.	“олим” ва “мухбир”лар мақомини олиб мавзунини ўзлаштиради.

Ўқитувчи аввал талабаларни индивидуал, сўнгра гуруҳли ўйинларга тайёрлаши ва ўтказиши улар муваффақиятли чиққандан сўнг, оммавий ўйинларга тайёргарлик кўрилиши лозим. Чунки талабалар дидактик ўйинли машғулотларда фаол иштирок этишлари учун керакли билим, кўникма ва малакаларга эга бўлиши, бундан ташқари гуруҳ жамоаси ўртасида ўзаро ҳамкорлик, ўзаро ёрдам вужудга келиши лозим.

Назорат саволлари

1. Маърузанинг мақсад ва вазифаларини очиб беринг.
2. Маърузанинг тузилишини очиб беринг.
3. Маърузанинг кириш қисмида нималар назарда тутилади?
4. Маърузанинг асосий қисмида нималар ёритиб берилади?
5. Маърузани хулосалашда нималарга эътибор берилади?
6. Маъруза турларини санаб беринг ва ҳар бирини тарифини келтиринг.
7. Маърузаларингиз давомида қизиқишни уйғотиш ва ушлаб туриш учун сиз қайси ёндашувлардан фойдаланасиз?
8. Маърузаларингиз мавзулари ва талабаларнинг мавжуд тажриба ва билимлари орасида сиз қандай боғлиқликларни ўрнатасиз?
9. Сизнинг фикрингизча, талабаларингиз маърузага қатнашиш фойдасини тушунишадими? Агар йўқ бўлса, сиз буни қандай тушунтирасиз?

Адабиётлар рўйхати

1. A Handbook for Teaching and Learning in Higher Education, published 2009 by Routledge 270 Madison Ave, New York.
2. Мўминова Л.Р. ва бошқалар. Махсус психология. -Т.: “Ношир”, 2013 й.
3. Пўлатова П. ва бошқалар. Махсус педагогика. Т.: “Фан ва технология” нашриёти, 2014 й.
4. Назарова Н.М. Сравнительная специальная педагогика. М.: «Академия», 2012г.
5. Йўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 2004.
6. Чичерина Я., Нуркелдиева Д., Бондарева Е. Мутахассислик фанларни ўқитиш методикаси. Т.: Фан ва технологиялар, 2013й.
7. Чичерина Я., Нуркелдиева Д., Бондарева Е. Инновационные подходы в подготовке кадров- дефектологов (монография). Т.: “Навруз”, 2014 г.
8. М.Ю. Аюпова Логаледия –Т.: “Файласуфлар миллий жамияти” 2011й. 2-нашр. 560б.
9. Азизхўжаева Н. Педагогик технология ва маҳорат. Тошкент: ТДПИ, 2003.
10. Холиков А. Педагогик маҳорат. – Т.: ИҚТИСОД-МОЛИЯ, 2011.

5 - мавзу: Дефектология фанларини ўқитишда инновацион технологияларга асосланган семинар, амалий машғулотларини лойиҳалаш.

Режа:

1. Мутахассислик фанларини ўқитишда семинар машғулотларини ташкил этиш шакллари, машғулотларни лойиҳалаш ва педагогик фаолиятда қўллаш.
2. Мутахассислик фанларини ўқитишда амалий ва лаборатория машғулотларини ташкил этиш шакллари, машғулотларни лойиҳалаш ва педагогик фаолиятда қўллаш.

Таянч иборалар: семинар, амалий машғулот, пресс- конференция семинар, Мунозара семинар, “айлана стол” семинар, “Ақлий ҳужум” семинар, коллеквиум семинар, ишга доир ўйин семинар, вазиятли-ролли ўйинлар, аниқ вазиятларни таҳлил қилиш методи, тренинг.

5.1. Мутахассислик фанларини ўқитишда семинар машғулотларини ташкил этиш шакллари, машғулотларни лойиҳалаш ва педагогик фаолиятда қўллаш

Семинар машғулотлари – ўқув жараёнини ташкил этишнинг асосий шаклидан бири бўлиб, ўқитувчи назорати остида талабалар томонидан назарий саволларни жамоавий равишда муҳокама қилишни назарда тутди. Семинар машғулотлари таълим бериш шакли сифатида антик даврга бориб тақалувчи узок тарихга эга. “Семинар” сўзининг ўзи латин тилидаги "семинариум" сўздан олинган бўлиб, боғбон (кўчат ўтказувчи) деб таржима қилинади. Бу вазифа ўқитувчига талабаларнинг онгига янги билимларни ўтказиш ва уларни ривожлантириш вазифаси билан боғланган бўлиб, талабалар ўқитувчидан олган билимлари эвазига келажакда мустақил фикрлайдиган, билимларини бойитиб боришга интилувчи шахс бўлиб етишадилар.

Семинар машғулотлари ўқув жараёнини ташкил этишнинг бошқа шакллари билан узвий боғланган бўлиб, булар авваламбор маъруза ва талабаларнинг мустақил ишларидир. Семинар машғулотларига талабаларнинг касбий тайёргарлиги сифатини белгилаб берувчи курснинг асосий мавзулари олиб чиқилади.

Семинар машғулотининг ўзига хослиги кўриб чиқилаётган мавзу муҳокамасида ҳар бир талабанинг бир маромда ва фаол иштирокига имкон яратилишидир.

Семинар машғулотининг вазифалари қуйидагилардир: ўқув фани бўйича талабаларнинг билимларини мустаҳкамлаш, чуқурлаштириш ва кенгайтириш; интеллектуал вазифа ва муаммоларни ўрнатиш ва ечимини топиш малакасини

шакллантириш; талабалар билан ўз нуқтаи – назарини асослаш, шунингдек бошқа фикрларни исботлаш ёки инкор этиш бўйича қобилиятларини ривожлантириб бориш; назарий жиҳатдан тайёргарлик даражасини намойиш этиш; адабиётлар билан мустақил ишлаш кўникмасини шакллантириш.

Семинар машғулотларининг қуйидаги кўринишларини фарқлаш мумкин.

Просеминар – биринчи курс талабаларини олий таълимда мустақил ишлашнинг ўзига хослиги билан таништириш, илмий адабиётлар билан ишлаш кўникмасини эгаллашни мақсад қилган. Талабанинг просеминарда ишлашнинг характерли элементи маълум мавзуларда рефератларнинг тайёрлаб келишлари, уларни ўқиб беришлар ва мухакама қилишлари ва ўқитувчидан мос равишдаги баҳога эга бўлишларидир.

Семинар - семинар машғулоти курснинг ўқув дастури билан мустаҳкам равишда боғланган бўлиб, унинг алоҳида, нисбатан чуқурроқ мавзуларини ўрганишни мақсад қилгандир.

Махсус семинар - семинар машғулоти тадқиқодчилик турида бўлиб, курс бўйича маъруза машғулоти мавзуларидан қатъий назар ҳам бўлиши мумкин, унинг мақсади айрим муаммоларни чуқурроқ ўрганишдан иборатдир. Юқори курсларда ташкил этилади ва ушбу соҳа бўйича мутахассис бошқарувида олиб борилади.

Семинар машғулотлари одатда қуйидаги тузилишга эга: ўқитувчининг кириш сўзи, асосий қисм, ўқитувчининг якуний сўзи.

Ўқитувчининг кириш сўзи ўрганилаётган курс доирасида ушбу семинар машғулотининг ўрнини, машғулотнинг мақсад ва вазифаларини қисқа очиб беради, талабаларнинг диққатини мобиллаштиради, машғулотга қаратади ва фаоллаштиради.

Асосий қисм талабаларнинг чиқишлари ва уларни муҳокамаси, қуйида яна тўхталиб ўтилувчи турли методик шакллардан иборат бўлади.

Ўқитувчининг якуний сўзи алоҳида саволлар бўйича ҳам, умумий семинар машғулоти бўйича ҳам амалга оширилиши мумкин бўлиб; талабалар фаолиятини хулосалаш ва баҳолаш, кейинги семинар машғулоти бўйича кўрсатмалар беришдан иборат бўлади.

Мутахассисликлар бўйича фанлардан семинар машғулотларини ташкил этишнинг турли шакллари кўриб чиқамиз.

Семинар режаси саволлари бўйича талабалар билан савол-жавоб ўтказиш ўқитувчининг навбати билан ҳар бир талаба билан суҳбатига тенг. Бу жараёнда бутун гуруҳга эмас, балки суҳбат олиб борилаётган талабанинг ўзига савол берилади. Талаба саволга ноаниқ ёки тўлиқ бўлмаган жавобни берса, ўқитувчининг ўзи жавобни тўлдиради, аниқлаштиради. Натижада гуруҳнинг асосий талабалари ўқитувчи билан суҳбатлашиш навбатлари келишини кутиб

пассив ҳолатни эгаллайдилар, кўпинча бошқа ишлар билан банд бўладилан ёки конспектларини маъносиз равишда варроқлай бошлайдилар¹⁴.

Буланова-Топоркова М.В.¹⁵ семинар машғулотини ташкил этишнинг анъанавий методини қуйидаги камчиликларини кўрсатиб ўтганлар. Сўз навбати берилган талабалар индивидуал билимларини намоён этадилар, шунинг учун мулоқот деярли амалга оширилмайди. Ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам мавжуд бўлмайди. Сўзга чиқган талабага ёрдам бериш жавобни айтиб туриш ҳисобланади, бу тақиқланган, тартибни бузиш ҳисобланади. Талабаларнинг ўқув жараёнига шахсий ёндошуви кузатилмайди. Талабанинг интеллектуал фаоллиги чегаралаб қўйилади. Ўқитувчи ва талаба орасидаги масофа мулоқот қилиш, ўзаро ҳаракатлар қилишга чегара қўяди. Талабалар семинар вақтида ўз фикрларини билдирмай, бошқа ишлар билан банд бўлиш имкониятига эга бўладилар.

Семинарни ташкил этиш шаклининг ўзи талабаларни пассив ҳолатга тушириб қўяди, уларнинг нутқий фаоллиги минимумга етказилади. Касбий жамият талаб этаётган касбий мулоқот ва ўзаро ҳаракатлар кўникмасини шакллантириш имконияти мавжуд бўлмайди. Шундай қилиб, машғулотларда гуруҳли мулоқот қилиш шакли жамиятдаги, ишлаб чиқаришдаги кишилар муносабатининг адекват модели ҳисобланмайди, шунинг учун ҳам бугунги кунда мутахассисларни тайёрлаш талабларига мос келмайди.

Режа асосида очик суҳбат ушбу шакл семинар саволлари бўйича барча талабаларнинг тайёрланишини, уларнинг чиқишларини, ўқитувчининг семинар саволлари бўйича ва умуман семинар бўйича хулосаларини назарда тутди. Очик суҳбат саволлар бўйича муҳокама жараёнига иложи борица кўп талабаларни жалб этиш, диққатларини фаоллаштириш, асосий ва қўшимча воситалардан фойдаланиш имкониятини беради.

Очик суҳбат шаклидаги семинар машғулоти ўқитувчидан у ёки бу мавзу бўйича алоҳида вазифа олган талабаларнинг якка ҳолда сўзга чиқишини тақиқламайди, бироқ бундай ҳолатларнинг барчасида якка чиқиш қилувчи талабаларнинг чиқишлари асосий бўлмайди, балки муҳокама этилаётган мавзуга қўшимча, тўлдириш сифатида амалга оширилади.

Талабаларнинг докладларини (рефератлари, мустақил ишларини) тинглаш. Докладлар тизими ўз ичига турли-туман вариантларни қамраб олади. Айрим ҳолатларда ўқитувчининг ўзи ёки талабанинг истагига кўра доклад

¹⁴Елсуков А.Н. Методика преподавания социологии в высшей школе. Учебное пособие. Минск: ТетраСистемс, 2003

¹⁵Буланова-Топоркова М.В. Педагогика и психология высшей школы: учебное пособие. — Ростов-на-Дону: Феникс, 2002. - 544 б.

қилувчини, унга ёрдам берувчини ва оппонентларни белгилайди. Айрим ҳолатларда эса аксинча ўқитувчи режанинг барча саволлари бўйича ёки уларнинг айримлари бўйича фақатгина оппонентларни белгилайди. Чиқиш вақтида оппонент талабанинг чиқишини муҳокама қилади, хато ва ноаниқ жойларини кўрсатиб ўтади, материални тўлдиради ва муҳокамага яқин ясайди. Ушбу вазифани амалга ошириш учун оппонентнинг ўзи мавзунинг режаси бўйича тўлиқ тайёрланган бўлиши зарур бўлади. Шундай қилиб, ишнинг мазмуни айрим талабаларга вақти-вақти билан семинар машғулотида у ёки бу саволни муҳокамасини бошқариш ва яқин ясашни, унинг ижобий ва салбий томонлари ҳақида хулоса чиқаришни топширишдан иборат. Бу эса талабаларда педагогик иш кўникмасини янада самарали шакллантириш имконини яратиб беради.

Очиқ суҳбат ва докладлар тизимини семинарни ўтказишнинг мустақил шакли сифатида кўриб чиқар эканмиз, улар орасида жуда кўп умумийлик мавжудлигини таъкидлаб ўтиш лозим. У ерда ҳам, бу ерда ҳам ижодий муҳокамада асосийси мос келувчи саволлардир. Биринчи ҳолатда, гуруҳнинг тўлиқ равишда тайёрланади, иккинчи ҳолатда эса ташаббус доклад қилувчиларга берилади. Таҷрибаларнинг кўрсатишича, доклад тизимида доклад сифатида бўлиб берилган саволлар бўйича бутун гуруҳнинг тайёрланиши жуда катта қийинчилик билан амалга ошади. Мана шундан келиб чиқиб иккита методик хулосага келиш мумкин: 1) ҳар бир шаклнинг ютуқ томонларини қўллаган ҳолда, камчиликларини бартараф этишга ҳаракат қилишга эътиборни қаратиш лозим; 2) машғулотларда у ёки бу шаклларни алмаштириб қўллаш ва бир шаклнинг устун бўлиб қолишини олдини олиш.

Айрим талабалар томонидан аввалдан тайёрланган ва семинардан олдин бутун гуруҳ билан ўқилган рефератларни муҳокама қилиш. Семинар машғулотини ўтказишнинг навбатдаги шакли рефератларни муҳокама қилиш ҳисобланади. Оддий докладлардан реферат ўзининг мустақил равишда бажарилганлиги, ўз тадқиқодлари элементларининг киритилиши, ижодий ёндошув, илмийлиги билан фарқланиб туради. Агар реферат семинар машғулотидан олдин бошқа талабалар томонидан ҳам ўқиб чиқилган бўлса яхши бўлади, бироқ техник жиҳатидан бу қийин жараёндир. Шунинг учун муаллиф ўз рефератини оғзаки маълумот бериш сифатида баён этиб беради.

Реферат методи талабаларда тадқиқодчилик иши кўникмасини шаклланишига ёрдам беради, социологи, социология бўйича семинар машғулотларини фаоллаштиради, ушбу фанни ўрганишни бошқа фанлар билан ва ишлаб чиқариш билан боғлаш имкониятини яратади.

Назарий конференция Назарий конференция кўринишидаги семинар машғулоти доклад ва рефератлар муҳокама қилинувчи семинар шакллари

якин кўринишдаги семинар тури ҳисобланади. Унинг фарқи бир томондан нисбатан тўлиқ тайёргарлик кўрилишида бўлса, бошқа томондан у жуда кам ўтказилади, сабаби шундаки, уни ўтказиш учун битта гуруҳ эмас, бир қанча гуруҳ ёки поток жалб этилади. Конференциянинг мавзуси режанинг умумий мавзуларидан олиниши шарт эмас. Кўпинча у катта мавзуни, фаннинг бирон бўлимини ўрганиб бўлгач амалга оширилади.

Пресс-конференция-семинар Агар семинарда мураакаб бўлган назарий муаммоларни кўриб чиқиш назарда тутилган бўлса, уни пресс-конференция шаклида ўтказиш мумкин бўлади. Ушбу шаклнинг қуйидаги кўринишлари маълум:

- гуруҳ муаммога доир саволлар тузади, энг кўп савол тузган талабалар пресс-конференция иштирокчилари гуруҳига (саволларга жавоб берувчилар гуруҳига) киритилади;

- гуруҳ саволлар тузади ва энг қизиқ саволларнинг муаллифлари стол ёнига ўтказилади, улар гуруҳга ўз саволларини берадилар;

- гуруҳ саволлар тузади ўқитувчи эса улар орасидан аудиториға қараб ўтирувчиларни, саволларга жавоб берувчиларни танлаб олади;

- саволлардан кичик гуруҳлар тузилади, улар ўқиб эшиттирилгач гуруҳ нисбатан мантикий ва қизиқ саволлар “пакетини” аниқлайди, савол муаллифлари уларни гуруҳга беради;

3-6 кишидан иборат бўлган гуруҳ оптимал гуруҳ ҳисобланади.

Гуруҳларга бирлаштириш ўқитувчи томонидан (асосан ҳаққоний равишда) қуръа ташлаш йўли билан ёки ўз танловига биноан амалга оширилиши мумкин.

Очиқ мунозара-семинари кўпгина ўқитувчилар томонидан гуруҳда ёки курсда ўтказилиши тавсия этилувчи машғулот турлдаридан биридир. Бундай семинарда мунозара учун олиб чиқиладиган саволларнинг мазмуни бизнинг илмий адабиётларимизда муҳокама этилувчи муаммолар бўйича бўлиши мумкин. Бунда бир талабаға фақатгина битта нуқтаи-назарни баён этиш, бошқа талабаға эса бошқа нуқтаи-назарни баён этишиға руҳсат берилади. Очиқ мунозарани шундай ташкил этиш муҳимки, талабалар тортишаётган томонларнинг ҳам кучли, ҳам кучсиз қирраларини кўра олсинлар. Агар илмда мунозаранинг якуни ясалган бўлса ва нуқтаи-назарларнинг бири умумқабул қилинса, ўқитувчи семинарда ҳам бу фикр қайд этилишини таъминлаши керак.

Очиқ мунозара-семинари иштирокчиларнинг диологик мулоқоти жараёни сифатида ташкил этилади, бу жараёнда талабалар юқори даражадаги қизиқиш ва фаолликни намоён этадилар, ишға ижодий ёндошадилар. Мунозара бирон-бир фанға доир кенг қарашларнинг мавжуд бўлганида амалга оширилади. Акс ҳолатда фақатгина мавзуни муҳокамаси билан чегараланиш мумкин бўлади.

Мунозарани мавзули йўналтирилган баҳс тарзида амалга оширилишини ташкил этишнинг муҳим шартлари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин¹⁶:

- мунозаранинг барча иштирокчилари унга тайёр бўлишлари лозим;
- мунозаранинг ҳар бир иштирокчиси ўз чиқишига оид аниқ қисқа тезисга эга бўлиши керак;
- мунозарани жойлантириш учун “машқ” қилиб кўриш мумкин;
- мунозара иштирокчиларнинг сўз беллашуви бўлмаслиги, балки муаммони ҳал этишга қаратилиши лозим.

Ушбу муаммонинг ҳал этилиши учун муҳокама иштирокчиларининг ўзаро ҳаракатларининг тўғри ташкил этилиши жуда муҳим ҳисобланади.

Чет эллик тадқиқодчилар очик-мунозара – семинари вақтида талабалар ва ўқитувчининг фазовий жойлашуви аҳамиятига алоҳида эътибор қаратадилар. Иштирокчиларнинг юзма-юз жойлашуви, яъни “айлана стол” тамойили асосида ўтиришлари бир-бирларига қарата айтилувчи фикрларнинг кўпайишига олиб келади. Агар ўқитувчи талабаларнинг орасида ўтирса ёки кузатувчи сифатида тингловчиларга ён томони билан ўтирган бўлса иштирокчилар унга мурожаат этмай, бир-бирларига мурожаат этадилар. Бундай ҳолат ўқитувчига гуруҳни бошқаришга ҳалал бермайди ва ишга доир муҳитни нисбатан камайтиради.

Дидактик ўйин – семинари. Бу гуруҳ билан ҳал этилиши лозим бўлган қандайдир педагогик вазиятларни моделлаштириш ва жонлантиришни (ўйнашни) назарда тутати. Бундай ташкил этилувчи семинар шакли ўқитувчининг бошқаруви остида гуруҳдаги талабаларнинг фаол ўзаро ҳамкорлигини таъминлаб беради.

“Айлана стол” – семинари. Икки кўринишдаги айлана столни фарқлаш мумкин¹⁷. Биринчиси иштирокчилар сонининг нисбатан кўп бўлмаслиги билан ажралиб туради (академик гуруҳ). “Айлана стол” атрофидаги мунозара барча иштирок этувчилар учун мўлжалланган бўлиб, бу ҳолатда “айлана стол”нинг бевосита иштирокчилари ярим айлана кўринишида жойлаштириладилар ва барча бошқа иштирокчиларга нисбатан “жамоавий маърузачи” сифатида қатнашадилар, танланган мавзунинг ёритилиш йўналишларини белгилайдилар, овоз чиқариб муҳокама қиладилар, ходисаларнинг ички қарама-қаршиликларини очиқ берадилар. Иштирокчилар ўзларининг саволлари, фикрлари, танқидий мулохазалари, эътирозлари билан шахсан қатнашишлари мумкин бўлади.

¹⁶Алексюк А.М., Аюрзанайн А.А., Подкасистый П.И., Козаков В.А. и др. Организация самостоятельной работы студентов в условиях интенсификации обучения: учеб. пособие. – Киев: ИСДО, 1993.

¹⁷Тирич З.И. Активные формы организации семинарских занятий в высшей школе // Проблемы інженерно-педагогічної освіти Вип.7. - Харьков, 2004. - 175-180 б.

Г.Н. Панариной томонидан ишлаб чиқилган айлана стол қаршисида семинар олиб бориш методикаси ўзгача қизиқиш уйғотади¹⁸. Унга кўра, педагогик фанлар бўйича семинарга тайёрланиш учун талабаларга “анъанавий” тарздаги саволлар ва керакли адабиётлар таклиф этилади. Бевосита семинарда саволлар ўзгача кўринишда (редакцияланган тарзда), муаммоли равишда тақдим этилади, бунда талабаларнинг фикрларига қарши фикр билиниб туриши лозим бўлади. Машғулотнинг бошида, муаммо эълон қилиб бўлингач “айлана столнинг” ҳар бир иштирокчиси саволлар маъносини чуқурроқ англаб олиши учун саволларнинг бири баён этилган карточкаларни олади. Таклиф этилган савол устида фикрлаб олингач (3-5 дақиқа) ўрганилаётган муаммо бўйича ўқув мунозараси ташкил этилади. Ҳар бир саволни муҳокамасини унинг жавобини ўйлаб кўриш имконияти бўлган талаба (талабага берилган карточкада айнан шу савол бўлган) бошлаб беради, бироқ мунозарага дархол бошқа иштирокчилар ҳам қўшиладилар. Мунозарани жонлантириш ва “айлана стол” иштирокчилари томонидан муаммонинг тўғри ечимини топиш учун буюк ва машҳур педагогларнинг фикрлари, журналлар ва газетада нашр этилган мақолалар, амалиётда учраган мисоллардан намуналар ва бошқалар келтирилади.

«Ақлий ҳужум» - семинари. Ушбу методиканинг ўтказилиши таълим бериш амалиёти ва бошқарув масалаларини қабул қилишда жуда машҳур ҳисобланади. Уни янада батафсил кўриб чиқамиз.

“Ақлий ҳужум” – ҳамкорликнинг шундай шаклики, барча гуруҳнинг ҳамкорликдаги фаолияти назарий ёки амалий муаммонинг оригинал ва энг мақбул ечимини топишга қаратилган. Ақлий ҳужумни ўтказишнинг жуда кўп методикалари мавжуд. Уларнинг танлови муаммонинг, ижодий гуруҳнинг характери ва бошқа омилларга боғлиқдир¹⁹.

Ақлий ҳужум иштирокчилари учун қоидалар.

1. Энг кўп миқдордаги ғояларни баён этинг. Сифатдан кўра миқдорга кўпроқ эътибор қаратинг. Жумлаларни қисқа тарзда баён этинг.

2. Ҳеч қандай танқид, эътироз ва хазил қилинмасин!

3. Барча ғояларни қабул қилинг (ҳаттоки, ақл бовар қилмайдиганларини ҳам), мантикий фикрлашга эмас, балки фантазия, фараз, тахминни ортиқроқ билинг.

Ақлий ҳужум учун тахминий белгиланган вақти.

¹⁸Панарина Г.Н. Роль активных методов обучения в формировании у будущих учителей готовности к воспитательной деятельности // Активные формы и методы обучения студентов педагогике и психологии: Межвуз. сб. науч. тр. – Ярославль: ЯГПИ им. К.Д. Ушинского, 1989. – 134 б.

¹⁹ГиричЗ.И. Активные формы организации семинарских занятий в высшей школе// Проблеми інженерно-педагогічної освіти Вип.7. - Харьков, 2004. - 175-180 б.

1. Ақлий ҳужум ўтказилишини эълон қилиш ва вазифа мазмунини тушунтириш (2-3 кун аввал).

2. Ақлий ҳужум сеанси (1,5-2 соат).

- иштирокчи ва гуруҳларни, АХ қоидалари билан таништириш (5-10 дақиқа),

- вазифани эълон қилиш, саволларга жавоб бериш (10-15 дақиқа),

- Ақлий ҳужум ни ўтказиш (20-30 дақиқа),

- танаффус (10 дақиқа),

- ғояларнинг редакцияланган рўйхатини тузиш (30-45 дақиқа)

Хона ёруғ ва қулай бўлиши керак. Иштрокчилар бир-бирларини кўриб турадиган тарзда ўтиришлари лозим (айлана ёки II шаклдаги стол). Ақлий ҳужум натижаларни қайд этиб бориш вам ишга доирлаштиришга эътибор қаратиш керак. Ўқитувчи барча ғояларни доскага, флипчартга ёзади ёки экранда кўрсатиладиган қилиб жиҳозланган компьютерда териб боради. Бу вазифани бирон-бир талабалардан бири бажариши ҳам мумкин.

Ақлий ҳужум сўнг ғоялар рўйхатини жамоавий равишда тезда редакциялаш амалга оширилади. Уларнинг барчаси гуруҳлар бўйича тақсимланалди: дарҳол амалга ошириш мумкин бўлган ғоялар, нисбатан самарали ва истиқболли ғоялар ва бошқалар. Ҳаётга тадбиқ этиш учун умуман тутуриқсиз ва мураккаб бўлган ғоялар рўйхатдан чиқарилиб юборилади. Шундан кейин рўйхатни охирги маротаба қабул қилинади.

Коллоквиум – семинар. Коллоквиум, яъни талабалар билан суҳбатлашининг мақсади талабалар билимининг даражасини қай даражада чуқурлигини билиб олишдир. Айрим ҳолатларда уни дастурда кўрсатиб ўтилмаган, бироқ талабаларда у ёки бу қисмлари бўйича қизиқиш уйғотувчи қўшимча мавзулар бўйича ҳам ўтказилади. Бошқа ҳолатларда эса гуруҳ томонидан етарлича ўзлаштирилмаган курснинг бирон-бир мураккаб мавзулари бўйича қўшимча машғулотлар бўйича ўтказилади. Ва ниҳоят, коллоквиумлар бирон сабабга кўра охирги семинарларда жавоб бериб баҳоланмаган ёки уларда қатнашмаган талабаларнинг билим даражаларини аниқлаш мақсадида ўтказилади. Бундай вазиятда коллоквиум ўтилган мавзулар бўйича ўзига хос заҳёт вазифасини амалга оширади.

Тадқиқод – семинар. Махсус семинарни ўтказишда семинар машғулотларининг ўзига хос шакли – тадқиқод-семинари қўлланилиши мумкин. Биринчи- учинчи курслар мобайнида олиб борилган семинарлар талабаларни маълум бир илмий муаммо бўйича тадқиқод ишларини олиб боровчи ёш тадқиқодчилар мактаби вазифасини бажарувчи махсус семинарга тайёрлайди. Обрўъли мутахассис томонидан ўтказилувчи махсус семинар илмий мактаб характериға эға бўлиб, талабаларни жамоавий фикрлаш ва ижод

қилишга тайёрлайди. Махсус семинар давомида талабаларнинг мос равишдаги гуруҳда ишлай олиш кўникмаси, гуруҳда мўлжал ола олиши ва тўғри баҳолаши, махсус усулларни қўллай олиши муҳим ўринни эгаллайди. Якуний машғулотда ўқитувчи, қоидага кўра, ўрганилган муаммоларнинг кейинги ривожланиши ва бу жараёнда талабаларнинг иштирокини очган ҳолда семинарлар ва талабаларнинг илмий ишларини тўлиқ обзори аналга оширади. Бу касбга йўналтиришнинг ва дефектолог-мутахассисларнинг касбий ўзига хослигини шакллантиришнинг самарали усулларида биридир.

Тадқиқод-семинарини ташкил этишда талабаларнинг (турли курсдаги, факультетдаги, олий таълим муассасаларидаги) ҳамкорликдаги тадқиқод лойиҳаларини, бир муаммо бўйича солиштира тадқиқодларини кучайтириш, шунингдек, амалиётчи – тадқиқодчиларнинг ўз тадқиқодларини мастер-класс кўринишида тақдирот қилишларига жалб этиш алоҳида ўринни эгаллайди.

Ташиқлот, муассаса ва х.к.да семинар. Бевосита муассаса, мактаб, болалар МТМ негизиде семинар-машғулоти олиб боришнинг бир шаклидир. Бундай семинарлар тез-тез аналга оширилаверилмайди, чунки, уларга тайёргарлик жуда кўп вақтни сарфлашни талаб этади. Шу билан бирга уларни ўтказиш айниқса талабаларни бўлажак фаолиятлари билан таништиришда жуда катта самара беради.

“Ишга доир ўйин”-семинари. Бу ҳолатда семинар ролли “кўрсатмани” олади. Қандай материал муҳокама этилаётганидан келиб чиқган ҳолда бошловчи, оппонент, рецензент, мантиқчи, психолог, эксперт ва х.к. ролларни киритиш мумкин²⁰.

Шарҳли ўқиш ва ҳужжатларни (адабиётларни) таҳлил этиш. Дастлабки манбааларни шарҳли ўқиш – бу семинарнинг шундай турики, бунда, ўқитувчининг кўрсатмасига кўра талабаларнинг бири овоз чиқариб у ёки бу асарни ўқийди, сўнгра, ўқиганларини қандай тушунганлигини тушунтириб беради. Бошқа талабалар эса айтилганларни тўғрилайдилар ва қўшимчалар киритадилар. Кейин навбатдаги қисмни бошқа талаба ўқийди, яна ўқилганларнинг муҳокамаси аналга оширилади ва х.к.

Мустақил фикрлаб вазибаларни хал этиш. Тест топшириқлари ва машқларни семинар машғулоти давомида ечилиши талабаларнинг фаол тафаккурини ривожланиши учун жуда фойдалидир. Агар яқин кунларга қадар масалаларнинг ечилиши табиий фанлар доирасидаги машғулотларда аналга оширилган бўлса, охирги йиллар давомида бу гуманитар фанлар доирасидаги машғулотларда ҳам қўлланилиб келинмоқда. Худди шундай, тарбиявий ишлар методика бўйича семинар машғулотларини ўтказишда психолого-педагогик

²⁰ Буланова-Топоркова М.В. Педагогика и психология высшей школы: учебное пособие. — Ростов-на-Дону: Феникс, 2002. - 544 б.

масалалар таклиф этилиши мумкин. Мутахассислик бўйича барча фанларни ўқитишда ката самара билан тест топшириқларидан фойдаланилмоқда.

Тинглаш махорати энг фаол махоратлардан бири бўлиб у фикрлаш жараёнига асосан таҳлил қилади. Тинглаш қобилияти тингловчининг хис кечинмаларига боғлиқ бўлиб бу хиссиёт тингловчининг ички ва ташқи ҳолати шу билан бирга билимига асосан тушунчаларига таянган ҳолда кўрсаткич келиб чиқади.

- Нима айтилди? матн
- Қандай айтилди? тон ва хиссиёт
- Қачон айтилди? вақт
- Қаерда айтилди? жойи

Тинглаш жараёни тинч ҳолатда лекин сўзловчига эътибор билан ўтади схема қўйидагича таърифланади жавоб қайтаришнинг бир нечта усуллари мавжуд бўлиб шу билан бирга жавобларнинг ҳам бир нечта мазмуни мавжуд. Турли хил жавоблар ўқувчиларнинг фикр ва билимларидан келиб чиққан ҳолда индивидуал ва жамоавий бўлиши мумкин. Таълим сифатини кафолатлаш мақсадида ўрганиш ва таълим назариядан фойдаланган ҳолда таълим хусусиятларини систематик ишлаб чиқиш. Ўқитиш ва қўллаб-қувватлашнинг педагогик принципларидан келиб чиқсак, талабаларнинг ўрганиши онлайн ёки интернетга асосланган модулларни, курсларни ва дастурларни тузиш ва ишлаб чиқишга мослаштирилиши лозим. Схема жуда муҳим жиҳат, чунки у ўрганишнинг мақсадлари ва талабларини таҳлил қилишнинг бутун жараёнига тақалади, ва ўқитиш системасини ишлаб чиқиш ушбу талабларга мос келиши лозим. У ўқитиш материалларини, фаолиятни, амалиёт элементларини ишлаб чиқиш (кўпинча технологиялардан фойдаланган ҳолда) ва ва барча ўқитиш ва ўрганиш фаолиятини баҳолашни ўз ичига олади.

Ушбу бўлим кичик гуруҳларда дарс ўтиш усуллари таҳлил қилиб бир нечта гуруҳ шакллари кўрсатиб берилган. Гуруҳдаги ҳолат ва жараён тақдим этилган фикр ва мулоҳазалар кўрсатилган. Бўлимни ўқиб чиқиб кичик гуруҳларда дарс бериш фаолиятида махоратни ошириб дарс ўтиш сифатини яхшилаш мумкин²¹.

5.2. Мутахассислик фанларини ўқитишда амалий ва лаборатория машғулотларини ташкил этиш шакллари, машғулотларни лойиҳалаш ва педагогик фаолиятда қўллаш.

Лаборатор (амалий) машғулотлар – ўқув фанининг илсмий-назарий асосларини билиб олиш, ижодий фаолият кўникмаси ва тажрибасига эга бўлиш, техник воситаларни қўллаган ҳолда замонавий амалий ишлаш методларини ўзлаштириш мақсадида ўқитувчи назорати остида талабюалар томонидан ўқув топшириқлари комплексини бажаришни назарда тутувчи ўқув жараёнини ташкил этишнинг асосий шакллари билан бири ҳисобланади. "Лаборатория" сўзи

²¹ A Handbook for Teaching and Learning in Higher Education, published 2009 by Routledge 270 Madison Ave, New York. 82 p.

лотин тилидаги "labor"сўзидан олинган бўлиб, меҳнат, иш, қийинчилик деган маъноларни билдирадиган труд, работа, трудность.

Лаборатор (амалий) машғулотлар уларни бажаришнинг назарий асосини ёритиб берувчи маърузалардан сўнг амалга оширилади. қўйиладиган лекциями, даюшими теоретические основы их выполнения. Муҳим назарий маълумотлар ёки ушбу маълумотларни қамраб олган аниқ ўқув наشريга ссылкаси (кўрсатмаси)ни қамраб олган лаборатор (амалий) ишлар тавсифи келтирилганда назарий материалларни ўрганишни енгиллаштириш мақсадида лаборатор (амалий) машғулотларни маърузадан олдин ўтказилши мумкин бўлади.

Лаборатор (амалий) машғулотнинг мақсади реал амалий фаолият шароитда талабаларнинг бошқарилувчи билиш фаолиятини ташкиллаштиришдан иборат.

Лаборатор (амалий) машғулот тузилишига хос бўлган элементлар: кириш, асосий ва якуний қисмлардир.

Кириш қисми талабаларнинг иш топшириқларини бажаришга тайёргарлик кўришларини таъминлайди. Унинг таркибига: мавзу, мақсад ва вазифаларни баён этиш, талабаларнинг касбий тайёргарлигида унинг аҳамиятини асослаш; ушбу мавзунинг курсдаги бошқа мавзулар билан боғлиқлигини кўриб чиқиш; ишнинг назарий асосларини баён этиш; иш топшириқлари таркиби ва ўзига хосликларини тавсифлаш, уларни бажаришга ёндошувни (метод, усулларни) тушунтириш; иш натижаларига қўйиладиган талабаларни тавсифлаш; талабалар томонинг ишни бошлашга тайёргарликларини текшириш; ўқитувчи назорати остида топшириқдан бир намунани бажариб кўриш; талабалар томонидан топшириқларни бажарилишида натижаларни мустақил бошқариш бўйича кўрсатмалар бериш.

Асосий қисм талабалар томонидан топшириқларни мустақил бажаришларини назарда тутди. Иш жараёнида қўшимча тушунтиришлар; юзага келган қийинчиликларни бартараф этиш; иш натижаларини жорий назорат қилиш ва баҳолаш; талабалар саволларига жавоб бериш кабилар билан биргаликда амалга оширилиши мумкин.

Якуний қисм таркибига: машғулотнинг умумий хулосасини (ижобий, салбий) чиқариш; айрим талабаларнинг ишлари натижаларини баҳолаш; талабаларнинг саволларига жавоб бериш; талабалар иш кўрсаткичларини яхшилаш ва уларнинг билим, малакалари тизимидаги бўшлиқларни бартараф этиш бўйича тавсиялар бериш; ўқитувчи томонидан бажарилган ишларни текшириш учун талабаларнинг ҳисоботларини тўплаш; кейинги ишларни бажаришга тайёргарлик кўриш, жумладан ўрганилиши керак бўлган ўқув адабиётлар ҳақида маълумотларни баён этиш.

Машғулотларда талабалар ишини ташкил этиш шакллари: 1) фронталь, 2) гуруҳли, 3) индивидуаль.

Машғулотни фронталь шаклда ташкил этишда барча талабалар бир вақтнинг ўзида бир хилдаги топшириқни бажарадилар. Бундай шаклдаги амалий машғулотнинг одатий мисоли - талабалар томонидан мактабда ўқитиладиган бирон-бир фаннинг ўқув дастурини таҳлил этилишидир. Яна бир

мисол талабаларнинг бири ўқитувчи, бошқалари эса ўқувчилар сифатида “дарс ўтишлари” дир. Дарснинг якунида талабалар томонидан унинг таҳлили амалга оширилади, “ўқитувчига” тавсиялар ишлаб чиқилади.

Машғулотни гуруҳли шаклда ташкил этишда битта топшириқ бир нечта кишидан иборат бўлган кичик ўқув гуруҳларида бажарилади. Икки кишилик (текширувчи - текширилувчи) ёки уч кишилик (текширувчи – ота-она - текширилувчи) гуруҳчаларда психолого-педагогик ёки логорпедик текширишни ўтказиш –махсус фанлар бўйича кўпгина лаборатор ишларнинг ўтказилишнинг анъанавий схемасидир.

Машғулотларни индивидуал шаклда ташкил этишда талабаларнинг ҳар бири индивидуал топшириқни бажаради. Сўнгра улар ишни бажариш тажрибаси билан ўзаро алмашади.

Ўқув фанларининг ўзига хосликларини ва ўқув мақсадларини инобатга олган ҳолда амалий машғулотларни ташкил этиш шакллари қуйидагилар : машқлар, тренинглар, вазиятли топшириқларни ҳал этишга қаратилган машғулотлар, аниқ топшириқларни моделлаштириш бўйича машғулотлар, ролли ўйинлар, ишга доир ўйинлар, дарслар, коррекцион машғулотлар ёки ташхисни амалга ошириш бўйича тақлидий машғулотлар, мактаб, МТМ, кузатиш бўйича махсус топшириқга эга бошқа махсус муассасалар негизида кўчма машғулотлар, дарсларни мустақил ўтказиш ва х.к.

Амалий машғулотларни ўтказишнинг айрим шакллари хусусиятларини кўриб чиқамиз.

Вазиятли-ролли ўйин қуйидагича ташкил этилади. Талабалар гуруҳи олдида диагностик, дидактик ва бошқа характердаги амалий топшириқлар қўйилади. Талабалар орасида вазифалар тақсимлаб берилади. Ўйинда иштирок этувчиларнинг ҳар бири олинган маълумотларни таҳлил қилиб чиқиши керак, ролига мос ҳолдаги ҳаракатларни тавсифлаши ва бажариши лозим.

«Ишга доир ўйин» Амалий машғулотни қатъий сценарий бўйича “ишга доир ўйин” шаклида ўтказиш ҳам мумкин. Бунда бошловчида (ўқитувчида) тақлид этилувчи объектни: аутизм, акли заифлик, нутқ бузилишлари ва х.к. (бола ёки болалар ота-оналарини дифференциаль диагностика қилиш бўйича ўйинлар ҳолатида) ўйин иштирокчиларининг (тўғри ва нотўғри) турли ҳаракатларига боҳлиқ равишда ташхис қилишнинг мавжуд вариантлари, ҳар бир босқичдаги ҳаракатларнинг эталони мавжуд бўлади. Боланинг бундай ташхислари вариантлари ва ота-оналар, текширувчиларнинг психологик тавсифи учун ҳам мос ҳолдаги ҳаракатлар эталони ва қабул қилинган ечимлар бўйича янги ҳолатлар ва х.к. мавжуд бўлади. Шундай қилиб, ўйинга тайёргарлик даврида ташкилотчи дастлабки вазиятда содир бўлиши мумкин бўлган ўзгаришларни кўра билиши, ўйин иштирокчиларига талабаларнинг реал ҳаракатлари натижасида юз берган ўзгаришлар ҳақида маълумот бериш учун доимо тайёр бўлиши лозим. Ўйинни ўйнаш учун қуйидаги методик ҳужжатлар талаб этилади:

- ўйин бошловчиси учун кўрсатмалар;
- ўйин иштирокчилари учун кўрсатмалар;
- мос равишдаги хариталар тўплами;

– керакли хужжатлар, дидактик материаллар, ўқув жиҳозлари, психолого-педагогик текширув методикалари ва х.к.

Аниқ вазиятларни таҳлил қилиш методи ўйин асосида таълим беришнинг илк шаклидир. Талабалар билиш жараёнларини аниқ вазиятларни таҳлил қилиш шаклида ташкиллаштириш таълим олувчиларнинг контингентии ва машғулотнинг дидактик мақсадларидан келиб чиқиб бир қатор кўринишларга эгадир. Улар қаторига “микровазиятларни” ёки маъруза давомида казус (чигаллик)ларни таҳлил қилиш, реал ҳаётда юз берган зиддиятли вазиятларни кўриб чиқиш, вазиятли муаммоларни ҳал этиш ва х.к.

Олий мактаб амалиётида аниқ вазиятларни таҳлил қилиш методи тарбиявий ишларда педагогик кўникмаларни янада ривожлантириш мақсадида жуда кўп қўлланилади. Материалларни мос равишда танлашда ва машғулотни тўғри ташкиллаштиришда вазиятли топшириқлар кўргазма, машқ, илк тажрибадларни узатиш воситаси сифатида ҳам хизмат қилиши мумкин.

Таълим олувчилар уларнинг келажак фаолиятларида содир бўлиши мумкин бўлган зиддият ёки вазиятни тўлиқ тавсифига эга бўладилар. Тавсиф сўнгида уларнинг биттаси ёки бир нечтаси юзага келган зиддиятнинг ечими учун мос бўлган ҳаракатларнинг рўйхати келтирилади. Ҳаракатларнинг бундай саноғи таълим олувчиларга нафақат муаммонинг мавжуд ечимлари вариантларини “айлантириш”ни, балки уларнинг ҳар бирининг кутилмаган салбий оқибатини ва х.к.ни ҳаёлан кузатиш имкониятини беради. Бошқача қилиб айтганда, таълим олувчи муаммони бир неча усулда ечиши ва ечимсиз вариантларни мақсадга элтувчи вариантлардан ажратишга ўрганади.

Кейинги сафар ўқитувчи талабаларга амалиётда кутилмаган натижаларни келтириб чиқарган, жиддий ечимни талаб этувчи у ёки бу танқидий вазиятларни таҳлил қилишни таклиф этади.

Таълим олувчиларнинг эътиборини улар келажакда меҳнат қилувчи соҳада юз берган бундай ҳолатларга қаратиш жуда ҳам фойдалидир. Улар шунингдек, экспериментал шароитда ҳам, ўзларининг кундалик хулқлари бўйича нуқтаи-назарларини шаклланишида ҳам фойдалидир.

Ҳар қандай шаклдаги амалий машғулотнинг муҳим томони *машқ* ҳисобланади. Машқнинг асоси – маърузада ривожлантирилган назария бўйича ҳал этилувчи мисол ҳисобланади. Қоидага кўра, талабалар фаолияти мазмунини – топшириқларни ҳал этиш, чизмалар чизиш, тўғри тафаккур ва нутқнинг асоси бўлган илмий категория ва тушунчаларни аниқлаштиришни белгилаб берувчи аниқ кўникма ва малакаларнинг шаклланишига катта эътибор қаратилади. Машқларга мисол сифатида математика ўқитиш махсус методикаси, табиатшунослик ўқитиш махсус методикаси ва бошқа мутахассислик фанларидан амалий машғулотларда муаммо ва топшириқларни ҳал этишни кўрсатиб ўтиш мумкин. Талабалар билан машқни ечишда англаш ва тушуниш қобилиятини шаклланишига эътибор қаратиш керак бўлади.

Тренинг (инглиз тилидаги train – «ўқитиш», «тарбиялаш» деган сўздан олинган) – бу таълим беришнинг фаол методи бўлиб, тажрибали бошловчи бошқаруви остида психологик йўналтирилган гуруҳли машғулотдир. Бундай машғулотларда ҳаётдан олинган исталган одам билан содир бўлиши мумкин

бўлган вазиятлар ўйналади. Тренинг инсон учун муҳим бўлган билим, кўникма ва малакаларни ривожлантириш, шунингдек, ўзини ва бошқаларни яхшироқ тушунишга йўналтирилгандир. Таълим беришнинг бундай методи кўпинча нафакат янги маълумот олиш, балки олинган билимларнинг амалда ҳам қўлланилиши талаб этилганда қўлланилади.

Кичик гуруҳларда ўқитиш, ўқитиш техникалари орасида энг мураккаб ва юқори малакалиги хақида кўплаб ёзувчилар (Блигх 1986, Гриффитх ва Партигтон 1992) баҳслашишган. Талабаларга фикрлашни ўргатиш каби асосий мақсад билан бир қаторда ўқитувчи бир қатор ёрдамчи мақсадларга ҳам эга бўлиши керак. Гуруҳларни фаолиятига нисбатан баҳолаш, фикрлашнинг очик намоёнлиги, турли хил фикрларнинг мавжудлиги, янги ғояларнинг қабул қилиниши ва самимийлик яни гуруҳда ўқув жараёнини устунликсиз юритиш буларнинг барчаси кичик гуруҳларда ўқитиш жараёнини самарали юритиш учун муҳим ҳисобланади. Мазкур белгилар барча хусусиятлар орасида йиллар давомида ривожланиб келаётганлардан энг мукаммали ҳисобланади. Кичик гуруҳларда қандай ўқитишни ўқитувчилар билан бир қаторда, кичик гуруҳларда ўқитиш жараёнида қандай ишлашни талабалар ҳам ўрганишлари шарт. Бунда, талабаларни ўрганишга ундаш, уларда ўзига бўлган ишончни уйғотиш, ва мантиқан гуруҳ имкониятларини амалга ошириш ўқитувчининг вазифасидир. Бундан ташқари ўқитувчи бу усуллари амалда кўрсатилгандан ҳам кўпроқ қўллайди.

Кичик гуруҳларда ўқитиш, ўқитиш техникасининг мураккаб ва юқори малакала турларидан бири эканлигини такидлаш учун яна бу усул энг фойдали усуллар орасида ўқитувчиларга ҳам талабаларга ҳам бирдек мақул усул эканлигини айтиб ўтиш керак.

Кичик гуруҳларда ўқитиш жараёни деганда 2 тадан 20 тагача талабани жамлаш ҳисобланади. Иштирокчилар талабалар ёки уларнинг ўқитувчилари, шу билан бирга ўзлари учун ишлайдиган талабалар ҳам бўлиши мумкин.²²

Кичик гуруҳларда ўқитиш тизими табиатидаги миллатлараро ва ўзаро бажарилган ҳаракат талабаларни маълумотни ўзаро ўтказиб ўз таълим жараёни билан банд қилади. Кичик гуруҳларда ўқитиш тизимида талабалар ўз таълими билан бир қаторда бирлашган ҳолда ўз ақлий, шахсий ва касбий кўникмаларини ошириб боришади. Бундан ташқари, талабаларнинг турлича усуллар билан таълим олишлари ва тажрибага эга бўлишлари уларга ўзгача завқ бағишлаши талабалар ўзлаштириши учун кучли асослардан бири ҳисобланади (Руддуск 1978, Лукер 1989). Шу билан бирга тушунча ва билимдан фойдаланиш учун талабаларга иштирок этиш тавсия қилинади чунки тажрибанинг муҳим шартларидан бири иштирок этиш. Ушбу янгиликларни қўллаш гуруҳни тузиш ва юритиш, шу билан бирга гуруҳдаги муносабатни кузатиб бориб уни ривожлантириш жуда муҳим ҳисобланади.

²² A Handbook for Teaching and Learning in Higher Education, published 2009 by Routledge 270 Madison Ave, New York, NY 10016, chapter VI: Teaching and learning in small groups, Sandra Griffiths, 73 p.

Кичик гуруҳларда асосий кўникмаларни ривожлантиришнинг ўзлаштирилиши танқидий маҳанизмга асосланиб юритилади. Бу асосий кўникмаларга бўлган қизиқишни тиклаб, гуруҳда ишлаш тизимини янги поғонага кўтаради.

Кичик гуруҳларда ўқитиш тизими шуни намоён қилдики ўзига бўлган ишонч кучайтирилиши ҳамда жамоада ишлаш ва миллатлараро алоқани ривожлантиради. Гуруҳ иши ва бошқа кўникмаларни ривожлантириш талабалар учун мажбурий шартлардан бири бўлиб, улар ўз озлаштириш усулларини кузатиш натижасида бошқа усуллар билан таққослаб топшириқларга асосан усулларини ўзгартиришлари ҳамда фанни янада чуқурроқ ўрганишга йўналтирилган. (Гриффитс 1996) Ушбу белгилар одатда чуқур ўзлаштиришнинг чегаравий белгилари бўлиб хизмат қилади.²³

Кичик гуруҳларда ўқитиш ва таълим олиш бирданига муваффақиятли бўлиб қолмайди. Кичик гуруҳда ўқитиш тизимида режалаштириш бошқа ўқитиш тизимлари учун қанчалик муҳим бўлса, шунчалик муҳим ҳисобланади. Бундай фикр базан этиборсиз қолиб кетади чунки кичик гуруҳларда ўқитиш бир қараганда тузумсиз ташкил этилгандек туюлади. Бази маърузалар ташқи кўриниши бўйича кичик гуруҳларда ўқитиш тизимининг ноананавий, йўқотилган ёки тугатилмаган томонларини жиддий қабул қилишмайди. Бошқалар бу турдаги маълумотдан сесканиб уни кичик гуруҳларда ўқитиш тизимида хаос бўлиб кейинчалик терапияга айланиши мумкин деб ҳисоблашшади. Ўқитиш усулларининг барчаси режа асосида олиб борилиши зарур, бунда турли хил усулларни тадбир этиш ва ҳар бирини алоҳида ривожлантириш керак.

Маълумотнинг бу турдаги кўриниши алдамчи ҳисобланади. Норасмий гуруҳларнинг ташқи томони алдамчи бўлиб ички қисмида барча талабалар белгиланган айтиладиган ёки айтилмайдиган қоидалар бўйича ўйнашади. Бошқача қилиб айтганда, фикр ва ғояларнинг креатив қўлланилиши имкониятлари ва бошқарувчининг белгилаб қўйилган вазифалари, олдиндан тизим объектларига мувофиқ тайёрлаб қўйилган. Бундай тизимли иш юритишда талабаларнинг ўз ғояларини ривожлантириш натижасида қониқишларини кузатиш мумкин. Шу билан бирга муҳим томонлардан бири кичик гуруҳларда ўқитиш тизимида иштирокчилар ўзларини эркин ҳис этиб маҳорат ва тажрибаларини ошириб борисглари мумкин.

Кичик гуруҳларда ўқитишни режалаштиришда ўқитувчи кўплаб формалардан фойдаланиши мумкин. Бу бошқа бит ўқув тизимини режалаштириш билан деярли бир хил шаклга эга бўлиши мумкин. Типикликдан келиб чиқиб ўқитувчи ўзлаштириш натижаларига асосланиб кичик гуруҳда таълим бериш учун хоҳиший бирон бир усулни ёки ўзлаштириш фаолиятини танлаши мумкин.

Бундай умумий хусусиятлардан ташқари таълим жараёни ўзига хос спесифик талабларга асосан ўзига хос тартиб интизомга, институтлар

²³ A Handbook for Teaching and Learning in Higher Education, published 2009 by Routledge 270 Madison Ave, New York, NY 10016, chapter VI: Teaching and learning in small groups, Sandra Griffiths, 74 p.

маданияти, программа контекстини ва модуль шакли айниқса талим жараёнида талабаларнинг олдинги билим даражасини ҳисобга олиш керак.

Режа қайси шаклда тузилганидан қатий назар, кичик гуруҳларда ўқитиш тизимининг танқидий ва аниқ мақсад билан тақидлаб ўтилган. Кичик гуруҳларда ўқитишда қанчалик кўп олдинга қўйилган мақсадларни амалга ошишини сўраш жуда фойдали, бу кўплаб шакллардаги моделларни ривожлантиришга ёрдам беради. Талабалар учун фойдали шу билан бирга уларни қониқлантирадиган нарх белгилаш лозим. Қисқача қилиб айтганда ўқитишнинг мақсади ҳамда таркибий қисми кўрсатиб ўтилган талаб ва эҳтиёжларга мос бўлиши керак.

Назорат саволлари

1. Семинар ва лаборатория (амалий) сўзининг маъносини очиб беринг.
2. Семинар ва лаборатория (амалий) машғулотининг вазифаларини айтиб беринг.
3. Семинар ва лаборатория (амалий) машғулотининг кўринишларини айтиб беринг.
4. Семинар ва лаборатория (амалий) машғулотлари қандай тузилишга эга.
5. Семинар ва лаборатория (амалий)ларнинг шакллари айтиб беринг.

Адабиётлар рўйхати

1. A Handbook for Teaching and Learning in Higher Education, published 2009 by Routledge 270 Madison Ave, New York.
2. Мўминова Л.Р. ва бошқалар. Махсус психология. -Т.: “Ношир”, 2013 й.
3. Пўлатова П. ва бошқалар. Махсус педагогика. Т.: “Фан ва технология” нашриёти, 2014 й.
4. Назарова Н.М. Сравнительная специальная педагогика. М.: «Академия», 2012г.
5. Ёўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 2004.
6. Чичерина Я., Нуркелдиева Д., Бондарева Е. Мутахассислик фанларни ўқитиш методикаси. Т.: Фан ва технологиялар, 2013й.
7. Чичерина Я., Нуркелдиева Д., Бондарева Е. Инновационные подходы в подготовке кадров- дефектологов (монография). Т.: “Навруз”, 2014 г.
8. М.Ю. Аюпова Логопедия –Т.: “Файласуфлар миллий жамияти” 2011й. 2-нашр. 560б.
9. Азизхўжаева Н. Педагогик технология ва маҳорат. Тошкент: ТДПИ, 2003.
10. Холиқов А. Педагогик маҳорат. – Т.: ИҚТИСОД-МОЛИЯ, 2011.

6-мавзу: Махсус фанларни ўқитишда ўқитувчи ва талабаларнинг педагогик мулоқоти.

Режа:

1. Педагогик мулоқот моҳияти ва педагогик мулоқот турлари
2. Педагогик мулоқот услублари ва педагогик мулоқот моделлари.

Таянч иборалар: Педагогик мулоқот, мулоқотнинг асосий турлари, мулоқотнинг асосий босқичлари, модель, олий талим муассасасида педагогик мулоқотнинг ўзига хосликлари.

6.1. Педагогик мулоқот моҳияти ва педагогик мулоқот турлари

Мулоқот педагогика фанининг асосий муаммоларидан саналади. Мулоқот таълим ва тарбия, шахсни ривожлантириш вазифаларини хал қилишда асосий восита саналади. У мақбул психологик муҳит, таълим-тарбия жараёнининг оптимал ҳолати ва педагогик мақсадларга эришишга йўналтирилади.

Педагогик мулоқот шахслараро мулоқотнинг ўзига хос шакли бўлиб, ўзининг характерли хусусиятларига эга бўлиб, айти пайтда инсонлараро ўзаро таъсирнинг шакли саналмиш мулоқотга хос, коммуникатив, интерфаол ва перцептив компонентлардан иборат бўлган умумий психологик қонуниятларга бўйсунди.

Педагогик мулоқот педагогик жараёни амалга оширишнинг асосий шакли бўлиб, унинг маҳсулдорлиги, биринчи галда, таълим мақсадлари ва қадриятлари, демак, уларга эришиш учун зарур бўлган мулоқот билан белгиланади. Тилга олинган қадрият ва мақсадлар мулоқотнинг барча қатнашчилари томонидан мазкур жараёнда индивидуал хулқ-атворнинг императиви сифатида қабул қилиниши талаб этилади.

Шундай қилиб, педагогик мулоқот - таълим олувчилар ва педагоглар ўртасидаолоқаўзаро тушуниш ва ўзаро таъсирни ташкил қилиш, йўлга қўйиш ва ривожлантириш билан боғлиқ кўпқиррали жараёндир.

Шу боис ҳам бўлажак ўқитувчи педагогик мулоқотни тўғри ва самарали ташкил қилиши учун мулоқотнинг мақсади ва мазмунини англаб етиши, унинг воситалари, вазифалари, шакл ва услубларини, умумий тузилиши ва турли моделларини билиши талаб қилинади.

Педагогик мулоқотнинг мақсади таълим берувчининг таълим олувчига ижтимоий, касбий ва ҳаётий тажрибани (билим, кўникма ва малакаларни) узатишидан иборат. Айтин мулоқот таълим олувчининг ҳамда, таълим берувчининг индивидуаллиги, янгисифат ва хусусиятлари юзага келиши ва ривожланишига кўмаклашади. Фақат педагогик мулоқот жараёнидагина

таълим олувчиларга умумий ва касбий маданият, ҳаётий мақсад ва қадриятлар тизими, ахлоқий-маънавий меъёр ҳамда тамойилларни сингдириш мумкин.

Педагогик мулоқот мазмуни, аввало, ахборот алмашишдан иборат бўлиб, у ўқитувчи томонидан таълим олувчилар билан ўзаро тушуниш ва ўзаро муносабатларни ташкил қилишга йўналтирилади. Бунда педагог турли коммуникатив воситалардан фойдаланади. Мулоқот - жуда мураккаб, кўп қиррали ва кўп предметли ижтимоий-психологик феномен. У ўз йўналганлиги ва ички мазмунига кўра ранг-баранг. Педагогик мулоқот мазмунини мулоқот предмети, аниқроғи унинг нима ҳақда эканини таҳлил қилибгина англаш мумкин бўлади.

Педагогик мулоқот воситаларини таълим жараёнида тақдим этиладиган ахборотни кодлаш, узатиш, қайта ишлаш ва шифрдан чиқариш сифатида тушуниш ва таърифлаш мумкин. Мулоқот воситалари инсоннинг мулоқот мазмунини амалга ошириши, унинг мақсадига эришишини таъминловчи воситалар.

Педагогик мулоқотни реализациялаш, танланган воситалар орқали унинг мақсадлари ва мазмунига эришиш шу мулоқотнинг вазифалари (функциялар)нинг маълум йиғиндисини амалга ошириш йўли билан таъминланади. Шу вазифаларни бажариш давомида таълим-тарбия жараёни олдига қўйилган вазифаларни ҳал қилиш учун зарур педагогик шароитларни яратиш бўлган таълим олувчилар ва педагогнинг ўзаро таъсири рўй беради. Педагогик мулоқотнинг вазифалари йиғиндисининг умумий кўриниши 1-расмда ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Педагогик жараён субъектлари ўзаро таъсирининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- конструктив, билимлар мазмунини, муайян ўқув фанининг амалий аҳамиятини муҳофаза қилиш ва тушунтириш чоғида ўқитувчи билан таълим олувчиларнинг педагогик ўзаро таъсирини таъминлаш;

- педагогик мулоқотнинг ташкилий вазифаси ўқитувчи ва таълим олувчиларнинг ўзаро хабардорлиги ва ўқув-тарбия жараёни муваффақияти учун умумий жавобгарлиги асосидаги ҳамкорликдаги ўқув фаолиятини мақсадли ташкил қилишдан иборат;



4 – расм. Педагогик мулоқотнинг асосий вазифалари

-коммуникатив-рағбатлантирувчи вазифа ўқув-билув фаолиятининг турли (якка тартибдаги, гуруҳли, фронтал) шакллари бирлаштириш, педагогик ҳамкорликни таъминлаш мақсадида ўзаро таъсир ва ўзаро ёрдамни ташкил қилишда намоён бўлади. У таълим олувчиларнинг муайян машғулотда ёки фанни ўзлаштириш давомида нимани билиб олиши, тушуниши, нималарга ўрганиши кераклигига ҳабадорлигини шакллантиришга йўналтирилади;

-педагогик мулоқотнинг ахборот-ўргатувчи вазифаси ўқув фанининг таълим олувчининг бўлажак касбий фаолият тизимидаги ўрнини ва унинг ишлаб чиқариш билан алоқасини кўрсатишга хизмат қилади. У таълим олувчининг дунёни тўғри тушуниши ва ижтимоий ҳаётга муносабатини шакллантиришга мўлжалланган бўлиб, ўқувмашғулотларининг ахборот сиғими ҳаракатчанлигини ва материални, таълим олувчиларнинг кўргазмали-ҳиссий соҳаларига таянган ҳолда, ҳиссиётли баён қилиш билан бириккан тўлиқлигини таъминлайди;

- ҳиссий-корригирловчи вазифа таълим жараёнида ўқув фаолияти турларини алмашлашда «очиқ истиқболлар» ва «ғолибона» ўқитиш тамойилларини амалга оширишдан иборат. Бу вазифа ўқитувчи билан таълим олувчи ўртасида ишончга асосланган муносабатлар ўрнатилиши ва унинг ёрдамида таълим- тарбия жараёни сифатини оширишни таъминлайди;

- педагогик мулоқотнинг назорат-баҳолаш функцияси педагог ва таълим олувчининг ўзаро назоратини ташкил қилишдан иборат. Бу таълим-тарбия


жараёни ёки унинг маълум босқичи натижаларини биргаликда муҳокама қилиш, унга ўз-ўзини назорат ва ўз-ўзини баҳолаш асосида баҳо беришни кўзда тутди.

Инсонларнинг биргаликдаги фаолият мақсади, вазифалари ва характериға кўра, ташкил этилиши ва ўзаро муносабатларнинг шаклланган тизимига кўра мулоқотнинг бир неча тури фарқланади.

6.2. Педагогик мулоқот услублари ва педагогик мулоқот моделлари.

Ўқитувчининг ижтимоий ва касбий нуктаи назари унинг педагогик мулоқот услубига (педагогнинг таълим олувчилар билан ўзаро ҳамкорлиги индивидуал-типологик хусусиятларига) таъсир этмай қолмайди.

5-расмни диққат билан кўздан кечириб, педагогик мулоқотнинг турли услублари ҳақида тасаввур ҳосил қилиш мумкин:



5- расм. Педагогик мулоқот услублари.

Педагогик мулоқот турларини таснифлашда у ёки бу услуб нимага асосланиши ва унинг намоён бўлиши учун нималар характерли эканини ҳисобга олиш керак. В.А.Кан-Калик педагогик мулоқотнинг бешта турини фарқлайди.

1. Ўқитувчи билан таълим олувчиларнинг ҳамкорликдаги **фаолиятга берилишга асосланган мулоқот** услуби биргаликдаги тадқиқотлар, курс иши (лойиҳаси), битирув-малакавий ишларга раҳбарлик, битирувчини магистратурага таклиф қилиш жараёнида юзага келиши мумкин. Мулоқотнинг бу услуби шаклланиб улгурган илмий мактаблар учун хос хусусиятлардир.

2. **Дўстона кайфиятга асосланган мулоқот** услубида педагогик ўзароҳамкорлик жараёни субъектларидан ҳар бирининг мақоми ва мустақиллигини сақлабқоладиган маълум масофага муқаррар роя этиш талаб қилинади.

3. **Аниқ ўрнатилган ва оғишмай роя этиладиган масофага** асосланган мулоқот. Бунда ўқитувчи ўз тажрибаси ва билими, ижтимоий мақомини таъкидлагани ҳолда таълим олувчи билан масофани сақлайди. Бироқ, масофа ўқитувчининг нуфузига асосланган бўлиши лозим. Акс ҳолдаҳамкорликдаги ишнинг ижодийлиги сезиларли даражада пасайиб кетиши мумкин.

4. **Таълим олувчиларни кўрқитишга асосланган мулоқот** услуби ўта салбий мулоқот шакли бўлиб, ғайри инсоний характерга эга. Кўпинча бу услубга мурожаат қилиб, ўқитувчи аслида ўзининг педагогик нуқтаи назардан ожизлигини яширишга уринади.

5. **Талабалар билан ўйин** қилишга асосланган мулоқот услуби сохталиги билан ажралиб туради. Бу услуб ёрдамида ўқитувчи «арзон» ҳурмат-этибор қозонишга уринади.

Кўрқитиш, ўйин қилиш ва масофани сақлашнинг ўта кескин шакллари тез-тез қўлланганда ўзига хос штампга айланади, педагогик мулоқотнинг у қадар самарали бўлмаган усуллари юзага келтиради ва ўқув-тарбия жараёнидаи кўзланган мақсадга эришишни қийинлаштиради.

Тажрибали ва юқори малакага эга бўлган ўқитувчи учун таълим олувчилар билан мулоқот услуби қандайдир қотиб қолган ва тугал нарса саналмайди. Ҳаётнинг ўзи педагогик вазиятларнинг чексиз ранг-баранглиги, уларнинг ҳар бирини самарали ҳал қилиш учун мулоқотнинг, ўқитувчининг рухий-ҳиссий ҳолати, унинг кайфиятига боғлиқ бўлмаган, мулоқот услуби талаб этилишидан далолат беради. Шу боис ҳам педагогик мулоқот услуби, аввало, таълим олувчи шахсига ҳурмат, ўқитувчининг юксак даражадаги умумий, касбий ва педагогик маданияти асосида шаклланган бўлиши керак.

Педагогик мулоқот услублари таснифида тобора характерли намоёи бўлиш нуқтаи назаридан автократик, авторитар, демократик, эркин либерал, либерал ва бетартиб услубни ажратиш кўрсатиш мумкин.

Мулоқотнинг автократик (ёки ўзича ҳукмронлик) услуби ўқитувчи жамоанинг ўқув-билув фаолиятини яккаҳокимлик асосида бошқарган, уларга ўз қарашларини баён этиш имконини бермаган, танқидга йўл бермаган вазиятда кўзга ташланади. Бунда ўқитувчи таълим олувчиларга талабларнинг маълум йиғиндисини қўяди ва уларнинг бажарилишини қаттиққўллик билан назорат қилади.

Мулоқотнинг авторитар (ёки ҳукмронлик) услуби таълим олувчиларнинг ўқув ёки жамоа ҳаёти билан боғлиқ масалалар муҳокамасида

иштирокига йўлқўяди, бироқ охир-оқибатда қарорни ўқитувчи ўз тамойиллари, қарашларидан, келиб чиққан ҳолда қабул қилади. Авторитар мулоқот услуби таълим олувчиларнинг ноадекват ўз-ўзига баҳосига сабаб бўлади, уларда- кучга ишончни шакллантиради, кадриятларнинг бузиб идрок этилиши, «сувдан қуруқ чиқиш», мақсадига эришиш учун, ўзи бажариши лозим бўлганини амалга ошириш учун бошқалардан фойдаланиш каби ҳислатларнинг қадрланишига олиб келади. Бу услубдан фойдаланган ўқитувчининг ўзаро ҳамкорлик шакллари буйруқ, кўрсатма, йўриқнома, хайфсандан иборат бўлади.

Мулоқотнинг демократик услуби ўқитувчининг таълим олувчиларга нисбатан эътиборли бўлиши, уларнинг фикрларини инобатга олиши, уларни тушунишга, буюриш эмас, балки ўзининг ҳақлигига ишониришга интилишини кўзда тутди. Бу ҳолда ўқитувчи тенглик асосига қурилган диалог олиб боришга, талабаларда ўзини ўзи бошқариш кўникмаларини ривожлантиришга, уларнинг индивидуал хусусиятларини имкон қадар ҳисобга олишга интилади. Демократик услубга риоя этган ўқитувчи таълим олувчиларни ижодкорлик, ташаббускорлик сари ундайди, рағбатлантиради, уларнинг ўзини ўзи реализациялаши учун шароит яратади. Бу услубда мулоқотнинг асосий шакллари илтимос, маслаҳат, ахборот, ҳаммани фаол ишга жалб қилишга интилиш каби лардан иборат бўлади. Мулоқотнинг бу услуби таълим олувчилар билан мустаҳкам ўқув-илмий алоқалар билан ажралиб туради ва уларни муваффақиятли билиш фаолиятига ундайди.

Мулоқотнинг эркин-либерал услуби анархияга йўлқўйиб бериш билан характерланади. Бу иш учун энг зарарли ва бузғунчи услуб. У меъёردаги ўқув-билув фаолиятини издан чиқаради, унинг натижаларини назорат қилишнинг аҳамиятини пасайтириб юборади, таълим олувчиларда мавҳумликни келтириб чиқаради, кескинлик ва хавотир уйғотади.

Мулоқотнинг либерал услубига амал қилган ўқитувчи жамоа ҳаётига аралашмасликка интилади, фаоллик кўрсатмайди, амалда рўй бераётганлар учун жавобгарликдан ўзини олиб қочади. Бу методдан фойдаланганда ўқитувчи ўзининг функционал мажбуриятларини фақат расман бажаради, ўқув материални баён қилиш билангина чекланади. Бундай тактика оқибати таълим олувчилар фаолияти ва уларнинг ривожланиш динамикаси устидан керакли назоратнинг мавжуд эмаслиги саналади.

Таъкидлаш керакки, бир қарашда қарама-қарши кўринган либерал ва мулоқотнинг авторитар услублари учун умумий саналган хусусиятлар ўқитувчи билан таълим олувчилар ўртасида масофа муносабатларнинг ўрнатилиши ва улар ўртасида ўзаро ишончнинг йўқлиги, бегоналашганлик,

ўқитувчи томонидан ўзининг устун мақомини намоишкорона таъкидланишидан иборат.

Мулоқотнинг изчил бўлмаган услуги шундан иборатки, ўқитувчи ташқи шароитларга ва ўзининг эмоционал ҳолатига боғлиқ ҳолда юқорида санаб ўтилган мулоқот турларидан бирини амалга оширади. Бу ўқитувчининг таълим олувчилар билан ўзаро муносабатлари тизимини издан чиқаради.

Реал педагогик амалиётда кўпинча мулоқотнинг аралаш турлари ўрин тутади. Ўқитувчи мулоқотнинг авторитар услубига хос айрим усулларни қўллашдан воз кечолмайди, улар баъзан анчагина самарали бўлиши мумкин. Умуман ўқитувчи талабалар билан кўпроқ мулоқотнинг демократик услубига йўналган бўлиши керак, чунки айнан улар педагогик таъсирнинг шахсни ривожлантириш стратегиясини амалга оширишга кўмаклашади ва таълим-тарбия жараёнидан кўзланган мақсадларга самарали эришишни таъминлайди.

Мулоқот услубининг жами вариантларини иккита: монологик ва диалогик типга ажратиш мумкин. Монологик характердаги мулоқотсубъект-объект муносабатларини кўзда тутаяди, бунда субъект ўқитувчи, объект эса талаба ҳисобланади. Диалогик мулоқотда эса нисбатан маҳсулдор субъект-субъект муносабатлари ўрнатилади. Бу жараёнда ўқитувчи талабалар билан шериклик муносабатлари асосида, улар билан биргалашиб иш олиб боради. Бунда замонавий ҳамкорлик педагогикаси тамойиллари максимал даражада реализацияланади. Педагогик ҳамкорлик асосига қурилган педагогик мулоқот натижалари қуйидагилар саналади:

- ўқитувчи билан талабаларнинг ўзаро ҳамкорлигига асосланган икки ёқлама жараён муваффақиятли амалга оширилади. Бу жараён самарадорлиги ўқитувчининг шахси ва фаолияти, унинг касбий ва педагогик компетенцияси каби таълим олувчининг ҳам фаолиятига боғлиқ бўлади;

- ҳамкорлик педагогикаси талабаларнинг индивидуал имкониятлари, қобилиятлари ва хусусиятларининг ривожланиши, максимал даражада намоён бўлишини, унинг ижодий салоҳиягини реализациялашни таъминлайди;

- диалогик мулоқот давомида субъект-субъект муносабатларида ўқитувчи томонидан ҳар бир вазият учун адекват бўлган оптимал педагогик ечимларни фаол ижодий излаш жараёни кечади.

Шундай қилиб, субъект-субъект муносабатлари, ижод муҳитида амалга ошади ва касбий таълимни инсонпарварлаштириш ғоясининг чинакамига реализацияланишига кўмаклашади.

Мулоқотнинг турли услублари ўқитувчининг талабалар билан ҳамкорликдаги ҳулкининг маълум моделлари шаклланишига олиб келади. Л.Д.Столяренко тадқиқотларига таянган ҳолда уларни қуйидагича акс эттириш мумкин:

Диктаторлик модели ўқитувчининг шундай хулқини англатадики, бунда у ўзини гўё талабалардан четга олади. Талабалар унинг учун фақат қандайдир қиёфасиз тингловчилар оммаси сифатида мавжуд. Ўқитувчи талабалар билан ҳеч бир шахсий ҳамкорлик қилмайди. Педагогик функциялар ахборот ҳаммулоқотдангина иборат. Хулқнинг бу модели оқибатида зарур психологик алоқа, демакки, талабаларнинг тўлиқ пассивлиги, ташаббуссизлиги кузатилади.

Алоқасиз модель психологик мазмунига кўра олдингисига яқин. Бироқ, ўқитувчи билан талабалар ўртасида ихтиёрий ёки беихтиёр яратилган тўсиқ туфайли қандайдир кучсиз акс алоқанинг мавжудлиги билан фарққилади. Бундай тўсиқ томонларнинг бирида (баъзан ҳар иккисидан) ҳамкорликка интилишнинг йўқлиги, машғулотнинг диалог эмас ахборот характери, ўқитувчи томонидан ўз мақомининг таъкидланиши бўлиши мумкин. Бунинг натижаси таълим олувчиларга нисбатан юзаки ҳамкорлик ва улар томонидан ошкора бепарво муносабатдир.

Дифференциацияланган эътибор модели ўқитувчининг талабаларга нисбатан сайланма муносабатига асосланади. Ўқитувчи эътибори бутун аудитория эмас, балки унинг бир қисмига одатда, ё энг истеъдодли, ё энг кучсиз талабаларга қаратилади. Бошқача айтганда, у асосий эътиборини ўқув-билув фаолияти етакчилари, ё унинг аутсайдерлари (қолоқлари)га қаратади. Ўқитувчи уларни ўзига хос индикатор ҳолатига қўйиб, улар воситасида жамоанинг кайфиятини билиб боради. Машғулотларда мулоқотнинг бу модели шаклланишига сабаб таълимни индивидуаллаштиришни фронтал ёндашув билан бирга олиб боролмаслик бўлиши мумкин. Натижада, ўқитувчи-талабалар жамоаси тизимида ҳамкорлик актининг яхлитлиги бузилади, у вазиятли алоқалар фрагментарлиги билан алмаштирилади.

Гипорефлекс модель шундан иборатки, ўқитувчининг талабалар билан мулоқот жараёнидаги нутқни гўё ўзига «яширинган» монологик нутқбўлиб, у фақат ўзини эшитади ва тингловчиларига сира реакция қилмайди, уларнинг ўқув материални идрок этиши билан қизиқмайди. Бу ҳолда талабалар билан педагог ўртасидаги ҳамкорлик мавжуд бўлмайди, унинг ўқув-тарбиявий таъсири соф формал кўриниш касб этади.

Нозик бўлмаган реакция модели шундан иборатки, ўқитувчи талабалар билан ўзаро муносабатларини қандайдир қатий дастур асосига қуради. Бунда машғулотмақсад ва вазифаларига аниқ риоя этилади, дидактик нуқтаи назардан ўзини оқлаган методик усуллар қўлланади, баённинг бенуксон мантики ва фактларнинг асосланиши муҳимўрин тутати, мимика ва имо-ишоралар ҳам сайқалланган, аммо ўқитувчи мулоқотнинг ўзгарувчан вазиятини тушуниш ҳиссидан маҳрум. У талабаларнинг таркиби ва психологик ҳолати, ёши ва бошқа хусусиятларини назарга олмайди. Натижада, идеал тарзда

режалаштирилган ва методик нуқтаи назардан пухта ишланган машғулотда ҳам асосий ўз мақсадга эришиб бўлмайди.

Фаол ўзароҳамкорлик модели тобора самарали саналади. Бунда ўқитувчи талабалар билан доимий диалогда бўлади, уларнинг кўтаринки кайфиятини қувватлайди, ташаббускорликни рағбатлантиради, гуруҳ психологик иқлимидаги ўзгаришларни осон илғаб олади, уларга нозиклик билан реакция қилади. Дўстона ўзаро таъсир услуги зарур ролли масофани сақлаган ҳолда устуворлик қилади. Оқибатда, юзага келадиган барча ўқув, ташкилий ва ахлоқий муаммолар, одатда, биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан самарали ва ижодий ҳал этилади. Айнан шунинг учун ҳамхулкнинг бу модели сермахсул саналади.


Педагогик мулоқот тузилишида вақт чегарасини ажратиб кўрсатиш мумкин. У мазкур мулоқот жараёнини босқичларнинг мантикий белгиланган қандайдир изчиллигини кўриш имконини беради. Педагогик мулоқот босқичлари педагогик жараён мантикига мос келади, муайян, ғояни амалга ошириш, таҳлил қилиш ва баҳолашни ўз ичига олади. Шунга кўра, педагогик мулоқотнинг қуйидаги асосий босқичлари фарқланади (4-расм).

1. Прогностик босқич. Ўқитувчи томонидан олдиндаги талабалар билан мулоқотни педагогик фаолиятни амалга оширишга тайёргарлик жараёнида дастлабки моделлаштиришдан иборат.

2. Мулоқотнинг бошланғич босқичи. Аудитория, гуруҳ билан танишиш ва у билан бевосита мулоқотни ташкил қилиш.

3. Мулоқотни бошқариш босқичи. Бевосита ривожлантирувчи педагогик жараён давомида ўрин тутати ва аввалдан танланган, моделлаштирилган мулоқот технологиясини амалга оширишдан иборат.

4. Яқунловчи босқич. **Амалга** оширилган мулоқот технологияси таҳлили ва навбатдаги педагогик вазифаларни ҳал қилиш мақсадида янги технологияларни моделлаштириш.



6 – расм. Педагогик мулоқотнинг асосий босқичлари

Биринчи босқичда педагогик машғулотмақсади ва вазифалари, юзага келган вазият, ўқитувчининг индивидуаллиги ва талабаларнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда мулоқотнинг бу босқичида ҳамкорликнинг коммуникатив тузилишини, мулоқот мазмуни ва жараёнини ўзига хос режалаштириш амалга оширилади. Бунда келгуси машғулотга ҳиссий кайфият гуруҳ талабаларининг сони ва таркибидан, шаклланиб улгурган мулоқот тажрибасидан келиб чиқиб аввалдан танланади. «Лирик чекинишлар» талабаларнинг кутилган хатги-ҳаракатига реакция қилиш сифатида олдиндан ўйлаб олинади. Бу каби тайёргарликда такрорлардан қочишга уриниш лозим. Гуруҳдаги мулоқотда шаблон ўқитувчининг нуфузини пасайтириб юборади.

Аввалдан моделлаштириш ўқитувчига ҳамкорликнинг эҳтимолий схемасини тасаввур қилиш, машғулотнинг эҳтимолий муҳитини аввалдан кўра билиш, олдинда турган мулоқот давомида ўзаро муносабатларнинг кутиладиган даражасини ҳис қилиш ва машғулотнинг ҳам мазмуний, ҳам методик тузилишини аниқроқ кўриш имконини беради.

Шундай қилиб, бу босқичда ахлоқий-психологик элементлари каби, асл коммуникатив-технологик элементлар ҳам ёрқин намоён бўлади, педагогик вазифаларни коммуникатив вазифалар соҳасига ўтказиш рўй беради. Бу эса педагогик ҳамкорлик мақсадларининг самарали амалга ошишини таъминлайди.

Педагогик мулоқотнинг иккинчи босқичи ўқитувчининг аудитория билан алоқасининг бевосита ҳамкорлиги сифатида гавдаланади. Бу босқич фаолиятнинг мазмуний-дидактик тизими каби, унинг ижтимоий-психологик омиллари кейинги ривожининг муваффақиятли кечишини кўп жиҳатдан белгилаб беради. Унинг ўқитувчи учун муҳим унсурлари қуйидагилардир:

- а) аввал режалаштирилган мулоқот моделини аниқлаштириш;
- б) олдинда турган мулоқот шароитлари ва тузилишини аниқлаш;
- в) бевосита мулоқотнинг бошланғич босқичини амалга ошириш.

Алоқаўрнатиш чоғида мулоқотда шаблонлардан қочиш, ўқитувчихулқининг

ўзига хослиги муҳим рол ўйнайди. Аудиторияга кираётиб талабалар жойлашуви, техник воситаларнинг тайёр ҳолатга келтирилгани, хонанинг санитар ҳолатига эътибор қаратилади.

Мулоқотнинг дастлабки лаҳзаларидаёқ ўқитувчи танланган таълим методлари ёрдамида ишлаш имкониятларини аниқлаши, аудиториянинг умумий кайфиятини сеза билиши керак.

Ўқитувчининг мулоқот ташаббускори сифатидаги позицияси коммуникатив вазиятдан бевосита ҳамкорлик вазиятига ўтиш босқичида фавқулодда аҳамият касб этади. Ўқитувчининг мулоқотда ташаббускорлиги бутун ўқув-тарбия жараёнини, ўқитувчи билан жамоанинг ҳамкорликдаги ижодий ишини бошқариш, яъни машғулотда билишга оид изланишни бошқариш усули сифатида гавдаланади ва тўғри ташкил қилинган мулоқот тизими орқали амалга оширилади.

Мулоқотнинг учинчи босқичида мулоқотни педагогик жараён давомида бошқариш ва бу жараённинг ўзини бошқариш, машғулот давомида ўқитишни ташкил қилишдан иборат. Бу босқичда ўқитувчи коммуникациянинг ўйлаб қўйилган тизимини амалга оширади, талабаларга нутқий таъсир ўтказади, мулоқот ва ахборот узатишнинг турли воситаларини танлайди ва - амалга оширади, аудитория билан алоқани тутиб туради.

Эмоционал ёки юзаки даражадаги мулоқот педагогик мулоқот вазиятининг мақбуллигини белгилайди, аммо унинг мазмунли томонларини тавсияламайди.

Когнитив даража мулоқотнинг предметли томони билан боғлиқ. Айнан шу даражада шахсий-гуруҳли педагогик мулоқотнинг ва талабалар ўқув-билув фаолиятининг исталган даражадаги самарадорлигини таъминлашнинг таянч элементи сифатида тушунтириш жараёни кенгайди.

Ижтимоий-психологик даражадаги мулоқот ўқитувчининг талабалар билан ҳамда талабаларнинг ўзаро шахсий ва гуруҳдаги муносабатларини белгилайди. Бунда мулоқот санъати таълим технологияси, талабалар ишини ташкил қилиш билан узвий алоқадорликка киришади.

Шундай қилиб, методик нуқтаи назардан мақсадга мувофиқ ташкил қилинган педагогик мулоқот нафақат ўзи учун хос бўлган барқарор алоқани таъминлаш вазифасини бажаради, балки педагогга талабаларда улар учун аҳамиятли бўлган мазмуний тузилмалар: касбга йўналганлик, дунёқараш, маънавий-ахлоқий тамойиллар, эътиқод ва шу кабиларни шакллантиришга қўмаклашадиган янада мураккаб вазифаларни ҳал қилиш имконини беради.

Педагогик мулоқотнинг якунловчи тўртинчи босқичида ўқитувчи заруратга кўра ўзиқўллаган мулоқот тизимини таҳлил қилади, муайян талабалар жамоасида мулоқотни ташкил қилишга доир вариантларни

аниқлайди, уларни амалга оширилган фаолиятнинг мазмунли аспекти билан нисбатлайди. Шу тариқа аудитория билан бўлажак ўқув мулоқотини башорат қилади. Бубосқич мулоқотнинг умумий тузилишида ўзига хос акс алоқа вазифасини бажаради. Бусиз рефлексив момент нафақат ёмонлашади, балки умуман вазият учун ноадекват бўлибқолиши ҳам мумкин. Бунда педагогик мулоқотнинг биринчи босқичига ўтиш амалга ошади. Босқич аниқлаштирувчи каби, қисман башорат қилишни ҳамўз ичига олади. Қолаверса, у таълимнинг фақат асл коммуникатив томонларига эмас, балки олдинда турган ўқув жараёнига таъсир ўтказади.

Кўриб ўтилган босқичлар педагогик мулоқот жараёнида юзага келадиган типик вазиятларни ёритиб беради. Реал педагогик фаолиятда улар ўзгача бўлиши мумкин. Айрим босқичлар, масалан, қисқартирилиши ёки етарлича аниқ намоён бўлмаслиги, баъзан эса аксинча, жуда чўзилиб кетиши мумкин. Ҳаммаси педагогик мулоқот вазияти, ўқитувчининг ўзи, шунингдек, талабаларга, уларнинг умумий маданияти, мотивацияси каби омилларга боғлиқ.

Олий таълим муассасасида педагогик мулоқотнинг ўрни. Педагогик мулоқот - мулоқотнинг ўз хусусиятларига эга бўлган, айти пайтда инсоннинг бошқа инсонлар билан ўзаро таъсири шакли сифатидаги мулоқот учун хос бўлган умумий психологик қонуниятларга бўйсунадиган алоҳида шакли бўлиб, коммуникатив, интерфаол ва персептив компонентлардан ташкил топади. Педагогик мулоқот - тарбия ва таълим мақсадҳамда вазифалари амалга ошишини таъминлайдиган ва педагог билан таълим олувчиларнинг ўзароҳамкорлиги характерини белгилайдиган восита ва методлар жами. Педагогик психология соҳасига оид тадқиқотлардан маълумки, педагогик қийинчиликларнинг катта қисми ўқитувчиларнинг илмий-методик тайёргарлигидаги камчилик ва нуқсонлар эмас, балки кўпроқ касбий-педагогик мулоқот соҳасидаги деформация (бузилиш)лар биланбоғлиқ.

Педагогик мулоқот мазмуни ва тузилиши: семинар, имтиҳон, синф, курс иши (лойиҳаси) ёки реферат ҳимояси. Ўқитувчининг талабалар билан мулоқотидан ташкил топади. Бироқ, мулоқот бу билан чекланмайди. Мулоқотнинг ўта муҳим томони бир инсоннинг қиёфасини бошқасида «муҳрлаш», ўзини бошқаларга ҳамкорликдаги фаолият орқали трансформациялашга интилиш саналади. Бу энди шахсий мулоқот. Мулоқотдаги кишилар ўзининг турмуш тарзи билан ўртоқлашиш, ҳар икки томонни қизиқтирган, тўлқинлантирган қайсидир ҳодисани муҳокама қилишга интилади. Бу - ўқитувчи ва таълим олувчининг ҳамкорликдаги фаолиятда шахсий ўзароҳамкорлигини англатади. Шу маънода, мулоқот ўқув-тарбиявий вазифаларни ҳал қилишнинг жуда муҳим воситаси сифатида майдонга чиқади. Ўқитувчи ва таълим олувчилар жамоасининг продуктов (маҳсулдор)

мулоқотини ташкил этмасдан туриб, дидактик ва педагогик ОТМнинг асл тарбиявий вазифаларини сермахсуллик билан ҳал этиб бўлмайди.

Мулоқот қуйидаги хусусиятларга эга:

1. Ўқув вазифаларини ҳал қилиш воситаси сифатида.
2. Тарбиявий жараённинг ижтимоий-психологик таъминоти тизими сифатида.
3. Ўқитувчи ва таълим олувчиларнинг таълим тарбия мужассамлашган ўзаро муносабатларини ташкил қилиш усули ва шахсни ҳамда ижодий индивидуалликни тарбиялаш жараёни сифатида.

Демак, ОТМ ўқитувчиси мулоқот жараёнининг ташаббускори ва раҳбари сифатида гавдаланади. Бу жараён моҳияти педагог билан талабалар жамоасининг ўзаро таъсири тизими, усул ва кўникмаларидан иборат. Бу ўзаро таъсир мазмунини ахборот алмашиш, ўқув-тарбиявий таъсир ўзаро муносабатларни ташкил этиш ва педагог шахсини таълим олувчиларга трансляциялаш ташкил қилади.

ОТМ мактабдан таълим ва тарбия мазмуни, уларнинг шакллари ўзгариши билан ажралиб туради. ОТМнинг асосий вазифаси - мутахассис шахсини шакллантириш. Ўқитувчи ва талабаларнинг мулоқоти ҳам айти шу мақсадга бўйсундирилади. ОТМ «ўқитувчи - талаба» бўғинидаги педагогик мулоқот тизими мактабдагидан уларнинг бир касбга мансублиги билан сифат жиҳатидан фарққилади. Бу ҳамкорликдаги сермахсул фаолиятга ҳалал берадиган ёшга оид тўсиқларни бартараф этишга кўп жиҳатдан кўмаклашади. ОТМ педагогик мулоқот тизимида икки омил бирлашади:

- 1) бошловчи-эргашувчи ўзаро муносабатлари;
- 2) таълим олувчи ва таълим берувчининг ҳамкорлигидаги муносабатлар

Айнан шу ижтимоий -психологик стержень ОТМдаги муносабатларга алоҳида эмоциона махсулдорлик бахш этади.

Фаолиятда шерикликни англамасдан туриб, талабаларни мустақил ишга жалб қилиш, касбга қизиқтириш, шахснинг касбга умумий йўналганлигини тарбиялаш мушкул.

«Ўқитувчи-талаба» ва «талаба-талаба» муносабатларига талабларни қуйидаги тарзда ифодалаш мумкин:

- тарбиявий жараёни ташкил қилишда ҳамкорлик ва эргашиш омилларининг биргаликда амал қилиши;
- корпоративлик, коллегиялик, педагоглар билан касбий умумийлик руҳини шакллантириш;
- педагогик мулоқот тизимининг ривожланган ўз-ўзини англашга йўналтирилиши ва бу билан авторитар тарбиявий таъсирни бартараф этиш;

- талабаларнинг касбга қизиқишидан таълим ва тарбияга раҳбарлик омили ҳамда педагогик ва тарбиявий иш асоси сифатида фойдаланиш.

Бундай услуб жуда муҳим иккита омил таъсирида шаклланади:

- илмга, ўқув фанига берилганлик;
- илмий изланиш соҳасини педагогик таъсир, педагогик туйғу деб аталмиш хусусият материалига айлантиришга интилиш.

Бундай услубни шакллантириш ОТМ учун типик саналган қарама-қаршиликни енгиш билан боғлиқ. Илмий ва педагогик фаолиятни бириктириш педагогик мулоқотнинг ижтимоий-психологик тузилишида муҳим ўрин тутди.

Дўстона кайфият, хайрихоҳлик (у ҳам меъёрида бўлиши, кўр- кўрона «ошначиликка» айланиб кетмаслиги керак), касбий вазифаларга умумий берилганлик таълим жараёни амалга ошадиган ҳиссий кайфиятни ташкил қилади. Ўқитувчи ва талабалар ўзаро муносабатларининг ахлоқий-психологик асослари аста-секинлик билан шаклланади. Улар таълим олувчиларнинг ҳаётий, ўқув, ижтимоий тажрибаси; ОТМ, кафедра анъаналари; ўтказувчининг педагогик йўналганлиги каби кўплаб омилларга боғлиқ.

Олий мактаб педагогикасига оид тадқиқотлардан маълумки, олий ўқув юртига ўқишга кирган ёшлар психологик таснифларига кўра бирданига талаба бўлиб қолмайди. Дастлаб ўқув фаолияти, назоратнинг янги шакллари, ижтимоий мақомга мослашиш рўй беради, бунда оиладан ажралганлик, янги маиший шароитлар ўз сўзини айтмасдан қолмайди. Биринчи курс талабалари билан профессор-ўқитувчиларнинг ўзаро муносабатларининг тўғри тизимини шакллантириш фавқулодда муҳим.

Ўқитувчи билан ўқувчилар ўртасидаги мактабга хос ўзаро муносабатларни ОТМга мақсадга номувофиқ кўчириш талабалар билан ўқитувчиларнинг муносабатларини кенгайтиришнинг кейинги жараёнига жиддий ҳалал беради, баъзан ҳатто педагогик мулоқотни деформациялайди.

ОТМнинг бошловчи педагоги учун таълим мақсадларига оптимал тарзда мос келадиган талабалар билан мулоқотнинг ўзиндивидуал услубини излаш муҳим вазифа саналади. Уни шакллантиришга кўмаклашадиган усуллар қуйидагилардан иборат:

- талабаларни тадқиқотчилик фаолиятининг дастлабки шаклларига жалб қилиш;

- талабаларнинг шахсий ижтимоийлашуви учун ҳамкорликдаги мулоқот шакллари яраташ, кафедра йиғилишларида, конференцияларда, аҳоли орасида ўтказиладиган маърузаларда иштирок этиш;

- ҳамкорликдаги илмий-тадқиқот ишлари;

- биргаликдаги регламентланмаган норасмий алоқалар, фан, санъат, касб, китоблар ва бошқалар ҳақидаги суҳбатлар;

-профессор-ўқитувчилар таркибининг талабалар бўш вақтини ташкил қилишдаги иштироки (кўрик-танловлар, олимпиадалар, давра суҳбатлари).

Педагогик таъсир тизимли ва узлуксиз бўлиши, таълимга йўналтирилган таъсирдан илмий-изланишлисига, расман регламентланган мулоқотдан норасмий-ишончли мулоқотга ўтишига эришиш лозим. Олим-педагог ва талабалар ўзаро ҳамкорлигининг ахлоқий-психологик асосларига алоҳида талаблар қўйилади. Бу жиҳатдан индивидуал-типологик тавсифномалар ёки мулоқот услублари муҳим ўрин тутди.

Мулоқот услуби жамият, ОТМнинг ижтимоий-ахлоқий тизимини гавдалантиради, у педагогнинг шахсий ва педагогик даражасини, унинг эмоционал-психологик хусусиятларини акс эттиради.

Мулоқотни оптимал услуби ўқитувчи ва талабаларнинг биргаликдаги ижодий фаолиятига асосланган, ОТМда мутахассис шахсининг шаклланиши ва ўзига хослигини акс эттирадиган ва ўзида педагогнинг ижтимоий ахлоқий хусусиятларига оид касбий- педагогик мулоқот услубидир.

Назорат саволлари

- 1) Педагогик мулоқотнинг педагогик жараёнда тутган ўрни
- 2) Педагогик мулоқотнинг моҳиятини таърифлаб беринг.
- 3) Педагогик мулоқотнинг асосий вазифаларини таърифлаб беринг
- 4) Педагогик мулоқот услубларини таснифлаб беринг.
- 5) В.А.Кан-Калик педагогик мулоқотнинг қандай турларини фарқлаган.
- 6) Педагогик мулоқот қандай хусусиятлари мавжуд?
- 7) Педагогик мулоқотнинг асосий босқичларини ёритинг.
- 8) Олий таълим муассасасида педагогик мулоқотнинг ўзига хослиги мазмунини нималардан иборат?

Адабиётлар рўйхати

1. Мўминова Л.Р. ва бошқалар. Махсус психология. -Т.: “Ношир”, 2013 й.
2. Пўлатова П. ва бошқалар. Махсус педагогика. Т.: “Фан ва технология” нашриёти, 2014 й.
3. Назарова Н.М. Сравнительная специальная педагогика. М.: «Академия», 2012г.
4. Ёўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 2004.
5. Чичерина Я., Нуркелдиева Д., Бондарева Е. Мутахассислик фанларни ўқитиш методикаси. Т.: Фан ва технологиялар, 2013й.
6. Чичерина Я., Нуркелдиева Д., Бондарева Е. Инновационные подходы в подготовке кадров- дефектологов (монография). Т.: “Навруз”, 2014 г.

7. Аюпова М.Ю. Логаледия –Т.: “Файласуфлар миллий жамияти” 2011й. 2-нашр. 560б.
8. Азизхўжаева Н. Педагогик технология ва маҳорат. Тошкент: ТДПИ, 2003.
9. Холиқов А. Педагогик маҳорат. – Т.: ИҚТИСОД-МОЛИЯ, 2011.

7-мавзу: Талабаларнинг илмий-тадқиқотчилик фаолиятига раҳбарлик қилиш

Режа:

1. Талабаларнинг илмий-тадқиқотчилик ишларининг мақсади, вазифалари ва ташкилий шакллари.
2. Талабаларнинг илмий-тадқиқотчилик фаолиятига раҳбарлик қилиш.

Таянч иборалар: реферат, курс иши, битирув малакавий иш, тезис, мақола, диссертация, лойиҳа, эксперимент, тадқиқот, фаолият, илмий тадқиқот

7.1. Талабаларнинг илмий-тадқиқотчилик ишларининг мақсади, вазифалари ва ташкилий шакллари.

Талабаларнинг ОТМ да ўқув машғулотларининг муҳим шакли уларнинг ўқув-тадқиқот ва илмий-тадқиқот ишларида иштироки саналади. Бу иш кўпроқ курс ва битирув малакавий (диплом) ишларини бажариш вақтида амалга оширилади.

Илмий иш талабадан нафақат изланиш ва изланиш натижаларини умумлаштиришни талаб этади, балки ўз фикрини, асослари ва хулосаларини мустақил баён этиш малакасини шакллантиради. Илмий иш тадқиқ қилинадиган масалага яқка тартибда ёндашувни, талабанинг фикрлаш доираси кенглигини, унинг ўзув материални ўрганишда маълум бўлиб улгурганидан узоқроққа боришга интилишини тақозо этади. Айнан илмий иш жараёнида талабанинг мустақил иши моҳияти тўлақонли намоён бўлади. Бунда нафақат матнни гапириш, балки уни тезис шаклида кўчириш, талабалар илмий анжуманларида чиқишга тайёрланиш, маълум шароитларда эса хатто материални нашрга тайёрлашга тўғри келади. Демак, илмий ишни тайёрлаш ва илмий конференцияда иштирок мустақил ишларни амалга оширишнинг ўзига хос кульминацияси саналади.

Талабаларнинг мустақил илмий-тадқиқотчилик фаолияти, одатда, реферат, курс ва малакавий битирув ишларини тайёрлаш шаклида амалга оширилади. Реферат, курс ва малакавий битирув ишларини тайёрлаш бакалавр-дефектологлар тайёрлаш ўқув режаларида кўзда тутилади.

Ўқув режада реферат ва курс ишларини тайёрлаш бўйича топшириқлар талабанинг таълим йиллари бўйича тақсимланиши белгиланади. Ишларга қўйиладиган аниқ талаблар уларни бажаришга раҳбарлик қиладиган кафедра томонидан белгиланади.

Реферат, курс ва малакавий битирув ишлари узвийлик касб этиб, мавзу талаба ва илмий раҳбарни қизиқтирган илмий ё амалий йўналишда изчиллик билан ривожлантириб борилиши мумкин. Айтиш керакки талабаларнинг айрим малакавий ишлари бир-биридан нисбатан мустақил бўлиши ва турли ўқитувчилар илмий раҳбарлигида амалга оширилиши ҳам мумкин.

Реферат фан бўйича мустақил ўқув ишининг шакли бўлиб, шу ўқув фани доирасидаги у ёки бу мавзу билан батафсил танишишга йўналтирилади. Бу

маълум мавзуга қаратилган ёзма иш бўлиб, фан классиклари, ҳужжатлар, махсус тадқиқотлар, статистик маълумотлар, мақолалар ва бошқа замонавий нашрларни ўрганишга асосланган ҳолда илмий ишга қўйиладиган талабларга мувофиқ тайёрланади. Материални тўплаш, уни ёзиш ва оғзаки баён қилишилмий-тадқиқот иши кўникмаларини ишлашга кўмаклашади, материални мустақил таҳлил, қайта ишлаш ва тизимлаштиришни кўзда тутди, танланган масала юзасидан турли нуқтаи назарларни солиштириш ва ўзининг шахсий нуқтаи назарини шакллантириш ва уни асослаш имкони юзага келади.

Рефераттайёрлаш таълим тизимида муҳим ўрин тутди ва матариални мустақил англаш ҳамда баён қилиш сари дастлабки қадам саналади, у талабалардан ностандарт ғоялар ва уларни асослашни талаб этади, талабаларни ўз-ўзини такомиллаштириш ва касбий билим, малака ва кўникмаларни тўплашга ундайди. Худди шу гапларни талабалар конференцияси ва танловлари доирасида маъруза (доклад) тайёрлаш ҳақида ҳам айтиш мумкин.

Курс иши, одатда, 2-,3- ва 4- курсларда бажарилади. Курс ишларининг бу каби бажарилиши илмий-тадқиқотчилик малакалари, шунингдек, махсус педагогика ва психология соҳасида муайян психологик-педагогик муаммони ҳал қилиш малакаларининг узвий шакллантирилишини таъминлаш лозим.

Курс иши ўқув фанини ўрганишнинг якунловчи босқичида бажарилади, уни бажариш давомида олинган билим ва малакалардан фойдаланилади. Фан бўйича курс иши кутсйдаги мақсадларни кўзлайди:

- махсус фанлар бўйича олинган назарий билим ва амалий кўникмаларни тизимлаштириш ва мустаҳкамлаш;
- берилган мавзу доирасида назарий билимларни чуқурлаштириш;
- илмий-методик адабиётлар, маълумотнома, меъёрий ва ҳуқуқий ҳужжатлардан тадқиқот ўтказиш мақсадида фойдаланиш малакаларини такомиллаштириш;
- назарий билимлардан амалий масалаларни ҳал қилишда фойдаланиш малакаларини шакллантириш;
- ижодий ташаббускорлик, мустақиллик, масъулият ва уюшқоқликни ривожлантириш;
- битирув малакавий ишни бажаришга тайёргарлик.

Курс ишлари мавзулари профессор-ўқитувчилар томонидан ишлаб чиқилади ва кафедрада муҳокама қилиниб, тасдиқланади. Курс ишлари мавзулари ўқув фанлари ишчи дастурларида тавсия этилганларга мувофиқ келиши лозим. Курс иши мавзуси талабанинг педагогик амалиёти билан, ўқишдан бўш вақтида ишлайдиган талабалар учун эса уларнинг таълим муассасасидаги бевосита иши билан боғлиқ бўлмаслиги керак.

Курс иши келгуси битирув малакавий ишнинг таркибий қисми бўлиши мумкин.

Танланган мавзу ва мазмунига кўра курс иши рефератив, амалий ёки экспериментал характерда бўлиши мумкин. Курс иши ҳажми босма 25 саҳифадаги матндан кам бўлмаслиги лозим.

Рефератив характердаги курс иши қуйидагилардан иборат:

- кириш, унда мавзунинг долзарблиги ва аҳамияти, ишнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқот методлари (бу ўринда адабиётлар таҳлили) ёритилади;
- назарий қисм. Бунда икки бобда масаланинг тарихи, муаммонинг назария ва амалиётдаги ишланганлик даражаси адабиётлар қиёсий таҳлили воситасида келтирилади;
- хулоса, бунда хулоса ва иш материалларидан фойдаланиш имкониятларига оид тавсиялар келтирилади;
- фойдаланилган адабиётлар рўйхати;
- илова (лар).

Амалий характердаги курс иши тузилиши қуйидагилардан иборат бўлади:

- кириш, унда мавзунинг долзарблиги ва аҳамияти, ишнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқот методлари ёритилади;
- асосий қисм, у икки бобдан иборат бўлиб, биринчи бобда ишланаётган мавзунинг назарий асослари; иккинчисида ўрганилаётган муаммонинг амалиётдаги ҳолати график, жадвал, схема кўринишида тақдим этилган статистик маълумотлар таҳлили таҳлили ва амалий тажриба, вазиятнинг бевосита тасвири воситасида ёритилади;
- хулоса, бунда хулоса ва иш материалларидан фойдаланиш имкониятларига оид тавсиялар келтирилади;
- фойдаланилган адабиётлар рўйхати;
- илова (лар).

Экспериментал характердаги курс иши:

- кириш, унда мавзунинг долзарблиги ва аҳамияти, ишнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқот методлари ёритилади;
- асосий қисм, икки бобдан иборат бўлиб, биринчи бобда ишланаётган мавзунинг назарий асослари, масаланинг тарихи, муаммонинг назарий ва амалий жиғатдан ишланганлик даражаси; иккинчи бобда эса, экспериментал тадқиқот методикаси, экспериментнинг асосий босқичлари, обработка и анализ результатов эксперимент натижаларининг қайта ишланганлиги ва таҳлили баён этилади;
- хулоса, бунда хулоса ва иш материалларидан фойдаланиш имкониятларига оид тавсиялар келтирилади;
- фойдаланилган адабиётлар рўйхати;
- илова (лар) дан иборат.

Курс ишига умумий раҳбарлик ва унинг бажарилиши устидан назоратни тегишли фан ўқитувчиси амалга оширади. Курс иши раҳбарининг асосий вазифалари курс иши мазмуни ва уни бажариш кетма-кетлиги борасида маслаат;

талабага зарур адабиётларни танлашда кўмаклашиш; курс ишини бажаришнинг бориши устидан назорат; курс ишига ёзма тақриз тайёрлашдан иборат.

Консультациялар давомида ўқитувчи томонидан курс ишининг мақсадли ва вазифалари, унинг структураси ва ҳажми, ишлаб чиқиш ва расмийлаштириш принциплари, адабиёт билан ишлаш йўллари ва принциплари тушунтирилади, шунингдек, талабалар саволлариг ажавоб берилади. Консультациялар ўқув режада мазкур ишга ажратилган вақт ҳажми ҳисобига амалга оширилади.

Талаба курс иши устида ишни тамомлагач, раҳбар уни текширади ва ёзма тақриз билан талабага танишиш учун беради. Ёзма тақриз курс ишининг берилган мавзуга мослиги ҳақда хулоса, уни бажариш сифатига баҳо, қўйилган масалаларнинг тўлиқ ишланганлигига баҳо, талаба томонидан ижодий ёндашилганлигига баҳони ўз ичига олиши керак.

Курс ишига тақриз, уни қабул қилишни ўқитувчи ўқув машғулотларидан ташқари вақтда амалга оширади. Бу ишларни бажариш учун ҳар бир курс ишига 1 соатдан вақт ажратилади.

Зурур ҳолларда курс иши раҳбари курс иши ҳимоясини кўзда тутиши мумкин. Курс иши бўйича қониқарсиз баҳо олган талабаларга янги курс иши мавзусини танлаш ёки одингисини қайта ишлаш ҳукуқи берилади, уни бажариш учун янги муддат тайинланади.

Битирув малакавий иш талабани бутун ўқиш даври учун якуний аттестациялаш шакли саналади, ҳам ўқитувчи, ҳам баҳоловчи вазифа бажаради. Унинг устида ишлаганда талаба курс иши бажаришда эгаллаган малакаларини намоён этиши керак.

Битирув малакавий иш битирувчининг касбий эрудицияси юқори даражасини, унинг методик тайёргарлигини, касбий фаолият кўникма ва малакаларини эгаллаганлигини аниқлаши лозим. Шунга кўра битирув малакавий ишнинг мақсади:

- назарий билим ва амалий кўникмаларни тизимлаштириш ва мустаҳкамлаш;
- билим ва амалий кўникмалардан аниқ илмий-тадқиқотчилик ва илмий-амалий муаммоларни ҳал қилишда фойдаланиш;
- мустиакл иш кўникмаларини ривожлантириш;
- материални умумлаштириш ва мантиқий баён қилиш кўникмаларини ривожлантириш;
- экспериментал тадқиқот методикасини эгаллаш.

Битирув малакавий ишни бажаришдоталаба қуйидаги қобилиятларни намоиш этили талаб қилинади:

- мустақил равишда илмий-тадқиқотчилик ва илмий-амалий вазифани қўйиш, унинг долзарблиги ва аҳамитини баҳолаш;
- тадқиқот фаразини илгари суриш;
- иш мавзуси бўйича ахборотни тўплаш ва қайта ишлаш;
- олиенган материални ўрганиш ва танқидий таҳлил қилиш;

- аниқланган муаммони чуқур ва ҳар тарафлама тадқиқ қилиш;
- ўрганилаётган муаммони ҳал қилишнинг ўз вариантыни ишлаб чиқиш, тавсифлаш ва асослаш;
- хулоса ва олинган натижаларни амалиётга жорий этиш юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш, расмийлаштириш ва мантикий асослаб бериш.

Мутахассисни яқуник давлат аттестациясидан ўтказиш талабларига мувофиқ битирув малакавий иш назарий ёки эмпирик тадқиқот натижалари ёки асосланган коррекцион, дидактик ёки диагностик методика лойҳасидан иборат.

Битирув малакавий иш мавзулари фанни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва амалиёт эҳтиёжларига мувофиқ тарзда кафедрада ишлаб чиқилади ва ОТМ Илмий кенгаши томонидан тасдиқланади.

Талаба таклиф қилинган мавзулардан бирини танлайди, шу билан бирга ўзининг шахсий илмий-тадқиқот иши тажрибасига таяниб, мустақил равишда мавзу таклиф қилиши ва уни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқлигини асослаши мумкин.

Мавзулар ректор буйруғи билан тасдиқланади. Мавзуни ўзгартиришга фақат истисно тарзида йўл қўйилади ва ректор буйруғи билан расмийлаштирилади.

Битирув малакавий ишни талаба кафедранинг тавсияси билан ОТМ профессор-ўқитувчилари таркибидан тавсия қилинган ва тасдиқланган илмий раҳбар қўл остида бажаради.

Битирув малакавий тадқиқот устида ишлаш учун талаба қатор босқичларни кўзда тутадиган режа-график ишлаб чиқади ва раҳбар билан келишади. Бу босқичлар қуйидагича:

- касбий фаолият соҳасини белгилаш ва иш бағишланадиган муаммони аниқлаштириш;
- иш мавзусини, унинг ишчи номини ва тадқиқот фаразини шакллантириш;
- ахборот маконини белгилаш ва муамога оид адабиётларни излаш, аннотацияланган картотека тузиш, манбаларни рефератлаш. Бунда талаба мавзунинг умумий масалаларидан хусусий муамога ёки танланган муаммони хусусий ўрганишдан унинг умумий манбаларига томон йўлни белгилаши мумкин;
- назарий тадқиқот натижаларини муҳокама қилиш, мақсад, вазифалар ва тадқиқот фаразини аниқлаштириш, ишнинг амалий қисми учун вазифаларни белгилаш;
- экспериментал база, методикаларни аниқлаш ва экспериментининг боришини режаалаштириш;
- экспериментал тадқиқот ўтказиш ва натижаларни тўплаш, таҳлил ва талқин қилиш;
- битирув малакавий тадқиқот номини (зарар ҳолларда) коррекциялаш, иш матнини ёзиш ва раҳбар томонидан текширишилиши;

- ишни, иловаларни, иллюстратив материални расмийлаштириш;
- ишни тақризчига тақдим қилиш, тақриз билан танишиш;
- ҳимоя учун чиқиш (маъруза) ни тайёрлаш, зарур ҳолларда уни апробациялаш (синовдан ўтказиш – дастлабки ҳимоя қилиш).

Режа-график мажбурий меъёрий ҳужжат саналади, раҳбар томонидан имзоланади, мутахассис тайёрловчи кафедра мудини томонидан имзоланади. Режа-график битирув малакавий ишга, сарварақдан кейин қўшиб тикилади.

Раҳбар ишнинг бажарилишини қисмлар бўйича ва яхлит текширади, ишнинг графика мувофиқ бажарилишини назорат қилади ва кафедранинг битирувчи талаба ишининг аҳоли ҳақида мунтазам хабардор қилиб боради.

Малакавий иш раҳбари талабага ишни тайёрлаш ва ёзиш даврида назарий ва амалий ёрдам беради, иш структураси, мазмуни ва уни расмийлаштириш, адабиётларни танлаш ва ш.к. юзасидан тасвиялар беради. Бундан ташқари, раҳбар асослаш, композиция, услуб ва ш.к. ларга оид камчиликларни, уларни бартараф қилиш йўллари кўрсатиб, маслаҳатлар беради.

Битирув малакавий ишни талаба мустақил бажариши ва барча зарур ҳужжатларни расмийлаштириши, жумладаннамойиш қилинадиган материални тайёрлашини назарда тутиш лозим. Мавзунинг назарий ва методик жиҳатдан тўғри ишлаб чиқиш ва ёритиш, унинг сифати ва мазмуни учун жавобгарлик тўлиғича талабанинг зиммасидадир.

Тугалланган иш раҳбарга топширилади, раҳбар уни ўқиб чиққач, имзолайди ва ёзма хулоса беради. Раҳбарнинг хулосаси асосида кафедра талабани ҳимояга қўйиш ҳақда қарор қилади. Кафедра мудирини талабани ҳимояга қўйиш мумкин эмас, деб топса, масала раҳбарнинг мажбурий иштирокида кафедра йиғилишида кўриб чиқилади ва баённома расмийлаштирилади.

Буйруқ билан ҳимояга қўйилган битирув малакавий иш тақризга юборилади. Тақризчи сифатида, одатда, тадқиқот базаси саналган таълим муассасининг етакчи мутахассисларидан бири, шунингдек, тадқиқот муаммоси бўйича эксперт саналган ОТМ профессор-ўқитувчиси жалб қилинади. Тақризчилар таркиби кафедра мудирини томонидан тасдиқланади.

Тақризни олган, талаба илмий раҳбари билан биргаликда тақризчининг эътирозларига жавоб тайёрлиши, зарур ҳолларда ишга тегишли тузатиш ва тўғрилашлар киритиши керак бўлади.

Тақризчи томонидан ишда жиддий камчиликлар аниқлангани ҳолда улар бартараф этилгач, кафедра уни қайта тақризга юборишга ҳақли.

Кафедра мудирини раҳбар тақризини ва/ёки дастлабки ҳимоя натижалари ва/ёки тақризчилар эътирозларига асосан талабани битирув малакавий ишнинг ДАК да ҳимоя қилишга қўйиб бўлмайди, деб ҳисобласа, бу масала муаллиф ва раҳбар иштирокида кафедра йиғилишида кўриб чиқилади.

Ҳимояга қўйилган битирув малакавий иш раҳбар хулосаси ва тақриزلар билан ДАК га ҳимояга юборилади.

Битирув малакавий иш, одатда, қуйидагича структураларга эга: кириш, назарий қисм (биринчи боб), экспериментал тадқиқот (иккинчи қисм), психологик-педагогик тавсиялар (учинчи боб).

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги асоаланади, унинг мақсади, вазифалари белгиланади, предмети, объекти қисқача тавсифланади, тадқиқот фарази шакллантирилади ва амалдий аҳамияти акс эттирилади. Бундан ташқари, кириш қисмида иш бобларининг қисқача тавсияи келтирилади.

Тадқиқот мавзусининг долзаоблигини асослаш назарий манбалар, ижтимоий ривожланиш тенденциялари ва касбий амалий фаолият реалиялари асосида амалга оширилади. Тадқиқот долзарблигининг исботи ватананимиз ва хориж олимларининг ўрганилаётган муаммога катта эътибор қаратиши, шунингдек, етарлича йиритилмаган ва аниқлаштиришни иалаб этадиган саволларнинг мавжудлиги бўлиши мумкин. Қўйилган муаммонинг ечими касбий соҳадаги фаолият, муайян муассасалар ишини такоиллаштириш учун аҳамият касб этиши ҳам бўлиши мумкин.

Битирув малакавий ши мақсади қўйилган муаммони ечишдан иборат. У қўйидагича шакллантирилиши мумкин: қандайдир психик-жисмоний нуқсон хусусиятларини ўрганиш, унинг бола ривожланишига таъсирини аниқлаш, ташхис, ўқув-тарбиявий, коррекцион методика, технология ишлаб чиқиш, уларнинг самарадорлигини ўрганиш ва ш.к.

Тадқиқот вазифалари унинг мақсадини аниқлаштиради ва бажариш кетма-кетлигини белгилайди. Одатда, битирув малакавий ишда қуйидаги вазифалар қўйилади:

- ўрганилаётган муаммога доир назарий манбалар таҳлили;
- ўрганилаётган ҳодисанинг долзарб ҳолати, шунингдек, эҳтимол, унинг кейинги ривожланиш истиқболлари ва сабабларини аниқлаш;
- экспериментал базани белгилаш;
- тадқиқот методларини танлаш;
- эмпирик тадқиқот ўтказиш;
- амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида синалувчиларнинг муайян сайланмаси, умуман ҳодиса ё унинг айрим томонлари ривожланиши ва намоён бўлишининг қонуниятлари ва жараёни бўлиши мумкин. Ҳар қандай ҳолатда тадқиқот объекти танланган мавзу ва иш муаммосига мувофиқ келиши лозим.

Тадқиқот предмети ишнинг мавзуси ва аобъектига қатъий мувофиқ ва аниқ белгиланиши керак. БМИ предмети сифатида у ёки бу ҳодисанинг хусусиятлари, структуравий компонентлари, уни ўрганиш, уни ташхислашнинг йўллари ва методлари, ўқув-тарбиявий чора-тадбирлар, психологий-педагогик, коррекцион чораларшунингдек таъсир самарадорлигини оширадиган шароитлардан иборат бўлиши мумкин.

БМИ амалий аҳамияти унинг муаммони ҳал қилиш, тадқиқот натижалари амалиётда кўрсата оладиган аниқ ёрдамда ўз ифодасини топади. Одатда, ишнинг амалий аҳамиятини ўрганилаётган ҳодисанинг аниқланган хусусиятлари ва ишлаб чиқилган тавсиялар ташкил этади.

Тадқиқотнинг назарий қисми биринчи бобда (зарур ҳолларда икки бобда) тақдим этилиши керак. Унда ватананимиз ва хориж олимларининг ишлари таҳлили

ва талқини, ўрганилаётган муаммога турли ёндашувларнинг ўзига хосликлари, унинг умумий проблематикада тутган ўрни ва аҳамияти, ҳал қилинмаган, заиф ёритилган ва аниқлаштиришни талаб қиладиган масалалар баён қилинади. Унинг аналитик йўналганлигини кучайтириш учун материални турли асосларга кўра тизимлаштириш, умумлаштириш ва таснифлаш тавсия этилади. Масалан, масалан итарихий контекстда ўрганиш, турли мактаб ва оқимларга мансуб тадқиқотчилар, маҳаллий ва жоридж олимлари нуқтаи назаридан ўрганиш ва ш.к.

БМИ нинг сифатли бажарилиши камида 50 та назарий манбани ўрганишни талаб этади, улар орасида мутахассислар монографиялари ва илмий мақолалар (улар адабиётларнинг асосий қисмини ташкил қилиши), дарслик ва ўқув қўлланмалар, луғат ва маълумотнома (справочник) лар бўлиши керак. Нафақат хориж, балки мадбурий тартибда маҳаллий тадқиқотчилар ишлари келтирилиши лозим.

Матнда, ўрганилган адабий маълумотларга ҳаволалар билан бир қаторда, БМИ муаллифининг нуқтаи назари, позицияси, шарҳи ақс этирилиши ва асосланиши лозим.

БМИ биринчи боби ўрганилаётган муаммонинг алоҳида жиҳатларини ақс эттирган камида икки параграфни ўз ичига олиши керак. Ҳар бир параграф мантиқий асосланган худосалар, масала моҳиятининг қисқача баёни билан тугалланади. Боб охирида тадқиқот муаммосининг ишланганлик даражаси, уни ўрганишнинг асосий йўналишлари, унинг долзарблиги ва ш.к. ҳақида хулоса келтирилади. Биринчи боб юзасидан хулосалар экспериментал амалий тадқиқот асосланишини ўз ичига олиши керак.

Аналитик шарҳ матнига қуйидаги талаблар қўйилади: ахборотнинг тўлиқ ва ишончлилиги; ахборотга танқидий баҳонинг мавжудлиги; структура мантиқийлиги; композицион яхлитлик; хулосаларнинг асосланганлиги; баённинг аниқ ва лўндаллиги.

БМИ иккинчи бобби экспериментал тадқиқот натижаларини ўз ичига олади. Одатда, у 3 параграфга бўлинади. Бу ҳолда биринчи параграфда синалувчилар таркиби, уларнинг кенгайтирилган тавсифини (сони, ёши, жинси, ижтимоий мақоми, ҳолати хусусиятлари ва ш.к.) келтириш мақсадга мувофиқ. Иккинчи параграфда экспериментал тадқиқотнинг бориши, шакллари ва методларини (қаерда, қачон ва қай муддатларда, яқка ё гуруҳ тартибда ўтказилгани, фойдаланилган методлар ва аниқ экспериментал методикалар) тавсифлаш ва асослаш, қўлланган методларнинг БМИ мақсад ва вазифаларига мувофиқлигини исботлаш керак. Тадқиқот ўтказиш учун зарур кўргазмали ва матн материали кўп жой талаб этса, уларни иловаларда бериш тавсия этилади. Параграф матнида методикаларнинг умумий тавсифи ва иловага ҳавола, библиографик манбалар келтирилади.

Учинчи параграф эмпирик тадқиқот натижаларининг миқдор ва сифат таҳлилига бағишланиши мумкин. Муаллиф, масалан, тадқиқот давомида синалувчилар ўзини қандай тутганини тавсифлайдиган натижалар баённомаларидан мисоллар келтириши, аниқланган фактларни тушунтириши лозим. Олинган натижаларни миқдорий қайта ишлашнинг тадқиқот натижалари ва хулосаларнинг ишончлилиги ва асосланганлигини тасдиқловчи махсус

методлардан фойдаланиш тавсия қилинади. Натижаларни график, диаграмма, жадвал ва ш.к. кўринишда тақдим қилиш мақсадга мувофиқ.

Иккинчи боб ва унинг таркибидаги параграфлар ҳам қилинган ишларни қисқача умумлаштирувчи хулоса билан тугалланиши керак. Хулосалар тадқиқотда қайси қоидалар ўз тасдиғини топгани, ўрганилаётган ҳодисанинг қайси янги хусусиятлари аниқланганини кўрсатиб бериши лозим. Айтилиши мумкин, тадқиқот натижалари ва хулосаларидан муайян вазифаларни ҳал қилишда қандай фойдаланиш мумкинлигини таъкидлаш керак.

Учинчи бобда синалувчилар билан коррекцион иш йўллари ва воситалари келтирилиши, ёрдамнинг бу шакллари самарадорлиги экспериментал исботланиши ва фаолияти кўрсатилган муаммоларни ҳал қилиш билан боғлиқ мутахассислар учун тавсиялар берилиши мумкин.

Унда талаба болаларни психологик-педагогик ташҳислашни, улар билан олиб бориладиган ўқув-тарбиявий ва коррекцион ишларни, оила, маҳалла ва жамоатчилик билан ҳамкорликни такомиллаштириш, таълим муассасаси иш сифати ва натижалилигини ошириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади. Барча таклиф ва тавсиялар амалий аниқ характерда бўлиши, уларнинг амалда қўлланилишини таъминлайдиган ишланма даражасига етказилиши керак. Муайян чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун ўрганилаётган муаммонинг назарий тадқиқи, мавжуд илғор маҳаллий ва хорижий тажриба, шунингдек иккинчи бобда келтирилган экспериментал тадқиқот маълумотлари асос вазифасини ўтайди.

Хулосада тадқиқот натижалари келтирилади. Қўйилган муаммони илмий-назарий ва экспериментал-амалий ўрганиш асосида унинг долзарблиги таъкидланади, мақсад ва вазифаларнинг ҳал этилганлик даражаси кўрсатилади, ишчи фараз тасдиқланади ё инкор этилади, ишнинг амалий аҳамияти (муаллифнинг муаммони ҳал қилишга ҳиссаси) баҳоланади. Зарур ҳолларда янада чуқур ишлашни талаб этадиган масалалар доираси, муаммони ўрганиш истиқболлари белгиланади.

Хулосада кириш ёки асосий қисмнинг мазмунини такрорлашга йўл қўйилмайди.

Адабиётлар рўйхати БМИ мавзусига мос келиши, турли нашрларни ўз ичига олиши керак. Адабиётлар рўйхати муаллифлар сарлавҳаси (муаллифлар Ф.И.О.) ёки асосий номланишларнинг қатъий алифбо тартибида тузилади. Рўйхат фойдаланилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан бошланади, кейин нашр қилинган ўқув-методик адабиёт, журнал мақолалари, нихоясида интернет манбалари келтирилади. Нашр йили ва жойи, саҳифалар сони албатта кўрсатилади, бунда чиқиш маълумотлар соҳасида библиографик талабалар билан белгиланган қисқартишларга йўл қўйилади. Рўйхатни расмийлаштиришда шу талабларга таяниш тавсия қилинади. Адабиётларнинг тартибланган рўйхати араб рақамлари ва нукта билан тартиб рақамланади.

Ишни тамомлагач, айниқса, асосий қисм матнини ёзишда адабиётлар рўйхати тўлдирилган бўlsa, матндаги ҳаволаларнинг кўрсатилган нашрнинг адабиётлар рўйхатидаги рақамга мослиги қўшимча текширилади.

Иловада БМИ матни билан бевосита боғлиқ бўлмаган жадваллар, график ва схемалар, шунингдек, эксперимент баённомалари, олиб борилган дарс ва

машғулотлар тавсияи, синалувчиларнинг расмлари ва бошқа, муаллиф матнда келтириш зарур деб топмаган, материал келтирилиши мумкин. Шунингдек, иловада глоссарий берилиб, унда ишда қўлланган асосий тушунча ва терминлар келтирилади.

Бундан ташқари, ишга ўзбек, рус ва инглиз тилларида аннотация тайёрланиб, унда ишнинг мақсади ва қисқача мазмуни келтирилади.

Битирув малакавий иш учун баҳо давлат аттестация комиссияси аъзолари, битирув малакавий иш раҳбари ва тақризчилар муҳокамаси ва уларнинг фикрини мувофиқлаштиришдан кейин коллегия асосда қўйилади. Битирув малакавий ишни баҳолаш ишнинг ўзини ва унинг ҳимоясини баҳолашдан иборат, бундан ташқари, талабанинг таълим даврида олинган билим, малка ва кўникмаларни долзарблаштириш даражаси, бўлажак дефектологнинг касбий аҳамиятли муаммоларда ўз нуқтаи назарини белгилаганлиги эътиборга олинади.

Битирув малакавий иш учун сифатини баҳолашда унинг даражаси инобатга олинади. Иш амалий йўналишда иновацион характерда бўлиши, тадқиқ қилинаётган муаммога амалий ёки илмий ҳисса элементларини ўз ичига олиши лозим. Баҳонинг ҳолис бўлиши учун ҳар бир қисм (боб) мазмуни талаба томонидан муаммонинг қўйилганлиги, асосий тушунчаларнинг аниқлаштирилгани, таснифлар ва уларнинг белгилари ишлаб чиқилганлиги, салбий ҳодисалар сабабларининг аниқлангани, муаммони ҳал қилишнинг асосий йўллари белгилангани, турли нуқтаи назарлар умумлаштирилгани, тизимларгани ва таҳлил қилинганлиги, алоҳида позициялар танқиди, амалий характердаги таклифлар киритилгани нуқтаи назаридан таҳлил қилинади. Битирув малакавий иш ҳимоясини баҳолашда талаба маърузасининг сифатига, яъни унинг:

- ўрганилаётган муаммо асосини ташкил этадиган назарий қоидаларни соддалаштирмасдан ва кундалик тушуниш ҳамда жонли сўзлашув тилида изоҳлашга ўтмасдан аниқ ифодаб бера олиши;

- ўрганилаётган психик-физиологик нуқсоннинг иккиламчи нуқсонлар ва қодикли соҳалар билан яхлит манзарасини қайта яратиш ва тасаввур этишга қодир экани;

- психик-жисмоний нуқсонни, психологик ҳодисани бошқа ижтимоий жараёнлар билан боғлай олиши, уларнинг ҳаётий тажрибага таъсирини белгилай олиши;

- муаммога ўз ёндашувини, олинган натижаларни етарли даражада аниқ шакллантира, асосли баён қила олишига эътибор қаратилади.

Талаба битирув малакавий иш ҳимоясида «қониқарсиз» баҳо олса, у қайта ҳимоя қилиш ҳуқуқи билан университетдан чиқарилади. Бир марта қайта ҳимояга йўл қўйилади.

Талабалар мустақил ишларини ташкил қилишда ўқитувчининг консультацияси

«Консультация» лотинча консультатив — кенгаш, муҳокама сўзидан олинган. Консультация талабалар мустақил ишларига раҳбарликнинг асосий

шакли бўлиб, кўпроқ индивидуал характерга эгазур ҳолларда, жумладан, фан бўйича оралик, якуний назоратлар олдидан гуруҳда консўльтациялар ўтказилиши мумкин.

Талабаларнинг илмий-тадқиқот: курс ва битирув малакавий иши юзасидан консўльтациялар тобора қимматлидир. Улар индивидуал машғулот характерини касб этади. Индивидуал ёки гуруҳда консўльтация савол-жавоб шаклида ўтиб, ўқитувчи шунчаки талабалар сўраган ахборотни маълум қилмасдан, балки суҳбат ё илмий мунозара тарзида, эркин вазиятда ўтса, талабалар фикр билодиришга чўчимаса ва ўзини тўлақонли иштирокчи сифатида ҳис қилса янада натижаларок бўлади.

Консўльтация ўтказишнинг педагогик тўғри йўлини танлаш учун талабалар берган саволлар характеридан келиб чиқиш лозим. Бу саволларни қуйидаги асосий гуруҳга бўлиш мумкин²⁴:

- мустақил ишни ташкил қилиш ва методикасига оид;
- қўшимча адабий ва бошқа манбаларни аниқлаштиришга йўналтирилган;
- у йки бу илмий маълумотларни, илмий-назарий қоидаларни, янги тушунчаларни, вазифаларни ҳал қилиш методларини аниқлаштириш билан боғлиқ;
- методологик характердаги, яъни мазкур фан соҳасидаги фаолиятни ташкил қилиш мантиқи, методлари ва воситалари билан боқ.

М.Я.Виленский, П.И.Образцов, А.И.Уманнинг таъкидлашича, талабага ҳамма вақт ҳам батафсил, тугал жавобни бериш керак эмас. Қай типдаги савол берилганига боғлиқ ҳолда ўқитувчининг жавоби ҳам тўлиқ бўлиши керак. что не всегда нужно дают студенту исчерпывающий ответ. Унутмаслик керакки, мутлақо тайёр ҳолда эмас, балки мустақил ишлаш натижасида эгалланган билимлар ёрқин ва мустаҳкам бўлади.

Мустақил ишни ташкил қилиш ва унинг методикасига оид саволларга тугал жавоб бериш мақсадга мувофиқ. Талабаларни ўз иш режасини қандай тузиш, вақтни тўғри тақсимлаш, бажариладиган ишларнинг устуворлиги ва кетма-кетлигини аниқлаш, ишда нималарга эътибор бериш лозимлигига ўргатиш муҳим.

Талабаларни адабиётлар билан ишлаш методларига, ишда асосий ғоя ва қоидаларни аниқлаш, бир неча манбадан олинган маълумотларни тизимлаштириш, умумлаштириш методларига ўргатиш керак. Индивидуал консўльтациялар ўрнини бу ўринда ҳеч бир иш шакли боса олмайди, зеро фақат талаба билан шахсий мулоқотдагина, талабанинг адабиётлар билан ишлаш хусусиятларини, мавжуд хато ва камчиликларини тушунибгина, унинг муваффақиятсизлиги сабабларини аниқлаш мумкин. Муҳими талабаларга зарур адабиётларни қандай излаш, интернет билан қандай ишлашни ўргатиш.

²⁴ Виленский М.Я., Образцов П.И., Уман А.И. Технологии профессионально-ориентированного обучения в высшей школе. Педагогическое общество России. -М., 2004. - С.149.

Шунингдек, оларни расмийлаштириш, библиография тузиш қоидалари ҳам тушунтирилади.

Худи шу тарзда тадқиқотни олиб бориш босқичлари, унинг зарурий таркибий қисмлари ва бу фаолиятни ташкил қилиш тамойиллари тушунтирилади.

Тавсия қилинадиган адабиётлар ва қўшимча манбаларга доир саоллар ҳам ўқитувчининг тугал жавобини талаб қилади, чунки ўқитувчи талабани ишни бажариш давомида ўрганилиши зарур бўлган фундаментал ишлар, шунингдек, замондошлар тадқиқотчиларнинг асосий асарлари борасида хабардор қила олади. Бу каби ахборотни ахборот-ресурс марказларидан ё интернетдан ҳамма вақт ҳам топиб бўлмайди.

У ёки бу илмий маълумотлар, илмий-назарий қоидалар, янги тушунчаларни аниқлаштиришга оид саволларга кўп ҳолларда тайёр, қолаверса мукамал жавоб бериш тавсия этилмайди. Талаба тавсия қилинган маълумотнома ва илмий-методик адабиётларни ўқиганига, унинг саволи ишга совуққонлик билан ёнлашиши, мустақил ишлашни хоҳламагани билан эмас, балки тушунтиришдаги қийинчиликлар билан боғлиқлигига ишонч ҳосил қилиш лозим. Бу ҳолда тушунтиришни ўрганилган адабиётга таянган, тадқиқотчининг қарашларини изоҳлаган ҳолда олиб бориш керак. Талабага уни мустақил ҳулосаларга ва адабиётлар билан кейинги мустақил ишлашга олиб келадиган даражада ва керакли ахборотни бериш энг яхши вариант бўлар эди.

Нихоят, методологик характердаги саволларга энг кўп этибор қаратиш талаб этилади. Айнан шу саволлар талабанинг кейинги фаолиятини, унинг муваффақияти ёки омадсизликларини белгилайди. Айни пайтда бу саволларни ёритиш тобора мураккаб саналади, зеро улар талабанинг дунёқараши билан боғлиқ бўлиб, узоқ муддат изчил ишлашни талаб этади. Табиийки, талабага шунчаки ахборот бериш, методологик қи ёд олишни талаб қилиш умуман етарли бўлмайди. Консултациянинг бу варианты олий таълим мақсадларига мос келмайди, талабанинг танқидий ва ижодий тафаккурини ривожлантирмайди, унинг шахсини шакллантирмайди, пировардида материалнинг тўлиқ ва қатъий ўзлаштирилишини таъминламайди. Методологик қоидадар талабанинг шахсий эътиқодига айланиши жуда муҳим, бунга эса мантикий фактларни, амалий мисолларни келтириш ва эмоционал жалб қилиш йўли эришиш мумкин. Бундан ташқари, бу ҳолда ҳам энг яхши вариант талабанинг талаб этиладиган ҳулосаларга мустақил равишда келиши саналади.

Англияда яқин бир неча йиллардан бери олий таълим соҳасидаги кўплаб талабаларни илмий даражалар учун рўйхатдан ўтказиш ишлари олиб борилмоқда. Англия университетларида ишлаётган академиклар иш фаолиятининг аксарият қисми талабалар тадқиқотига раҳбарлик қилиш ҳисобланади. Жамоаларда ишсизлик ҳолатларида касб намоёйишида ҳақиқатан ҳам уларнинг ўрнига эҳтиёж сезилади.

Илмий раҳбарлик бу – ўқитишнинг махсус шаклидир.

Жамес ва Балдвин Мелбурн университетида талабалар тадқиқотига раҳбарлик қилишнинг самарали қоида ва тамойилларини ишлаб чиқишди. Улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Раҳбарлик аъло даражада ўқитишнинг асосий тамойилларини, улар асосида, талабаларга ғамхўрлик қилиш, уларнинг **ўсиши** билан қизиқиш ва чуқур ўйланган, ўз вақтида пайдо бўлган фикр ва мулоҳазаларни етказиб бериш ва таъминлашдан иборат.

- Раҳбарлик ўқитишнинг тезкор шакли бўлиб, фақатгина ахборот алмашишдан иборат бўлмай, кенгроқ маънога эга ҳисобланади. Юзага келадиган муаммоларни ечимини топиш кўп вақт ва энергияни тақозо этади. Яхши илмий раҳбарлар эса буни олдиндан сезадилар ва ўзлари раҳбарлик қилаётган ҳар бир талабага зарур бўлган ишончни билдирадилар.

Кўплаб тажрибали илмий раҳбарлар буни ич – ичидан ҳис қилади, билади. Деламент айтганидек, талабалар билан юқори натижаларга эришиш, аввало талабанинг раҳбар билан ўзаро муносабатига ва унинг қандайдир бошқа илмий раҳбарлари бор ёки йўқлигига боғлиқ. Сиз илмий раҳбарингиз билан ўзаро қалин муносабатни тартибга солишингиз керак. Муносабатлар амалда қўлланилиши муҳокама қилиниши керак. Чунки кўп муоммолар икки тарафлама муносабатдаги ишончнинг бузилишидан ёки норозиликдан келиб чиқади.

Кўплаб университетлар бир қатор илмий даражаларни таклиф қилади. Илмий даража ўқитиш даражаларидан қуйидагилар билан фарқланади:

- Катта ҳажмдаги диссертатсия ёки тезис борлиги;
- Талаба учун алоҳида имтиҳон олувчилар танланиши;
- Талаба йўналиш раҳбаридан кўра раҳбарлик жамоаси томонидан кўпроқ назорат этилиши.

Илмий даражалар баъзи магистрларни шунингдек, докторантларни ҳам ўз ичига олиши мумкин, аммо кенг қўламда ўқитиладиган таркибий қисмларга эга магистрантларни ўз ичига олмайди. Шарқий Англия университетида ўқиш давомийлиги шундай ташкил этилганки, ўқиш мобайнида илмий ишга киришилади ва олинган билимлар тезис кўринишида тақдим қилиниши лозим. Илмий иш ўқиш охиригача тугалланиши керак. Университетнинг баъзи даражалари учун ёзув чизув учун вақт берилади. Талаба шу давр мобайнида ишни тугатиши ва тақдим қилиши лозим. Барча университетларда ушбу қоидага амал қилишади, қўллашади.

Тезис (диссертатсия) фан билимларга алоҳида ҳисса қўшиши ва янги фактларнинг кашф этилиши ёки мустақил танқидий фикрлар орқали ўзига хос бўлиб шаклланади. Фан оламига ноодатий, ўзига хос ҳисса қўшиш талаби кўплаб университетларда жорий қилинган ва бунда ўзига хослик деганда шу

нарсa тушуниладики, раҳбарлар талабалар билан муаммони муҳокама қилишлари ва тугал фикрни билдиришлари лозим бўлади.

Ажойиб илмий раҳбарда қуйидагиларни кузатиш мумкин:

Кучли қизиқишлар, иштиёқ, ташаббускорлик, илмий тадқиқотчи талабани қўллаб қувватлаш ва раҳбарлик қилиш;

- Жалб этиш қобилияти ва яхши номзодларни сайлаш ва улар билан самарали иш муносабатларини ўрнатиш;

- Талабаларнинг илмий лойиҳаларига мос келадиган таклифларни бериш қобилияти, уларни руҳлантириш, ишларини ёзиб бўлгунича қўллаб қувватлаш, тақдим этилган иш бўйича фойдали фикр мулоҳазаларни ўз ўрнида бериш;

- Кузатув остида лойиҳалар ижросида маслаҳат бериш ва ўсиш ўзгариш (силжиш, тараққий қилиш)ни мунтазам текшириб бориш;

- Докторантура талабаларининг юқори даражадаги шахсий карьераларини ривожланиши ҳақида ғамхўрлик қилиш;

- Талабаларни уларнинг тезислари ва охириги имтиҳонлари жараёнида қўллаб қувватлаш ;

- Илмий раҳбар сифатида уларнинг малакаларини баҳолаш, (улар қайерда буни тадбиқ этса бўлади ва қайси соҳаларда бу мос келади).

Тадқиқотни ўз вақтида тугатиш раҳбарлик муносабатларига муҳим калит ҳисобланади. Тадқиқот дастури илмий лойиҳаларини ўз ичига олади, дизайнини таъминлаб беради, вақтни ҳисобга олган ҳолда илмий ишнинг барча мулоҳазаларини батафсил режалаштиради; барча ишлар тадқиқот якунига қадар кўриб чиқилади. Илмий салоҳият бир неча йилларда пайдо бўлади ва талабалар шу муддат давомида режалаштирилган лойиҳадан олинадиган тажрибага олдиндан эга бўлишлари эҳтимолдан йироқ. Уларга тажрибани ўзгартиришга ва буни қўллаш муҳимлигини тушуниб етишга биров вақт керак бўлиши мумкин. Раҳбарлик жамоасининг тажрибаси ишнинг барча масалаларини аниқлашда режаланган тартибда қилинишини, умумий билимларни, ташаббускор изланишни, илмий ишни намойиш қилиш орқали, миллий ва халқаро юқори савиядаги билимларни, маҳоратни ривожлантиришни, билим учун потенциални тадқиқ этишни маъсулият билан ўқитиш ва ўрганишни талаб этади. Бунинг натижасида диссертацияни кўнгилдагидек ёзиш исталган талабанинг муваффақият асоси ҳисобланади.

Мониторинг – мунтазам текшириб бориш.

Барча университетларда тадқиқотчи талабанинг ривожланишини кўриб чиқиш учун кучли бажариладиган ишлар тартиби бор. Минимум талаблар камида йилига 1 марта юқори ҳажмдаги текшириш учундир ва бу бўлим ичида, факултет ичида ва муассаса даражасида ташкил қилиниши мумкин. Текшириш жараёни талабадан ёзма баённома(доклад) тайёрлашни талаб қилади. Кўпинча у тарбиявий мутахассисликларни расмий раҳбарлик келишувларини ўз ичига

олади ва талаба педагог презентатсия тайёрлаши ёки оғзаки имтиҳон тарзида ҳимоя қилиши мумкин. Талабалар фалсафа магистри рўйхатидан ўтади ва фалсафа фанлари доктори номзодлигига ўтказилиши рўйхатдан ўтишининг биринчи 12 ойидан 18 ойигача муддатда содир бўлади.

Диссертатсияни ҳимоя қилиш шу соҳадаги номзод экспертлар иштирокида ўтказилади. Бундан кўзланган мақсад диссертатсиянинг меъёрий низомлар асосида ёзилганлиги, муаммони тўлиқ ёритиб берилганлигини аниқлаш, тадқиқотчини ўз ишини ҳимой қилишини баҳолаш. Сўнгги ҳолат талабалар учун анча ҳаяжонли бўлиши мумкин, чунки уларнинг баъзилари кўпчилик олдида ўз фикр ва мулоҳазаларини намоиш эта олиш қобилиятига эга бўлмаслиги мумкин. Илмий раҳбарлар талабаларга ўз фикрларини баён қилиш ва уларни намоиш қилишга имкониятлар бериш орқали бу имтиҳонга талабаларни тайёрлашда асосий ролни ўйнайдилар. Кўпчилик муассасалар тақдирлаш имтиҳонларига мустақил бошлиқларини тайинлайдилар. Саволлар ўринли ва албатта шу ишга алоқадор бўлиши керак. Бирмингҳам университети анча йиллардан бери шу иш билан шуғулланаяпти. Улар талабаларни шундай тинчлантиради: бошлиқ имтиҳон олувчи эмас. У имтиҳон ҳаққоний бўлишини эслатмаларни эслатишни ва тушунмовчиликларни ҳал этишни таъминлайди. (Бирмингҳам университети 2006) қўшимча маълумотларни Тинклер ва Жасксонда кўриб чиқишиз мумкин²⁵.

7.2. Талабаларнинг илмий-тадқиқотчилик фаолиятига раҳбарлик қилиш

Лойиҳа ва диссертация раҳбарлигини асосий сифатини билиб олиш учун, официант ҳақидаги мисол фойдали бўлади: агар бирор нарсага эҳтиёжингиз туғилса, яхши официант Сизга ёрдам бериш учун доим ёнингизда бўлишига қарамасдан, у Сизга ўзингизни эркин ҳис қилиш ва роҳатланишингизга доим имконият яратиб беради (Муррай, 1998). Китобхонлар ва талабалар раҳбарни лойиҳа ва диссертациядаги аҳамияти муҳимлигини билишлари билан бир қаторда, ўқув дастурини ташкил этувчиларданлигини ҳам сўзсиз тан оладилар. Шу билан бирга, илмий раҳбар учун илмий ишдаги сенинг иштирокинг (рол) актив, ёки қайси ҳолатда пассив эканлиги ҳақидаги чегарани қаердан билса бўлади? Биз, бир неча масалаларга ойдинлик киритишга ҳаракат қиламиз, булар: биринчидан, илмий ишга аниқлик киритиш билан бирга, лойиҳа ёки диссертацияни ўқув жараёнига фойдаси, иккинчидан, илмий ишни асосий вазиятларни, чегараларини аниқлаш ва чизиб бериши билан бирга, раҳбар илмий ишни ўқишда стратегиясини ҳам кўриб чиқиши лозим. Шу билан бир қаторда, ушбу бобда илмий раҳбардан лойиҳа ва диссертацияни бажаришда

²⁵ A Handbook for Teaching and Learning in Higher Education, published 2009 by Routledge 270 Madison Ave, New York, NY 10016, chapter 12 Supervising research students
Steve Ketteridge and Morag Shiach 166, 168, 169.

амалийлиги ва самарадорлигини оширишда раҳбардан талаб этиладиган ўзаро муносабатлардаги асосий кўникмаларни жамлаб чиқамиз.

Охирги ўн йил давомида университет ўқув режасидаги лойиҳа ва диссертациялар бакалавр ҳамда магистрлар учун фойдали ва муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Биринчидан, бакалавр ва магистратура талабалари лойиҳа ва диссертацияларни бажариш уларни илмий иш билан шуғулланишга ундаб, ОТМ ва факультетларни илмий ишлаб чиқаришларига ўзларини хиссаларини кўшишга ундайди. Иккинчидан, лойиҳа ва диссертациялар илмий тадқиқот маъданиятини ошириб, бакалавр ва магистрлар ўқув дастурлари учун самарали асос бўлади. Учинчидан, лойиҳа ва диссертациялар фан бўйича илмий даража олишда муҳим таркибий қисм ҳисобланиб, талаба ўз зиммасига таълим жараёни ва янги билим бериш масалаларини олади. Охирги ўн йил давомида талаба илмий-тадқиқот жараёнда янги билим олишни қай даражада режалаштириб бажараётганлигини ва муҳимлигини, Барнетт (2000) жамиятни «ўта мураккаблиги» билан инкор этиши мумкин эди. жорий этиш таълим ва тадқиқот ўртасидаги алоқаларни кучайтиришга ундаб, кўплаб магистрларга (аспирант) мақсадларига эришишга ёрдам бермоқда.

Яқунида, «билимлар иқтисодиёти» битирувчи талабалардан тадқиқот ва таҳлил қилиш ҳолатини шакллантириб, керакли ўқув дастурни таъйрлаш жараёнида кучли эътиборни талаб қилади.

Лойиҳа ва диссертациялар тадқиқот тайёрлашда ва таълимни назарий усулларини генерация ва таҳлил қилишда доим самарали воситалар сифатида қаралган. Бу усул таҳлил, қайта ишлаш ва баҳолаш каби юқори даражадаги конгнитив кўникмаларни ривожлантиришга мулжаллаган. Шу билан бирга, лойиҳа ва диссертациялар қийидагиларни самарали воситаси сифатида кўрилади:

- Хар томонлама баҳолаш;
- Кўникмаларни рағбатлантириш ва меҳнат қобилияти муаммоларини хал этиш;
- Таълим олувчини кўллаб қувватлаш;
- Талабалар мотивацияси;
- Таълим олиш ва илмий-тадқиқот фаолиятлари ўртасидаги алоқаларни рағбатлантириш;
- «Истеъдодларни топиш», масалан, талаба ёки асистентда илмий салоҳиятни топа олиш;

Адабиётларда лойиҳа ва диссертациялар кўпинча бир иш сифатида кўриб чиқилади (Дай эт ал., 1998 Вилкинс, 1995). Уларни таърифини келтиришдан олдин, лойиҳа ва диссертациялар ўртасидаги бир хилликлар ва фарқларини кўриб чиқишимиз лозим.

Лойиҳани, диссертациядан умумий фарқи шундан иборатки, лойиҳа илк маълумотларни йиғишга мўлжалланган (Виллиамс анд Хоробин, 1992). Диссертация эса иккиламчи маълумотларни, кўпинча эссе, кўриб чиқиш ёки маъруза шаклида бўлади (Парсонс анд Книгхт, 2005). Ҳенри Опен Университи (Очиқ Университет) топшириғи асосида лойиҳаларни фойдасини кенг ўрганиб

чиққан. У «проект» тушунчасига таъриб бериб, «диссертация» тушунчаси билан боғлиқ бўлмаган таъриф келтиради:

- Одатда, талаба лойиҳа мавзусани ўзи танлайди;
- Маълумотлар манбасини ўзи белгилайди;
- Якуний натижани тақдим қилади (одатда маъруза сифатида);
- Мустақил ишни қамраб олади (жамоат лойиҳалар ҳам мавжуд);
- Одатда, лойиҳа узоқ вақт давом этади ва ўқитувчи бошқарувчи ёки раҳбар вазифасини олади.

Лойиҳа ва диссертация ўртасидаги ўхшашликлар: фаолиятни режалаштириш жадвалини тузиш, вақтни бошқариш (вақни тўғри тақсимлаш), мониторинг, натижаларни тақдим этиш ва баҳолаш. Охирги йиллар ичида «диссертация» атамаси бакалаврлар контекстида камроқ учрай бошлади, «лойиҳа» атамаси эса ўзини ичига лойиҳаларни бошқариш тушунчасини олиб тез-тез қўллана бошланган

Лойиҳа давомида талаба ва раҳбарни ўзаро муносабатлари. Бундай таъриф, лойиҳа ҳам, диссертация ҳам лойиҳалаштиришни қисмлари бўлиб, лойиҳа ёки диссертация вақт чеклови пайтида қандай ҳаракатланишни талабани ўзи параметрларни белгилайди. Вақт чегаралари пайтида талабаларга фандаги қизиқишларида иш тутишлари кўзда тутилган. Бунда, ўқитувчининг талаба қайси шаклда ишлашини аниқловчи вазифасидан, талабада бошқа стимулни ривожлантирувчи муносабатларни шакллантирувчи ёрдамчига айланади.

Лойиҳа ва диссертациясидага илмий раҳбарлик билан, талабаларга кўмаклашишларни ўзаро фарқи мавжуд.

Илмий раҳбар лойиҳани бошқариш талаб этилишидан ташқари, фаолият тартибини вақтда чегаралаб белгилайди.

Кўмаклашувчи эса амалий таҳлил (рефлексив амалиёт), талабаларни эҳтиёжларига юқори даражадаги сезгирлик ва уларни амалга оширишга ёрдам кўрсатишдир. Бу фарқни қийидагилар тасдиқлайди.

Лойиҳа ва диссертациялар талабадан ўқув жараёни учун жавобгарликни белгилайдиган таълимни ва таълим бериш стратегиясини назарда тутиб, ўқитувчидан ўз вазифасидан ўқ бўйича (11.1 расда кўрсатилганидек) юқорига ҳаракат қилишда ёрдамчига айланишни талаб этади. Шунга қарамасдан, расда намунали раҳбар талабаси билан лойиҳани бошланишида ҳам, якунида ҳам етарли даражада вақт ажратиши лозимлиги кўрсатилган. Шу билан бир қаторда, вазифалар алмашинуви талабага таълим олиш учун кенг имконият яратади ва раҳбар билан тўқнашув (зиддият) ҳолатини яқинлаштиради. Day at el (1998: 51)да ёзилишича «икки заруратдан эҳтиёт бўлиш керак, ортиқча раҳбарлик ва етарсиз даражадаги раҳбарлик»

Илмий раҳбар ва талаба ўртасидаги муносабатлар ўрнатиш ва келишиш бакалавр даражасида тадқиқ этилмаган жуда мураккаб соҳа бўлиб, лойиҳа ва диссертациялар сонини кўпайтиришга ундайди. Унумдор ишчи алоқаларга қайдай эришиш мумкинлиги кейинги бўлимда кўрсатилган.

Тадқиқот доирасини белгилаш (аниқлаш).

Лойиха ёки диссертацияни бошлашдан олдин илмий раҳбар ўзини кўникмаларини текшириши зарур. Илмий раҳбар ўзига бериши керак бўлган 4 савол:

1. Таълим методи сифатида лойиха ёки диссертацияни танлашда шахсий важ (мотивация);
2. Тузилишли ёки тузилишсиз лойиха ёки диссертацияга ёндашув;
3. Раҳбар сифатида вазифаси (рол);
4. Талабани қўллаш усуллари;

Исталган лойиха ёки диссертацияни режалаштирганда, раҳбар дастурда белгиланган ўқитишда ва таълим беришда қўйилган мақсадларга эришиш учун нега айнан шу усулдан (метод) фойдаланаётганлигини тўлиқ англаши лозим. Фаолият, жадаллик ва салоҳият лойихавий усул диссертация бажаришда раҳбарга салбий таъсир курсатиб (Ҳенрй, 1994) (Суллен, 2007), белгиланган мақсадга эришишда жиддий тўсиқ бўлиши мумкин. Яхши маълумки, лойиха ва диссертациялар таълим олиш ва ўқитишни асосий ташкил этувчи стратегик бўлинмалари қаторига киради. Бундан ташқари, лойиха ва диссертациялар махсус таълимни асосий қисмлари бўлиб, ўқувчига марказийлаштирилган, акс ҳолатда бу усул кўпроқ анъанавий бўлади. Лойиха ва диссертацияни ўқув дастурини иккинчи яримига қолдириш ҳақида фикрлар бўлиб (Жакуэс, 1989 Тҳорлей анд Грагорй, 1994 Ҳаммиск анд Аскер 1998), аслида эса кўплаб талабалар учун энг муҳим амалга оширилган бу битирув малакавий иш, лойиха ёки диссертация бўлиб қолади. Фан ва маълумотларни умумийлаштириш билан бир қаторда, тадқиқот усуллари ва техникаси билан ҳам таништиради. Бахтер Маголда (1999), Бласкмор ва Соусине (2003)лар, илмий изланишга жалб этилган талабалар ўзларида интеллектуал тажриба даражасини ривожлантиришини таҳмин қилишади, айримлар эса Ҳеалей (2005) ўқитувчи илмий-тадқиқот дастурини тузишда, талабаларга этибор қаратган ҳолатидан, тадқиқот жараёни иштирокчисига қаратиш орқали илмий фаолиятга ўзини салбий таъсирини кўрсатиш мумкинлигини билдиришмоқда. Раҳбар ва талаба учун ажойиб синов бўлиб, лойиха ва диссертацияда камдан-кам учрайдиган уникал белгилардир.

Лойиха ёки диссертацияни раҳбарлиги ўқитувчилар учун аниқлик киритишда катта масала бўлиши мумкин. Илмий иш ҳар томонлама масъулиятли вазифа бўлиб, бошланиш босқичида раҳбардан катта куч талаб қилади, сунг эса бу босим талаба билан ўзаро тақсимланиб кетади. Якуний қисмини ҳам аҳамияти катта бўлиб, лойиха ёки диссертация билан ишлашдан келиб чиққан янги кўникмалар ва тушунчалар, эгаллаган барча билимларни намоён қилади. Стоне (1994) «юзаки қараш» усулига режалаштиришни муҳим инструменти сифатида қарайди. Бунда илмий раҳбар лойиха ёки диссертация устида ишлаганда вужудга келадиган барча муаммоларни олдиндан билиб, уларни ечиш, қайси босқичда қандай ишлаш лозимлигини ўзи ишлаб чиқишини назарда тутди. Ушбу усулни қўллаш ўринли бўлиб, талаба билан аниқлик киритиб олиш лозим. Агар тузилишсиз лойиха ёки диссертация ҳақида гап кетганда, талабалар ўзларини имкониятларига катта баҳо бериб юбориб, айрим

бир кисмларига (боскич) кўп вақт ажратишади ва натижада бу ҳолат илмий иш сифатига ўз таъсирини кўрсатади.

Талаба билан ишлаганда, лойиҳани режалаштирганда ва келишганда, раҳбар 4 та асосий белгига эга бўлиши керак. Биринчиси, таълим вазифаларини аниқлаш ва келишиш; Иккинчиси, ўзгартириш киритиш мумкин бўлган вазифаларни аниқлаш ва келишиш; Учинчиси, қўйилган мақсадларни аниқлаш; Тўртинчиси, баҳолаш мезон кўриб чиқилган ва тушунилганлигини аниқлаш. Ўқув режасида ва дастурида белгиланган вақт тақсимоти кутилмаган ҳолатларни олдини олиш учун тўғри ва аниқ бўлиши лозим. Раҳбар шу вақт доирасида тўғридан-тўғри илмий фаолиятга ажратиладиган давомийликни аниқлаши керак.²⁶

Раҳбарлик қилиш учун дастурлар, муассасалар ва раҳбарлик қилиш келишувларининг тафсилотлари ўртасида маълум маънода тафовутлар амалиёт кодексларида аниқ ва равшан белгиланган. Аксарият ҳолларда баъзи сабабларга кўра 2 та илмий раҳбар тайинланади ёки 2 ёки ундан ортиқ раҳбарлик жамоаси белгиланади. Келишувлар қандай бўлса ҳам талаба билан биринчи алоқа қилиб суҳбатлашган битта асосий илмий раҳбар тайинланиши керак. Бу бош асосий илмий раҳбар тадқиқотни тугатишгача камида битта талабага илмий раҳбарлик қилган тажрибали раҳбар бўлади, ана шу раҳбар талабага бутунлай жавобгар ва университет билан алоқа воситаси бўлади. Иккинчи раҳбар ёки раҳбарлик жамоасининг бошқа аъзоси илмий ишда тўлиқ тажрибага эга бўлмаслиги мумкин, аммо асосий илмий раҳбар йўқлигида унинг ўрнига талаб этилиши мумкин ёки илмий даражанинг махсус кўринишларида талабани қўллаб-қувватлаши лозим.

Барча кодексларда бош илмий раҳбар учун вазифалар баёноти бор. Бу расмий тарзда бир талай жавобгарликларни ўз ичига олади. Улар қуйидагилар:

- тезис тайёрланишида ва илмий ишга раҳбарлик қилишда қаноатлантирувчи маслаҳат ва кўмак бериш;

- ишга алоқадор бўлган бўлимга факультетга ёки илмий иш жараёнини текшириб бориш муассасига маъсулиятли бўлиш;

- талаба билан доимий алоқани сақлаш, йўлга қўйиш ва консультация учун мос вақтларни белгилаш;

- талабанинг эҳтиёжларини ривожлантириш ва мос келадиган таълим ва машғулот қулайликларидан фойдаланиш имкониятларини яратиб бериш;

- талаба томонидан тайёрланган қораламаларни ўқиш, ижодий амалий ва самарали фикр мулоҳазалар дастур ичидаги умумий жараёнларни мушоҳада этиш;

- талабани илмий ишини ахлоқий тамойилларга асосан виждонан тўғрилиқ билан бажариши кераклиги ҳақида огоҳлантириш;

- талабага илмий иши соҳасида ишлаётган бошқа одамлар билан ўзаро муносабат қилишига ёрдам бериш; (масалан маблағ ажратишга ёрдам бериш);

²⁶ A Handbook for Teaching and Learning in Higher Education, published 2009 by Routledge 270 Madison Ave, New York, NY 10016, chapter . 11 Supervising projects and dissertations Stephanie Marshal 150-154, 156

- самарали таъминот билан таъминлаш ва агар ўринли бўлса, бошқа таъминот манбаларини тушунтириш;

- билимлари аҳамиятини кўнгилдагидек намоиш қилишга керакли бошқарувчилик билим тажрибаларини беришда давом этиш, ишга алоқадор юксак ривожланиш, фаолликнинг намоён бўлиши орқали қўллаб қувватланади;

- талабанинг турли даражадаги эҳтиёжларига жонкуяр бўлиш.

Бу расмий талаблардан ташқари талаба – раҳбар муносабатларини қатъий асосда бунёд бўлишини таъминлашга ёрдам берадиган бир нечта бошқа амалиётлар бор.

Илмий раҳбарлик йўлланмаларининг мос келиши.

Талаба – илмий раҳбар муносабатларида аниқ йўлланмаларнинг бўлиши муҳим ҳисобланади, худди ўқитишнинг бошқа шаклларидаги каби. Бунда бошиданок иккала томон келишиши керак яъни раҳбар нимани қилади, талаба нимага жавобгар, иккаласи нимани қилади ва раҳбар нимани қилмайди. Булар ҳужжатлаштирилиши ва иккала тараф томонидан имзоланиши керак. Бу ишнинг аҳамияти, жавобгарликлари ва ишончлари устида аниқликни белгилайди.

Дастлаб талабалар ва илмий раҳбарлар расмий раҳбарлик учрашувлари қандай интервалда бўлиши кераклигига келишишлари ва белгилашлари зарур. Саналар камида кейинги бир неча ойга ёзиб олиниши керак. Кўпчилик университетлар кодексларида илмий раҳбарлар учун минимум частоталар белгиланган. Шундай қилиб, масалан Нью - Ёрк университетида расмий раҳбарлик учрашувлари илмий жараён муҳокамасига оид яъни ҳар чоракда камида 2 марта бўлиши керак. Агар талаба томонидан талаб қилинса 1 ҳафтада 2 марта бўлиши керак. Бу расмий учрашувларнинг асосий мақсади талабалар билан муҳокама қилиниши керак бўлган ва расмий ҳамда расмий бўлмаган учрашувлар орасидаги фарқни аниқлаштирилади. Бундай учрашувлар кейинги даврларда юзага келиши мумкин бўлган тушунмовчиликларни олдини олишга ёрдам беради.

Талабалар учун раҳбарлик учрашувларини ёзиб олиш фойдали ҳисобланади. Чунки бу учрашувларда мавзулар муҳокама қилинади, экранда намоиш этилади ва келгусидаги мақсадлар белгиланади. Буларнинг санаси ёзиб қўйилиши керак ва имзо остида илмий раҳбарга интернет орқали жўнатилиши лозим. Бу талабаларга ўз ишларини бошқаришда қизиқиш уйғонишига ва юксалётганини кўришга ёрдам беради. Илмий раҳбар учун ўз чиқишларини ёзиб қўйиш каби актив режалар тузиши жуда муҳим ҳисобланади, бунга даъват этилиши керак. Раҳбарликнинг муваффақиятли натижалари ва раҳбарликнинг самарали ёзувларини белгиланган тартибда сақлашни йўлга қўйиш ўртасида ўзаро ижобий муносабат бор.

Илмий раҳбарлик - юксак даражадаги муносабат. Бир тартиб иккинчи бир тартиб қоидадан фарқлангани каби илмий раҳбарнинг талабалар билан қандай иш олиб бориши ҳам расм – русумларга ва амалиётга кўра фарқ қилиши мумкин. Шарқий Англия университети раҳбарияти илмий раҳбарлик ҳақида шундай дейди: у инсонлараро ростгўйлик, холислик, ҳурмат, маъсулият ва аҳамияти ҳақида аниқлик, талаба автономияси ва талабанинг энг яхши

қизиқишлари билан ишлаш ва ақлий қарашлар орқали йўл кўрсатиши керак. Талаба ва раҳбар муносабати ўртасидаги синалмаган йўллар ҳақида фикрлар Тайлор ва Беаслей томонидан ёритилган.(2005)

Керакли маълумотларни ёзиб тўлдириш тадқиқотни охирига етказиш сари янада юқори ишончни ҳосил қилади. Илмий раҳбарлик қилиш - ёрдам бериш, енгиллатиш, тарбиялаш ва талабаларнинг ўта муҳим тушунчаларини ва шахсиятини ўрганиб чиқишининг ривожланишини қаерда муносиб таъминлашга даъват этиш ҳақидадир. Бу йўл билан улар унвон учун ўқиш мобайнида ўз илмий ишларини ривожланишига жавобгарликни ўз зиммасига оладилар. Жараён талабаларнинг ҳаракатлана олиши ва имконият пайдо бўлишини тақозо этади, улар илмий иши орқали кўп нарсаларга интиладилар.

Раҳбарлик бошқа вазиятларда ҳам қўлланилиши мумкин бўлган юқори даражадаги ўқитиш маҳоратини талаб этади, худди кичкина гуруҳни ўқитиш каби. Қўшимча қилиб айтганда, у ҳамдард бўлиш, бирга қайғуришни талаб этади. Раҳбарликда белгиланган билим ва маҳорат самарали сўроқ қилишни, фаол эшитиш ва жавоб беришни ўз ичига олади. Илмий раҳбарлар воқеалар яхши кетаётганида ва энг асосийси жараён жуда яхши бормаётганида самарали фикр мулоҳазаларни бериши керак. Талабалар илмий ишларини текшириш натижалари шуни кўрсатадики, талабаларга юқори даражадаги фикр мулоҳазалар бериш ва уларни эсига солиш муҳимлигини кўрсатиб ўтиш кераклигини англатади. Оуэнс (2008) берган маълумотларга кўра талабаларнинг ишончи уларнинг докторантура дастурлари, уларнинг аҳамияти, илмий раҳбарлар, талаба – илмий раҳбар муносабатлари пайдо бўла бошлагандан кейин бошланади. Шахс, жамият тараққиётини ўрганиш шуни кўрсатадики, илмий даражадаги раҳбарликда устунлик қилиш эътироф этилган.

Университет барча илмий раҳбарларни талабаларига имконият беришини назарда тутади:

- Мос келадиган мулоҳазали ва илмий лойиҳанинг режаси;

- Унинг раҳбарлиги остида илмий тадқиқот билимларига эга бўлиш, уни амалга ошириш ва ресурслардан фойдаланишга етарлича имкониятни қўлга киритиш;

- Тадқиқотни ўз вақтида тугатиш;

- Юқори сифатли тезис ишлаб чиқиш;

- Имтиҳонда омадли бўлиш;

- Натижаларни тадбиқ этиш;

- Уларнинг келгусидаги карераси учун асос ҳозирлаш.

Ажойиб илмий раҳбарда қуйидагиларни кузатиш мумкин:

Кучли қизиқишлар, иштиёқ, ташаббускорлик, илмий тадқиқотчи талабани қўллаб қувватлаш ва раҳбарлик қилиш;

- Жалб этиш қобилияти ва яхши номзодларни сайлаш ва улар билан самарали иш муносабатларини ўрнатиш;

- Талабаларнинг илмий лойиҳаларига мос келадиган таклифларни бериш қобилияти, уларни руҳлантириш, ишларини ёзиб бўлгунича қўллаб қувватлаш, тақдим этилган иш бўйича фойдали фикр мулоҳазаларни ўз ўрнида бериш;

- Кузатув остида лойихалар ижросида маслаҳат бериш ва ўсиш ўзгариш (силжиш, тараққий қилиш)ни мунтазам текшириб бориш;
- Талабаларни уларнинг тезислари ва охириги имтиҳонлари жараёнида қўллаб қувватлаш ;
- Илмий раҳбар сифатида уларнинг малакаларини баҳолаш, (улар қаерда буни тадбиқ этса бўлади ва қайси соҳаларда бу мос келади)²⁷.

Назорат саволлари

1. Реферат, курс ишига таъриф беринг.
2. Рефератив характердаги курс ишининг тузилиши нималардан иборат?
3. Амалий характердаги курс ишининг тузилиши нималардан иборат?
4. Битирув - малалкавий ишига таъриф беринг.
5. Талабалар илмий-тадқиқотига раҳбарлик қилиш нималарни ўз ичига қамраб олади?

- Фойдаланилган адабиётлар

1. Мўминова Л.Р. ва бошқалар. Махсус психология. -Т.: “Ношир”, 2013 й.
2. Пўлатова П. ва бошқалар. Махсус педагогика. Т.: “Фан ва технология” нашриёти, 2014 й.
3. Назарова Н.М. Сравнительная специальная педагогика. М.: «Академия», 2012г.
4. Йўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 2004.
5. Чичерина Я., Нуркелдиева Д.,Бондарева Е. Мутахассислик фанларни ўқитиш методикаси. Т.: Фан ва технологиялар, 2013й.
6. Чичерина Я., Нуркелдиева Д.,Бондарева Е. Инновационные подходы в подготовке кадров- дефектологов (монография). Т.: “Навруз”, 2014 г.
7. М.Ю. Аюпова Логаледия –Т.: “Файласуфлар миллий жамияти” 2011й. 2-нашр. 560б.
8. Азизхўжаева Н. Педагогик технология ва маҳорат. Тошкент: ТДПИ, 2003.
9. Холиқов А. Педагогик маҳорат. – Т.: ИҚТИСОД-МОЛИЯ, 2011.
10. A Handbook for Teaching and Learning in Higher Education, published 2009by Routledge 270 Madison Ave, New York.

²⁷ A Handbook for Teaching and Learning in Higher Education, published 2009by Routledge 270 Madison Ave, New York, NY 10016, chapter XII: **Supervising research students**, Steve Ketteridge and Morag Shiach, 173-175 p.

8-мавзу: Инклюзив таълимнинг жорий этилиш муаммолари

Режа:

1. Инклюзив таълим тушунчаси. Инклюзив таълимнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари.

2. Ўзбекистонга инклюзив таълимнинг кириб келиши. Инклюзив таълимнинг тадбиқ этишдаги тўсиқлар ва муаммо

Таянч иборалар: Инклюзив таълим, инклюзив таълим маданияти, махсус таълим, дарс жараёни, синф дарс тизими.

8.1. Инклюзив таълим тушунчаси. Инклюзив таълимнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари.

Инклюзив таълим (инглиз тилидан олинган бўлиб, *inclusive, inclusion*– уйғунлашмоқ, қамраб оломоқ, ногирон ва соғлом болалар ўртасидаги тўсиқларни (дискриминацияни) бартараф этиш.

Инклюзив таълим – бу давлат сиёсати бўлиб ногирон ёки бошқа сабаблар туфайли махсус ёрдамга муҳтож, касалланган болалар учун мослашувчан ва индивидуаллашган ёрдам тизимидир ва барча болаларни тенг кўришни кўзда тутадиган инклюзив, инновацион таълим туридир.

Миллати, ирқи, танасининг ранги, ижтимоий келиб чиқиши, оиласининг жамиятда тутган ўрни, манбаи, моддий ва маънавий ахволи, жисмоний ёки руҳий ривожланишида камчилиги бўлишидан қатъий назар барча болаларни тенг кўриш, улардаги ҳар қандай имкониятни қадрлаш, ривожлантиришни кўзда тутадиган таълим ҳисобланади.

Инклюзив таълимнинг мақсад ва вазифалари:

–имконияти чекланган болалар таълим олишлари учун зарурий психолого-педагогик, коррекцион шароитларни яратиш;

-умумтаълим дастурлари ва коррекцион ишларни амалга ошириш;

– ўқувчиларнинг таълимдаги тенглик ҳуқуқини кафолатлаш;

– жамиятнинг ва оиланинг фаол иштирокида ногирон ва соғлом болаларнинг эҳтиёжларини қондириш;

- ижтимоий ҳаётга эрта мослаштириш;

– имконияти чекланган болалар оилалардан ажралмаган ҳолда яшаш ҳуқуқини рўёбга чиқариш;

– жамиятда имконияти чекланган болаларга нисбатан дўстона ва меҳр-муҳаббатли муносабатни шакллантиришдир.

Инклюзив таълимнинг коидалари:

1. Инсоннинг қадр қиммати, унинг қобилияти ва ютуғига боғлиқ эмас.

2. Ҳар бир инсон ўйлаш ва хис қилиш қобилиятига эга.

3. Ҳар бир киши эшитиш ва мулоқот қилиш қобилиятига эга.

4. Ҳар бир киши бир-бирига муҳтож.

5. Шахснинг тўлиқ ва ҳақиқий таълим олиши фақат реал ҳамкорликда амалга ошади.

6. Ҳамма кишилар ўз тенгдошларини қўллаб-қувватлашга муҳтож.

7. Ҳамма таълим олувчиларни ютуқга эришишига уларнинг нимадир қила олмаслиги эмас, балки ниманидир қила олишидир.

8. Инклюзив таълим амалга ошираётган умумтаълим мактабдаги синфларда интеграция қилинган ўқувчилар сони 2–3 нафардан оширилмайди ҳамда ўқувчиларнинг умумий сони 25 нафаргача белгиланади

Инклюзив таълимга бўлган эҳтиёжлар

Ҳар бир шахсда меҳр олиш, этиборда бўлиш, ҳимояланиш, шахсийлик фаолиятини рухлантириш ва шу каби эҳтиёжлар мавжуд.

Ногирон одамлар бундан мустасно эмас, лекин булардан ташқари уларнинг алоҳида шахсий эҳтиёжлари мавжуд.

Уларнинг хатти ҳаракатлари, қизиқишлари, қобилиятлари каби жиҳатларига асосланган ҳолда ногиронликлари ўхшаш бўлган тақдирда ҳам улар бир биридан фарқ қилади

Ҳар бир бола шахс сифатида мукамалдир ва ҳар бир бола ҳаётга мослашиш ва ривожланиш учун ёрдамга муҳтождир.

Имконияти чекланган болалар ҳам соғлом болалар билан биргаликда ўзаро фаолият кўрсатишлари мумкин.

Имконияти чекланган болалар ҳам соғлом тенгдошлари билан ёнма-ён ўқиш, тарбияланиш ҳуқуқига эга.

Инклюзив таълимнинг Ўзбекистондаги ҳуқуқий асослари.

– Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (1992 йил; 41-модда)

– «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида»ги Қонун (1991 йил, 19, 27-моддалар)

– «Таълим тўғрисида»ги Қонун (1997 йил, 22, 23-моддалар)

– «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун (2008 йил; таълим олишдаги тенг имкониятлар ва алоҳида кафолатлари, 28, 29-моддалар)

– Кадрлар тайёрлаш миллий дастури (ўқувчиларни қобилият ва имкониятларига мувофиқ ўқитишга дифференцион ёндашув)

– «Ижтимоий ҳимоя йили» давлат дастури (2007йил, 4. 2-банди), «Ёшлар йили» Давлат дастури.

Натижада:

-инклюзив таълим имконияти чекланган болаларга доимо ўз оиласи маҳалласи ва қариндош-уруғлари даврасида бўлишга имкон беради;

-инклюзив таълим барча учун, таълим сифатини яхшилашга олиб келадиган катализатор бўлиб хизмат қилиши мумкин;

- Жамиятга эрта мослашади, ўз тендошлари билан тенг ҳуқуқга эга бўлади.

- Барча болаларни ногиронларга нисбатан ўзлари сингари бола эканликларини англаб, камситмасликларини таъминлаган бўлади.

Инклюзив таълимнинг муаммолари:

-Ўқув-методик адабиётлар билан таъминламаганлиги;

-Ногирон болаларга нисбатан салбий муносабатда бўлиш;

-Имконияти чекланган болаларнинг соғлом тенгдошлари орасида кўринмаслиги;

-Таълим муассасаларини мослаштирилмаганлиги;

-Синфда ўқувчилар сонининг кўплиги;

-Имконияти чекланган болаларнинг бошқаларга қарамлиги;

-Кадрлар масаласидаги муаммолар.

-Жамиятни ва ота-оналарнинг инклюзив таълимни моҳиятини тушунмаганликлари.

Шундай қилиб, инклюзив таълимни ривожлантириш учун зарур:

- ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

- ногирон болаларга нисбаттан дўстона муносабатни шакллантириш;

- боланинг ривожланишида ижобий натижаларга эришишга имкон берадиган коррекцион тадбирларни эрта ёшдан бошлаш;

- умумий таълимга жалб қилинган ҳар бир бола учун тиббий-психологик-педагогик кузатувни, яъни мутахассисларнинг доимий ёрдамини ташкил этиш;

- имкониятлари чекланган ҳар бир боланинг соғлом болалар билан биргаликда тарбия ва таълим олишининг зарур шакллари таъминлаш;

Болалар онгида иркчилик, ногиронлик ҳамда имкониятлар кенглиги хусусида тўғри тушунчаларни шакллантириш инклюзив таълимнинг самарадорлигини оширишда жуда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Нотўғри тушунчаларнинг мавжудлиги сабабли имконияти чекланган болалар ҳақорати ва масхараланишига дучор бўлмоқдалар. Бундан ҳам аянчлиси шу каби салбий муносабатдаги ҳулк-атворни айрим ўқитувчиларнинг эътиборсиз қолдираётганлигидир. Таълим-тарбия самарадорлигини ошириш учун ҳам барча мактабларда ҳамма болалар учун тенг ҳуқуқли, сеvimли, дўстона илиқ муносабатдаги муҳитни яратиш лозим. Мактабда иркчиликни, ногиронлик устидан кулишни қораланиши ва уртасидаги тенг ҳуқуқлилик тушунчасини шакллантириш керак. Биз куйида болалар уртасида тенг ҳуқуқликни тушунчаларни шакллантириш бўйимконияти чеклангана тавсиялар берилди:

- Педагоглар барча синфларда болалар ўз ҳаётлари ва ҳис туйғуларини муҳокама қила оладиган ўзоро қўллаб – қувватловчи ва ҳам жихатликдаги ижобий муҳитни яратишга ёрдам беришлари лозим;

- Ўқувчилар онгига ногиронлик – алоҳидалик эмас, балки камчиликни мажудлиги натижасида имкониятлар чегараланганлигини тушунтира билиш лозим. Ногирон болалардан қурқиб, жирқаниш ҳисларини юкотишга эришиш талаб этилади.

Педагоглар айрим ҳолатларда стереотипларни қўллашдан қочишлари ва ташаббуслари қўллашдан кейин ҳам болалар олдида шарҳламасликлари лозим. Улар болаларга нима учун лақаб қуйиш, масҳара қилиш, салбий муносабатларни юзага келтиришини тушунтириб беришлари ва бунга юл қўймасликлари талаб этилади.

Зарур бўлган ҳолатларда имконияти чекланган болаларда айрим ўқувчилар тамонидан билиралаётган салбий муносабатларни бутун синф билан муҳокама қилиш уринли ҳисобланади. Ижобий натижага эришиш учун охиргача курашиш лозим.

Ҳар бир муҳокама болаларнинг ютуқларининг унинг аввалги ютуқларига салиштириб, қайд этиб, таъкидлаб бориш муҳимдир. Ўқувчилар билан турли

хилдаги ва психологик тестлар ўтказишда боланинг иркига, ижтимоий келиб чиқишига, жинси ва ногиронликка оид саволларни бермаслик айтиш муддао.

Ўқитувчилар ишларини ва уларнинг ютуқларини барча соҳаларида мактаб ва мактабдан ташқари ишларда намоёни қилиб бориш керак. Дарсларга материаллар тайёрлашда имконияти чекланган боланинг ижод намуналарини ҳам қўллаш жуда самара беради.

Китоб, плакатлар ва дастурларни қўллаётиб, шунга ишонч ҳосил қилиш керакки, улар инклюзив таълимга мос келиши керак. Мактаблар очик бўлиши, ўқувчилар, ота-оналар ва педагоглар мулоқат қила билиши кер

Имкониятлари чекланган болаларнинг, ҳоҳ у махсус мактаб, мактабгача муассасалар бўлсин, ҳоҳ умумтаълим муассасалари қошидаги синф ёки гуруҳлар бўлсин, ҳоҳ уйда таълим олиш бўлсин, ўқитишнинг барча шакллари, итаълим соҳасига жалб қилиниши маълум жиҳатдан интеграция жараёни ҳисобланади, чунки ўқиш даврида ва ундан кейин ҳам бу болалар бошқа болалар, шу жумладан умумтаълим муассасаларда таълим олаётган болалар билан ўзаро мулоқотда бўладилар, уларнинг ижтимоий мослашуви ва жамиятга уйғунлашуви таъминланади. Бироқ, таълим олиш учун мос шарт-шароитларни танлаш ҳар бир боланинг ва ота-онасининг ҳукуқи ҳисобланади. Психологик-тиббий-педагогик комиссия мутахассислари зиммасига боланинг руҳий-жисмоний ҳолатини ўрганиш ва ташхис қилиш вазифаси юкланган бўлиб, болани ҳар томонлама текшириш натижасида болаларни ўқитиш ва уларга мос келадиган таълим шароитини аниқлашга доир тавсиялар берилади. Шундай қилиб, ўзига хос эҳтиёжлари бўлган боланинг умумтаълим соҳасига самарали жалб қилиниши учун қуйидагилар зарур:

–боланинг ривожланишида ижобий натижаларга эришишга имкон берадиган коррекцион тадбирларни эрта ёшдан бошлаш

–умумий таълимга жалб қилинган ҳар бир бола учун тиббий-психологик-педагогик кузатувни, яъни мутахассисларнинг доимий ёрдамини ташкил этиш;

–руҳий-жисмоний ривожланиши ва таълим эҳтиёжларидан келиб чиқиб, имкониятлари чекланган ҳар бир боланинг соғлом болалар билан биргаликда тарбия ва таълим олишининг зарур шакллари танлашни таъминлаш;

Юқорида кўриб чиқилган инклюзив таълим тўғрисидаги зарур тушунча ва фикрлар интеграция таълимини амалиётга татбиқ қилишда фойдали бўлиши мумкин. Олиб борилган сўровномалар таҳлили имконияти чекланган болаларни умумтаълим мактабларида ўқитиш жараёнида дуч келадиган қийинчиликларни бартараф этишга ёрдам беради.

– Чунончи умумтаълим муассасалари шароитини имконияти чекланган болаларга мослаштириб таълим ва тарбия бериш натижасида болалар ўртасида дўстона муносабатлар шаклланиб боради. Бундай болалар ва ўсмирларнинг ижтимоий жамиятга эрта ва тўлақонли мослашувлари таъминланади.

8.2. Ўзбекистонга инклюзив таълимнинг кириб келиши. Инклюзив таълимнинг тadbиқ этишдаги тўсиқлар ва муаммо

Инклюзив таълимни Ўзбекистон Республикасида жорий қилишнинг яна бир афзаллик томони шундаки, махсус таълим муассасалари мавжуд бўлмаган жойларда ҳам имконияти чекланган болаларни умумтаълим тизимига тўлиқ жалб қилинишига имконият яратилади.

Инклюзив таълим умумтаълим жараёнини ривожлантиради ва барча болаларга мос бўлган таълимни жорий қилади. Имконияти чекланган болалар таълим олишига оид қўшимча мосламаларни ташкил қилиб болаларни таълим олишига қулай шароит яратади. Инклюзив таълим турлихил эҳтиёжли болаларнинг таълим олишига қаратилган методологияни ривожлантиришга ҳаракат қилади. Инклюзив таълим турли эҳтиёжларни қондиришга қаратилган ихчам турдаги дарс беришга ёндашадиган таълимни ишлаб чиқишни амалга оширади. Агарда инклюзив таълимни тadbиқ этишда дарс бериш, ўқитиш бир мунча самарали ва унумли бўлса унда нафақат имконияти чекланган болалар балки барча болалар ютади.

Инклюзив таълим маданияти

“Саламанка декларацияси”га мувофиқ ҳар бир ўқувчининг тафовут хусусиятларини қўллаб-қувватловчи ва маъқулловчи ислохот сифатида қарашади. Унинг мақсадлари, жинси, irqи, маданияти, ижтимоий миллати, дини, индивидуал имконият ва қобилиятидаги тафовутлар оқибатида юзага келадиган ижтимоий сегрегацияга йўл қўймасликдан иборат. Дунё бўйича мактабларда инклюзивга кўпинча умумтаълим мактабларида ногиронларни ўзларининг тенгдошлари билан бирга таълим олиши деб қаралади.

Инклюзив таълимга бўлган эҳтиёжлар ва сабаблар.

Ҳар бир шахсда меҳр олиш, этиборда бўлиш, ҳимояланиш, шахсийлик фаолиятини рухлантириш ва шу каби эҳтиёжлар мавжуд. Ногирон одамлар бундан мустасно эмас, лекин булардан ташқари уларнинг алоҳида шахсий эҳтиёжлари мавжуд. Уларнинг хатти ҳаракатлари, қизиқишлари, қобилиятлари каби жиҳатларига асосланган ҳолда ногиронликлари оз бўлсада ўхшаш бўлган тақдирда ҳам улар бир биридан фарқ қилади масалан: иккита ногиронлиги бир хил бўлган болаларнинг бири ижобий, рухлантирувчи муҳитда яшаши мумкин, иккинчиси эса салбий, кўнгилни қолдирувчи муҳитда яшаши мумкин. Уларнинг иккаласи ҳам ногирон бўлсада, бу уларга бир хил ёрдам кўрсатилиши керак дегани эмас. Уларнинг эҳтиёжлари яккама-якка ҳолда қондирилиши лозим. Ушбу муаммони муҳимлиги амалиётда кенг тан олинган.

Ҳар бир бола шахс сифатида мукамалдир ва ҳар бир бола ҳаётга мослашиш ва ривожланиш учун ёрдамга муҳтождир. Баъзи бир болалар бошқалардан кўра кўпроқ ёрдамга муҳтождир. Бошқалари эса ҳаётнинг маълум бир пайтида ёки бутун ҳаётлари давомида махсус ёрдамга муҳтождирлар масалан, мактабда таълим олаётган чоғларида. Бу каби махсус қўшимча ёрдам **“Махсус таълимга бориб тақалади”**. Ҳозирги кунгача умумий таълим мактаб тизими вакилларининг **“Булар бизнинг болаларимиз эмас. Улар махсус таълимга қарашли.”** деган гапларини жуда кўп эшитганмиз. Шу каби

масалалар бугунги кунда ногирон гуруҳларга асосланган классификациясини ва махсус таълимга муҳтож болалар тушунчасини ўзгартиришга асос бўлмоқда. Умумтаълим мактабларида нуқсон турига кўра шароит яратилса, кўпчилик махсус таълимга муҳтож болаларнинг эҳтиёжларини оддий мактабнинг ўзида ҳам махсус дастур, дарсликлар ва ёрдамчи техник воситаларни қўллаши асосида таълим олишини амалга ошириш мумкин.

Махсус ёрдамга муҳтож болаларнинг асосий муамоларини улар ўзлари яшаб турган муҳитдан, оиладан узоқда таълим тарбия бериш билан ҳал қилиб бўлмайди. Жамият ўз аъзоларига жавобгарликни ўз бўйнига олмас экан, чеклаб қўйилган ҳуқуқ ва имкониятлар қайтариб берилмас экан, ижтимоий интеграцияга эришиш қийин.

Имконияти чекланган болаларнинг таълим-тарбиясида тенгҳуқуқлилик муаммосини ҳал этиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан биридир. Аммо бугунги кунда ҳам жуда кўплаб болалар турли хилдаги сабабларга кўра таълимдан четда қолиб кетмоқдалар. Инклюзив таълимга жалб қилишнинг ташкилий, илмий-услубий чораларини кўриб чиқиш, яъни мутахассисларни тайёрлаш, малакасини оширишга оид тадбирларни ишлаб чиқиш лозим. Алоҳида ёрдамга муҳтож болаларни умумтаълим муассасаларига жалб қилишнинг икки асосий омили бор:

Биринчидан, махсус эҳтиёжга эга бўлган болалар ҳам соғлом болалар билан биргаликда ўзаро фаолият кўрсатишлари мумкин. Инклюзив таълим мақсадга мувофиқ тарзда ташкил этилса, махсус эҳтиёжли болалар ижтимоий томондан ҳимояланадилар, соғлом болалар эса ижтимоий адолат ва тенгликнинг тан олинishi буюклигини, ногирон болаларга нисбатан янада меҳрибон ва эътибор билан муносабатда бўлишни ҳис этадилар.

Иккинчидан, ногирон болалар ҳам соғлом тенгдошлари билан ёнма-ён ўқиш, тарбияланиш ҳуқуқига эга эканлиги.

Бу ишларнинг муваффақияти ҳар бир давлатнинг қонунларида акс этилиши зарур. Чунки, қонунлар, уларни керакли моддий ва маънавий ресурслар билан таъминланишини амалга оширишни кафолатлайди. Имконияти чекланган болалар-ўқувчиларга таълим беришда, ота-оналар, маҳаллалар педагоглар, мутахассислар ҳамкорлигида фаолият кўрсатишлари талаб қилинади ва мажбурий шарт ҳисобланади.

Алоҳида эҳтиёжли болалар ҳам соғлом тенгдошлари билан биргаликда ўз қобилияти даражасида фаолият кўрсатиш, таълим олиши, касб-ҳунар ўрганиши ва ривожланиши мумкин. Инклюзив таълим мақсадга мувофиқ тарзда ташкил этилса, махсус ёрдамга муҳтож болалар ижтимоий томондан ҳимояланадилар, ижтимоий ҳаётда тенгҳуқуқли эканлигини, ўз тенгдошлари билан бирга билим олишлари мумкинлигини ҳис этадилар.

Алоҳида эҳтиёжли болалар учун ташкил этилган сегрегацион-махсус, ёпиқ турдаги муассасаларда болалардаги мавжуд нуқсонлар анча-мунча юқори даражада коррекциялансада, аммо болаларнинг мактаб жамоасидаги тор доирага тушиб қолишлари натижасида ижтимоий жамиятга мослашиши, келажакда соғлом болалар қатори фаолият юритишларида жуда катта қийинчиликларга дуч келадилар. Махсус мактаблар мана шу жиҳатлари билан

катта камчиликларга эга. Бундан ташқари махсус эҳтиёжли болаларни барча қатори кенг жамоатчилик даврасидан ажратган ҳолда яшашлари ҳам демократия нуқтаи назарига тўғри келмайди. Чунки махсус эҳтиёжли болалар ҳам барча қатори ҳақ-ҳуқуқларга эга.

Махсус эҳтиёжли болаларни умумтаълим муассасаларига қабул қилиниши ўқувчиларни янада болага қаратилган фаолроқ ва кўпроқ ўқувчиларни қамрайдиган янги ўқитиш услубларини ишлаб чиқишга ундайди. Бунинг нафи эса ҳамма болага тегади.

Жамиятда ногиронларга нисбатан янглиш фикр ва муносабат мавжуд. Улар ҳақида маълумотларнинг камлиги ва уларга ёшлигидан махсус муассасаларда ёпиқ тарзда таълим-тарбия берилиши бунга сабаб бўлиши мумкин. Бундай муносабатни йўқотиш ёки камайитириш анча мушкул ишдир. Лекин тажрибадан шу нарса маълумки, катталарга нисбатан болалар фарқли ва ўхшашлик жиҳатларни тезроқ англари эканлар. Агарда махсус эҳтиёжли болалар нормал ривожланишдаги болалар билан биргаликда таълим-тарбия олсалар, бу барча болаларни ногиронларга нисбатан ўзлари сингари бола эканликларини англаб, камситмасликларини таъминлаган бўлар эди.

Кўришида нуксони бўлган болалар инклюзив таълимида синфларни ва дарс жараёнини мослаштириш.

- Укитувчи кўришида нуксони бўлган боладан (агарда у заиф кўрувчи бўлса) синф тахтасини кўриш учун энг қулай жойга сураб уни уша жойга ўтказиши лозим;
- Агар кўришида нуксони бўлган боланинг кузлари ёругликка сезгир бўлса, уни дераза ёнига ўтказмаслик керак. Шунинг учун ҳам боланинг кузларини ёругликдан саклаш учун картон тусикни ишлатиш мумкин;
- Синфдаги энг ахлокий ва олижаноб ўқувчиларни аниқлаб, кўришида нуксони бўлган болага «юл бошловчи» ўқувчи қилиб тайинланса юқори натижага эришиш мумкин;
- Укитувчи синф тахтачасига ёзилган маълумотларни баланд овозда ўқиши талаб этилади;
- Кўришида нуксони бўлган бола маълумотларни эшитиш ва тактил сезгилари асосида эгалайдилар. Шунинг учун ҳам уларга буюмларни ушлаб кўриш имкониятини бериш керак;
- Укитувчи синфий мунозараларда ким гапираётганлигини кўришида нуксони бўлган бола билиши учун ҳар бир ўқувчининг исмини айтиб туриши керак.

Эшитишда нуксони бўлган болалар инклюзив таълимида синфларни ва дарс жараёнини мослаштириш

1. Эшитишда нуксони бўлган болани ўқитувчи ва доскага яқинроқ (3 метрдан ошмаслиги), синфдагиларнинг барчасини кўра оладиган жойга ўтказиш ;
2. Ўқитувчи дарс жараёнида факт синфга ўқувчиларга қараб дарс ўтиши, эшитмайдиган ўқувчиларни ўзига қаратиб дарс бошлаши; Укитувчи мавзунини тушинтираётган пайтда китоб ёки бошқа буюмлар билан юзини

бёкитмаслиги, доскадаги маълумотлар ҳақида тушунча бераётганда эса орқа томони билан туриб колмаслиги шарт. Чунки эшитишда нуқсони бўлган болаларнинг кўпчилиги ўқув материали, тушунтириш, мурожаат ва ҳ. к. о. ларни лабдан ўқиш асосида қабул қила оладилар;

3. Инклюзив синф хонаси яхши ёритилган бўлиши керак. Чунки эшитишда нуқсони бўлган болаларнинг ўқитувчи ва ўқувчиларнинг юзини, қўлларини ёки лабини яхши кўриши керак;

4. Эшитишда нуқсони бўлган болани бошқа болаларнинг лабини кўра олиши учун парталарни шунга мувофиқ тарзда жойлаштириш лозим;

5. Доимий равишда синфда шовкин кутармаслиги талаб этилади. Инклюзив синф хонаси мактабнинг таяч ва сокин тарафида бўлиши талаб этилади;

6. Ўқитувчи аниқ талаффуз ва баланд овозда лекин бакирмасдан гапириши тавсия этилади.

таянч-ҳаракат аъзолардаида инклюзив таълимида муаммолари бўлган болалар синфларни ва дарс жараёнини мослаштириш.

Енгил даражаги церебрал фалаж болани умумтаълим синфларда ўқитиш учун кўп нарса талаб этилмайди. Аммо оғир даражадаги церебрал фалаж болани умумтаълим тизимида ўқитиш синфни мослаштириш бир оз мураккаброқ. Бунинг учун синфни мослаштириш куйдаги имконияти чеклангана бўлиши мумкин:

1. Церебрал фалаж бола ўтирганда боши ва гавдасини тўғри тутиш учун масус уриндиклар;

2. Боланинг бўйини керакли даражада тута олиши учун махсус ўриндиклар;

3. Ўқитувчи ва тенгдошлар болани тушуна олишлари учун мулокат тахталари (масалан, расм ёки турли размий белгилардан ташкил топган тахталар);

4. Бола синфда ҳаракатлана олиши учун синф хонасининг деворлариёнига ёрдамчи воситалар куйиш;

5. Синф хона парталари церебрал фалаж боланинг аравачаси учун мослаштириш;

6. Агар боланинг нутқида оғир нуқсонлар бўлса мулокатнинг бошқа шакллардан, масалан расмлар ёки чизилган размий карточкалардан фойдаланиш мумкин. Улар синф тахтасига жойлаштирилса, бола ўз фикрини бу воситалар орқали ифода этади;

7. Болани саволлар беришга унданг, лекин унга ўз нутқи билан ёки бошқа воситалар орқали жавоб беришга фурсат беринг;

8. Комплекс ёрдам (тиббиёт ходими логопед, массажист ёрдами) турини ташкил этиш;

9. Тенгдошларидан бола билан ўзаро мулокат қилишларини суранг, чунки болалар доимо бир бирлари билан мулокат қилиш юлини топадилар;

Кул, оёғларни бошқара олишда кийналган болалар ёзишда жуда кўп қийинчиликларга учрайдилар. Шунинг учун уларнинг ёзишларга қушимча вақт

ажратиш лозим, ёки уларга маълумотнинг нусхаси берилиши ёки бошқа ўқувчи уларга ёзиб бериши мумкин.

Енгил даражадаги аклий ривожланишида муаммоси бўлган болалар инклюзив таълимида синфларни ва дарс жараёнини мослаштириш.

1. Аклий ривожланишида муаммоси бўлган болалар диққатини таркаклигини ҳисобга олиб партада ортиқча нарсалар бўлмаслиги керак;

2. Аклий ривожланишида муаммоси бўлган болалар тез чарчаб қолишини ҳисобга олган ҳолда, улар ҳаракатда бўлиш имконини берувчи топшириқлар бериб туриш («дафтарларни йиғ», «доскани тозала» каби);

3. Ҳар бир дарсда жисмоний дақиқа ўтказишни унутмаслик;

4. Синфда етакчилик қобилиятига эга бўлган ўқувчини аниқлаб, «синф бошқарувчиси» (имконияти чекланган ўқувчи) этиб тайинлаш (бу ўқувчидан ўқитувчи аклий ривожланишида муаммоси бўлган бола билан ишлаётганда кўпроқ фойдаланади);

5. Аклий ривожланишида муаммоси бўлган болаларни синфдаги энг аълочи ўқувчи билан бирга ўтказиш;

6. Дарсда асосий кўргазмалликка тайниш;

7. Аклий ривожланишида муаммоси бўлган болага топшириқларни қисмларга бўлиб бериш;

8. Болани рағбатлантиришни унутмаслик;

9. Усулларнинг хилма – хиллигидан доимий равишда фойдаланиш;

10. Ўйин методларига максимал даражада таяниш;

11. Бола топшириқни бажараётганда унга кушимча ёки амалий кўрсатма ҳам бериш;

12. Синф жамоасига аклий ривожланишида муаммоси бўлган боланинг ҳам ҳиссаси кушиладиган топшириқлар бериш;

13. Доимий равишда аклий ривожланишида муаммоси бўлган болани назорат остига олиш.

Синф ва гуруҳларда инклюзив таълим тушунчасини ривожлантириш.

Болалар онгида иркчилик, ногиронлик ҳамда имкониятлар кенглиги хусусида тўғри тушунчаларни шакллантириш инклюзив таълимнинг самарадорлигини оширишда жуда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Нотўғри тушунчаларнинг мавжудлиги сабабли имконияти чекланган болалар ҳақорати ва масхараланишига дучор бўлмоқдалар. Бундан ҳам аянчлиси шу каби салбий муносабатдаги хулк-атворни айрим ўқитувчиларнинг эътиборсиз қолдираётганлигидир. Таълим-тарбия самарадорлигини ошириш учун ҳам барча мактабларда ҳамма болалар учун тенг ҳуқуқли, сеvimли, дўстона илиқ муносабатдаги муҳитни яратиш лозим. Педагоглар барча синфларда болалар ўз ҳаётлари ва ҳис туйғуларини муҳофаза қила оладиган ўзоро қўллаб – қувватловчи ва ҳам жиҳатликдаги ижобий муҳитни яратишга ёрдам беришлари лозим; ўқувчилар онгига ногиронлик – алоҳидалик эмас, балки камчилиқни мажудлиги натижасида имкониятлар чегараланганлигини тушунтира билиш лозим. Ногирон болалардан куркиш, жирканиш ҳисларини юкотишга эришиш талаб этилади.

Педагоглар айрим ҳолатларда стереотипларни қўллашдан кочишлари ва ташабуслари қўллашдан кейин ҳам болалар олдида шарҳламасликлари лозим. Улар болаларга нима учун лакаб куйиш, масхара қилиш, салбий муносабатларни юзага келтиришини тушунтириб беришлари ва бунга юл куймасликлари талаб этилади.

Зарур бўлган ҳолатларда имконияти чекланган болаларда айрим ўқувчилар тамонидан билиралаётган салбий муносабатларни бутун синф билан муҳокама қилиш уринли ҳисобланади. Ижобий натижага эришиш учун охиргача курашиш лозим.

Ҳар бир муҳокама болаларнинг ютуқларининг унинг аввалги ютуқларига салиштириб, кайд этиб, такидлаб бориш муҳимдир. ўқувчилар билан турли хилдаги ва психологик тестлар ўтказишда боланинг иркига, ижтимоий келиб чиқишига, жинси ва ногиронликка оид саволларни бермаслик айти муддао.

Уқитувчилар ишларини ва уларнинг ютуқларини барча соҳаларида мактаб ва мактабдан ташқари ишларда намоиш қилиб бориш керак. Дарсларга материаллар тайёрлашда имконияти чекланган боланинг ижод намуналарини ҳам қўллаш жуда самара беради.

Китоб, плакатлар ва дастурларни қўллаётиб, шунга ишонч ҳосил қилиш керакки, улар инклюзив таълимга мос келиши керак. Мактаблар очик бўлиши, ўқувчилар, ота-оналар ва педагоглар мулоқат қила билиши керак.

Аравача юрадиган ёки хасса ва бошқа мосламалар орқали ҳаракатланувчи болалар учун синфдаги ҳаракатланиш жойларини етарли эканлигига ишонч қилиш учун қуйидагиларга эътибор беринг:

- Қўриш ва эшитиш қийинчиликларига эга болалар гилам ва парталар орасида бутун синф фаолиятида иштирок эта оладиган тарзда ўтирганларига ишонч ҳосил қилинг.

- Таълим олишда қийинчиликка учрайдиган ва бунда таълим олиш имкониятларини қўллаш олишларига ишонч ҳосил қилинг.

- Турли хил тиббий муаммоларга эга болаларнинг айримлари тез-тез овқатланиш, суюқлик имконияти чекланганиш ёки бошқаларга қараганда кўпроқ бориш эҳтиёжига эга бўладилар. Бундай болалар ўзларини ноқулай ҳис этмасликлари учун зарур шарт-шароитларини яратишга эътибор қаратинг.

- Узоқ муддат тик тура олмайдиган болалар ҳам эътибордан четда қолдирманг.

- Агар болага диққатни жамлаш ёки кўринмас яшириш (аутизм ёки гиперфаоллик натижасида диққатнинг етишмаслиги) натижасида тинч утиришга қийналса, бошқа ўқувчилар айтилган вазифалар билан машғул бўлсалар ҳам диққати тарқок ўқувчиларнинг бир нафас дам олишларига имкон беринг.

2005 йилнинг 19 сентябрь куни ХТВнинг 234-сонли буйруғи билан «Имконияти чекланган болалар ва ўсмирлар учун инклюзив таълим

тўғрисида муваққат Низом»и тасдиқланди. Ушбу Низомда инклюзив таълим тизимининг мақсад, вазифалари белгилаб берилган.

«Имконияти чекланган болалар ва ўсмирлар учун нклюзив таълим муваққат Низом» асосида Республикамизда инклюзив таълим тизимининг ҳуқуқий-ижтимоий асослари яратилди, низомнинг 4-бандида инклюзив таълим тизимида ўқув тарбия жараёнини ташкил этишнинг қуйидаги масалалари қайд этилган:

Инклюзив таълимни ташкил этилган барча умумтаълим мактабларида имконияти чекланган болалар ва ўсмирларга нисбатан дўстона муносабат руҳи шаклланади.

Инклюзив таълим амалга оширилаётган умумтаълим мактабларида Давлат Таълим стандартларига илова сифатида имконияти чекланган болалар ва ўсмирлар учун коррекцион дастурлар ҳам инobatга олинади, махсус коррекцион ишларни амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратилади (махсус жиҳозланган коррекция хонаси, махсус инфраструктура).

Инклюзив таълим амалга оширилаётган умумтаълим мактабларида тайёрлов гуруҳ ва биринчи синфларида 35 дақиқа ва бошқа синфларда 45 дақиқадан дарслар олиб борилади.

Имконияти чекланган болалар ва ўсмирлар билимлари уларнинг шахсий хусусиятлари ва қобилиятларига асосланган ҳолда белгиланган тартибда баҳоланади.

Таълим жараёнида замонавий умумдидактик тамойиллар билан бир қаторда махсус тамойиллар ҳам эътиборга олинади.

Коррекцион таълим ўқувчиларнинг эҳтиёжларига кўра табақалаштирилган ҳолда ташкил этилади.

Инклюзив таълим амалга оширилаётган умумтаълим мактабига ўқувчилар ота-оналарнинг аризаси ҳамда «Тиббий-психолого-педагогик комиссия»лари хулосалари асосида қабул қилинади ва таълим муассасалари раҳбарлари бўйруғи билан тасдиқланади.

Инклюзив таълим амалга оширилаётган умумтаълим мактабидаги синфларида интеграция қилинган ўқувчилар сони 4 нафардан оширилмайди ҳамда ўқувчилар умумий сони 25 нафаргача деб белгиланади.

Шунингдек, мазкур Низомда инклюзив таълим иштирокчилари, инклюзив таълим мутахассисларининг ота-оналар ёки бошқа қонуний вакиллар билан ҳамкорлиги, халқаро ҳамкорликда қатнашиш хусусиятлари батафсил баён этилган.

Имконияти чекланган болаларни инклюзив таълим тизимида таълим олишини янада такомиллаштириш, амалиётда учрайдиган муаммоларнинг ечимларини давлат ва нодавлат ташкилотлар ҳамкорлигида ҳал қилиш масалалари юзасидан қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди:

- коррекцион таълим структурасини сифат жиҳатдан янгилаш;
- республиканинг ижтимоий иқтисодий ривожланишини ҳисобга олган ҳолда босқичма-босқич тўлиқ интеграциясига амал қилиш;
- давлат норматив ҳужжатларига инклюзив таълимни жорий этиш бўйича қўшимчалар киритиш ёки тадбирлар ишлаб чиқиш ва тасдиқлашни давлат даражасига олиб чиқиш;

- бинони уларга мос равишда реконструкция қилиш;
- умумтаълим тизимида таълим олаётган махсус эҳтиёжли болалар учун зарурий моддий техник баъзани яратиш;
- инклюзив таълимни ташаббускорлик, меҳр-мурувват тарзида ташкил этиш;
- мактабнинг иш фаолиятига инклюзив таълимни амалга ошириш борасида ўзгаришлар киритиш;
- умумтаълим муассаса педагоглари инклюзив таълим бўйича қайта тайёрлаш;
- барча педагогика олийгоҳларида ва ўрта махсус ўқув юртларида коррекцион педагогик курсларни киритилиши;
- коррекцион Давлат таълим талаблари ва дастурларни имконияти чекланган боланинг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда мослаштириширилган, ишлаб чиқиш;
- умумтаълим, махсус мактаб педагоглари, ота-оналар учун ўқув-методик ва илмий оммабоп, ихчам турдаги ўқув адабиётлар ва индивидуал дастурлар яратиш;
- ногирон болани илк ёшидан ташхис қилиш ва кррекцион педагогик ёрдам бериш;
- имконияти чекланган болаларни умумтаълим тизимида умумий ва кррекцион таълим олишини илмий асослари, стандарт талаблар, ўқув-методик мажмуаларни яратиш ва таъминлаш;
- касб-хунарга ўргатиш, реабилитация қилиш ва бу ишда оилани бевосита иштирокини таъминлаш каби бир қатор долзарб масалаларни келажакда кенг қамровли бажариш учун давлат тасарруфида мувофиқлаштирувчи илмий-педагогик ресурс маркази, бошқарма, илмий лабораториялар ташкил қилиш каби ташкилий, илмий-услубий, амалий ишларни бажариш инклюзив таълимни жорий қилиш муваффақиятини таъминлайди.

Имкониятлари чекланган болаларнинг, ҳоҳ у махсус мактаб, мактабгача муассасалар бўлсин, ҳоҳ умумтаълим муассасалари қошидаги синф ёки гуруҳлар бўлсин, ҳоҳ уйда таълим олиш бўлсин, ўқитишнинг барча шакллари, таълим соҳасига жалб қилиниши маълум жиҳатдан интеграция жараёни ҳисобланади, чунки ўқиш даврида ва ундан кейин ҳам бу болалар бошқа болалар, шу жумладан умумтаълим муассасаларда таълим олаётган болалар билан ўзаро мулоқотда бўладилар, уларнинг ижтимоий мослашуви ва жамиятга уйғунлашуви таъминланади. Бироқ, таълим олиш учун мос шарт-шароитларни танлаш ҳар бир боланинг ва ота-онасининг ҳуқуқи ҳисобланади. Психологик-тиббий-педагогик комиссия мутахассислари зиммасига боланинг руҳий-жисмоний ҳолатини ўрганиш ва ташхис қилиш вазифаси юкланган бўлиб, болани ҳар томонлама текшириш натижасида болаларни ўқитиш ва уларга мос келадиган таълим шароитини аниқлашга доир тавсиялар берилади. Шундай қилиб, ўзига хос эҳтиёжлари бўлган боланинг умумтаълим соҳасига самарали жалб қилиниши учун қуйидагилар зарур:

- боланинг ривожланишида ижобий натижаларга эришишга имкон берадиган коррекцион тадбирларни эрта ёшдан бошлаш

– умумий таълимга жалб қилинган ҳар бир бола учун тиббий-психологик-педагогик кузатувни, яъни мутахассисларнинг доимий ёрдамини ташкил этиш;

– руҳий-жисмоний ривожланиши ва таълим эҳтиёжларидан келиб чиқиб, имкониятлари чекланган ҳар бир боланинг соғлом болалар билан биргаликда тарбия ва таълим олишининг зарур шакллари танлашни таъминлаш;

Умумий қоидалар.

Инклюзив таълимга ўтиш масаласи Ўзбекистонда ратификация қилинган болалар ҳуқуқлари ва ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга асосланади. Аммо инклюзив таълимга ўтишга, бундай ёндашув учун нафақат мос келадиган ҳуқуқий базани яратиш ва шунингдек зарур бўлган шароитларни яратишга;

– кадрларни тайёрлаш;

– ногиронларни касбий реабилитациясини таъминлаш;

– жамиятни тўғри ва ижобий фикрлашига;

– давлат таълим стандартларини мослаштириш ва тасдиқлаш каби

– Чунончи умумтаълим муассасалари шароитини имконияти чекланган болаларга мослаштириб таълим ва тарбия бериш натижасида болалар ўртасида дўстона муносабатлар шаклланиб боради. Бундай болалар ва ўсмирларнинг ижтимоий жамиятга эрта ва тўлақонли мослашувлари таъминланади.

Инклюзив таълимни Ўзбекистон Республикасида жорий қилишнинг яна бир афзаллик томони шундаки, махсус таълим муассасалари мавжуд бўлмаган жойларда ҳам имконияти чекланган болаларни умумтаълим тизимига тўлиқ жалб қилинишига имконият яратилади.

Назорат саволлари:

1. Инклюзив таълим тушунчаси. Инклюзив таълимнинг ҳуқуқий-меъёрий асосларини айтиб беринг.

2. Ўзбекистонга инклюзив таълимнинг кириб келиши. Инклюзив таълимнинг тадбиқ этишдаги тўсиқлар ва муаммони санаб беринг.

3. Инклюзив таълимнинг компонентлари. Кадрларнинг аҳамияти Инклюзив таълимнинг жорийланишида таълим иштирокчиларининг ўрни ва амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларини айтиб беринг.

Адабиётлар рўйхати:

1. Аксенова Л.А. Социальная педагогика в специальной образовании. – М.: Академия, 2001

2. Пўлатова П. ва бошқалар. Махсус педагогика. “Фан ва технология” нашриёти, Т.: 2014 й.

3. Назарова Н.М. Сравнительная специальная педагогика. М.: «Академия», Т.: 2012г.

4. Йўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 2004.

5. Чичерина Я., Нуркелдиева Д., Бондарева Е. Мутахассислик фанларни ўқитиш методикаси. Т.: “Фан ва технологиялар,” Т.: 2013й.

6. Чичерина Я., Нуркелдиева Д., Бондарева Е. Инновационные подходы в подготовке кадров - дефектологов (монография). Т.: “Навруз”, 2014 г.

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ

1-Амалий машғулот

Дефектологлар тайёрлашнинг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларидан ДТС ва ўқув режани таҳлил қилиш.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ таълим сифати Давлат таълим стандартлари (ДТС) билан таъминланиши. ДТС асосида ўқув режаларини ишлаб чиқиш. Ўқув режалари асосида фан дастурларининг яратилиши. Фан дастурлари асосида дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг яратилиши. Дефектологлар тайёрлашнинг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг яратилишида узвийликни таъминланиши.

Мамлакатимизда «Дефектология» таълим йўналиши бўйича олий таълим модели, унинг мақоми ва структураси кўп жиҳатдан олий таълим анъаналари билан, ўрганиладиган фанлар мазмуни эса – дефектологиянинг фан ва амалий соҳа сифатида эришган ютуқлари билан белгиланади. Мазкур моделга мувофиқ, таълимнинг биринчи босқичи бакалавр даражасини (талаба 4 йиллик дастур бўйича таълим олади) беришни кўзда тутди. Бакалавр даражаси умумий касбий маълумот олишни таъминлайди. Кўп босқичли тизимнинг иккинчи босқичи – магистр даражасини беришни кўзда тутди. Бу даражани олиш учун бакалаврият босқичини тамомлагандан кейин икки йиллик таълим курсини ўташ лозим. Магистрлик дастурлари ўрганиладиган фан соҳаларининг бири бўйича ихтисослаштирилган таълим олишдан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ги Қонунига мувофиқ таълим сифати Давлат таълим стандартлари (ДТС) билан таъминланади, уларда таълим жараёнининг қурилиш тамойиллари, ўқув дастурининг тузилиши ва мазмуни, кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, мажбурий компонентлар (ўқув фанлар рўйхати), таълим натижалари ва компетенциялар тавсифи ҳақида батафсил ахборот жамланади. ДТС шундай ҳуқуқий ҳужжат саналадики, унинг асосида ОТМ фаолияти белгиланади, ундан ОТМ маъмурияти каби давлат назорат органлари томонидан ҳам бошқарув ҳужжати сифатида фойдаланилади.

ДТС асосида ўқув режалари ишлаб чиқилади ва тасдиқланади. Гарчи мутахассислик бўйича таълим стандарти бўлажак мутахассис ўзлаштириши лозим бўлган фанлар рўйхатини, ҳар бир фанга ажратиладиган ўқув соатлари ҳажмини ўз ичига олса-да, бу рўйхатни ўқув режа деб ҳисоблаб бўлмайди, зеро унда ўқув топшириқларининг курс ва семестрлар бўйича тақсимланиши кўзда тутилмайди. Бу мақсадга фақат ўқув режада эришилади, ўқув режа ҳам давлат ҳужжати саналади.

Ўқув режа аввало мутахассислик номини белгилайди, малака ва ўқиш муддатини белгилайди. Кейин у ёки бу йўналиш бўйича мутахассис тайёрлаш учун зарурий фанлар рўйхати белгиланади. Ўқув фанлари бешта асосий гуруҳга бўлинади. Булар:

- гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар;
- математик ва табиий-илмий фанлар;
- умумкасбий ва мутахассислик фанлари;
- ихтисослик фанлари;
- таълимнинг қўшимча турлари.

Режада шунингдек у ёки бу фаннинг қайси курс ва семестрда ўқитилиши, уни ўрганиш учун ажратиладиган соатлар миқдори, ҳисобот тури (синов, имтиҳон, рейтинг) кўрсатилади. Мажбурий фанлар билан бир қаторда ОТМ кафедралари талабаларга танлов фанларини, ОТМ томонидан белгиланган ихтисослик фанларини ҳам таклиф қилади. Бундан ташқари, мутахассислик ўқув режасида амалиёт турларини ўташ муддатлари, курс ва диплом лойиҳалари (ишлари) ни тайёрлаш, бу лойиҳаларни ҳимоя қилиш ва давлат аттестацияларини ўтказиш муддатлари кўрсатилади. Бу ишларнинг бутун ҳажми маълум умддатларга жойлаштирилиши лозим.

Бакалавриятнинг дефектологов таълим йўналиши ўқув режасида бешта фан блоки ажратилади. Булар:

1. Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар (режага мувофиқ 1704 ўқув соати ҳажмида). Гуманитар фанлар сирасига Ўзбекистон таризи, ҳуқуқшунослик ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, фалсафа (этика, эстетика, мантиқ), маънавият асослари ва диншунослик, маданиятшунослик, иқтисодий назария, социология, педагогика ва психология, миллий ғоя, сиёсатшунослик, ўзбек ва чет тили, жасмоний маданият ва спорт каби фанлар киритилади. .

2. Математик ва табиий-илмий фанлар (858 соат). Математик-коммуникатив курс ўз ичига қуйидаги фанларни олади: олий математика асослари, информатика ва ахборот технологиялари. Табиий фанлар сифатида талабалар ёш физиологияси ва гигиена, экология ва уни муҳофаза қилиш, анатомия (одам генетикаси), табиий фанлар замонавий концепцияси кабиларни ўрганади.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда олий дефектологик таълим талабаларнинг кенг умумиомий ва умуммаданий тайёргарлиги билан ажралиб туради. Кўрсатиб ўтилган блокларда умумтаълим фанларининг ҳиссаси жами ўқув соатларининг 27,6% ини ташкил қилади, бу халқаро амалиётда қабул қилинган стандартларга умуман мос келадли. Бунда аудитория соатларининг 59,1% и

амалий машғулотларга ажратилади, талабаларнинг мустақил ишлари аудитория соатларининг 80,3% ини ташкил қилади.

3. Умумкасбий фанлар: психологик-педагогик фанлар (умумий педагогика, умумий психология, махсус педагогика, махсус психология). Умумий назарий курслар: дефектологиянинг клиник асослари, она тили, болалар адабиёти ва фольклор). Ўқитиш методикалари курси: рифожланишида нуқсони бўлган болаларни ташҳислаш, математика ўқитиш махсус методикаси, Диагностика детей с недостатками в развитии, она тили ўқитиш махсус методикаси,, коррекцион ишлар методикаси, тарбиявий ишлар махсус методикаси, тасвирий санъат ўқитиш махсус методикаси, меҳнат ўқитиш махсус методикаси, табиатшунослик ўқитиш махсус методикаси.

Бу блока ажратилган соатлар 3672 ёки умумий соатлар миқдорининг 39,5% ини ташкил қилади. Мустақил таълим аудитория ишининг 45,3% ига тенгдир.

4. Ихтисослик фанлари: олигофренопедагогика, логопедия ва сурдопедагогика. Мазкур фанларни ўқитишга 660 соат ёки умумий ўқув юкламанинг 7% и ажратилади. Аудитория ва мустақил ишларга тенг – 330 соатлан ажратилади.

5. Қўшимча фанлар: тиббий тайёргарлик, чет тили, соғлом турмуш тарзи асослари. Бу фанларни ўқитишга , жами 450 соат, яъни ўқув юкламасининг 4,8% фоизи ажратилади.

Қўшимча, 810 соат педагогик амалиётга, 216 соат битирув малакавий ишга ва 918 соат давлат аттестациясига ажратилади.

Мутахассислик бўйича ихтисослик (махсус) фанларга жами бўлиб 4332 ажратилади, бу ўқув юкламанинг 46,6% ини ташкил қилади.

Ўқув режа асосида ўқув курсларини ўқитиш дастурлари ишлаб чиқилади. Турли курсларда (босқичларда), турли гуруҳларда ёки турли мутахассислик йўналишларида ўқитиладиган айни бир фан ажратилган соатлар, ихтисослик йўналишининг ўзига хосликлари (лого, сурдо) ва ш.к. нуқтаи назаридан деталлаштирилиши керак. Айнан бир фан бўйича айнан битта ўқитувчи бир неча ишчи дастурга эга бўлиши мумкин, улар ўқитувчига материални таълимнинг муайян шароитларидан келиб чиққан ҳолда тақсимлашда қўл келади.

Маъруза, лаборатория ва амалий машғулотларни ўтказиш календар (таквим) режалари ўқитувчи томонидан ишчи дастур асосида ишлаб чиқилади ва кафедра мудири томонидан тасдиқланади.

Стандартлар ва таълим жараёнини ташкил қилишга қўйиладиган талабларга мувофиқ, ўқув йили давомида бир неча марта талабалар: бакалавр ва магистрларнинг семестр давомида ўқиладиган ҳар бир фан бўйича билим,

кўникма ва малакаларини оралиқ баҳолаш ўтказилади. Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг барча типларида 1999 йилдан рейтинг тизими (минимум – 56 балл, максимум – 100 балл) жорий қилинган. Тизим талабаларнинг мустақил ўқишлари учун академик соатлар ажратиш, шунингдек ҳар бир семестр охирида талабалар билимларини баҳолашни кўзда тутди. Бунда қўйидагича рейтинг схемасидан фойдаланилади: 86-100 балл – «аъло» (5); 71-85 балл – «яхши» (4); 56-70 балл – «қониқарли» (3); 55 дан кам балл – «қониқарсиз».

Баҳолаш натижалари асосида ўқишни муваффақиятли тамомлаган талабаларни таълим дастурининг кейинги йилига ўтказиш қида қарор чиқарилади. Йиллик ўқув дастури талаблари бажарилмагани ҳолда таълимнинг кейинги йилига ўтказиш мумкин эмас.

Барча типдаги ОТМ да таълимни тамомлаш учун битирувчилар иш берувчилар иштирокида мажбурий якуний имтиҳон (аттестация) топшириши шарт. Бунда иш берувчилар талабалар тайёрлашнинг мувофиқлиги ва сифатини баҳолаш имконига эга бўлади. бакалавриятни тамомлаш учун талабалар шунингдек битирув малакавий ишини, магистралар эса магистрлик диссертациясини тайёрлаши ва ҳимоя қилиши лозим.

1-амалий машғулот:
Дефектологлар тайёрлашнинг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларидан ДТС
ва ўқув режани таҳлил қилиш.
Таълим технологияси модели

Тингловчилар сони-	Ўқув соати – 2 соат
Ўқув машғулотивининг шакли	Амалий
Ўқув машғулотивининг тузилиши	1.Амалий машғулотивга тайёргарлик. 2.Вазифаларни эълон қилиш. 3.Саволларга жавоб бериш. 4.Гуруҳларда ишлаш. 5.Гуруҳлар тақдимоти. 6.Мавзуни мустаҳкамлаш. 7.Мустақил вазифалар бериш.
Ўқув машғулотивининг мақсади	Тингловчиларда талабалар билимини баҳолашнинг объективлигини таъминловчи назорат турларини ташкил этиш малакаларини такомиллаштириш.
<u>Педагогик вазифалар:</u> 1. Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш рейтинг тизими тўғрисида НИЗОМ таҳлили; 2. педагогик назорат турларида педагогик назорат шаклларида ўринли фойдаланиш кўникмасини шакллантириш; 3. нутқ маданияти ва нутқ техникасидан фойдаланиш малакаларини такомиллаштириш; 4. педагогик технологиялардан фойдаланиш малакасини такомиллаштириш;	<u>Ўқув фаолиятининг натижалари:</u> 1. Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш рейтинг тизими тўғрисида тушунчалари кенгайди; 2. педагогик назорат турларида педагогик назорат шаклларида ўринли фойдаланиш кўникмаси шаклланади; 3.нутқ маданияти ва нутқ техникасидан фойдаланиш малакаларини такомиллаштирилади; 4. педагогик технологиялардан фойдаланиш малакасини такомиллаштирилади
Ўқитиш усуллари	Сухбат, баҳс-мунозара, амалий топшириқ.
Ўқитиш шакллари	Якка, гуруҳли
Ўқитиш шарт-шароитлари	Техник воситалардан фойдаланишга ва кичик гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория.
Маниторинг ва баҳолаш	Оғаки назорат, жадвални тўлдириш.

Амалий машғулотнинг технологик картаси

Босқичлар	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Тингловчилар
Тайёргарлик Босқичи	1.Тингловчиларни мазкур мавзусидаги амалий машғулот мавзуси, режаси ҳамда тайёргарлик учун адабиётлар ройхати билан таништирилади. (1-илова).	Амалий машғулотнинг режаси билан таништирилади, машғулотга тайёргарлик кўрадилар.
1-босқич. Ўқув машғулотга кириш (10-минут)	1.1. Ўқув машғулотнинг мавзуси мақсади, режалаштирилган натижаси эълон қилинади.	1.1.Тинглайдилар, ёзиб оладилар.
	1.2. Гуруҳларга бўлинади. Гуруҳларда ишлаш қоидалари билан танишадилар “ақлий хужум” технологияси (2-илова).	1.2.Саволга оғзаки жавоб берадилар.
2-босқич. Асосий босқич. Кичик гуруҳларда ишлаш (55- минут).	2.1. Ҳар бир гуруҳга амалий топшириқларни ёзма равишда бажариш топшириғи берилади. “Топшириқлар бўрони” (3-илова)	2.1. Саволларга оғзаки ва ёзма жавоб берадилар
	2.2. Кичик гуруҳларда ишлаш давомида уларнинг ишларини кузатади, кўрсатмалар беради.	2.2.Гуруҳларга бўлинган тингловчилар ўзларининг саволларини логопед ва ўқитувчига берадилар, методик ёрдам оладилар
	2.3. Гуруҳларнинг тақдироти тингланади.	2.3.Тақдирот қилишади, қўшимчалар қилишади, баҳслашадилар, саволлар юзасидан баҳс-мунозара юритадилар.
	2.4. Мавзу бойича билимларни умумлаштиради.	2.4. Мавзу бойича билимлари умумлашади.
3-босқич. Якуний босқич яқунловчи 15-минут.	3.1. Вазифани бажариш жараёнида қилинган хулосалар берилган жадвални тўлдириш асосида чиқарилади. Иш яқунларини эълон қилади.	3.1. Жадвални тўлдирадилар. Тинглайдилар ва ёзиб оладилар. Фикр ва мулоҳаза билдирилади.
	3.2.Дарсда фаол иштирок этган тингловчиларни баҳоланади	3.2.Рағбатлантирилади.
	3.3.Мустақил иш учун вазифа беради.	3.3. Тинглайдилар ва ёзиб оладилар.

Амалий машғулоти мавзуси:

Дефектологлар тайёрлашнинг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларидан фан дастури ва ишчи фан дастурларини таҳлил қилиш

Амалий машғулоти режаси:

1. Ўқув режалари асосида яратилган фан дастурларини ўрганиш ва таҳлил этиш.

2. Фан дастурлари асосида яратилган ишчи фан дастурларини ўрганиш ва таҳлил этиш.

Ўқув режалари асосида фан дастурларининг яратилиши. Фан дастурлари асосида дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг яратилиши. Дефектологлар тайёрлашнинг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг яратилишида узвийликни таъминланиши.



Фойдаланилган асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар ройхати

Асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар

1. A Handbook for Teaching and Learning in Higher Education, published 2009 by Routledge 270 Madison Ave, New York, NY 10016

2. Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси. Я.Е.Чичерина, Д.А.Нуркелдиева, Д.Б.Якубжанова, ўқув қўлланма, Тошкент -2013 й

Қўшимча адабиётлар

1. “Сасе-студй” услуби: назария, амалиёт ва тажриба. А.А.Абдуқодиров, Ф.А.Астанова, Ф.А.Абдуқодирова, “Тафаккур қаноти”, Тошкент - 2012

2. Практики интерактивного обучения: метод. пособие / И.И. Голованова, Е.В. Асафова, Н.В. Телегина. – Казан: Казан. ун-т, 2014. – 288 с.

Ақлий хужум

1. Таълим тўғрисидаги қонунга мувофиқ таълим сифати қайси хужжат билан белгиланади?
2. ДТС да таълим натижалари ва компетентсиялар тавсифи ҳақида қандай ахборотлар жамланади?
3. ДТС қандай хужжат сифатида фойдаланилади?
4. Ўқув режа нимага асосланиб ишлаб чиқилади?
5. Ўқув режада аудитория соатларини аудитори соатларини неча % и амалий машғулотларга ажратилади.
6. Ўқув режа нималарни белгилайди?

Амалий топшириқни бажаринг!

1. Дефектология таълим йўналиши ДТС билан танишиб чиқинг ва уни таҳлил қилинг.
2. Дефектология таълим йўналиши намунавий ва ишчи ўқув режасини таҳлил қилинг уларни фарқли томонини изоҳланг.

Т-Жадвал

Мазкур жадвални тўлдириг!

ДТС нинг таркибий қисми	Ўқув режанинг таркибий қисми

2-амалий машғулот:
Дефектологлар тайёрлашнинг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларидан фан
дастури ва ишчи фан дастурларини таҳлил қилиш.
Таълим технологияси модели.

Тингловчилар сони-	Ўқув соати – 2 соат
Ўқув машғулотининг шакли	Амалий
Ўқув машғулотининг тузилиши	1.Амалий машғулотга тайёргарлик. 2.Вазифаларни эълон қилиш. 3.Саволларга жавоб бериш. 4.Гуруҳларда ишлаш. 5.Гуруҳлар тақдимоти. 6.Мавзуни мустаҳкамлаш. 7.Мустақил вазифалар бериш.
Ўқув машғулотининг мақсади	Тингловчиларда талабалар билимини баҳолашнинг объективлигини таъминловчи назорат турларини ташкил этиш малакаларини такомиллаштириш.
<u>Педагогик вазифалар:</u> 1. Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш рейтинг тизими тўғрисида НИЗОМ таҳлили; 2. педагогик назорат турларида педагогик назорат шаклларида ўринли фойдаланиш кўникмасини шакллантириш; 3. нутқ маданияти ва нутқ техникасидан фойдаланиш малакаларини такомиллаштириш; 4. педагогик технологиялардан фойдаланиш малакасини такомиллаштириш;	<u>Ўқув фаолиятининг натижалари:</u> 1. Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш рейтинг тизими тўғрисида тушунчалари кенгайди; 2. педагогик назорат турларида педагогик назорат шаклларида ўринли фойдаланиш кўникмаси шаклланади; 3.нутқ маданияти ва нутқ техникасидан фойдаланиш малакаларини такомиллаштирилади; 4. педагогик технологиялардан фойдаланиш малакасини такомиллаштирилади
Ўқитиш усуллари	Сухбат, баҳс -мунозара, амалий топшириқ.
Ўқитиш шакллари	Якка, гуруҳли
Ўқитиш шарт-шароитлари	Техник воситалардан фойдаланишга ва кичик гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория.
Маниторинг ва баҳолаш	Офаки назорат, жадвални тўлдириш.

Амалий машғулотнинг технологик картаси

Босқичлар	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Тингловчилар
Тайёргарлик Босқичи	1.Тингловчиларни мазкур мавзусидаги амалий машғулот мавзуси, режаси ҳамда тайёргарлик учун адабиётлар ройхати билан таништирилади. (1-илова).	Амалий машғулотнинг режаси билан таништирилади, машғулотга тайёргарлик кўрадилар.
1-босқич. Ўқув машғулотга кириш (10-минут)	1.1. Ўқув машғулотнинг мавзуси мақсади, режалаштирилган натижаси эълон қилинади.	1.1.Тинглайдилар, ёзиб оладилар.
	1.2. Гуруҳларга бўлинади. Гуруҳларда ишлаш қоидалари билан танишадилар “беш минутли эссе” технологияси (2-илова).	1.2.Саволга оғзаки жавоб берадилар.
2-босқич. Асосий босқич. Кичик гуруҳларда ишлаш (55- минут).	2.1. Ҳар бир гуруҳга амалий топшириқларни ёзма равишда бажариш топшириғи берилади. “Амалий топшириқни бажаринг!” (3-илова)	2.1. Саволларга оғзаки ва ёзма жавоб берадилар
	2.2. Кичик гуруҳларда ишлаш давомида уларнинг ишларини кузатади, кўрсатмалар беради.	2.2.Гуруҳларга бўлинган тингловчилар ўзларининг саволларини логопед ва ўқитувчига берадилар, методик ёрдам оладилар
	2.3.Хукукий-меъёрий хужжатлар бўйича “Консептуал жадвал” тўлдириш	2.3.жадвал тўлдирилади
	2.4. Мавзу бойича билимларни умумлаштиради.	2.4. Мавзу бойича билимлари умумлашади.
3-босқич. Якуний босқич яқунловчи 15-минут.	3.1. Вазифани бажариш жараёнида қилинган хулосалар берилган жадвални тўлдириш асосида чиқарилади. Иш яқунларини эълон қилади.	3.1. Жадвални тўлдирадилар. Тинглайдилар ва ёзиб оладилар. Фикр ва мулохаза билдирилади.
	3.2.Дарсда фаол иштирок этган тингловчиларни баҳоланади	3.2.Рағбатлантирилади.
	3.3.Мустақил иш учун вазифа беради.	3.3. Тинглайдилар ва ёзиб оладилар.

Амалий машғулоти мавзуси:

Дефектологлар тайёрлашнинг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларидан фан дастури ва ишчи фан дастурларини таҳлил қилиш

Амалий машғулоти режаси:

1. Ўқув режалари асосида яратилган фан дастурларини ўрганиш ва таҳлил этиш.

2. Фан дастурлари асосида яратилган ишчи фан дастурларини ўрганиш ва таҳлил этиш.

Ўқув режалари асосида фан дастурларининг яратилиши. Фан дастурлари асосида дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг яратилиши. Дефектологлар тайёрлашнинг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг яратилишида узвийликни таъминланиши.



Фойдаланилган асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар ройхати

Асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар

1. А Ҳандбоок фор Теачинг анд Леарнинг ин Ҳигхер Эдусатион, публишед 2009 бй Роутледге 270 Мадисон Аве, Нью Ёрк, НЙ 10016

2. Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси. Я.Е.Чичерина, Д.А.Нуркелдиева, Д.Б.Якубжанова, ўқув қўлланма, Тошкент -2013 й

Қўшимча адабиётлар

3. “Сасе-студй” услуби: назария, амалиёт ва тажриба. А.А.Абдуқодиров, Ф.А.Астанова, Ф.А.Абдуқодирова, “ТЪафаккур қаноти”, Тошкент - 2012

4. Практики интерактивного обучения: метод. пособие / И.И. Голованова, Е.В. Асафова, Н.В. Телегина. – Казан: Казан. ун-т, 2014. – 288 с.

“Беш минутли Эссе”

Беш дақиқа мобайнида “Дефектологлар тайёрлашнинг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларидан фан дастури ва ишчи фан дастурларини таҳлил қилиш” мавзусида ўз фикрингизни қоғозга туширинг!

3-илова

“Амалий топшириқни бажаринг!”

1. Намунавий фан дастурини таҳлил қилинг.
2. Ўзингизни фанингиз бўйича ишчи фан дастурини тайёрлаш технологиясини ёритинг.
3. Намунавий фан дастури билан ишчи фан дастурини қиёсий таҳлил қилинг.
4. Намунавий фан дастурида фан бўйича талабаларнинг билимига, кўникма ва малакасига қўйилган талабларни изохлаб беринг.

4-илова

“Концептуал жадвал”

Ҳукукий-меъёрий ҳужжатлар	Тузилиши	Қайси меъёрий ҳужжат асосида яратилади	Ким томондан тасдиқланган
ДТС			
Ўқув режа			
Намунавий фан дастур			
Ишчи фан дастури			
Таквим режа			

3-амалий машғулот:

Дефектология фанларини ўқитишда инновацион технологияларга асосланган маъруза машғулотларини лойиҳалаш ишларини бажариш.
Таълим технологияси модели.

Тингловчилар сони-	Ўқув соати – 2 соат
Ўқув машғулотининг шакли	Амалий
Ўқув машғулотининг тузилиши	1.Амалий машғулотга тайёргарлик. 2.Вазифаларни эълон қилиш. 3.Саволларга жавоб бериш. 4.Гуруҳларда ишлаш. 5.Гуруҳлар тақдими. 6.Мавзунини мустахкамлаш. 7.Мустақил вазифалар бериш.
Ўқув машғулотининг мақсади	Тингловчиларда талабалар билимини баҳолашнинг объективлигини таъминловчи назорат турларини ташкил этиш малакаларини такомиллаштириш.
<u>Педагогик вазифалар:</u> 1. Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш рейтинг тизими тўғрисида НИЗОМ таҳлили; 2. педагогик назорат турларида педагогик назорат шаклларида ўринли фойдаланиш кўникмасини шакллантириш; 3. нутқ маданияти ва нутқ техникасидан фойдаланиш малакаларини такомиллаштириш; 4. педагогик технологиялардан фойдаланиш малакасини такомиллаштириш;	<u>Ўқув фаолиятининг натижалари:</u> 1. Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш рейтинг тизими тўғрисида тушунчалари кенгайди; 2. педагогик назорат турларида педагогик назорат шаклларида ўринли фойдаланиш кўникмасини шаклланади; 3. нутқ маданияти ва нутқ техникасидан фойдаланиш малакаларини такомиллаштирилади; 4. педагогик технологиялардан фойдаланиш малакасини такомиллаштирилади
Ўқитиш усуллари	Сухбат, баҳс -мунозара, амалий топшириқ.
Ўқитиш шакллари	Якка, гуруҳли
Ўқитиш шарт-шароитлари	Техник воситалардан фойдаланишга ва кичик гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғаки назорат, жадвални тўлдириш.

Амалий машғулотнинг технологик картаси

Босқичлар	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Тингловчилар
Тайёргарлик Босқичи	1.Тингловчиларни мазкур мавзусидаги амалий машғулот мавзуси, режаси ҳамда тайёргарлик учун адабиётлар ройхати билан таништирилади. (1-илова).	Амалий машғулотнинг режаси билан таништирилади, машғулотга тайёргарлик кўрадиладар.
1-босқич. Ўқув машғулотга кириш (10-минут)	1.1. Ўқув машғулотнинг мавзуси мақсади, режалаштирилган натижаси эълон қилинади. 1.2.Гуруҳларга бўлинади. 1.4.баҳс-мунозара асосида тингловчиларнинг маърузада олган билимлари ёдга туширилади.	1.1.Тинглайдилар, ёзиб оладилар. 1.2.Саволга жавоб берадилар. 1.4. баҳс асосида маърузадан олган маълумотларини ёдга оладилар.
2-босқич. Асосий босқич. Кичик гуруҳларда ишлаш (55- минут).	2.1. “Ишланмалар тайёрланг” Марузаларни самаралироқ ўтказиш ва ўйилган мақсадга еришишга қаратилган иш усулларида ҳар бирига ўқийдиган фангингиз доирасида топшириқ тайёрланг. (2-илова)	2.1.Гуруҳларда амалий иш вазибаларини бажарадилар. Ҳар бир гуруҳ ўз саволига жавоб тайёрлайди.
	2.2. Кичик гуруҳларда ишлаш давомида уларнинг ишларини кузатади, кўрсатмалар беради.	2.2.Гуруҳларга бўлинган тингловчилар ўзларининг саволларини логопед ва ўқитувчига берадилар, методик ёрдам оладилар
	2.3. “Сигнал сўзлар” жадвали (3-илова)	2.3. мазкур жадвал юзасидан баҳс-мунозара юритадилар ва жадвални тўлдирадилар.
	2.4. Мавзу бойича билимларни умумлаштиради.	2.4. Мавзу бойича билимлари умумлашади.
3-босқич. Якуний босқич якунловчи 15-минут.	3.1. Вазифани бажариш жараёнида қилинган хулосалар берилган жадвални тўлдириш асосида чиқарилади. Иш якунларини эълон қилади.	3.1. Жадвални тўлдирадилар. Тинглайдилар ва ёзиб оладилар. Фикр ва мулохаза билдирилади.
	3.2.Дарсда фаол иштирок этган тингловчиларни баҳоланади	3.2.Рағбатлантирилади.

	3.3.Мустақил иш учун вазифа беради.	3.3. Тинглайдилар ва ёзиб оладилар.
--	-------------------------------------	-------------------------------------

1-илова

Амалий машғулоти мавзуси:

Дефектология фанларини ўқитишда инновацион технологияларга асосланган маъруза машғулотларни лойиҳалаш ишларини бажариш

Амалий машғулоти режаси:

1. Дефектология фанларини ўқитишнинг ташкил этиш шакллари.
2. Дефектология фанларини ўқитишда инновацион технологияларга асосланган маъруза машғулотларни лойиҳалаш. Педагогик фаолиятда кузатиш ва таҳлил этиш.



Фойдаланилган асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар ройхати

Асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар

1. A Handbook for Teaching and Learning in Higher Education, published 2009 by Routledge 270 Madison Ave, New York, NY 10016.
2. Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси. Я.Е.Чичерина, Д.А.Нуркелдиева, Д.Б.Якубжанова, ўқув қўлланма, Тошкент -2013 й

Қўшимча адабиётлар

1. “Case-study” услуби: назария, амалиёт ва тажриба. А.А.Абдуқодиров, Ф.А.Астанова, Ф.А.Абдуқодирова, “Тўафаккур қаноти”, Тошкент - 2012
2. Практики интерактивного обучения: метод. пособие / И.И. Голованова, Е.В. Асафова, Н.В. Телегина. – Казан: Казан. ун-т, 2014. – 288 с.

2-илова

Марузаларни самаралироқ ўтказиш ва ўйилган мақсадга еришишга қаратилган иш усулларида хар бирига ўқийдиган фанингиз доирасида топшириқ тайёрланг.

- “Талабалар учун саволлар тайёрлаб уларни Гуруҳларда муҳокама қилиш” – саволлар тайёрланг

- “Талабаларга муаммони индивидуал равишда хал қилишга қўйиб бериш” – муаммоли вазият яратинг

- “Талабалардан содир этилган хатоларни тўғрилаб боришни сўраш” - методик хатоларга эга машғулот дарс ишланмасини тайёрланг

- “DVD клиплар намоиш этиш ва буни талабалар билан муҳокама қилиш” – видеолавҳа мисолида муҳокама режаси ва йўналишларини ишлаб чиқинг

- “Талабаларни жалб етувчи презентациялар ишлатиш” - ўқийдиган фанингиз доирасидаги мавзу юзасидан презентация тайёрланг.

3-илова

Маъруза машғулот босқичлари ва йўналишини белгиловчи “сигнал” сўзларни жадвалда тўғри жойлаштириштиринг

<i>Сигнал сўзлар</i>	Маъруза машғулот босқичи ёки йўналиши
• <i>ўтган ҳафта бизлар кўриб чиқдик, ва бу ҳафта мен ушбу гояларни батафсилроқ ишлаб чиқаман</i>	
• <i>бугун мен кўриб чиқмоқчиман</i>	
• <i>биринчи навбатда бизлар қараймиз</i>	
• <i>иккинчидан ... тавсиф бериш учун вақт ажаратаммиз</i>	
• <i>хуллас, бу асосий жиҳатларини умумлаштиради.</i>	мавзуларнинг охирини кўрсатувчи белгилар

5-амалий машғулот:
Дефектология фанларини ўқитишда ўқув ахборотини қайта ишлаш,
муаммоли савол, кейс-стади топшириқлари
Амалий машғулот таълим технологияси модели.

Тингловчилар сони - нафар	Ўқув соати – 2 соат
Ўқув машғулотининг шакли	Амалий
Ўқув машғулотининг тузилиши	1.Амалий машғулотга тайёргарлик. 2.Вазифаларни эълон қилиш. 3.Саволларга жавоб бериш. 4.Гуруҳларда ишлаш. 5.Гуруҳлар такдимоти. 6.Мавзуни мустаҳкамлаш. 7.Мустақил вазифалар бериш.
Ўқув машғулотининг мақсади	Тингловчиларга мутахассислик фанларини ўқитишда ўқув ахборотини қайта ишлаш, муаммоли савол, кейс-стади топшириқларни тузиш ҳақидаги билим, кўникмаларини такомиллаштириш.
<u>Тингловчиик вазифалар:</u> 1. Мутахассислик фанларини ўқитишда ўқув ахборотини қайта ишлаш, муаммоли савол, кейс-стади топшириқларни тузиш ҳақида билимини мустаҳкамлаш; 2. Мутахассислик фанларини ўқитишда ўқув ахборотини қайта ишлаш, муаммоли савол, кейс-стади топшириқларни тузиш кўникмасини ривожлантириш; 3. мутахассислик фанларини ўқитишда ўқув ахборотини қайта ишлаш, муаммоли савол, кейс-стади топшириқларни тузиш кўникмаларини мустаҳкамлаш; 4. Мутахассислик фанларини ўқитишда ўқув ахборотини қайта ишлаш, муаммоли савол, кейс-стади топшириқларни тузиш техникасини ривожлантириш.	<u>Ўқув фаолиятининг натижалари:</u> 1. Мутахассислик фанларини ўқитишда ўқув ахборотини қайта ишлаш, муаммоли савол, кейс-стади топшириқларни тузиш ҳақидаги билими мустаҳкамланади; 2. Мутахассислик фанларини ўқитишда ўқув ахборотини қайта ишлаш, муаммоли савол, кейс-стади топшириқларни тузиш кўникмаси шаклланади; 3. мутахассислик фанларини ўқитишда ўқув ахборотини қайта ишлаш, муаммоли савол, кейс-стади топшириқларни тузиш кўникмаларини мустаҳкамланади; 4. Мутахассислик фанларини ўқитишда ўқув ахборотини қайта ишлаш, муаммоли савол, кейс-стади топшириқларни тузиш техникаси ривожлантирилади.
Ўқитиш усуллари	Сухбат, баҳс - мунозара, амалий топшириқ.
Ўқитиш шакллари	Якка, гуруҳли
Ўқитиш шарт-шароитлари	Техник воситалардан фойдаланишга ва кичик гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат, жадвални тўлдириш.

Амалий машғулотнинг технологик картаси

Боскичлар	Фаолият мазмуни	
	Профессор - Ўқитувчи	Тингловчилар
Тайёргарлик Босқичи	1.Тингловчиларни мазкур мавзудаги амалий машғулот мавзуси, режаси ҳамда тайёргарлик учун адабиётлар рўйхати билан таништиради. (1-илова).	Амалий машғулотнинг режаси билан таништирилади, машғулотга тайёргарлик кўрадилар.
1-босқич. Ўқув машғулотга кириш (10-минут)	1.1. Ўқув машғулотнинг мавзуси мақсади, режалаштирилган натижаси эълон қилинади.	1.1.Тинглайдилар, ёзиб оладилар.
	1.2.Гуруҳларга бўлинади.	1.2.Саволга жавоб берадилар.
	1.3. Баҳс-мунозара асосида Тингловчиларнинг маърузада олган билимлари ёдга туширилади. (2- илова)	1.3. баҳс асосида маърузадан олган маълумотларини ёдга оладилар.
2-босқич. Асосий босқич. Кичик гуруҳларда ишлаш (55-минут).	2.1. Ҳар бир гуруҳга амалий топшириқларни ёзма равишда бажариш топшириғи берилади. “Венн диаграммаси” (3-илова) Вазифаларни бажариш бўйича амалий кўрсатмалар берилади, қўшимча манбалардан фойдаланиш мумкинлигини тушунтиради.	2.1.Гуруҳларда амалий иш вазифаларини бажарадилар. Ҳар бир гуруҳ ўз саволини ёритади.
	2.2. Кичик гуруҳларда ишлаш давомида уларнинг ишларини кузатади, кўрсатмалар беради.	2.2.Гуруҳларга бўлинган Тингловчилар ўзларининг саволларини профессор-ўқитувчига берадилар, методик ёрдам оладилар
	2.3. Гуруҳларнинг тақдироти тингланади.	2.3.Тақдирот қилишади, қўшимчалар қилишади, баҳслашадилар, саволлар юзасидан баҳс-мунозара юритадилар.
	2.4. Мавзу бўйича билимларни умумлаштиради.	2.4. Мавзу бойича билимлари умумлашади.
3-босқич. Якуний босқич яқунловчи 15-минут.	3.1. Вазифани бажариш жараёнида қилинган хулосалар берилган жадвални тўлдириш асосида чиқарилади. Иш яқунларини эълон қилади.	3.1. Жадвални тўлдирадилар. Тинглайдилар ва ёзиб оладилар. Фикр ва мулохаза билдирилади.
	3.2.Дарсда фаол иштирок этган Тингловчилар қайд этилади.	3.2. эътироф этилади.
	3.3.Мустақил иш учун вазифа беради. (4-илова)	3.3. Тинглайдилар ва ёзиб оладилар.

Амалий машғулоти мавзуси:
Дефектология фанларини ўқитишда ўқув ахборотини қайта ишлаш,
муаммоли савол, кейс-стади топшириқлари
Амалий машғулоти режаси:

1. Таълим жараёнида ўқув ахборотини қайта ишлаш, муаммоли савол, кейс-стади топшириқларини қўллаш хусусиятлари
2. Дефектология фанларини ўқитишда ўқув ахборотини қайта ишлаш, муаммоли савол, кейс-стади топшириқларини қўллаш усуллари
3. Дефектология фанларини ўқитишда ўқув ахборотини қайта ишлаш, муаммоли савол, кейс-стади топшириқларини қўллаш доирасида ишланмалар тайёрлаш



**Фойдаланилган асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар
ройхати**

Асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар

5. А Ҳандбоок фор Теачинг анд Леарнинг ин Ҳигхер Эдусатион, публишед 2009 бй Роутледге 270 Мадисон Аве, New Ёрк, НЙ 10016
6. Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси. Я.Е.Чичерина, Д.А.Нуркелдиева, Д.Б.Якубжанова, ўқув қўлланма, Тошкент -2013 й

Қўшимча адабиётлар


7. “Сасе-студй” услуби: назария, амалиёт ва тажриба. А.А.Абдуқодиров, Ф.А.Астанова, Ф.А.Абдуқодирова, “Тўафаккур каноти”, Тошкент - 2012
8. Практики интерактивного обучения: метод. пособие / И.И. Голованова, Е.В. Асафова, Н.В. Телегина. – Казан: Казан. ун-т, 2014. – 288 с.

2- илова

Блитс саволлар

1. Муаммоли саволлар тузиш технологиялари нимадан иборат?
2. “Сасе-студй” услуби қандай ташкил этилади?
3. Таълим жараёнида қандай топшириқлардан фойдаланасиз? Нима учун ?
4. Педагогик вазиятларнинг турларига кўра “сасе-студй” қандай вазифаларга эга? (изоҳланг)

**Муаммоли таълим ва “case-study” услубларини ўхшаш ва фарқли
томонларини аниқланг**



Дефектология фанларини ўқитишда ўқув ахборотини қайта ишлаш,
муаммоли савол, кейс-стади топшириқларини қўллаш доирасида ишланмалар
тайёрлаш

6-амалий машғулот:
Дефектология фанларини ўқитишда талабалар мустақил таълимини
ташқил этиш бўйича методик тавсиялар.
Таълим технологияси модели.

Тингловчилар сони - нафар	Ўқув соати – 2 соат
Ўқув машғулотининг шакли	Амалий
Ўқув машғулотининг тузилиши	1.Амалий машғулотга тайёргарлик. 2.Вазифаларни эълон қилиш. 3.Саволларга жавоб бериш. 4.Гуруҳларда ишлаш. 5.Гуруҳлар тақдимоти.
Ўқув машғулотининг мақсади	Тингловчиларга мутахассислик фанларини ўқитишда талабалар мустақил таълимини ташқил этиш бўйича методик тавсиялар тайёрлаш ҳақидаги билим, кўникмаларини такомиллаштириш.
<u>Тингловчиик вазифалар:</u> 1. Мутахассислик фанларини ўқитишда талабалар мустақил таълимини ташқил этиш бўйича методик тавсиялар тайёрлаш ҳақида билиминини мустаҳкамлаш; 2. Мутахассислик фанларини ўқитишда талабалар мустақил таълимини ташқил этиш бўйича методик тавсиялар тайёрлаш кўникмасини ривожлантириш; 3. Мутахассислик фанларини ўқитишда талабалар мустақил таълимини ташқил этиш бўйича методик тавсиялар тайёрлаш кўникмаларини мустаҳкамлаш; 4. Мутахассислик фанларини ўқитишда талабалар мустақил таълимини ташқил этиш бўйича методик тавсиялар тайёрлаш техникасини ривожлантириш.	<u>Ўқув фаолиятининг натижалари:</u> 1. Мутахассислик фанларини ўқитишда талабалар мустақил таълимини ташқил этиш бўйича методик тавсиялар тайёрлаш ҳақидаги билими мустаҳкамланади; 2. Мутахассислик фанларини ўқитишда талабалар мустақил таълимини ташқил этиш бўйича методик тавсиялар тайёрлаш кўникмаси шаклланади; 3. Мутахассислик фанларини ўқитишда талабалар мустақил таълимини ташқил этиш бўйича методик тавсиялар тайёрлаш кўникмаларини мустаҳкамланади; 4. Мутахассислик фанларини ўқитишда талабалар мустақил таълимини ташқил этиш бўйича методик тавсиялар тайёрлаш техникаси ривожлантирилади.
Ўқитиш усуллари	Сухбат, баҳс - мунозара, амалий топширик.
Ўқитиш шакллари	Якка, гуруҳли
Ўқитиш шарт-шароитлари	Техник воситалардан фойдаланишга ва кичик гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория.

Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат, жадвални тўлдириш.
-----------------------	------------------------------------

Амалий машғулотнинг технологик картаси

Босқичлар	Фаолият мазмуни	
	Профессор - Ўқитувчи	Тингловчилар
Тайёргарлик Босқичи	1.Тингловчиларни мазкур мавзудаги амалий машғулот мавзуси, режаси ҳамда тайёргарлик учун адабиётлар рўйхати билан таништиради. (1-илова).	Амалий машғулотнинг режаси билан таништирилади, машғулотга тайёргарлик кўрадилар.
1-босқич. Ўқув машғулотга кириш (10-минут)	1.1. Ўқув машғулотнинг мавзуси мақсади, режалаштирилган натижаси эълон қилинади.	1.1.Тинглайдилар, ёзиб оладилар.
	1.2.Гуруҳларга бўлинади.	1.2.Саволга жавоб берадилар.
	1.3. Баҳс-мунозара асосида Тингловчиларнинг маърузада олган билимлари ёдга туширилади. (2- илова)	1.3. баҳс асосида маърузадан олган маълумотларини ёдга оладилар.
2-босқич. Асосий босқич. Кичик гуруҳларда ишлаш (55-минут).	2.1. Ҳар бир гуруҳга амалий топшириқларни ёзма равишда бажариш топшириғи берилади. “Венн диаграммаси” (3-илова) Вазифаларни бажариш бўйича амалий кўрсатмалар берилади, қўшимча манбалардан фойдаланиш мумкинлигини тушунтиради.	2.1.Гуруҳларда амалий иш вазифаларини бажарадилар. Ҳар бир гуруҳ ўз саволини ёритади.
	2.2. Кичик гуруҳларда ишлаш давомида уларнинг ишларини кузатади, кўрсатмалар беради.	2.2.Гуруҳларга бўлинган Тингловчилар ўзларининг саволларини профессор-ўқитувчига берадилар, методик ёрдам оладилар
	2.3. Гуруҳларнинг тақдими тингланади.	2.3.Тақдимот қилишади, қўшимчалар қилишади, баҳслашадилар, саволлар юзасидан баҳс-мунозара юритадилар.
	2.4. Мавзу бўйича билимларни умумлаштиради.	2.4. Мавзу бойича билимлари умумлашади.
3-босқич. Якуний босқич якунловчи 15-минут.	3.1. Вазифани бажариш жараёнида қилинган хулосалар берилган жадвални тўлдириш асосида чиқарилади. Иш якунларини эълон қилади.	3.1. Жадвални тўлдирадилар. Тинглайдилар ва ёзиб оладилар. Фикр ва мулохаза билдирилади.
	3.2.Дарсда фаол иштирок этган Тингловчилар қайд этилади.	3.2. эътироф этилади.
	3.3.Мустақил иш учун вазифа	3.3. Тинглайдилар ва ёзиб

	беради. (4-илова)	оладилар.
--	----------------------	-----------

1-илова

Амалий машғулот мавзуси:

Дефектология фанларини ўқитишда талабалар мустақил таълимни ташкил этиш бўйича методик тавсиялар

Амалий машғулот режаси:

1. Таълим жараёнида талабалар мустақил таълимни ташкил этиш бўйича методик тавсиялар тайёрлаш хусусиятлари
2. Дефектология фанларини ўқитишда ў талабалар мустақил таълимни ташкил этиш усуллари
3. Дефектология фанларини ўқитишда талабалар мустақил таълимни ташкил этиш бўйича методик тавсиялар доирасида ишланмалар тайёрлаш



Фойдаланилган асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар ройхати

Асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар

1. A Handbook for Teaching and Learning in Higher Education, published 2009 by Routledge 270 Madison Ave, New York, NY 10016
2. Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси. Я.Е.Чичерина, Д.А.Нуркелдиева, Д.Б.Якубжанова, ўқув қўлланма, Тошкент -2013 й

Қўшимча адабиётлар

3. “Сасе-студй” услуби: назария, амалиёт ва тажриба. А.А.Абдуқодиров, Ф.А.Астанова, Ф.А.Абдуқодирова, “Тўфаккур қаноти”, Тошкент - 2012
4. Практики интерактивного обучения: метод. пособие / И.И. Голованова, Е.В. Асафова, Н.В. Телегина. – Казан: Казан. ун-т, 2014. – 288 с.

2- илова

Блиц саволлар

1. Талабалар мустақил таълимни ташкил этиш технологиялари нимадан иборат?
2. Талабалар мустақил таълими қандай ташкил этилади?
3. Таълим жараёнида мустақил таълимни қандай шакллардан фойдаланасиз? Нима учун ?
4. Талабалар мустақил таълимни ташкил этишнинг асосий босқичлари нималардан иборат? (изоҳланг)

3-илова

**Талабалар мустақил таълимини ташкил этишнинг асосий
босқичларини тўғри кетма-кетлигини кўрсатинг**



4-илова

Ўқийдиган фанингиз доирасида талабалар мустақил таълимини ташкил этиш бўйича методик тавсиялар, ишланмалар тайёрлаш

7-амалий машғулот:
Олий таълим муассасаларида педагогик мулоқотнинг ўрни таълим технологияси модели.

Тингловчилар сони - нафар	Ўқув соати – 2 соат
Ўқув машғулотининг шакли	Амалий
Ўқув машғулотининг тузилиши	1.Амалий машғулотга тайёргарлик. 2.Вазифаларни эълон қилиш. 3.Саволларга жавоб бериш. 4.Гуруҳларда ишлаш. 5.Гуруҳлар тақдимоти. 6.Мавзунини мустаҳкамлаш. 7.Мустақил вазифалар бериш.
Ўқув машғулотининг мақсади	Тингловчиларга олий таълим муассасаларида педагогик мулоқотнинг ўрни ҳақидаги билим, кўникмаларини такомиллаштириш.
<u>Тингловчилик вазифалар:</u> 1. Мутахассислик фанларини ўқитишда олий таълим муассасаларида педагогик мулоқотнинг ўрни ҳақида билиминини мустаҳкамлаш; 2. Мутахассислик фанларини ўқитишда педагогик мулоқотни прогнозлаш, бошлаш, бошқариш ва таҳлил қилиш кўникмасини ривожлантириш; 3. Мутахассислик фанларини ўқитишда педагогик мулоқотни прогнозлаш, бошлаш, бошқариш ва таҳлил қилиш кўникмаларини мустаҳкамлаш; 4. Мутахассислик фанларини ўқитишда педагогик мулоқотни прогнозлаш, бошлаш, бошқариш ва таҳлил қилиш техникасини ривожлантириш.	<u>Ўқув фаолиятининг натижалари:</u> 1. Мутахассислик фанларини ўқитишда олий таълим муассасаларида педагогик мулоқотнинг ўрни ҳақидаги билиминини мустаҳкамланади; 2. Мутахассислик фанларини ўқитишда педагогик мулоқотни прогнозлаш, бошлаш, бошқариш ва таҳлил қилиш кўникмасини шаклланади; 3. Мутахассислик фанларини ўқитишда педагогик мулоқотни прогнозлаш, бошлаш, бошқариш ва таҳлил қилиш кўникмаларини мустаҳкамланади; 4. Мутахассислик фанларини ўқитишда педагогик мулоқотни прогнозлаш, бошлаш, бошқариш ва таҳлил қилиш техникасини ривожлантирилади.
Ўқитиш усуллари	Сухбат, баҳс - мунозара, амалий топшириқ.
Ўқитиш шакллари	Якка, гуруҳли
Ўқитиш шарт-шароитлари	Техник воситалардан фойдаланишга ва кичик гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат, жадвални тўлдириш.

Амалий машғулотнинг технологик картаси

Босқичлар	Фаолият мазмуни	
	Профессор - Ўқитувчи	Тингловчилар
Тайёргарлик Босқичи	1.Тингловчиларни мазкур мавзудаги амалий машғулот мавзуси, режаси ҳамда тайёргарлик учун адабиётлар рўйхати билан таништиради. (1-илова).	Амалий машғулотнинг режаси билан таништирилади, машғулотга тайёргарлик кўради.
1-босқич. Ўқув машғулотга кириш (10-минут)	1.1. Ўқув машғулотнинг мавзуси мақсади, режалаштирилган натижаси эълон қилинади.	1.1.Тинглайдилар, ёзиб оладилар.
	1.2.Гуруҳларга бўлинади.	1.2.Саволга жавоб берадилар.
	1.3. Баҳс-мунозара асосида Тингловчиларнинг маърузада олган билимлари ёдга туширилади. (2- илова)	1.3. баҳс асосида маърузадан олган маълумотларини ёдга оладилар.
2-босқич. Асосий босқич. Кичик гуруҳларда ишлаш (55-минут).	2.1. Ҳар бир гуруҳга амалий топшириқларни ёзма равишда бажариш топшириғи берилади. “Венн диаграммаси” (3-илова) Вазифаларни бажариш бўйича амалий кўрсатмалар берилади, қўшимча манбалардан фойдаланиш мумкинлигини тушунтиради.	2.1.Гуруҳларда амалий иш вазифаларини бажарадилар. Ҳар бир гуруҳ ўз саволини ёритади.
	2.2. Кичик гуруҳларда ишлаш давомида уларнинг ишларини кузатади, кўрсатмалар беради.	2.2.Гуруҳларга бўлинган Тингловчилар ўзларининг саволларини профессор-ўқитувчига берадилар, методик ёрдам оладилар
	2.3. Гуруҳларнинг тақдироти тингланади.	2.3.Тақдирот қилишади, қўшимчалар қилишади, баҳслашадилар, саволлар юзасидан баҳс-мунозара юритадилар.
	2.4. Мавзу бўйича билимларни умумлаштиради.	2.4. Мавзу бойича билимлари умумлашади.
3-босқич. Якуний босқич яқунловчи 15-минут.	3.1. Вазифани бажариш жараёнида қилинган хулосалар берилган жадвални тўлдириш асосида чиқарилади. Иш яқунларини эълон қилади.	3.1. Жадвални тўлдирадилар. Тинглайдилар ва ёзиб оладилар. Фикр ва мулохаза билдирилади.
	3.2.Дарсда фаол иштирок этган Тингловчилар қайд этилади.	3.2. Ўтироф этилади.
	3.3.Мустақил иш учун вазифа беради. (4-илова)	3.3. Тинглайдилар ва ёзиб оладилар.

Амалий машғулот мавзуси:

Олий таълим муассасаларида педагогик мулоқотнинг ўрни

Амалий машғулот режаси:

1. Педагогик мулоқот моҳияти ва педагогик турлари
2. Педагогик мулоқот услублари ва босқичлари
3. Мутахассислик фанларини ўқитишда педагогик мулоқотни прогнозлаш, бошлаш, бошқариш ва таҳлил қилиш хусусиятлари



Фойдаланилган асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар ройхати

Асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар

1. A Handbook for Teaching and Learning in Higher Education, published 2009 by Routledge 270 Madison Ave, New York, NY 10016.
2. Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси. Я.Е.Чичерина, Д.А.Нуркелдиева, Д.Б.Якубжанова, ўқув қўлланма, Тошкент -2013 й

Қўшимча адабиётлар

3. “Сасе-студй” услуби: назария, амалиёт ва тажриба. А.А.Абдуқодиров, Ф.А.Астанова, Ф.А.Абдуқодирова, “Тафаккур қаноти”, Тошкент - 2012
4. Практики интерактивного обучения: метод. пособие / И.И. Голованова, Е.В. Асафова, Н.В. Телегина. – Казан: Казан. ун-т, 2014. – 288 с.

Педагогик мулоқот вазифалари юзасидан “кластер” технологияси асосида таҳлил қилинг



3-илова**“Тоифалаш” жадвалини тузинг.**

Ижтимоий йўналтирилган мулоқот	Гуруҳда предметли йўналтирилган мулоқот	Шахсга йўналтирилган мулоқот	Психологик ўзаро мунособатлар

4-илова

Талабалар гуруҳи билан турли педагогик таснифга мос услубларни
тавсифлаб бериш

8-амалий машғулот:
Курс иши, битирув малакавий иши ва магистрлик диссертасиясининг
узвийлигини таъминлаш.
Таълим технологияси модели

Тингловчилар сони - нафар	Ўқув соати – 2 соат
Ўқув машғулотининг шакли	Амалий
Ўқув машғулотининг тузилиши	1.Амалий машғулотга тайёргарлик. 2.Вазифаларни эълон қилиш. 3.Саволларга жавоб бериш. 4.Гуруҳларда ишлаш. 5.Гуруҳлар тақдимоти. 6.Мавзунини мустаҳкамлаш. 7.Мустақил вазифалар бериш.
Ўқув машғулотининг мақсади	Тингловчиларга курс иши, битирув малакавий иши ва магистрлик диссертасиясининг узвийлигини таъминлаш ҳақидаги билим, кўникмаларини такомиллаштириш.
<u>Тингловчилик вазифалар:</u> 1. Курс иши, битирув малакавий иши ва магистрлик диссертасиясига раҳбарлик қилиш меъзонлари ҳақида билиминини мустаҳкамлаш; 2. Курс иши, битирув малакавий иши ва магистрлик диссертасиясига раҳбарлик қилиш кўникмаларини ривожлантириш; 3. Курс иши, битирув малакавий иши ва магистрлик диссертасиясининг узвийлигини таъминлаш кўникмаларини мустаҳкамлаш; 4. Курс иши, битирув малакавий иши ва магистрлик диссертасиясининг узвийлигини таъминлаш технологиясини ривожлантириш.	<u>Ўқув фаолиятининг натижалари:</u> 1. Курс иши, битирув малакавий иши ва магистрлик диссертасиясига раҳбарлик қилиш меъзонлари ҳақидаги билиминини мустаҳкамланади; 2. Курс иши, битирув малакавий иши ва магистрлик диссертасиясига раҳбарлик қилиш кўникмаларини ривожлантирилади; 3. Курс иши, битирув малакавий иши ва магистрлик диссертасиясининг узвийлигини таъминлаш кўникмаларини мустаҳкамланади; 4. Курс иши, битирув малакавий иши ва магистрлик диссертасиясининг узвийлигини таъминлаш технологиясини ривожлантирилади.
Ўқитиш усуллари	Сухбат, баҳс - мунозара, амалий топшириқ.
Ўқитиш шакллари	Якка, гуруҳли
Ўқитиш шарт-шароитлари	Техник воситалардан фойдаланишга ва кичик гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат, жадвални тўлдириш.

Амалий машғулотнинг технологик картаси

Босқичлар	Фаолият мазмуни	
	Профессор - Ўқитувчи	Тингловчилар
Тайёргарлик Босқичи	1.Тингловчиларни мазкур мавзудаги амалий машғулот мавзуси, режаси ҳамда тайёргарлик учун адабиётлар рўйхати билан таништиради. (1-илова).	Амалий машғулотнинг режаси билан таништирилади, машғулотга тайёргарлик кўради.
1-босқич. Ўқув машғулотга кириш (10-минут)	1.1. Ўқув машғулотнинг мавзуси мақсади, режалаштирилган натижаси эълон қилинади.	1.1.Тинглайдилар, ёзиб оладилар.
	1.2.Гуруҳларга бўлинади	1.2.Саволга жавоб берадилар.
	1.3. Баҳс-мунозара асосида Тингловчиларнинг маърузада олган билимлари ёдга туширилади. “Давра суҳбати” технологияси ўтказилади. (2 - илова)	1.3. баҳс асосида маърузадан олган маълумотларини ёдга оладилар.
2-босқич. Асосий босқич. Кичик гуруҳларда ишлаш (55-минут).	2.1. Ҳар бир гуруҳга амалий топшириқларни ёзма равишда бажариш топшириғи берилади. “Венн диаграммаси” (3-илова) Вазифаларни бажариш бўйича амалий кўрсатмалар берилади, қўшимча манбалардан фойдаланиш мумкинлигини тушунтиради.	2.1.Гуруҳларда амалий иш вазифаларини бажарадилар. Ҳар бир гуруҳ ўз саволини ёритади.
	2.2. Кичик гуруҳларда ишлаш давомида уларнинг ишларини кузатади, кўрсатмалар беради.	2.2.Гуруҳларга бўлинган Тингловчилар ўзларининг саволларини профессор-ўқитувчига берадилар, методик ёрдам оладилар
	2.3. Гуруҳларнинг тақдими тингланади.	2.3.Тақдимот қилишади, қўшимчалар қилишади, баҳслашадилар, саволлар юзасидан баҳс-мунозара юритадилар.
	2.4. Мавзу бўйича билимларни умумлаштиради.	2.4. Мавзу бойича билимлари умумлашади.
3-босқич. Якуний босқич яқунловчи 15-минут.	3.1. Вазифани бажариш жараёнида қилинган хулосалар берилган жадвални тўлдириш асосида чиқарилади. Иш яқунларини эълон қилади.	3.1. Жадвални тўлдирадилар. Тинглайдилар ва ёзиб оладилар. Фикр ва мулохаза билдирилади.
	3.2.Дарсда фаол иштирок этган Тингловчилар қайд этилади.	3.2. Эътироф этилади.
	3.3.Мустақил иш учун вазифа беради. (4-илова)	3.3. Тинглайдилар ва ёзиб оладилар.

Амалий машғулоти мавзуси:

Курс иши, битирув малакавий иши ва магистрлик диссертасиясининг узвийлигини таъминлаш

Амалий машғулоти режаси:

1. Курс иши, битирув малакавий иши ва магистрлик диссертасиясига раҳбарлик қилиш меъзонлари
2. Курс иши, битирув малакавий иши ва магистрлик диссертасиясининг узвийлигини таъминлаш технологиясини ривожлантириш



Адабиётлар рўйхати

Асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар

1. A Handbook for Teaching and Learning in Higher Education, published 2009 by Routledge 270 Madison Ave, New York, NY 10016
2. Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси. Я.Е.Чичерина, Д.А.Нуркелдиева, Д.Б.Якубжанова, ўқув қўлланма, Тошкент -2013 й.


Қўшимча адабиётлар

3. “Case-stady” услуби: назария, амалиёт ва тажриба. А.А.Абдукодиров, Ф.А.Астанова, Ф.А.Абдукодирова, “тафаккур қаноти”, -Тошкент 2012
4. Практики интерактивного обучения: метод. пособие / И.И. Голованова, Е.В. Асафова, Н.В. Телегина. -Казан: Казан. ун-т, 2014. – 288 с.

2- илова

“Давра суҳбати” технологияси

“Давра суҳбати” технологияси асосида курс иши, битирув малакавий иши ва магистрлик диссертасиясининг узвийлигини таъминлаш юзасидан суҳбат-мунозара олиб борилади. Ҳар ким ўз фикрини айтади ва сўзни чап томондаги қўшнисига беради.



3-илова

“Кундалик” жадвалини тузинг.

Иш тури	Ишнинг мақсади	Иш мазмун	Иш босқичлари
Курс иши			
Битирув малакавий иш			
Магистрлик диссертасияс и			

4-илова

Ўқийдиган фанингиз юзасидан Курс иши, битирув малакавий иши ва магистрлик диссертасиясининг узвийлигини таъминловчи мавзулар мини-банкни шакллантиринг

9-амалий машғулот:

Педагогик назорат функциялари ва уни ўтказишга талаблар. Таълим технологияси модели.

Тингловчилар сони	Ўқув соати – 2 соат
Ўқув машғулотининг шакли	Амалий
Ўқув машғулотининг тузилиши	1.Амалий машғулотга тайёргарлик. 2.Вазифаларни эълон қилиш. 3.Саволларга жавоб бериш. 4.Гуруҳларда ишлаш. 5.Гуруҳлар тақдироти. 6.Мавзунини мустаҳкамлаш. 7.Мустақил вазифалар бериш.
Ўқув машғулотининг мақсади	Тингловчиларга педагогик назорат нима, педагогик назоратнинг таълим жараёнидаги вазифалари, педагогик назорат функциялари, педагогик назоратга қўйилган талаблар ҳақидаги билим, кўникмаларини такомиллаштириш.
<u>Педагогик вазифалар:</u> 1. Мутахассислик фанларини ўқитишда педагогик назорат, унинг назарий асослари, вазифалари ва ўтказилишга қўйиладиган талаблар ҳақида билиминини мустаҳкамлаш; 2. Мутахассислик фанларини ўқитишда талабаларнинг назоратини тўғри ва одилона ташкил қилиш, виждонан, объектив баҳолай олиш кўникмасини шакллантириш; 3. Талабаларнинг яқка, гуруҳларда ва фронтал назорат қилиш кўникмаларини мустаҳкамлаш; 4. Педагогик техникасини ривожлантириш.	<u>Ўқув фаолиятининг натижалари:</u> 1. Мутахассислик фанларини ўқитишда педагогик назорат, унинг назарий асослари, вазифалари ва ўтказилишга қўйиладиган талаблар ҳақидаги билиминини мустаҳкамланади; 2. Мутахассислик фанларини ўқитишда талабаларнинг назоратини тўғри ва одилона ташкил қилиш, виждонан, объектив баҳолай олиш кўникмасини шаклланади; 3. Талабаларнинг яқка, гуруҳларда ва фронтал назорат қилиш кўникмаларини мустаҳкамланади; 4. . Педагогик техникасини ривожлантирилади.
Ўқитиш усуллари	Сухбат, баҳс - мунозара, амалий топшириқ.
Ўқитиш шакллари	Яқка, гуруҳли
Ўқитиш шарт-шароитлари	Техник воситалардан фойдаланишга ва кичик гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория.

Маниторинг ва баҳолаш	Оғаки назорат, жадвални тўлдириш.
-----------------------	-----------------------------------

Амалий машғулотнинг технологик картаси

Босқичлар	Фаолият мазмуни	
	Профессор - Ўқитувчи	Тингловчилар
Тайёргарлик к босқичи	1.Тингловчиларни амалий машғулот мавзуси, режаси ҳамда тайёргарлик учун адабиётлар рўйхати билан таништилади. (1-илова).	Амалий машғулотнинг режаси билан таништирилади, машғулотга тайёргарлик кўрадилар.
1-босқич. Ўқув машғулотга кириш (10-минут)	1.1. Ўқув машғулотнинг мавзуси мақсади, режалаштирилган натижаси эълон қилинади.	1.1.Тинглайдилар, ёзиб оладилар.
	1.2.Гуруҳларга бўлинади.	1.2.Саволга жавоб берадилар.
	1.3. баҳс-мунозара асосида Тингловчиларнинг маърузада олган билимлари ёдга туширилади. (2-илова)	1.3. баҳс асосида маърузадан олган маълумотларини ёдга оладилар.
2-босқич. Асосий босқич. Кичик гуруҳларда ишлаш (55- минут).	2.1. Ҳар бир гуруҳга амалий топшириқларни ёзма равишда бажариш топшириғи берилади.(3-4 илова) Вазифаларни бажариш бойича амалий кўрсатмалар берилади, қўшимча манбалардан фойдаланиш мумкинлигини тушунтиради.	2.1.Гуруҳларда амалий иш вазифаларини бажарадилар. Ҳар бир гуруҳ ўз саволини ёритади.
	2.2. Кичик гуруҳларда ишлаш давомида уларнинг ишларини кузатади, кўрсатмалар беради.	2.2.Гуруҳларга бўлинган Тингловчилар ўзларининг саволларини профессор-ўқитувчига берадилар, методик ёрдам оладилар
	2.3. Гуруҳларнинг тақдимоти тингланади.	2.3.Тақдимот қилишади, қўшимчалар қилишади, баҳслашадилар, саволлар юзасидан баҳс-мунозара юритадилар.
	2.4. Мавзу бўйича билимларни умумлаштиради.	2.4. Мавзу бойича билимлари умумлашади.
3-босқич. Якуний босқич яқунловчи 15-минут.	3.1. Вазифани бажариш жараёнида қилинган хулосалар берилган жадвални тўлдириш асосида чиқарилади. Иш яқунларини эълон қилади.	3.1. Жадвални тўлдирадилар. Тинглайдилар ва ёзиб оладилар. Фикр ва мулохаза билдирилади.
	3.2.Дарсда фаол иштирок этган	3.2. эътироф этилади.

	Тингловчилар қайд этилади.	
	3.3.Мустақил иш учун вазифа беради. (5-илова)	3.3. Тинглайдилар ва ёзиб оладилар.

1-илова

Амалий машғулот мавзуси:

Педагогик назорат функциялари ва уни ўтказишга талаблар

Амалий машғулот режаси:

1. Педагогик назоратнинг таълим жараёнидаги вазифалари.
2. Педагогик назорат функциялари.
3. Педагогик назоратга қўйилган талаблар



Фойдаланилган асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар ройхати

Асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар

1. A Handbook for Teaching and Learning in Higher Education, published 2009 by Routledge 270 Madison Ave, New York, NY 10016
2. Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси. Я.Е.Чичерина, Д.А.Нуркелдиева, Д.Б.Якубжанова, ўқув қўлланма, Тошкент -2013й

Қўшимча адабиётлар

1. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари. – Т.: 2005.
2. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат – Т.: Фан, 2006.

2-илова

Педагогик назорат функциялари ва уни ўтказиш юзасидан тест топшириқлари бажаринг.

1. «Баҳо» бу-
 - А. Талаба томонидан ўзлаштирилган кўникма ва малакаларнинг таълим мақсадига мос ёки мос эмаслигини аниқлаш
 - В. Талабанинг ахлоқий нормаларга жавоб бериш даражаси
 - С. Талабаларнинг билим, малака ва кўникмаларини текшириш
 - Д. Ўқитувчининг талаба ҳақида шахсий фикрининг ифодаси
2. Ўқитиш жараёнида назоратнинг ривожлантирувчи функциясини топинг
 - А. Талабаларда барқарор диққатни вужудга келтириш
 - В. Ўз-ўзини назорат қилиш ва баҳолаш
 - С. Хотирани мустаҳкамлаш

- D. Рейтинг
- 3. Баҳолаш нима?
- A. Ўқувчининг ўзлаштиришини аниқлаш усули
- B. Ўқувчининг билимига баҳо қўйиш
- C. Билим, кўникма ва малакаларни ўқув дастурида кўрсатилган эталон (кўрсаткич, қолип, ўлчагич)лар билан солиштириш
- D. Ўқувчиларнинг фан бўйича эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини аниқлаш
- 4. Қайси натижалар асосида ўқишни тамомлаган талабаларни таълим даструнинг кейинги йилига ўтказиш ҳақида қарор чиқарилади?
- A. Якунлаш
- B. Назорат
- C. Саралаш
- D. баҳолаш
- 5. Ўтказилиш муддатларига кўра назорат турлари-
- A. Дастлабки, жорий, оралик
- B. Дастлабки, жорий, оралик, якуний;
- C. Жорий, оралик, якуний
- D. Дастлабки, оралик, якуний;
- 6. Жорий назорат қачон амалга оширилади?
- A. Фан бўйича ўқитишнинг бутун даври мобайнида мунтазам, одатда, амалий, лаборатория машғулотлари ва мустақил ишлар жараёнида амалга оширилади.
- B. Фан бўйича ўқитишнинг лаборатория машғулотлари ва мустақил ишлар жараёнида амалга оширилади.
- C. Фан бўйича ўқитишнинг амалий, лаборатория машғулотлари жараёнида амалга оширилади.
- D. Фан бўйича ўқитишнинг бутун даври мобайнида мустақил ишлар жараёнида амалга оширилади.
- 7. Оралик назорат бу..
- A. талабаларнинг бўлимлардаги асосий ғоя ва тушунчаларни ўзаро боғлаш малакаси, ягона тизимга келтира олишни белгилаб беради.
- B. талабаларнинг ҳар бир мавзуни яхлит ўзлаштириш даражасини, бўлимлардаги асосий ғоя ва тушунчаларни ўзаро боғлаш малакаси, ягона тизимга келтира олишни белгилаб беради.
- C. талабаларнинг ҳар бир мавзуни яхлит тушунчаларни ўзаро боғлаш малакаси, ягона тизимга келтира олишни белгилаб беради
- D. талабаларнинг ҳар бир мавзуни ягона тизимга келтира олишни белгилаб беради.
- 8. Якуний назорат мақсади
- A. талабаларнинг умуман курс бўйича кўникма ва малакаларини баҳолашдан иборатдир.
- B. Фан бўйича ўқитишнинг лаборатория машғулотлари ва мустақил ишлар жараёнида амалга оширилади.

С. талабаларнинг умуман курс бўйича билим, кўникма ва малакаларини аниқлаш ва баҳолашдан иборатдир.

Д. бўлимлардаги асосий ғоя ва тушунчаларни ўзаро боғлаш малакаси, ягона тизимга келтира олишни белгилаб беради.

9. Назорат топшириқлари таълим олувчидан шунчаки ўргангани қайта яратишни эмас, балки далиллаш (исботлаш), тушунтириш, танқидий фикрлаш ва ижодий фаолиятни талаб этса, назорат таъсирида шахснинг барча психик жараёнлари ва хоссалари, дунёқараши такомиллашади... ушбу вазифа педагогис назоратнинг қайси функциясига тегишли?

- А. Назорат функцияси
- В. Назоратнинг объективлиги
- С. Акс алоқа функцияси
- Д. Таълим бериш – ривожлантириш функцияси

10. Таълим ва тарбияни натижаларини илмий асосланган тарзда текшириш тизими бу...

- А. Педагогис назорат
- В. Якуний давлат аттестацияси
- С. Якуний назорат
- Д. Жорий назорат

№	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
т/ж	а	б	с	д	б	а	б	с	д	а

3- Илова

Ўз фанингиз доирасида жорий назорат 40 баллик тизимида баҳолаш мезонларини ишлаб чиқинг

4-илова

Буни бажаринг

1. Муаммоли вазиятда ўз хатти ҳаракатингизни изоҳланг (вазият 1)
2. Ҳозирда қўлланилаётган талабалар билимини баҳолаш мезонларини таҳлил қилинг
3. Таълим жараёнида педагогик назоратнинг қандай шаклларидан фойдаланасиз? Нима учун ?
4. педагогик назоратни талаб даражасида ўтказишингиз учун муассасангизда қандай шароитлар бўлишини хоҳлардингиз (изоҳланг)

5-илова

Турдош олийгоҳларда педагогик назорат турлари ва шаклларидан фойдаланиш жараёнини таҳлил қилиш
--

10-амалий машғулот:
Педагогик назорат турлари ва уни ташкил қилиш шакллари.
таълим технологияси модели.

Тингловчилар сони	Ўқув соати – 2 соат
Ўқув машғулотининг шакли	Амалий
Ўқув машғулотининг тузилиши	1.Амалий машғулотга тайёргарлик. 2.Вазифаларни эълон қилиш. 3.Саволларга жавоб бериш. 4.Гуруҳларда ишлаш. 5.Гуруҳлар тақдими. 6.Мавзунини мустахкамлаш. 7.Мустақил вазифалар бериш.
Ўқув машғулотининг мақсади	Тингловчиларда педагогик назорат турлари ва уни ташкил этиш шакллари ҳақидаги билимларини такомиллаштириш
<u>Педагогик вазифалар:</u> 1. педагогик назорат турларини назарий асослари ҳақида тушунчаларини кенгайтириш. 2. педагогик назоратни ташкиллаштиришга қўйиладиган талаблар ҳақида билимларини мустахкамлаш 3. нутқ маданияти ва нутқ техникасидан фойдаланиш малакаларини такомиллаштириш; 4. педагогик технологиялардан фойдаланиш малакасини такомиллаштириш;	<u>Ўқув фаолиятининг натижалари:</u> 1. педагогик назорат турларини назарий асослари ҳақида тушунчаларини кенгайтиришади. 2. педагогик назоратни ташкиллаштиришга қўйиладиган талаблар ҳақида билимларини мустахкамлаш 3. нутқ маданияти ва нутқ техникасидан фойдаланиш малакаларини такомиллаштирилади; 4. педагогик технологиялардан фойдаланиш малакасини такомиллаштирилади;
Ўқитиш усуллари	Сухбат, баҳс -мунозара, амалий топшириқ.
Ўқитиш шакллари	Якка, гуруҳли
Ўқитиш шарт-шароитлари	Техник воситалардан фойдаланишга ва кичик гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғаки назорат, жадвални тўлдириш.

Амалий машғулотнинг технологик картаси

Босқичлар	Фаолият мазмуни	
	Профессор - Ўқитувчи	Тингловчилар
Тайёргарлик босқичи	1.Тингловчиларни мазкур мавзусидаги амалий машғулот мавзуси, режаси ҳамда тайёргарлик учун адабиётлар рўйхати билан таништирилади. (1-илова).	Амалий машғулотнинг режаси билан таништирилади, машғулотга тайёргарлик кўрадилар.
1-босқич. Ўқув машғулотга кириш (10-минут)	1.1. Ўқув машғулотнинг мавзуси мақсади, режалаштирилган натижаси эълон қилинади.	1.1.Тинглайдилар, ёзиб оладилар.
	1.2.Гуруҳларга бўлинади.	1.2.Саволга жавоб берадилар.
2-босқич. Асосий босқич. Кичик гуруҳларда ишлаш (55-минут).	2.1. Ҳар бир гуруҳга амалий топшириқларни ёзма равишда бажариш топшириғи берилади. “Буни ишлатинг” (4-5 илова) Вазифаларни бажариш бойича амалий кўрсатмалар берилади, қўшимча манбалардан фойдаланиш мумкинлигини тушунтиради.	2.1.Гуруҳларда амалий иш вазифаларини бажарадилар. Ҳар бир гуруҳ ўз саволини ёритади.
	2.2. Кичик гуруҳларда ишлаш давомида уларнинг ишларини кузатади, кўрсатмалар беради.	2.2.Гуруҳларга бўлинган тингловчилар ўзларининг саволларини ўқитувчига берадилар, методик ёрдам оладилар
	2.3. Гуруҳларнинг тақдими тингланади.	2.3.Тақдимот қилишади, қўшимчалар қилишади, баҳслашадилар, саволлар юзасидан баҳс-мунозара юритадилар.
	2.4. Мавзу бўйича билимларни умумлаштиради.	2.4. Мавзу бўйича билимлари умумлашади.
3-босқич. Якуний босқич яқунловчи 15-минут.	3.1. Вазифани бажариш жараёнида қилинган хулосалар берилган жадвални тўлдириш асосида чиқарилади. Иш яқунларини эълон қилади.	3.1. Жадвални тўлдирадилар. Тинглайдилар ва ёзиб оладилар. Фикр ва мулоҳаза билдирилади.
	3.2.Дарсада фаол иштирок этган тингловчилар эътироф этилади.	3.2.эътироф этилади
	3.3.Мустақил иш учун вазифа беради. (6-илова)	3.3. Тинглайдилар ва ёзиб оладилар.

Амалий машғулот мавзуси:
Педагогик назорат турлари ва уни ташкил қилиш шакллари
Амалий машғулот режаси:

1. Педагогик назорат турлари.
2. Педагогик назоратни ташкил қилиш шакллари.



Фойдаланилган асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар ройхати

Асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар


1. A Handbook for Teaching and Learning in Higher Education, published 2009 by Routledge 270 Madison Ave, New York, NY 10016
2. Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси. Я.Е.Чичерина, Д.А.Нуркелдиева, Д.Б.Якубжанова, ўқув қўлланма, Тошкент -2013 й

Қўшимча адабиётлар

1. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари. – Т.: 2005.
2. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат – Т.: Фан, 2006.

Педагогик назорат турлари - ёзма иш ва тестни қиёсий таҳлилини вен диаграммасида ишлаб чиқинг.

“Венн” диаграммаси.



ФСМУ стратегияси.

Савол:

Якуний назорат ишида педагогик назорат шакллари қайси турини қўллаш самарали ҳисобланади?

Фикр -

Сабаб -

Мисол -

Умумлаштириш -

5 – илова

Ўз фанингиз юзасидан 10 та тест топшириқларини ишлаб чиқинг

6 - илова

Хорижда олий таълим муассасаларида қўлланилувчи педагогик назорат шакллари ҳақида маълумотлар тўпланг

11-амалий машғулот:
Дефектология фанларини ўқитишда тингловчиларнинг билимларини
объектив баҳолаш мезонлари.
Таълим технологияси модели.

Тингловчилар сони	Ўқув соати – 2 соат
Ўқув машғулотивнинг шакли	Амалий
Ўқув машғулотивнинг тузилиши	1.Амалий машғулотга тайёргарлик. 2.Вазифаларни эълон қилиш. 3.Саволларга жавоб бериш. 4.Гуруҳларда ишлаш. 5.Гуруҳлар такдимоти. 6.Мавзуни мустаҳкамлаш. 7.Мустақил вазифалар бериш.
Ўқув машғулотивнинг мақсади	Тингловчиларда талабалар билимини баҳолашнинг объективлигини таъминловчи назорат турларини ташкил этиш малакаларини такомиллаштириш.
<u>Педагогик вазифалар:</u> 1. Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш рейтинг тизими тўғрисида НИЗОМ таҳлили; 2. педагогик назорат турларида педагогис назорат шаклларида ўринли фойдаланиш кўникмасини шакллантириш; 3. нутқ маданияти ва нутқ техникасидан фойдаланиш малакаларини такомиллаштириш; 4. педагогик технологиялардан фойдаланиш малакасини такомиллаштириш;	<u>Ўқув фаолиятининг натижалари:</u> 1. Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш рейтинг тизими тўғрисида тушунчалари кенгайди; 2. педагогик назорат турларида педагогис назорат шаклларида ўринли фойдаланиш кўникмаси шаклланади; 3. нутқ маданияти ва нутқ техникасидан фойдаланиш малакаларини такомиллаштирилади; 4. педагогик технологиялардан фойдаланиш малакасини такомиллаштирилади
Ўқитиш усуллари	Сухбат, баҳс -мунозара, амалий топшириқ.
Ўқитиш шакллари	Якка, гуруҳли
Ўқитиш шарт-шароитлари	Техник воситалардан фойдаланишга ва кичик гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория.
Маниторинг ва баҳолаш	Оғаки назорат, жадвални тўлдириш.

Амалий машғулотнинг технологик картаси

Босқичлар	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Тингловчилар
Тайёргарлик босқичи	1.Тингловчиларни мазкур мавзусидаги амалий машғулот мавзуси, режаси ҳамда тайёргарлик учун адабиётлар ройхати билан таништирилади. (1-илова).	Амалий машғулотнинг режаси билан таништирилади, машғулотга тайёргарлик кўрадилар.
1-босқич. Ўқув машғулотга кириш (10-минут)	1.1. Ўқув машғулотнинг мавзуси мақсади, режалаштирилган натижаси эълон қилинади.	1.1.Тинглайдилар, ёзиб оладилар.
	1.2.Гуруҳларга бўлинади.	1.2.Саволга жавоб берадилар.
	1.3.баҳс-мунозара асосида тингловчиларнинг маърузада олган билимлари ёдга туширилади. 2-илова	1.3 баҳс асосида маърузадан олган маълумотларини ёдга оладилар.
2-босқич. Асосий босқич. Кичик гуруҳларда ишлаш (55-минут).	2.1. Ҳар бир гуруҳга амалий топшириқларни ёзма равишда бажариш топшириғи берилади. (3-илова) Вазифаларни бажариш бойича амалий кўрсатмалар берилади, қўшимча манбалардан фойдаланиш мумкинлигини тушунтиради.	2.1.Гуруҳларда амалий иш вазифаларини бажарадилар. Ҳар бир гуруҳ ўз саволини ёритади.
	2.2. Кичик гуруҳларда ишлаш давомида уларнинг ишларини кузатади, кўрсатмалар беради.	2.2.Гуруҳларга бўлинган тингловчилар ўзларининг саволларини логопед ва ўқитувчига берадилар, методик ёрдам оладилар
	2.3. Гуруҳларнинг тақдироти тингланади.	2.3.Тақдирот қилишади, қўшимчалар қилишади, баҳслашадилар, саволлар юзасидан баҳс-мунозара юритадилар.
	2.4. Мавзу бойича билимларни умумлаштиради.	2.4. Мавзу бойича билимлари умумлашади.
3-босқич. Якуний босқич яқунловчи 15-минут.	3.1. Вазифани бажариш жараёнида қилинган хулосалар берилган жадвални тўлдириш асосида чиқарилади. Иш яқунларини эълон қилади.	3.1. Жадвални тўлдирадилар. Тинглайдилар ва ёзиб оладилар. Фикр ва мулохаза билдирилади.
	3.2.Дарсда фаол иштирок этган тингловчиларни баҳоланади	3.2.Рағбатлантирилади.
	3.3.Мустақил иш учун вазифа беради.	3.3. Тинглайдилар ва ёзиб оладилар.

Амалий машғулоти мавзуси:

Дефектология фанларини ўқитишда талабаларнинг билимларини объектив баҳолаш мезонлари

Амалий машғулоти режаси:

1. Педагогик назорат-таълим-тарбия натижаларини илмий асосланган тарзда текшириш тизими эканлиги.
2. Педагогик назоратнинг таълим жараёнидаги функциялари.
3. Педагогик назорат турлари ва уни ташкил қилиш шакллари.
4. Рейтинг баҳолаш.



Фойдаланилган асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар ройхати

Асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар

1. A Handbook for Teaching and Learning in Higher Education, published 2009 by Routledge 270 Madison Ave, New York, NY 10016
2. Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси. Я.Е.Чичерина, Д.А.Нуркелдиева, Д.Б.Якубжанова, ўқув қўлланма, Тошкент -2013 й

Қўшимча адабиётлар

1. Азизхўжаева Н. Педагогик технология ва маҳорат. Тошкент: ТДПИ, 2003.
2. Холиқов А. Педагогик маҳорат. – Т.: ИҚТИСОД-МОЛИЯ, 2011.
3. Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш Рейтинг тизими тўғрисида НИЗОМ

“Кластер” график органиайзерини тузиш топшириғи



“Қарама-қарши муносабат” жадвалини тўлдириш

Оралиқ назорат иши	
Тест орқали баҳолаш	Ёзма иш орқали баҳолаш
1.	1.
2.	2.
3.	3.
4.	4.
5.	5.
6.	6.
7.	7.

12-амалий машғулот:
Дефектология фанларини ўқитишнинг дидактик таъминотини
яратиш. таълим технологияси модели.

Тингловчилар сони	Ўқув соати – 2 соат
Ўқув машғулотининг шакли	Амалий
Ўқув машғулотининг тузилиши	1.Амалий машғулотга тайёргарлик. 2.Вазифаларни эълон қилиш. 3.Саволларга жавоб бериш. 4.Гуруҳларда ишлаш. 5.Гуруҳлар такдимоти. 6.Мавзуни мустаҳкамлаш. 7.Мустақил вазифалар бериш.
Ўқув машғулотининг мақсади	Тингловчиларга дефектология фанларини ўқитишда дидактик материаллар тайёрлаш ва улардан фойдаланиш малакаларини такомиллаштириш.
<u>Педагогик вазифалар:</u> 1. ўқув жараёнига дидактик материалларни танлаш ва қўллаш малакаларини такомиллаштириш; 2. ўқув методик қўлланмалар, маъруза матнлари,электрон модуль, технологик модуль, дарсликлардан фойдаланишнинг назарий асослари ҳақидаги билимларини чуқурлаштириш; 3. нутқ маданияти ва нутқ техникасидан фойдаланиш малакаларини такомиллаштириш; 4.педагогик технологиялардан фойдаланиш малакасини такомиллаштириш;	<u>Ўқув фаолиятининг натижалари:</u> 1. ўқув жараёнига дидактик материалларни танлаш ва қўллаш малакалари такомиллаштирилади; 2. ўқув методик қўлланмалар, маъруза матнлари,электрон модуль, технологик модуль, дарсликлардан фойдаланишнинг назарий асослари ҳақидаги билимлари чуқурлаштирилади; 3.нутқ маданияти ва нутқ техникасидан фойдаланиш малакаларини такомиллаштирилади; 4. педагогик технологиялардан фойдаланиш малакасини такомиллаштирилади
Ўқитиш усуллари	Сухбат, баҳс -мунозара, амалий топшириқ.
Ўқитиш шакллари	Якка, гуруҳли
Ўқитиш шарт-шароитлари	Техник воситалардан фойдаланишга ва кичик гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория.
Манииторинг ва баҳолаш	Оғаки назорат, жадвални тўлдириш.

Амалий машғулотнинг технологик картаси

Босқичлар	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Тингловчилар
Тайёргарлик босқичи	1.Тингловчиларни мазкур мавзусидаги амалий машғулот мавзуси, режаси ҳамда тайёргарлик учун адабиётлар ройхати билан таништирилади. (1-илова).	Амалий машғулотнинг режаси билан таништирилади, машғулотга тайёргарлик кўради.
1-босқич. Ўқув машғулотга кириш (10-минут)	1.1. Ўқув машғулотнинг мавзуси мақсади, режалаштирилган натижаси эълон қилинади.	1.1.Тинглайдилар, ёзиб оладилар.
	1.2.Гуруҳларга бўлинади.	1.2.Саволга жавоб берадилар.
	1.3.баҳс-мунозара асосида тингловчиларнинг маърузада олган билимлари ёдга туширилади. 2- илова	1.3. баҳс асосида маърузадан олган маълумотларини ёдга оладилар.
2-босқич. Асосий босқич. Кичик гуруҳларда ишлаш (55-минут).	2.1. Ҳар бир гуруҳга амалий топшириқларни ёзма равишда бажариш топшириғи берилади. (3-4 илова) Вазифаларни бажариш бойича амалий кўрсатмалар берилади, қўшимча манбалардан фойдаланиш мумкинлигини тушунтиради.	2.1.Гуруҳларда амалий иш вазифаларини бажарадилар. Ҳар бир гуруҳ ўз саволини ёритади.
	2.2. Кичик гуруҳларда ишлаш давомида уларнинг ишларини кузатади, кўрсатмалар беради.	2.2.Гуруҳларга бўлинган тингловчилар ўзларининг саволларини логопед ва ўқитувчига берадилар, методик ёрдам оладилар
	2.3. Гуруҳларнинг тақдими тингланади.	2.3.Тақдимот қилишади, қўшимчалар қилишади, баҳслашадилар, саволлар юзасидан баҳс-мунозара юритадилар.
	2.4. Мавзу бўйича билимларни умумлаштиради.	2.4. Мавзу бойича билимлари умумлашади.
3-босқич. Якуний босқич якунловчи 15-минут.	3.1. Вазифани бажариш жараёнида қилинган хулосалар берилган жадвални тўлдириш асосида чиқарилади. Иш якунларини эълон қилади.	3.1. Тинглайдилар ва ёзиб оладилар. Фикр ва мулохаза билдирилади.
	3.2.Дарсда фаол иштирок этган тингловчиларни эътироф этилади	3.2.эътироф этилади
	3.3.Мустақил иш учун вазифа беради. (5-илова)	3.3. Тинглайдилар ва ёзиб оладилар.

Амалий машғулот мавзуси:
Дефектология фанларини ўқитишнинг дидактик таъминотини
яратиш

Амалий машғулот режаси:

1. Дефектология (махсус педагогика) фанларини ўқитишнинг дидактик таъминотини яратиш.
2. Дефектология (махсус педагогика) фанларидан дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар, электрон дарсликлар, портфолио, ўқув курсининг электрон-таълим ресурсларини ва силлабусини яратиш.



Фойдаланилган асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар
ройхати

Асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар

1. A Handbook for Teaching and Learning in Higher Education, published 2009 by Routledge 270 Madison Ave, New York.
2. Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси. Я.Е.Чичерина, Д.А.Нуркелдиева, Д.Б.Якубжанова, ўқув қўлланма, Тошкент -2013 й

Қўшимча адабиётлар

1. Очилов М. Муаллим қалб меъмори / Сайланма. – Тошкент: Ўқитувчи, 2000.
2. Султанова Г.А. Педагогик маҳорат / Ўқув-методик қўлланма. – Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ, 2005.
3. Холиқов А.А. Педагогик маҳорат / Ўқув қўлланма. – Тошкент: “Иқтисод-молия”, 2009.

Ўқув – услубий мажмуа ва электрон модулнинг ўхшашдиги ва тафовутлари нималардан иборат?

Ф	фикрингизни баён қилинг
С	Фикрингизни баёнига бирор сабаб кўрсатинг
М	Кўрсатилган сабабни тушунтирувчи мисол келтиринг
У	Фикрингизни умумлаштиринг

3 – илова

Ўз фанингиз доирасида бир мавзу юзасидан элестрон модуль яратинг.

4- илова

Блиц-савол

1. ўқув қўлланма ва дарсликнинг қандай ўхшаш ва фарқли жиҳатлари мавжуд?
2. дарсликка қўйиладиган талаблар ?
3. ўқув – услубий қўлланма қайси меъёрий ҳужжатлар асосида тузилади?
4. электрон модулнинг таркибий қисмларини санаб беринг.
5. ихтиёрий танланган мавзуга доир тавсия этилувчи адабиётлар рўйхатини шакллантиринг

5-илова

Мутахассислик фанингиз доирасида тайёрланган дидактик материалларни таҳлил қилинг ва яна қандай дидактик материаллар тайёрланиши лозим деб ҳисоблайсиз ?

АССИСИМЕНТ ТОПШИРИҚЛАРИ

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассисимент” лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўрганиш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз –ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассисиментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

Намуна. Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 баллгача баҳоланиши мумкин.



Тест

«баҳо»бу -

- 1) Талаба томонидан ўзлаштирилган кўникма ва малакаларнинг таълим мақсадига мос ёки мос эмаслигини аниқлаш.
- 2) Ўқитувчининг талаба ҳақида шахсий фикрининг ифодаси
- 3) Талабанинг ахлоқий нормаларга жавоб бериш даражаси
- 4) Талабаларнинг билим, малака ва кўникмаларини текшириш



Муаммоли вазият

- Дарс жараёнида эшикдан декан муовини кириб келди ва сизни зудлик билан декан хузурига чақираётганини айтди. Мавзу жуда қизиқарли. Сиз дарсни кичик гуруҳларда ўтмоқдасиз. Сизнинг хатти – ҳаракатингиз...



Тушунча таҳлили

- Педагогик назорат бу...



Қиёсий таҳлил

- Иш юритаётган муассасангиздаги баҳолаш мезонларини хорижий олий таълим муасссаларидаги баҳолаш мезонлари билан таққосланг

АМАЛИЙ ТОПШИРИҚ

Тест 1. Ўтказилиш муддатларига кўра назорат турлари- Е. Дастлабки, жорий, оралик Е. Дастлабки, жорий, оралик, якуний; Г. Жорий, оралик, якуний Н. Дастлабки, оралик, якуний; 2. Қайси натижалар асосида ўқишни тамомлаган талабаларни таълим даструнинг кейинги йилига ўтказиш ҳақида қарор чиқарилади?, Е. Якунлаш Е. Назорат Г. Саралаш Н. баҳолаш	МУАММОЛИ ВАЗИЯТ Оралик назорат ишини қабул қилаяпсиз. Талабалардан икки талабанинг жавоблари деярли бир хил. Иккисидан бири жавобларни кўчиргани аниқ. Лекин қайси бири? Бундай вазиятда қандай йўл тутасиз?
Белгилар Педагогик назоратнинг қандай турлари мавжуд? 2. Педагогик назоратнинг қандай шакллари мавжуд?	АМАЛИЙ КЎНИКМА 1. педагогнинг имиджига нималар киради? 2. педагогнинг нутқтехникаси қандай бўлиши лозим?

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

“Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетиде амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибиде қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлар:

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш	✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўллари ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини	✓ якка ва гуруҳда ишлаш;

ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш
--	---

Кейс: Лойиҳа устида ишлаш

Лойиҳаларнинг ҳар хил тури учун мавзулар келтиринг (асл нусха юзасидан). Уларни маълум ва бошқа белгилар бўйича таърифланг (алоқалар мазмуни бўйича, уларнинг давом этиши, иштирокчиларнинг сони бўйича). Албатта муаммони таърифланг, лойиҳанинг мақсади ва вазифаларини баён қилинг, кўрсатилган муаммони ҳал қилиш учун ишлатилиши тахмин қилинаётган фанлар бўйича ўқув материални кўрсатинг, шунингдек қандай қилиб лойиҳа натижалари расмийлаштирилишини ва бу қандай соҳада амалий (назарий) аҳамиятга эга эканини тушунтиринг, Ўқувчиларнинг ақлий, ахлоқий, маданий ривожлантириш қандай мақсадлар қўйилиши алоҳида кўрсатилиши лозим.

Ҳар қайси гуруҳда лойиҳага нисбатан турли ғояларни муҳокама қилинг. Лойиҳа муаммоси нимадан иборат? Лойиҳа турини аниқланг. Иштирокчиларга лойиҳа устида ишлашлари мобайнида қандай билим (қайси соҳадан) зарур бўлишини белгиланг, лойиҳа натижаларини расмийлаш-тиришнинг мақбул кўринишларини тақдим этинг.

Ўз лойиҳангиз таркибини унинг турига мувофиқ равишда тайёрлашга уриниб қурунг. Тадқиқот услублари, ахборот манбаларини аниқланг, муаммони ечиш фаразини таърифланг.

Тадқиқот, лойиҳани ҳимоя қилиш натижаларини расмийлаштириш режасини тайёрланг.

Дарсларга катнашинг ва уни асосий тавсифномалар (мақсади, тури, кўришиши, лойиҳалаштириш шакли, унинг қанчалик оммабоплиги ва нима учунлиги) даражасида таҳлил қилинг.

1. КЕЙС-СТАДИ:

ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ИЛҒОР ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ

Реал таълим амалиёти илғор педагогик технологияларни амалиётга кенг жорий этиш таълим сифатини оширишга хизмат қилишини тўлиқ тасдиқламоқда. Бироқ илғор педагогик технологияларни олий таълим жараёнига қўллаш билан боғлиқ бир қатор муаммолар ҳам кўзга яққол ташланмоқдаки, уларни эътиборга олиш ва ҳал этиш таълим сифатини оширишга хизмат қилади. Бундай долзарб муаммолар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1) олий таълимда қўллаш учун мўлжалланган интерфаол методлар таснифи ва уларнинг мазмун-моҳиятини ёритиб берувчи ўқув-услубий қўлланмаларнинг етарли эмаслиги. Гарчи республикамизда Ж.Ғ.Йўлдошев, Н.Н.Азизходжаева, Л.В.Голиш, Ў.Толипов, Н.Сайидахмедов, Б.Зиямухаммедов, М.Тожиев²⁸ каби олимлар томонидан педагогик технологияга доир қатор ўқув қўлланмалар яратилган бўлишига қарамасдан, мазкур ўқув қўлланмаларда олий таълим жараёнида қўллаш мумкин бўлган интерфаол методлар ва уларни қўллашга доир методик кўрсатмалар аниқ ўз ифодасини топмаган. Мазкур ҳолат олий таълим профессор-ўқитувчиларининг интерфаол методларни қўллашга доир маълумотлардан тўла хабардор бўлмаслигига олиб келмоқда. Олий таълим муассасаларидаги таълим жараёнини кузатиш профессор-ўқитувчилар кенг қўллайдиган интерфаол методлар жуда камчиликни ташкил этишини кўрсатади. Бундай методлар сифатида кластер, Б-Б-Б чизмаси, ақлий ҳужум, “Балиқ скелети” чизмаси, “Қандай? диаграммаси” кабиларни айтиб ўтиш мумкин;

²⁸ Азизходжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. – Т.: Чўлпон, 2005; Сайидахмедов Н.С. Янги педагогик технологиялар. – Т.: Молия, 2003; Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбикий асослари – Т.: 2006; Тожиев М., Зиёмухаммадов О. Миллий педагогик технологияни таълим-тарбия жараёнига татбиқи ва уни ёшлар интеллектуал салоҳиятини юксалтиришдаги ўрни. – Т.: MO'MTOZ SO'Z, 2010; Голиш Л.В., Файзуллаева Д.М. Педагогик технологияларни лойиҳалаштириш ва режалаштириш. – Т.: ТДИУ, 2010.

2) профессор-ўқитувчилар интерфаол методларни қўллаш қоидаларига ҳам тўлиқ риоя қилишмаяпти. Бошқача айтганда, интерфаол методлар фаннинг ўзига хос хусусияти, мавзунинг мақсад ва вазифалари, талабаларнинг ёш хусусиятлари, машғулот шакли, аудиторияда мақбул шарт-шароитнинг мавжудлиги каби жиҳатларни аниқ ҳисобга олмасдан қўлланилмоқда. Оддий бир мисол: профессор-ўқитувчилар, айниқса, ёш ўқитувчилар деярли ҳар бир машғулотда кластер методини қўллайди. Энг қизиғи, мазкур метод орқали ўқув мақсадига эришиш мумкин ёки мумкин эмаслигидан қатъий назар ундан фойдаланиш ҳолати кўп учрайди. Бундан ташқари, уч-тўрт доирани чизиш орқали тармоқлар ҳосил қилиш ҳам мумкин эмас. Мазкур метод талабаларнинг маълум бир нарса-ходиса, жараён ёки тушунчага оид фикрларини умумлаштириш, уларни тизимлаштириш мақсадида қўлланилади. Ана шу асосдан келиб чиққан ҳолда, кластер методидан ўтилган материални мустаҳкамлаш босқичидагина фойдаланиш мумкин. Юқоридаги фикрларни умумлаштириб айтганда, интерфаол методдан ноўрин фойдаланиш таълим самарадорлигини оширишга эмас, аксинчи машғулот сифатини пасайтиришга олиб келади. Демак, профессор-ўқитувчиларнинг когнитив компетентлигини оширмасдан туриб, интерфаол методларни қўллашда маълум самарадорликка эришиб бўлмайди;

3) олий таълим профессор-ўқитувчилари томонидан яратилган ва яратилаётган таълим технологиялари таҳлилидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, аксарият профессор-ўқитувчилар ўқув мақсадларини педагогик вазифаларга айлантириш, уни кутиладиган натижага мос ҳолда аниқлаш кўникмасига эга эмасдирлар. Улар томонидан ишлаб чиқилган барча машғулотларнинг технологик ишланмаларида идентив ўқув мақсадларини вазифаларга айлантириш бир хил феъл туркумидаги сўзлар (маълумот бериш, очиб бериш, ёритиб бериш, изоҳлаш кабилар)дан фойдаланилган. Яна-да, аниқроқ қилиб айтганда, аксарият профессор-ўқитувчилар таълим технологияларини тайёр намунага ўхшаш тарзда яратганлар. Мазкур ҳолат профессор-ўқитувчиларнинг Блум таксономияси ва шунга ўхшаш

таксономияларни амалиётда қўллаш кўникмаларига эга эмасликларини кўрсатади. Идентив ўқув мақсадларини ўқув вазифаларига айлантириш кўникмасига эга бўлмасдан туриб, машғулот жараёнини муваффақиятли лойиҳалашга эришиш мумкин эмас.

Профессор-ўқитувчилар томонидан яратилган таълим технологияларида ўқув мақсадини вазифаларга айлантириш, ўқув мақсадига эришиш методларини белгилашда бир хилликка йўл қўйганликларининг яна бир сабаби ўқув-услубий мажмуаларни тўплайдиган мутахассисларнинг андозадан чиқиб кетмасликни қатъий талаб қилишидир. Ҳатто айрим технологик ишланмаларнинг деярли барча мавзуларида бир ёки бир нечта методларнинг қайта-қайта такрорланиши кўзга ташланади. Профессор-ўқитувчилар айнан шу методлардан фойдаланилмаса, улар томонидан яратилган таълим технологиялари қабул қилинмаслигини ҳақидаги фикрни билдиришади. Технологик ишланмаларни яратишни бундай тарздаги талабни қўйиш ҳам технологик жараён қоида ва мезонларига зиддир;

4) олий таълим жараёнига педагогик технологияларни татбиқ этиш анъанавий ўқитиш тизимининг муқобили сифатида хизмат қилиши лозим. Чунки барча аудитория машғулотларида интерфаол методларни қўллаш имконияти мавжуд эмас. Олий таълим профессор-ўқитувчиларидан ҳар бир машғулот жараёнида интерфаол методдан фойдаланишни талаб этиш ҳам ўринли бўлмайди. Энг асосийси, технологик ёндашув асосида ўқув машғулотида кутилган натижага эришилиши лозим. Мазкур жараёнда мақсадга эришишга имкон берувчи исталган мақбул методлардан фойдаланиш мумкин. Шунингдек, айрим профессор-ўқитувчилар технологик ёндашувни нотўғри талқин этган ҳолда, маъруза машғулотларини талабаларнинг ўзлари томонидан ўтиб берилишини талаб қилишмоқда. Маъруза машғулотига нисбатан бундай ёндашув унинг самарадорлигини таъминлашга тўлиқ хизмат қилмайди. Олий таълимда ўқитишнинг асосий шакли сифатида маърузага қўйиладиган дидактик ва методик, шу жумладан маърузачига қўйиладиган талаблар мавжуд. Мазкур талабларнинг тўлиқ бажарилиши профессор-ўқитувчи (лектор) орқалигина

самарали амалга ошиши мумкин. Фақат анжуман-маъруза машғулотларини талабаларнинг маърузалари асосида ташкил этиш имконияти мавжуд ва бу соҳада республикамизда катта тажриба тўпланган. Бунда ҳам анжуман-маърузани ташкил этиш ва ўтказиш талабларига риоя қилиниши лозим.

Сиз нима деб ўйлайсиз, юқорида баён этилган ҳолатда яратилган таълим технологияларини амалиётда қўллаб самарадорликка эришиш мумкинми? Таълим технологияларини яратишда ўқитувчида қандай касбий компетентлик шаклланган бўлиши лозим? Таълимни технологизациялашда асосий эътибор нимага қаратилиши зарур? Педагогик вазифалар ва кутиладиган натижаларни аниқлаштириш қандай йўл билан амалга оширилиши мақсадга мувофиқ?

2. Ҳамдарова Мухлиса, 8 ёш.

Кузатуви бор, ҳаракатдаги жисмларни кузатади. Ам-ма, на-на каби товушларни талаффуз этади. Исмини билади. Саволларга кулиб жавоб беради. Артикуляцияни кайтаришга ҳаракат қилади. Жисмларни қўлида ушлай олади, осилиб турган ўйинчоқларни ўйнашга ҳаракат қилади. Фақат ётади. Ўз-ўзига хизмат қилиш малакаси йўқ. Муаммоли вазиятни таҳлил қилинг ва ечиш усулларни кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда аниқланг.

3. Турсунходжаева Малика, 6 ёш.

Ўйғлоқи. Айрим ҳолларда тажовузкор. Гапирмайди, «увиллайди». Кузатуви бор, унга мурожаат этилса аҳамият беради. Бир неча сония ўйинчоқларни қўлида ушлаб тура олади. Ўз-ўзига хизмат қила олмайди. Чайнайди, суюқ овқатларни яхши юта олади, ёрдам билану ўтиради. Муаммоли вазиятни таҳлил қилинг ва ечиш усулларни кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда аниқланг.

4. Қосимова Муяссар, 4 ёш.

Характери тинч. Шовқинга аҳамият беради. Исмини билади. Кузатуви қисқа вақтли. Гаплашганда кулоқ солади. Сўзлашувчига бир неча сония қараб туради. Гапирмайди, унли товушлар чикаради. Ўз-ўзига хизмат қила олмайди. Чайнамай ютади. Предметларни қўлида ушлай олмайди. Муаммоли вазиятни таҳлил қилинг ва ечиш усулларни кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда аниқланг.

5. Исмоилов Абдулло, 5 ёш.

Тажовузкор, кузатуви бор, исмига аҳамият бермайди, буйруқларни бажармайди. Предметларни қўлида ушлай олмайди, фақат тега олади. Гапирмайди, унли товушлар чикаради. Ўз-ўзига хизмат қила олмайди. Чайнади, суюқ таомни яхши ютади. Қўлига таянган ҳолда ўзи ўтира олади. Муаммоли вазиятни таҳлил қилинг ва ечиш усулларни кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда аниқланг.

6. Нурматов Рахим 15 ёш

Характери тинч. Сўзлашаётган шеригига қарайди. Исмани билади. Бир хил буйруқларни тушунади. Гапирмайди, истакларини имо-ишора орқали билдириб «увиллайди». Ўз-ўзига хизмат қила олмайди, чайнайди. Суюқ таомларни яхши ютади. Ёрдамсиз мустақил юради. Муаммоли вазиятни таҳлил қилинг ва ечиш усулларни кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда аниқланг.

7. Ниязова Диана, 14 ёш.

Характери тинч. У билан сўзлашганда жавобан кулади. Исмани билади. Гапирмайди, истакларини имо-ишора билан билдириб «увиллайди». Қисман ўз-ўзига хизмат қилиш малакасига эга: мустақил овқатланади, кийинтирганда қўлини чўзади, юз-қўлини ювади, сочиқ узатсангиз артинади.. Чайнайди, суюқ таомни яхши ютади. Мустақил юрмайди, ёрдамсиз ўтира олади. Муаммоли вазиятни таҳлил қилинг ва ечиш усулларни кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда аниқланг.

8. Илёсов Хожиакбар, 11 ёш.

Тажовузкор, кузатуви бор, исмига қарайди, буйруқларни бажармайди. Предметларни қўлида бир неча сония ушлаб тура олади. Гапирмайди, истакларини имо-ишора орқали билдириб айрим товушларни талаффуз қилади. Ўз-ўзига хизмат қилиш малакаси йўқ. Чайнайди, суюқ таомларни яхши ютади. Ёрдамсиз мустақил юра олади. Муаммоли вазиятни таҳлил қилинг ва ечиш усулларни кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда аниқланг.

9. Файзуллаева Азимахон, 5 ёш.

Барвақт болалар аутизми.

Текширув натижасида болани тажовузкорлиги, доим бақариши, нутқни йўқлиги, нигоҳини қаратмаслиги, хулқидаги стереотип ҳаракатларини қайтариши кузатилади (совун ҳидлаш). Курсатмаларни бажармайди. Ота она сўзидан: бола мустақил ейди, қаламни қўлда яхши ушлайди ва чизади. Муаммоли вазиятни таҳлил қилинг ва ечиш усулларни кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда аниқланг.

10. Лян Андрей, 13 ёш.

Барвақт болалар аутизми.

Болада қуйидагилар кузатилди: тажовузкорлик, нутқнинг йўқлиги, психик жараённинг бузилиши, кўзга тик боқмаслиги, кўрсатма ва илтимосларни бажармаслиги қайд этилди. Таниш муҳитда бўёқлар билан расм чизади, қора рангни афзал куради. Ўз-ўзига хизмат кўрсатиш малакасига эга. Муаммоли вазиятни таҳлил қилинг ва ечиш усулларни кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда аниқланг.

11. Умаров Маъруф, 8 ёш.

Посттравматик энцефалопатия, мотор афазияси, нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлигининг 1-даражаси.

Бола тажовузкор, гиперкўзғалувчан, хулқида ноадекват ҳолатлар кузатилади. Бола ўйин фаолиятида қатнашмайди, қизиқиши йўқ, қўли

бармоқлари хатти-ҳаракатларининг бузилганлиги, рангларни ажрата олмаслиги, нутқининг эхоэпиклиги (маъносиз сўзлашувчининг сўзини қайтариши) кузатилади. Кўрсатмаларни бажармайди, қаратилган нутқга ахамият бермайди. Муаммоли вазиятни таҳлил қилинг ва ечиш усулларни кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда аниқланг.

12. Омонжонов Ортиқжон, 5 ёш.

Эпилепсиянинг фармакорез ҳолати, руҳий ва нутқий ривожланишнинг сустлиги, анемия.

Мурожаат пайтидаги эпилептик тутқаноқликнинг доимий қайтариб турилиши сабаби – бола нутқи аста-секин йўқола бошлагани аниқланди.

Мулоқоти – имо-ишоралар билан. Предметли расмларни номлай олмайди, рангларни билмайди, ҳисоблаш малакаси йўқ, қўлида ручка ва қаламни ушлай олмайди. Ўз-ўзига хизмат малакасига эга эмас. Коммуникатив ва ижтимоий малакалари йўклиги намоёндыр. Муаммоли вазиятни таҳлил қилинг ва ечиш усулларни кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда аниқланг.

VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Модул доирасида мустақил таълим учун 4 соат режалаштирилган:

Дефектологлар тайёрлашнинг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларидан ДТС ва ўқув режани таҳлил қилиш. Дефектология фанларини ўқитишда ўқув ахборотини қайта ишлаш, муаммоли савол, кейс-стади топшириқлари. Дефектология фанларини ўқитишда ривожланган мамлакатлардаги илғор тажрибаларни таълим-тарбия жараёнига татбиқ этиш.

1. Дефектологлар тайёрлашнинг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларидан ДТС ва ўқув режани таҳлил қилиш.
2. Дефектология фанларини ўқитишда ўқув ахборотини қайта ишлаш, муаммоли савол, кейс-стади топшириқларини ишлаб чиқинг.
3. Дефектология фанларини ўқитишда ривожланган мамлакатлардаги илғор тажрибаларни ўрганиб қиёсий таҳлил қилинг.
4. Мутахассислик фанларини ўқитишда интерфаол методлари бўйича ишланмалар ишлаб чиқинг.
5. Мутахассислик фанларини ўқитишда педагогик назоратлар ишлаб чиқинг.
6. Ҳар бир педагог битирув лойиҳаси иши доирасида кейс-стади топшириқларини ишлаб чиқиш.

Мустақил таълим мавзулари

1. Логопедия фани доирасида “Ринолалия сабаблари, шакллари” мавзуси бўйича маъруза машғулотларини инновацион технологиялар асосида ўқитиш.
2. Логопедия фани доирасида “Дислалия сабаблари, шакллари” мавзуси бўйича маъруза машғулотларини инновацион технологиялар асосида ўқитиш.
3. Логопедия фани доирасида Ринолалия нутқ камчилиги мавзусини ўқитиш методикаси
4. Логопедия фани доирасида “Дизартрия сабаблари, шакллари” мавзусини ўқитишда интерфаол методлардан фойдаланиш технологиялари
5. Логопедия фани доирасида “Дизартрия нутқ камчилигини бартараф этиш” мавзусини ўқитишда интерфаол методлардан фойдаланиш технологиялари
6. Олигофренопедагогика фани доирасида “Ақли заиф болалар таълими жараёнида қўлланиладиган ўқитиш шакллари ва воситалари” мавзусини ўқитишда интерфаол методлардан фойдаланиш технологиялари
7. Олигофренопедагогика фани доирасида “Ақли заиф болалар таълим назарияси ва амалиётининг ўзига хос хусусиятлари” мавзусини ўқитишда интерфаол методлардан фойдаланиш технологиялари
8. Олигофренопедагогика фани доирасида “Ақли заиф болалар таълими жараёнида қўлланиладиган ўқитиш шакллари ва воситалари” мавзусини ўқитишда интерфаол методлардан фойдаланиш технологиялари
9. Олигофренопсихология фани доирасида “Ақли заиф болаларнинг психологик мослашуви” мавзусини ўқитишда интерфаол методлардан фойдаланиш технологиялари
10. Олигофренопсихология фани доирасида “Ақли заиф ўқувчиларнинг ижтимоий мослашуви” мавзусини ўқитишда интерфаол методлардан фойдаланиш технологиялари
11. Олигофренопсихология фани доирасида “Ақли заиф ўқувчиларнинг фаолият хусусиятлари” мавзусини ўқитишда интерфаол методлардан фойдаланиш технологиялари
12. Олигофренопсихология фани доирасида “Ақли заиф болалар рухиятини ўрганиш услубиятлари” мавзусини ўқитишда интерфаол методлардан фойдаланиш технологиялари
13. Сурдопедагогика фани доирасида “Эшитишида муаммоси бўлган болалар таълими жараёнида қўлланиладиган ўқитиш шакллари ва воситалари” мавзусини ўқитиш методикаси
14. Сурдопедагогика фани доирасида “Махсус мактабларда дарсларга қўйилувчи талаблар ” мавзусини ўқитишда интерфаол методлардан фойдаланиш технологиялари
15. Сурдопедагогика фани доирасида “Дарс жараёнида анъанавий ва замонавий ёндашувларнинг қўлланилиши” мавзусини ўқитишда инновацион технологиялар асосида лойиҳалаш

16. Сурдопсихология фани доирасида “Эшитишида муаммоси бўлган болалар психологиясининг ўзига хослиги ва уларни ўрганиш тамойиллари ” мавзусини ўқитишда интерфаол методлардан фойдаланиш технологиялари

17. Сурдопсихология фани доирасида “Махсус таълим муассасаларида психологик хизматни самарали ташкил этиш” мавзусини ўқитишда инновацион технологиялар асосида лойиҳалаш

18. Тифлопеддагогика фани доирасида “Кўришида муаммолари бўлган болалар таълим назарияси ва амалиётининг ўзига хос хусусиятлари” мавзусини ўқитишда инновацион технологиялар асосида лойиҳалаш

19. Тифлопеддагогика фани доирасида “Кўришида муаммолари бўлган болалар таълими жараёнида қўлланиладиган ўқитиш шакллари ва воситалари” мавзусини ўқитишда интерфаол методлардан фойдаланиш технологиялари

20. Тифлопедагогика фани доирасида “Махсус мактабларда дарс ва машғулотларни ташкил этиш ва уларни таҳлил қилиш” мавзусини ўқитиш методикаси

VII. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
АБИЛИТАЦИЯ	бола ёки катта кишида ривожланишдан кескин равишда орқада қолган ёки мавжуд бўлмаган рухий ва жисмоний функцияларни, кўникмаларни ривожлантириш ҳамда шакллантириш	HABILITATION - services that help a person learn, keep, or improve skills and functional abilities that they may not be developing normally.
АССИСТИВ ТЕХНОЛОГИЯ	АКТ дан фойдаланган ҳолда ногиронлиги бўлган кишиларнинг функционал имкониятларини яхшилайти ёки юқорига кўтарати, бу ўз навбатида, унинг имкониятларидан реабилитация жараёнида чексиз равишда фойдаланиш имкониятини беради: кўришида муаммоси бўлган кишилар учун ўқув дастури; масофадан ўқитиш ёки бандлик ва бошқалар.	ASSISTIVE TECHNOLOGY - Any item, piece of equipment or product system, whether acquired commercially off the shelf, modified, or customized, that is used to increase, maintain, or improve the functional capabilities of children with disabilities.
ЖАМОА БАЗАСИДАГИ РЕАБИЛИТАЦИЯ	Жамоада яшаётган ногиронлиги бўлган бола ёки катта кишининг эҳтиёжларини қондиришга асосланган яхлитлик ёндошуви: шахсий, ижтимоий, таълим, меҳнат, бўш вақтини ўтказишдаги эҳтиёжларига қаратилади, тор доирадаги тиббиёт ёки махсус ёрдамга таяниб қолмайди. Эҳтиёжлар, биринчи навбатда, ногиронлиги бўлган кишининг ўзи томонидан ёки боланинг ота-онаси билан биргаликда аниқланади. Эҳтиёжларни қондирувчи ресурслар жамоанинг ичидан қидирилиб, кўнгиллилар иштирокида кенг доирада амалга оширилади. Фақат зарурият туғилганида (мураккаб тиббиёт аралашуви, ортопедик протезларни ёки	COMMUNITY BASED REHABILITATION (CBR) – is a strategy within community development for the rehabilitation, equalization of opportunities and social integration of all people with disabilities. CBR is implemented through the combined efforts of disabled people themselves, their families and communities, and the appropriate health, education, vocational and social services. This approach to CBR is multi-sectoral and includes all governmental and non-governmental services that provide assistance to communities. Many of the services which can provide opportunities for and assistance to people with disabilities are not traditionally considered relevant to CBR programmes and people with disabilities. Examples include community development organizations, agricultural extension services, and water and

	реабилитация учун бошқа техник воситаларни олишда) туман, вилоят ёки республика даражасидаги муассасаларга мурожаат этиш учун йўлланма бериш мумкин.	sanitation programmes.
ИНДИВИДУАЛ ТАЪЛИМ РЕЖАСИ	Индивидуал таълим дастури боланинг имконияти ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда мутахассислар командаси билан ишлаб чиқилади (умумтаълим мактаб педагоглари, махсус, ижтимоий ишчи, психолог, ота-оналар) ИТРнинг асосий мақсади бола ривожланиши ва таълим олиши учун оптимал шароитларни яратишдир. ИТРнинг мазмуни бошқа болалар ўтаётган дастурдан озгина фарқ қилиши мумкин, лекин бошқа болалар ўрганаётган предметлар асосида ишлаб чиқилади. ИТР аниқ мақсад ва вазифалар, муддати, қўлланиладиган усуллар ва баҳолаш тизимига эга. Бола умумтаълим стандартлари асосида дастурларни ўзлаштира олмаган ҳолатда унга маълумотнома ёки махсус шаклдаги гувоҳнома берилади.	INDIVIDUAL EDUCATIONAL PLAN - is a document that is developed for each public school child who is eligible for special education. The IEP is created through a team effort reviewed periodically. An IEP defines the individualized objectives of a child who has been found with a disability, as defined by federal regulations. The IEP is intended to help children reach educational goals more easily than they otherwise would. ^[2] In all cases the IEP must be tailored to the individual student's needs as identified by the IEP evaluation process, and must especially help teachers and related service providers (such as paraprofessional educators) understand the student's disability and how the disability affects the learning process.
ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ	Болаларнинг психофизиологик ёки маданий ўзига хослигидан қатъи назар умумий синфда ўқитиш. Бунда ўқитувчи эмас, балки таълим тизими бола эҳтиёжларидан келиб чиқиб шароит яратади. Бу жараёнда индивидуал ривожланиш режасидан фойдаланиш мумкин.	INCLUSIVE EDUCATION - as once described as an approach where in students with special educational needs spend most or all of their time with non-disabled students. Now it is crucial that all policy makers, school boards, administrators, guidance counsellors, teachers, parents and students ensure inclusive practice in all aspects of educational environments.
НОГИРОНЛИКНИНГ ТИББИЙ МОДЕЛИ	Жисмоний имконияти чекланган кишилар жамиятда дуч келиши мумкин бўлган ижтимоий салбий тўсиқларни инкор	MEDICAL MODEL OF DISABILITY - is a medical model by which illness or disability , being the result of a physical condition

	этмайди, лекин ижтимоий жамиятдан ажралиш сабабини жисмоний чекланганликда, деб қарайди. Муаммо фақат тиббиёт нуктаи назаридан қаралганлиги сабабли улар фақат реабилитация ва даволаш орқали ҳал этилади: баъзи бир ҳолатларда эса кишини институционал муассасаларга жойлаштириш билан жамиятдан ажратилади. Бу каби ишлар ногиронлиги бўлган кишиларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг махсус парвариш олишлари ёки соғлигини тиклаш мақсадида амалга оширилади.	intrinsic to the individual (it is part of that individual's own body), may reduce the individual's quality of life, and cause clear disadvantages to the individual. The medical model tends to believe that curing or at least managing illness or disability mostly or completely revolves around identifying the illness or disability from an in-depth clinical perspective (in the sense of the scientific understanding undertaken by trained healthcare providers), understanding it, and learning to control and/or alter its course. By extension, the medical model also believes that a "compassionate" or just society invests resources in health care and related services in an attempt to cure disabilities <i>medically</i>, to expand functionality and/or improve functioning, and to allow disabled persons a more "normal" life. The medical profession's responsibility and potential in this area is seen as central.
ОККУПАЦИОНАЛ ТЕРАПИЯ	Техник воситалардан фойдаланган ҳолда ногиронлиги бўлган кишиларда ҳаётини керакли кўникмаларни шакллантириш ва уларни фаоллаштириш.	OCCUPATIONAL THERAPY - treatment that helps people who have physical or mental problems learn to do the activities of daily life. It's based on engagement in meaningful activities of daily life (as self-care skills, education, work, or social interaction) especially to enable or encourage participation in such activities despite impairments or limitations in physical or mental functioning.

РЕАБИЛИТАЦИЯ	Беморлик, бахтсиз ходиса ёки бошқа сабаблар оқибатида йўқотилган рухий ёки жисмоний функциялар, кўникмаларни тиклаш.	REHAVILITATION - is a treatment or treatments designed to facilitate the process of recovery from injury, illness, or disease to as normal a condition as possible.
НОГИРОНЛИКНИНГ ИЖТИМОЙ МОДЕЛИ	Кенг миқёсда ногиронлиги бўлган кишилар дуч келадиган иқтисодий ва маданий, шунингдек, атроф-муҳитдаги тўсиқларга диққат-эътиборини қаратади. Ногиронликка эга бўлган кишиларни жамиятнинг тўлақонли аъзоси бўлиб яшашига тўсиқ бўлувчи ҳолатларни бартараф этишга қаратилган. Ушбу моделга асосан ногиронликка эга бўлган кишиларнинг жамиятдаги ҳолати ва ҳуқуқларининг бузилиши жамият томонидан сунъий равишда яратилган бўлиб, уларнинг ногиронлар эга бўлган бузилишларга алоқаси йўқдир.	SOCIAL MODEL OF DISABILITY - is a reaction to the dominant medical model of disability which in itself is a functional analysis of the body as machine to be fixed in order to conform with normative values.[1] The social model of disability identifies systemic barriers, negative attitudes and exclusion by society (purposely or inadvertently) that mean society is the main contributory factor in disabling people. While physical, sensory, intellectual, or psychological variations may cause individual functional limitation or impairments, these do not have to lead to disability unless society fails to take account of and include people regardless of their individual differences.
ИЛК АРАЛАШУВ	Бола ногиронлик билан бола туғилганидан сўнг бола ва унинг оиласига дарҳол ёки вақтли комплекс, яъни психологик, педагогик, ижтимоий ёрдам кўрсатиш. Турли мутахассислар командаси томонидан болага ривожланишдан орқада қолганида ёки бошқа муаммолари бўлганида уларни бартараф этиш ёки энг кам даражага тушириш учун ёрдам кўрсатилади (педагог, махсус педагог, логопед, ижтимоий ишчи, психолог, жисмоний терапевт, ота-она ва бошқалар).	EARLY INTERVENTION - is a support and educational system for very young children (aged birth to six years) who have been victims of, or who are at high risk for child abuse and/or neglect. Some states and regions have chosen to focus these services on children with developmental disabilities or delays, but Early Childhood Intervention is not limited to children with these disabilities. The mission of Early Childhood Intervention is to assure that families who have at-risk children in this age range receive resources and supports that assist

		them in maximizing their child's physical, cognitive, and social/emotional development while respecting the diversity of families and communities.
ДЕИНСТИТУСИАЛИЗАЦИЯ	– бу: 1) одамларни охирги ҳожат бўлмаганда стационарларга жойлаштириш ва сақлашдан қойишга интилиш; 2) стационарда тутиб туриш зарурияти бўлмаган шахсларни жойлаштириш, даволаш, реабилитация қилиш учун муносиб мақбул вариантларни ташкил этиш; 3) аввал стационарда жойлаштириш қарори қабул қилинганларнинг яшаш жойларидаги парвариш ва даволаш шароитини яхшилаш.	DEINSTITUTIONALIZATION - is the process of replacing long-stay psychiatric hospitals with less isolated community mental health services for those diagnosed with a mental disorder or developmental disability . Deinstitutionalisation works in two ways: the first focuses on reducing the population size of mental institutions by releasing patients, shortening stays, and reducing both admissions and readmission rates; the second focuses on reforming mental hospitals' institutional processes so as to reduce or eliminate reinforcement of dependency, hopelessness, learned helplessness, and other maladaptive behaviours.
ИНТЕРНАТ МУАССАСАЛАРИ	Кексалар ва ногиронларга ижтимоий хизматлар кўрсатадиган ногиронлар учун «Мурувват» интернат-уйлари, кексалар ва ногиронлар учун «Саховат» интернат-уйлари, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионати.	RESIDENTIAL INSTITUTIONS - broadly defined, is a pre-college education provided in an environment where students both live and learn outside their family homes. Varied forms of residential education have been in existence in the United States since before the nation's founding. Some typical forms of residential education include boarding schools, preparatory schools, orphanages, children and youth villages, residential academies, military schools and, most recently, residential charter schools.
НОВЕРБАЛ МУЛОҚОТ	Тана ҳолати, ишоралар, юз ифодаси, овози оҳанги, кўз алоқаси, муносабатлардаги	NONVERBAL COMMUNICATION - is the process of sending and

	масофа, атроф омиллари ва шароитлари, аниқлик, ишонччилик кабиларни ўз ичига олувчи нутқсиз мулоқот. Новербал мулоқот сезги, эмоция ва муносабатларни етказди. У вербал мулоқотдан кўра кўпроқ натижа бериши мумкин ва кўпинча мижоз нималарни ҳис қилаётганлигини яхшироқ кўрсатиб беради.	receiving messages without using words, either spoken or written. Similar to the way that italicizing emphasizes written language, nonverbal behavior may emphasize parts of a verbal message.
ИЖТИМОЙ ЁРДАМ	Ногиронларга бериладиган нафақалар ва бошқа тўловлар, имтиёзлар, натура тарзидаги ёрдам (озиқ-овқат маҳсулотлари, кундалик эҳтиёж гигиена товарлари, реабилитациянинг техник воситалари ва бошқалар). Ижтимоий иш жараёни биринчи навбатда баҳолаш жараёни ўтказилишини тақозо этади. Баҳолаш жараёни бир неча босқичлардан иборат бўлиб, улар қисман вақт жиҳатидан бир- вақтнинг ўзида амалга оширилиши мумкин: маълумотлар олиш; далил ва ҳис-туйғулар таҳлили; айна вазиятга нисбатан бола ва оила қарашларидан кўра салоҳиятли мутахассис томонидан вазият идрок этилишидаги фарқни англаш; бўлиб ўтаётганларни (имконият бўлганда оила иштирокида) тушунишга эришиш, оиладаги муаммолар, уларнинг кучли томонлари, мазкур омилларнинг болага таъсирини аниқлаш; бола эҳтиёжлари ҳамда ҳаракатлар режасини шакллантиришда асос сифатида хизмат қилувчи ота-оналик салоҳияти кабиларнинг таҳлилини қилиш.	SOCIAL ASSISTANCE - consists of help towards towards living expenses or for special circumstances in life. Those receiving help towards living expenses or under special circumstances in life are in an emergency situation, assuming that no other persons, social service systems or other institutions are in a position to provide services or adequate help. Social assistance is intended to ensure recipients an existence with human dignity and if possible enable them to live independent of this help in the future. Help towards living expenses, covering the necessities of daily life, is in most cases calculated in terms of fixed service rates (standard rates). Special emergencies are eliminated by help under special circumstances in life (among others by integration assistance for the disabled, sickness assistance, assistance in building up or securing life's fundamentals and assistance in overcoming particular social difficulties).

	Тўғридан-тўғри амалиёт – алоҳида шахсларга, гуруҳ, оилаларга ўзида терапия, маслаҳат бериш, таълимини ошириш каби вазифаларни акс эттирган ҳамда миждозларнинг ўзида ўз муаммоларини ҳал қила олиш салоҳияти даражасини оширишга қаратилган, уларнинг ҳаёти фаровонлигини яхшилаш, асосий инсоний эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган жараёндир.	
ИЖТИМОЙ ХИЗМАТЛАР	Кексалар ва ногиронлар ҳаёти сифатини оширишга, уларга жамият ҳаётида қатнашиш учун бошқа фуқароларга тенг бўлган имкониятлар яратишга ва(ёки) ўзининг базавий ҳаётий эҳтиёжларини мустақил равишда таъминлаш имкониятларини кенгайтиришга йўналтирилган чоратadbирлар ва хатти-ҳаракатлар комплекси.	SOCIAL SERVICES - are a range of public services provided by governmental or private organizations. These public services aim to create more effective organizations, build stronger communities, and promote equity and opportunity. Social services include the benefits and facilities such as education, food subsidies, health care, job training and subsidized housing, adoption, community management, policy research, and lobbying
ИЖТИМОЙ СТЕРЕОТИП	(грек. стереос – қаттиқ ва тйпос – из) – ижтимоий объектнинг (гуруҳ, инсон, воқеалар, вазиятлар ва ш.к.) нисбатан барқарор ва соддалаштирилган образи бўлиб, у маълумотларнинг етишмаслиги асосида ҳосил бўлади. Одатда бу индивиднинг шахсий тажрибасининг умумлаштирилиши, баъзида эса жамиятда мавжуд бўлган баъзи қарашларнинг оқибати сифатида ҳам намоён бўлади. “Ижтимоий стереотип” тушунчаси дастлаб америкалик журналист	SOCIAL STEREOTYPE - are qualities assigned to groups of people related to their race, nationality and sexual orientation, to name a few. Because they generalize groups of people in manners that lead to discrimination and ignore the diversity within groups, stereotypes should be avoided.

	У.Липтон томонидан қўлланилган.	
ЭКОЛОГИК ЁНДАШУВ	Ижтимоий ишга татбиқ этилганида экологик ёндашувда асосий эътибор “шахсининг атроқ муҳитга” муносабати ва одамлар ҳамда атроф-муҳит ўртасидаги ўзаро ҳаракати даражасига қаратилади. Бу ёндашувда бошқалардан кўпроқ эътибор бир томондан инсоннинг ҳуқуқлари, эҳтиёжлари, имкониятлари ва мақсадларига мувофиқлигига ва бошқа томондан, муайян вақт оралиғида аниқ маданият ёки субмаданиятга татбиқан атроф муҳитнинг сифати ҳамда хусусиятларига жалб қилинади.	ECOLOGIC APPROACH - offers a comprehensive theoretical base that social practitioners can draw upon for effective social treatment. The critical concepts of the ecological approach are presented. It is suggested that the ecological perspective can be a useful treatment strategy for improving the social functioning of the client system.

VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари:

1. И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
2. И.А.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз, 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
3. И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият”. – Т.: 2008.-176 б.
4. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. -Т.: “Ўзбекистон”. –Т.: 2011.-440 б.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон Қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

Махсус адабиётлар

1. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари – Т.: 2006 й. 163 б.
2. Чичерина Я., Нуркельдиева Д., Бондарева Е. Мутахассислик фанларни ўқитиш методикаси. Т.: “Fan va texnologiyalar, 2013й
3. Пўлатова П. ва бошқалар. Махсус педагогика. -Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2014 й.
4. М.Ю. Аюпова Логapedия –Т.: “Файласуфлар миллий жамияти” 2011й. 2-нашр. 560б.
5. Мўминова Л.Р. ва бошқалар. Махсус психология. -Т.: “Ношир”, 2013 й.
6. A Handbook for Teaching and Learning in Higher Education, published 2009by Routledge 270 Madison Ave, New York.

1. Интернет ресурслар

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти: www.press-service.uz
3. Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳокимияти портали: www.gov.uz
4. Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari izohli lug'ati, 2004, UNDP DDI: Programme www.lugat.uz, www.glossaiy.uz
5. Ўзбек интернет ресурсларининг каталоги: www.uz
6. Infocom.uz электрон журнали: www.infocom.uz
7. <http://www.bank.uz/uz/publislVdoc/>
8. www.press-uz.info
9. <http://www.uforum.uz/>
10. Axborot resurs markazi <http://www.assc.uz/>
11. <http://www.xabar.uz>
12. www.ziyonet.uz
13. www.edu.uz
14. www.pedagog.uz
15. www.tdpu.uz